

Адабий-бадиий, изыкимоий-кублициских эрурнал

№ 3(130)

2008 йил, март

1997 йил июндан чиқа бошлаган

Муассислар:		
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ	ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ	РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
	мундариж	Κ Α
П	ІЕЪРИЯТ МИНТАҚ	АЛАРИ
Андрей ВОЗНЕСЕНСКИ Жалолиддин РУМИЙ. Fa 3	Й. Сен — бахт тарона аллар	си, мен — ғам оҳанги3 73
	HACP	
Даниэла СТИЛ. Саёхат. Чжан ЖУН. Ёввойи оққу	Роман шлар. Қисса	
	ИНСОН ВА ТАБИ	AT
Пиримқул ҚОДИРОВ. Б ұ	142	
	НОБЕЛ МАЪРУЗАЛ	АРИ
		иги.
	АДАБИЙ ТАНҚИ	Д
У.НОРМАТОВ, Ҳ.БОЛТА	АБОЕВ. Янги назарий	тамойиллар. 154
	КИТОБЛАР ОЛАМ	ИДА
Н.РАХИМЖОНОВ, О.АБ	ДУЛЛАЕВ. Аср гулда	стаси164
САРГУЗА	ашт. детектив. Ф	РАНТАСТИКА
Чарльз ВИЛЬЯМС. Ажал	нафаси. Роман	168
-	ТОШКЕНТ МАРТ	

Бош муҳаррир ўринбосари: Мирпўлат МИРЗО

Тахрир ҳайъати:

Файзи ШОХИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортикбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Азиз САИД
Гулчехра МУХАММАДЖОН

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОХИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Минхожиддин МИРЗО
Абдурахим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРПИЕВ
Гайрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Навбатчи муҳаррир Г.МУҳАММАДЁРОВА Рассом А.БОБРОВ Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жахон адабиёти, 3. 2008.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172 Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қÿлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кучириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Тахририят манзили: 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 28.03.2008 й. Бичими 70х108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0. Жами 1800 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

"Жаҳон адабиёти" журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Fафур Fулом номидаги НМИУда чоп этилди. 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2008 й.

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ

Сен – бахт таронаси, мен – гам оханги

* * *

Сен яна нимани истайсан мендан? Истигнонг беадок, қовогинг уюк. Мен — хасрат оханги, сен — қувонч куйи. Такдирим бир умр айроми сендан?

Номинг-ла қитъалар ифорланди шан — Титратди дунёни шеърим жаранги! Сен — бахт таронаси, мен — гам оханги. Сен яна нимани истайсан мендан?

"Фариштам" дединг сен — покландим чиндан, "Дадил бўлгин" дединг — кучга тўлдим мен. Дединг: "Биринчи бўл" — дахо бўлдим мен, сен яна нимани истайсан мендан?

Онт ичдим — фидоман то энг сўнгги дам, умрим сўқмоқларин сен кўмдинг қорга. Шўх-шан садо эдим, эврилдим зорга, сен яна нимани истайсан мендан?

Қабрда ҳам сени алқарман ҳаргиз: "Кўшилсин тупроққа менинг бу жисмим. Сен — самовий оханг, мен — наво мискин, майли, замин узра хиром эт менсиз".

Мирпўлат МИРЗО таржималари

Андрей Вознесенский 1933 йили Москва шахрида туғилган. Отаси таниқли мухандис бўлган.

Шоир ўкувчилик пайтида ёзган шеърларини машхур шоир Борис Пастернакка кўрсатушга журъат этади ва унинг сами-

ва унинг сами-мий эътиборига сазовор булади. Шоир ўтган асрнинг 60-йилларида чоп этилган "Мозаика" ва "Парабола" шеърий тупламлари билан кенг адабий жа-моатчиликка манзур булади. "Аксилдунёлар", "Ахиллес юра-ги", "Учбурчакли нок" каби тупламлари шеърият мухлислари орасида катта шухрат қозонди. А.Вознесенский сафдошлари Е.Евтушенко, Б.Ахмадулина,

P. Рождественскийлар билан биргаликда шўровий сиёсат юкидан қадди дол булган шеъриятни инсоний дардларни куйлайдиган мардона поэзия юксаклигига кўтаришда улкан хизмат қилди.

А.Вознесенский шеър ва достонлар яратиш билангина чекланиб қолмай, насрда ҳам, хусусан, бадиа ва адабиётшуносликда баракали қалам тебратмокда. У ўзининг бетакрор шеърий овози билан бугунги кунда дунё-

даги энг машхур шоирлардан бири хисобланади.

Шу замон кўриндинг рўй-рост, дафъатан, қилдинг теваракка ҳорғин наззора. Ва дединг: "Севаман. Бошқа йўқ чорам. Сен яна нимани истайсан мендан?"

* * *

Бу онни ёдда тут. Наъматакни ҳам. Хотиранг мулкида нурли бир парча. Мен сен-чун шоирман ва мангу жазман. Бошҳа — ҳеч нарса.

Эсла бу лаҳзани токи умринг бор, орадан минг йиллар ҳатто кечарса. Кифтинг тирнар шунда наъматак такрор... Бошҳа — ҳеч нарса.

ТУШ

Биз қайта кўришдик. Киприкда намлар, ҳижрон изимизга термилди зор-зор. Ва биз ишқ-севгидан ичдик қасамлар, бирок танимадинг сен мени зинхор.

Остонангга таклиф этдинг бехадик, пойимда айланиб-ўргилдинг минг бор. Бизлар бирга-бирга узок яшадик, бирок танимадинг сен мени зинхор!

Касалхона шанбалик қилар, ҳамширалар ҳовлида ғужғон. Эманларнинг шохига илар оқ бинтларни қизлар шўх-хандон.

* * *

Тарқаб кетар уларнинг бари! Эманларнинг тушида аммо — ҳамон йоднинг аччиқ ифори ва турфа ноз, турфа таманно.

михайловск осмонидаги юлдуз

Шоир бурмас тубанликка юз, мукофот деб ёнмас у тақир. Самоларда чақнаган юлдуз Тақинчоққа мухтожмас, ахир.

Тош-ла уриб бўлмас юлдузни, ололмайди унвон нишонга. Доим хоксор туяди ўзни пешвоз чиқиб у шухрат-шонга.

Муҳим эмас на кулфат, на бахт, юксак руҳ ҳеч кўрмайди зарар. Аммо завол топгусидир тахт, шоир ундан юз бурса агар.

КИССА

"Хайр" демоқ учун киприк қоқмайсан, изимдан чиқасан илк саҳар пайти. Сен мени ҳеч қачон унутолмайсан. Мен сени ҳеч қачон кўрмайман ҳайтиб.

Мунгли нигоҳингдан кўзим олмайман: "Оҳ, худойим! — дейман зоримни айтиб. — Мен сени ҳеч ҳачон унутолмайман. Сен мени ҳеч ҳачон кўрмайсан ҳайтиб".

Зангори сувларни — сирли мавжланган, сайр қилганимиз — кўрфазни дайдиб мен энди ҳеч қачон унутолмайман, мен энди ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Fамгин шабадада титрайди бесас, умидсиз қарағай кўзин қорайтиб. Қайтмоқлик — яхшилик аломатимас, мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Қайта яшамоқлик насиб этса гар, таъкид айлагандек Ҳофизнинг байти — бизни кутгай яна фироқ муқаррар, мен сени ҳеч ҳачон кўрмайман ҳайтиб.

Айро дилларимиз низоси мубҳам қиёс айлаганда бамисли учқун — ҳажр оташи-ла — кўринган уфқда фано даштидаги икки қалб учун.

Юксак фалакларга бир вола билан ўрлар гирён юрак видоси — қайди: "Мен сени ҳеч қачон унутолмайман. Мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб".

САМБИТ

Қишлоқ эпкинлари суқулиб аён, мудрок бозорларда кўтарар сурон!

Самбит шохчалари бахорга пешкаш – уй турин забт этар яшил суронкаш!

Бодринг пўсти тарар кўклам ифорин, бамисли муз дарзи— мовий узори.

Аёллар қалбида ниш урар эртак, кирар тушларига қишлоқи эркак...

Самбит куртаклари ёққан туғён бу. Учинчи қисмда ушалар орзу...

Фильм икки қисмли бўлса, нетгаймиз? Тошкент настаринин харид этгаймиз.

Унутаман сенинг қошингда ғамни, ҳар бир ҳаракатда зуккосан чунон. Бармоғингга туфлаб ўчирдинг шамни, ҳудди капалакни тутганингсимон.

Экология борасидаги мунозарада айтилган

ЛУКМА

Қара, қахр неларда зухур, солмоқ бўлар юракларга из — биз, бандалар, худога шукур, улар барин илғай олмаймиз.

Қара, маъсум юзларида нур бўтакўзлар сафланар тигиз— биз, бандалар, худога шукур, улар барин топтай олмаймиз.

Шоир бўлмагин сен, бироқ бу шуур қўзғайди қалбингда исён муқаррар, тушун, қандоқ чидаш мумкин даста нур эшикка қисилиб ингранса агар!

Дов-дарахтлар қаршилаб тонгни, шуълалардан товланади соз, бамисоли патқалам янглиғ — қўлга ол-у, ёз!

Салбчилар-ла бўлсайдим агар, черков русмин адо этгани —

олиб ўтар эдим ҳар сафар мен қўлимда бўм-бўш рамкани.

Кўзлардан ёш оқар тинмайин, ки бўш ромда бўлар инкишоф — дам муқаддас сиймтан қайин, дам дарёнинг манзараси соф.

Тонгда ишга шошиб бораркан, чиқиб висол тунидан аёл — зарҳал ромга тушар дафъатан... Кўрса ўзи қолар эди лол.

Чап томонга кўча ўнг ёни кўринади бетимсол бўлиб. Зарҳал рамка ичра боҳҳани йиглагайдир унга термулиб.

ҚЎШИҚ

Тинглар сангдил аср ҳам... Юракдан теран жўшиб, ўзга фикрли одам куйлар ажиб бир қўшиқ.

Ултирар у роялга кўр машшоқ каби моҳир, куй бахш этар ҳаётга бармоқлари-ла соҳир.

Куйлар у қишлоқларни — сувлар остида қолган ва маҳв бўлган боғларни — одамлар қирон солган.

Қушиқда — мажхул замон, зорлар бордир очундан; туяр кимки бағри қон илохий таскин ундан.

Ўзга фикрли одам ҳеч нарсани тузатмас. Лекин тинглаб тошлар ҳам, энтикиб олар нафас.

ХАЛОСКОР

Уча-уча ҳолдан тойганда бирам, қучганда юракни таҳлика коми, бизни ҳабул ҳилди бир ваҳт мажбуран бошҳа бир шаҳарнинг аэродроми.

Ишорачи замин устида — тунги, қайга қўнмоқликка ундаб пешма-пеш, ўхшарди чормихдан чиққанга худди, қўлларин силкир ва учолмасди хеч.

Қора соябонлар таққан эркаклар, қамраб миянгизни не бир тушунча — тун ичра биқиниб борасиз бунча, қайга элтар сизни қора елканлар?

Сизнинг омадингиз — ёшлик йиллари бошингиз устидан ўтди кўндаланг — велосипедидек маҳдуднинг — башанг, мисли соябонингизнинг симлари.

ТУШ

Борардим мен Обь бўйлаб маҳзун, кўкда ўрдак эди ҳамроҳим. Чалинарди қулоғимга ун — қишлоҳларнинг фигони-оҳи.

Улкан дарё ғамгин оқарди ва борлиқнинг кўзини ёшлаб XX аср борарди, қадамида ўрнатиб хочлар.

Қишлоқлару овуллар бирдек яшардилар кулфатдан қўрқиб — бамисоли ёвуз қонхўрдек қонин сўрар сахролар сўқир.

Зорланади балиқ шу они: "Болаларим, майли, ола қол, ўлдирмагин фақат дарёни, қолдир ундан томчилар зилол".

Қайинзорлар оралаб юрдим, маълул боқдим ҳар бир дарахтга — шаҳидларни отишдан олдин туширишган каби суратга.

Ўрмонлари кўҳликдир Руснинг, аёзларнинг заҳрини тотган. Термилдилар улар бамисли инсонлардек — отилаётган.

Турар эди чўнг эман бесас, шафақларга видосин айтиб.

Уни хеч бир рассом чизолмас, уни хеч ким кўрмайди қайтиб.

"Кўзингни оч, эй қотил одам!" — Таралади тирик жон саси. Бироқ ўтмай бир дақиқа ҳам портлаб кетар булар ҳаммаси.

"Кўзларингни оч ва олгин тин, тазарру қил, ҳали эмас кеч. Табиатнинг эзгу даҳосин топтадинг сен тўхтамайин ҳеч".

Бироқ сени кўрмадим рўй-рост бу заққумли кенгликлар аро. Ва ўзимнинг кўнглим учун мос маконни ҳам топмадим асло.

Англадимки, кулфат басма-бас ер юзида тизилар энди. Бундан буён тириклик абас, Вақт тори узилар энди.

Ингранади яйдоқ замин — мўрт, фарёд солар оламга қайғу: "Эй, одамча, эй юҳо манқурт, Сайёрани еб битирдинг-ку!.."

НЕГА...

Нега икки шоир — севги куйчиси бир-бирига мудом қазган каби чоҳ, қаҳрли боқишар, ўзгармай туси? Мисралар дўстлашар, одамлар — эвоҳ...

Нега икки давлат — икки улуғ халқ бир-бирин йўқ қилмоқ қасдида ногох — нуқул ўйлар сурар бадниятли, талх? Одамлар дўстлашар, давлатлар — эвох...

Икки улуг давлат — икки улкан кафт бир-бирин алқамоқ ўрнига, қаранг, дилгир Сайёрамиз бошин чангаллаб, кулфат ёқасида турар ҳоли танг!

ДЎСТИМГА

Бир-биримиз сари йўл қазардик биз. Интиларди менга дўстим тинимсиз.

Бироқ кўришмадик етганда фурсат. Муҳаббат оздирди йўлдан ё шуҳрат.

Тепамиздан ўтар поездлар тинмай. Биз тош ушатамиз чарчашни билмай.

Аслида йўлимиз эмасдир йироқ. Бошқа-бошқа томон тушгандир бирок!...

Улар очилсами — ялтирар нурда Чўкич ушлаб олган иккита мурда.

БОШЛАНГ ҚАЙТА БОШДАН!

Кўрқманг, маломатлар айласа зада, инсон яралгандир метин бардошдан — Кеч эмас ҳеч ҳачон, ҳеч бир лаҳзада, бошланг, ҳайта бошдан!

Урса соатингиз "ўн икки" га занг, тонгни кутинг очиқ қучоқ билан. Йўлда поездингиз судралса аранг, учинг учоқ билан!

Кириб бораркансиз уммон қаърига, муздек тўлқинларда бўлинг сиз бардам, — ўзингизни худди мозий багрига улоқтирилгандек ҳис этсангиз ҳам!

Сиздан ҳарф таниди кўплар беминнат, лекин зеҳни пастлар ҳеч ўзгарарми?! Ўзгарта олмайсиз уларни минбаъд — изланг ўзгаларни!

Анчар дарахтини Пушкин мабодо заҳарли эмас деб билсайди ростдан, йиртиб ташларди шоҳ тўртлигини ва бошларди бошдан!

Бошланг номсизликдан, пулсизликдан нақ, токи ҳавасларда ёнсин, гангисин кечмиш ҳаётингиз — ғурбатли, ҳашшоҳ — бошланг янгисин.

Аввалгиси сизга дўст қолур зотан. Баҳслашманг. Бегона эмасдир мутлоқ. Буткул рад айламак эмас инсофдан, бироқ

севгингизнинг ҳаққи — зинҳор шафқатни қизғанманг ўтмишдан, ки бўлмасин хор — отиб ташлашгандек йиқилган отни отиб ташланг. Уни алдаманг бекор.

ХАЛОСКОРЛИК КИССАСИ

(Х. Нишнианидзе охангида)

Океан устидаги авиаҳалокат пайтида тбилисилик профессор Жордания ўзининг қутқарув камзулини камзул етмай қолган хорижлик қизалоққа берди. Узи эса ҳалок бўлди.

I

Чўкиб борар «Боинг» уммон устида

ўлик кит мисол,

самолётни чирмаб олмиш аланга —

аянчли бир хол.

Кутқарув камзулин тақади ҳамма —

ичдан кетиб зил,

фақат бир чиптасиз қизалоқ учун

етмади камзул.

Одамлар ўзини урар эшикка —

чинқирар ҳар жон,

бироқ

кимдир

ечиб камзулин тутар

қизчага шу он.

Кизалок, эслаб кол у инсонни сен —

ўзини енга,

сўнгги нафасини камзулга жойлаб

узатди сенга!

Стюардессага сўнг кўзин учирди:

«Тутгайсиз маъзур,

хар кимнинг ўз диди — менга сира хам

ярашмас камзул».

Сўнг қизни чиқариб тирбанд эшикдан,

деди: «Бўл бардам!»

қутқарув халқасин гулчамбар каби отди

ортидан...

H

Сўнмаганди унинг теран қалбида

эртаклар сира,

Цотна ва Автандил хикматлари хам

юраги ичра.

Уни улгайтганди хур қушиқларда

товланган сехр,

уни улғайтганди қушларга — шафқат,

гўдакка — мехр.

Гуржи болалари олтин қирлардан

туюб зўр фахр,

найнинг сасларига фаришталардек

ракс тушмас, ахир.

Ш

Сиз қизисиз, ахир, буюк бир халқнинг. Сизга нима бўлди бугун?

Қани у мафтункор қудрат?

Балки толиққандан

«мустанг» рулида борасиз мудраб?

Сиз қизисиз, ахир, буюк бир халқнинг. Бироқ билиб қуйинг, ғуссанок хоним,

шу ер юзида —

Колхида деган бир мўъжаз юрт бордир

ва у ўзида

валломатлар қавмин эта олган жам.

Бинобарин сиз

улгайдингиз -

она бўлдингиз хамда

шу ҳаётингиз

гуржи кўкрагидан

чиққан нафас-ла

этмокда давом.

Машинангиз учиб борар еллардек

довонма-довон.

Сиз бахтлисиз бугун —

йироқсиз балки аламдан-зордан,

бирок эслайсизми танти инсонни —

сизни қутқарган?

Балки тушингизга кириб

хар кеча

тинч қўймас бир он.

Кутқарув чамбари

унинг устида

айланар гирён.

Йўлингиз тушганда келинг бир,

қизим,

бизнинг ўлкага,

бу ер одамлари мехмондўст —

худди Унга ўхшаган.

Суюкли Гуржистон!

Мард инсонларга

ватан бўлган жой.

Денгизда

куткарув чамбарагидек

айланали ой.

Даниэла СТИЛ

Саёхат

Роман

Мен билан узоқ саёхатга отланган, қалблари ишонч, эзгулик ва мухаббатга тўла фарзандларим – Тревор, Тодд, Битти, Сэм, Виктория, Ванесса, Макс ва Зарага, шунингдек, хозир Яратган Эгам қўлига омонатини топширган Никка бағишлайман.

> Садоқат ва мухаббат ила, Д.C.

БИРИНЧИ БОБ

Узун қора лимузин юришини секинлаштирганча қатор тизилиб турган бошқа машиналар сафи охирида тўхтади. Июн ойининг кечки хавосидан хушбўй ифор анқирди. Оқ уйнинг шарқий йўлагида машинадан викор билан тушаётган Мэдлен Хантер қаршисига икки нафар денгизчи-аскар шахдам одимлаб чиқишди. Юлдузли йўл-йўл байроқ шамолда хилпирарди. Аскарлардан бири қўлини чеккасига қўйиб Мэдленга салом берди. Бунга жавобан у жилмайиб қуйди. Баланд буйли қадди-қомати келишган аёл тантанавор оқ кўйлакда; нозик ва узун бўйни хамда очик елкаларини яккол намойиш этганча кўнгир сочларини юкорига текис тараб, ихчамгина турмаклаган, оёгига баланд пошнали кумушранг пойабзал кийганди. Унинг бадани қаймоқранг, кузлари мовий, қадди тик, юриши виқорли эди. У суратга олаётган йигитга табассум билан бокди. Кейин суратчи яна бир бор чиқиллатди — унинг эри машинадан тушиб, ёнига турганди. Кирқ беш ёшли Жек Хантер жуссаси пишиқ ва гавдали бўлиб,

профессионал футболда иш бошлаган, анча-мунча пул топгач,

Русчадан Гулчехра МУХАММАДЖОН таржимаси

Даниэла Стил хозирги замон романнависларидан бири бўлиб, Америка Қўшма Штатларида энг харидоргир китоблар муаллифи сифатида шухрат қозонган. Унинг романларини ўкишга киришган китобхон, асардан узилолмай қолади, дейишади танқидчилар. Шу боис бу дилтортар романлар йилига 260 миллион нусхада сотилаётгани хам, улар асосида АҚШ да телесериаллар суратга олинаётгани хам бежиз эмас. Адибанинг ўзи айтишича, у нафақат китобхон кўнглини хушлашни олдига мақсад қилиб қўяди, балки уни ўйлашга, фикрлашга даъват килади. Даниэла Стил ўзи саккиз фарзанднинг онаси бўлиб, оила муаммоларидан яхши бохабарлиги боис, ўз асарларида Оила муаммоларини қаламга олади. Адибанининг «Саросима», «Чиғириқ», «Бундан-да улугрок мухаббат йўк», «Эски мактублар», «Аччик асал», «Саёхат» каби романлари нафакат америкалик китобхонлар, балки бутун дунё ўқувчилари мехр-муҳаббатига сазовор бўлган.

маблағини тадбиркорлик билан даромадли соҳаларга киритиб, аввал радиостанция, кейин телестудия сотиб олди, қирқ ёшида эса мамлакатдаги асосий кабел тармоқларидан бирини эгаллашга муваффақ булди. Узининг катта маблағи ва омади келгани туфайли

сармоя дунёсининг йирик ишбилармонига айланди.

Эр-хотин тасвирчиларга яна бир бор суратга олишга имкон бергач, Оқ уйга киришди. Уларни етти йилдан бери энг ажойиб жуфтлик деб аташарди. Жек Мэдлен билан Ноксвиллда танишган эди. Бўлажак рафикаси ўшанда йигирма беш ёшда эди. Хозир ўттиз тўрт ёшга етган чоғида, унинг жанубий шевасидан асар хам қолмади. Далласда ўсган Жек ҳам тамомила ўзгарган. Ҳозир унинг гаплари кескин, сўзларни шундай чертиб гапирар, сухбатдошини тезда ишонтира оларди: Жек нима қилаётгани ва нимани хоҳлаётганини аниқ билади. Унинг қўй кўзлари теварагидаги барча вокеаларни баробар кузатиш қобилиятига эга эди, ўзи эса сухбатдошига қизиқишини йўкотмаган холда, бир неча кишини тинглашга улгурарди. Жекни яхши билганларнинг айтишича, унинг кўзлари гохида кишини тешиб қўйгудек бўлар, баъзида эса майин нигохи билан эркалашга хам кодир эди. Унда афсунгарлик кучи ва сўзини ўтказа олиш хислати сезиларди. Кўнгир сочлари силлиқ таралған, қойилмақом қилиб тиктирилған смокинг ва крахмалланган кўйлак кийган бу одамга бир боқишдаёқ ёнига бориш, у билан яқиндан танишиш ва энг яқин дўстлари сафида бўлиш истаги туғиларди.

Қачонлардир у Ноксвиллдаги оддий қиз — Мэдленда ҳам шундай таассурот қолдирганди. Мэдлен у ерга Чаттанугадан келган ва ҳали ҳам ўз шевасида гапирарди. У телестудияда котиба бўлиб ишларди, кейин иш ташлаш туфайли телекамера ҳаршисида аввалига об-ҳаво маълумоти, кейинроҳ янгиликлар билан таништириб чиҳа бошлади. У ўзини ноҳулай сезарди ва доим уяларди, лекин анча хушрўйлиги боис, телетомошабинларга тезда ёҳиб ҳолди. Фотомодел ёки кино юлдуз ҳиёфаси билан у оддий ҳизлигича ҳолганди ва бу ҳаммани ўзига жалб этарди. Бунинг устига, унда баён этаётган воҳеаларнинг айни моҳиятига кириб бориш ҳобилияти намоён бўла бошлади. У Жекни биринчи учрашувдаёҳ тонг ҳолдирди. Унинг чаҳноҳ кўзлари ва гапириш оҳанги олдида лол ҳолди.

Кўринишидан у Мэдленга йигирма ёш ҳам бермасди, лекин кейинрок унинг беш ёшга каттароклиги аён бўлди. Бир куни Жек телекўрсатувдан кейин у билан гаплашиш учун тўхтади:

— Бу ерда нима қилаяпсан, гўзал қиз? Йигитларнинг юракларини забт этаяпсанми?

Иўг-ей, унчаликмасдир-ов, — кулиб жавоб берди у.

Жек Ноксвиллда телестудия харид қилиш хусусида музокаралар олиб борарди, икки ойдан сўнг бу максади амалга ошди. Шундан

^{...}Улар, медиа-магнат – Жек Хантер ва унинг рафикаси – телевидениеда катта шухрат орттирган Мэддини Вашингтоннинг энг бахтли жуфтлиги деб хисоблардилар. Улар нафакат оддий оила, балки РИСОЛАДАГИ ОИЛА бўлиб туюларди. Уларга хамма хайрат билан бокарди, хавас киларди. Аммо...

[«]Рисоладаги оила» девори орқасида ҚАНДАЙ зулматли, жирканч, қабих сирлар яширинганини ким билади?

Хатто энг давомли сабр-бардош хам вақти келиб, бир кун тугайди. Ўтмишидан кечиб, хаммасини бошидан бошлашга ахд қилган аёлнинг хаётида ҚАНДАЙ ўзгаришлар рўй беришини ким аввалдан айта олади?..

Ўзбек китобхонлари диққатига илк бор ҳавола этилаётган ушбу «Саёҳат» романида ана шу саволларга жавоб топасиз.

Даниэла Стил______ Саёхат

кейин Жек Мэдленни асосий бошловчилардан бирига айлантирди-да, телевизион махорат сирларини эгаллаш ва янги қиёфа устида ишлаши учун уни Нью-Йоркка юборди. Мэдлен телеэкранда кўрингани захоти бир неча ой ичида хизмат пиллапоясидан юкорилаб кетди.

Айнан Жек уни яшаб турган тубанликдан тортиб олди: ўн етти ёшидан бери қонуний никохдаги эри уни беармон таҳқирлаган эди. Унинг турмуш тарзи Чаттанугадаги ота-онасининг уйидаги болалик давридан бери кузатган ҳаётдан ҳеч ҳандай фарҳи йўҳ эди. Бобби билан улар мактабдаёҳ дўстлашиб, уни битиргач, турмуш қургандилар.

Жек Хантер Вашингтонда кабел тармогини сотиб олгач, Мэдленга обрўли бошловчилик лавозимини таклиф қилди. Агар таклифига розилик билдирса, Жек унинг шахсий ҳаётини ҳам йўлга ҳўйишга

ёрдамлашажагини ваъда қилди.

Уни олиб кетиш учун Ноксвиллга дабдабали лимузинда ўзи келди. Мэдлен шаҳарлараро қатновчи автобуслар бекатида қўлида биргина сумка тутганча уни кутиб олганди. Унинг кўзларида даҳшат аниқ акс этарди. У индамай машинага чиқди. Бобби Жо унинг қаердалигини фақат бир неча ойдан кейингина аниқлай олди. Мэдлен бу вақтга келиб, Жекнинг ёрдамида ажралиш учун ариза берганди. Бир йилдан сўнг улар турмуш қурдилар. Мана, етти йилдирки, у миссис Жек Хантер. Йиллар ўтган сайин Бобби Жо ва унинг таҳқирлашлари узоқ даҳшатли тушдай туюла бошлади. Энди у телеюлдуз ва гўё чинакам эртакдагидек ҳаёт кечирмоқда эди. Уни бутун мамлакат танийди ва яхши кўришади. Жек эса у билан худди маликалардек муомалада бўлади.

Улар қул ушлашиб Оқ уйга кирдилар ҳамда таклиф этилганларнинг узун сафи ниҳоясида туҳтадилар. Мэдлен осойишта ва баҳтиёр куринарди. У гуё ташвишсиз аёл эди. Энг бадавлат телемагнатнинг суюкли рафиқаси булса, яна нима керак?! У ҳаётида ортиқ ҳеч бир ёмонлик руй бермаслигига ишончи комил. Бунга Жек йуҳ қуймайди.

Энди у бехавотир яшайди.

Улар президент ва унинг рафикаси билан кўл сикиб кўришдилар. Президент овозини пасайтириб, бироздан кейин Жек билан ёлгиз гаплашиб олиш истагидалигини айтди. Бу вактда Мэдди биринчи хоним билан сухбатлашарди. Улар бир-бирларини яхши билишарди, чунки у президентнинг рафикасидан бир неча марта интервью олган ва улар Жек билан бирга Оқ уйга тез-тез келиб туришарди.

Хантерлар қўл ушлашганча залга киришган чоғда кўплар нигохини

уларга қаратишди.

Уларга бош силкиб қуйишар, жилмайишарди. Ҳа... Ноксвилл узоқ ортда қолди. Мэдлен биринчи эрининг хозир қаердалигини билмас ва буни билишни ҳам истамасди. У қачонлардир кечирган ҳаёти эндиликда ўнгида булмагандай туюларди. Унинг ҳақиқий ҳаёти шу ерда, нуфузли ва зодагон кишилар оламида. Ўзи эса улар орасида ёруг юлдуз каби порлайди.

Улар бошқа меҳмонларга қушилиб кетишди. Француз элчиси Мэдлен билан дустона гап бошлаб, уни хотинига таништирди. Бу вақтда Жек қайсидир сенатор билан қизғин суҳбатлашарди. Мэдлен куз қири билан эрини кузатарди. Унинг ёнига Миссисипи штати конгрессидан келган куҳликкина аёл билан биргаликда бразилиялик элчи яқинлашди. Зиёфат

хар доимгидек, гоят қизиқарли ўтиши кутиларди.

Маълум бир вақтдан кейин улар овқатланиш хонасига ўтдилар. Унинг стол атрофидаги қушнилари Иллинойсдан келган сенатор ва калифорниялик конгресс аъзоси эди. Мэдлен улар билан аввал учрашган, ҳар иккиси бутун кеча давомида унинг кунглини олишга

Даниэла Стил _____ Саёхат

уринишарди. Жек биринчи хоним билан Барбара Уолтерс орасида ўтирди. У хотинининг ёнига анча кечроқ келди. Улар рақс залига бирга ўтишди.

— Хўш, қалай? — сўради у рақс тушаётганларида илтифотсиз овоз билан.

Жек ҳар доим сергак турарди. У ким билан учрашиш ва суҳбатлашиш истагидалигини аввалдан ёзиб борарди. У янги танишлар орттириш ёки эскилари билан алоҳани мустаҳкамлаш имкониятини ҳеч бой бермас ва ваҳтини беҳуда кетказмасди.

— Сенатор Смит қалай? У нима ҳақида гапирди?

— Биз соликлар тўгрисидаги янги конун лойихасини мухокама килдик.

Мэдлен ўзининг истараси иссиқ эрига ҳар бир баобрў, нозик таъб, гўзал аслзода аёлга хос табассум билан боқди. Жек рафиқаси унинг ижод маҳсули эканини такрорлашни яхши кўрарди. Хотини телевидениеда эришган ўша йирик муваффақиятини у ҳеч уялмасдан, ўзининг ютуғи дея ҳисоблар, устига-устак, уни шу билан масхаралашни суярди.

— Республикачилар ўша қонун лойихасини деб эс-хушларини йўқотишди, лекин бу сафар демократлар ютиб чиқадилар, айниқса, президентнинг тўла қўллаб-қувватлаши хисобига ғалабага эришадилар.

Конгресс аъзоси Вули нима дейди?

— У жуда ёқимтой ва ақлли. — Мэдлен қалбининг туб-тубида мана шу инсон ҳали ҳам ўзининг эри эканлигидан завқланиб, нигоҳини Жекка қаратди. У шу чоққача эрининг ташқи қиёфаси ва уни ўраган аурасидан маст эди. — Одатдагидай, Вули ўзининг ити ва набиралари тўгрисида гапирди.

Унга Вулининг шу жиҳати ёҳарди. Бундан ташҳари, у ҳарийб олтмиш йилдан бери умргузаронлик ҳилаётган аёлни ҳанузгача

севарди.

— Уни шу махалгача сайлаётганлари гоят ажабланарли.

Менимча, уни ҳамма яхши кўради.

Чархнинг кутилмаган бурилишларига қарамасдан, унинг қалби ҳали ҳам чаттанугалик қизалоқникидай меҳрибон ва яхшиликка мойил қолганди. У ўз илдизлари қаерданлигини сира унутмаганди. Кўпинча шартакилик ва ҳатто урушқоқликни намоён қилувчи эридан фарқли равишда унда оқкўнгиллик ва бегуборлик фазилатлари йўқолмаганди. У одамлар билан уларнинг болалари тўгрисида суҳбатлашишни хуш кўрарди. Ўзи бефарзанд эди. Жекнинг икки ўгли Техасдаги коллежда ўқишарди. У ўгиллари билан кам кўришарди; гарчи уларнинг онаси на собиқ эри ва на унинг янги хотинига нисбатан меҳр туйгусини ҳис этмаса-да, болалари Мэдлен билан анча илиқ дўстона муносабатда эдилар. Улар ўн беш йил бурун ажрашиб кетгандилар. Биринчи хотини Жекни кўпинча тошюрак дея сифатларди.

— Хўш, энди уйгами?

Жек залга яна бир бор кўз югуртиб чикди. У ўзига муҳим барча кишилар билан гаплашиб олди, шекилли, кеча ҳам ниҳоясига етай деб ҳолди. Президент рафиҳаси билан ҳозиргина кетишди, энди агар истасалар, меҳмонлар ҳам кетишлари мумкин. Энди ортиҳ ҳолишдан маъни йўҳ, ҳарор ҳилди Жек. Мэдлен унга ҳаршилик кўрсатмади: эртага студияга янгиликлар дастурига барваҳт етиб бориши зарур эди.

Улар секингина, билдирмай чикиб кетишди. Хайдовчи машинаси билан уларни эшик ёнида кутарди. Мэдди зўр лимузинга мазза килиб ўтирди. Ўтмишда колган ҳаёти билан ҳозиргисининг орасида нақадар

катта фарқ борлигини ўйлади... Ахир буни Боббининг эски шалдироқ араваси, маҳаллий бардаги ўтиришлар, у ердаги дўстлари билан тенглаштириш мумкинми? Баъзан ўшандаги ва ҳозирги турмуши — бу унинг шахсий ҳаёти эканига ўзи ҳам ишонгиси келмасди. У гоҳида ҳозир президент ва биринчи хоним, ҳирол ва шаҳзодалар, йирик сиёсатчилар ва эри каби бойваччалар доирасида айланаётганини тасаввур этишга ҳийналарди.

— Президент билан нима ҳақда гаплашдинглар?

Мэдлен ҳомуза тортди. Шу даҳиҳада Мэдлен худди зиёфат бошланган чоғдагидек жозибали ва гўзал кўринарди. У Жек учун наҳадар ҳимматбаҳо топилма эканига ҳатто ўзи шубҳа ҳам ҳилмасди. Хаҳиҳатда эса энди кўпроҳ ҳамма уни Мэдлен Хантернинг эри деб атарди. Лекин эри бу ҳаҳда гапирмасликни афзал кўрарди.

— Биз президент билан жуда қизиқарли муаммони муҳокама қилдик, — дея жавоб берди Жек. — Бу ҳақда гапириш мумкин

бўлганида сенга айтиб бераман.

Хўш, бу қачон рўй берар экан?

Унда касбига алоқадор қизиқиш уйғонганди. Ахир у нафақат Жек Хантернинг рафиқаси, балки тажрибали репортёр ҳам эди. У ўз ишини суяр, бирга ишлайдиган одамларни яхши кўрарди. У ўзини гўё катта мамлакатнинг қон томирини қўлида тутиб тургандек ҳис ҳиларди.

— Хозирча билмайман. Шанба куни тушликни Кэмп-Дэвидда бирга

ўтказамиз.

— Мухимрок нимадир бўлса керак-да?

— Хар доимгидек. Президент билан боглик мухим вокеаларга тааллукли.

Улар бўлиб ўтган кечага доир таассуротларни алмашишда давом этардилар.

Жек ундан: — Билл Александрни кўрдингми, — деб сўради.

— Фақат узоқдан. У Вашингтонга қайтганини билмаган эканман. Американинг Колумбиядаги собиқ элчиси Александр бундан бир йил муқаддам хотинининг вафотидан кейин ярим йилга жамият қаётидан четга кетганди. Уша мудҳиш воқеани Мэдди яхши эсларди. Унинг хотинини террорчилар қулга туширганди. Улар билан музокараларни шахсан Александрнинг узи олиб борганди ва ҳойнаҳой, унча эплолмаган, шекилли. Террорчилар пулни олиб, нимадандир шубҳаланиб, хотинини ўлдирдилар. Элчи ишдан бушаш учун ариза ёзди.

— Ў аҳмоҳ, — деди раҳмсиз равишда Жек. — Бу иш билан шахсан ўзи шуғулланмаслиги керак эди. Ҳар ҳандай тентак ҳам бу иш нима билан тугашини олдиндан айта оларди.

— У, ҳойнаҳой, бошқача ўйлаган бўлса керак.

Улар уйга етиб келишди. Зинапоядан кўтарилишди. Жек дархол бўйинбогини ечди. Улар ёток хонасига ўтишди.

 Эрталаб студияга вақтлироқ етиб боришим керак, — деди Мэдлен.

Жек кўйлагининг тугмасини еча бошлади. Хотини ҳам кўйлагини ечди ва энди у Жекнинг ҳаршисида фаҳат пайпоҳда ва баланд пошнали пойабзалида турарди. Унинг ажойиб бадани эрида эҳтирос уйготарди. Худди унинг биринчи эри каби, гарчи улар бир-биридан фарҳ ҳилсада... Униси — жоҳил, ҳўпол, одамгарчилиги йўҳ — хотинининг ҳислари тўгрисида ўйламас ва кўпинча унга азоб берарди. Буниси — эътиборли, мулойим, назокатли ва ҳатто эҳтиёткор. Кунларнинг бирида Бобби Жо ҳатто унинг ҳўлини синдирганди. Жек билан

танишганидан кейин эса рашк жазавасида эри уни зинапоядан итариб юборганида, оёги синиб кетганди. Ушанда Мэдлен Жек билан ораларида ҳеч ҳандай ишҳий алоҳа йўҳлигини чунон уҳтирса-да, эри унга ишонмаганди. Ростдан ҳам шундай эди. У даврда Жек фаҳат иш берувчи бўлиб, улар шунчаки дўстона муносабатда эдилар. Қолгани бир мунча кейинроҳ, Ноксвиллдан кетиб, Вашингтонга кўчиб боргач, унинг кабел телевидениесида ишлай бошлаганида рўй берди. У бир ой ўтмай, Жекнинг маъшуҳасига айланди, бироҳ ўша кезда унинг ажрашиш жараёни илдам давом этарди.

— Барвақт туриб нима қиласан? — сўради Жек хотинига ўгирилиб,

қора мармар ётқизилган ваннахонага киришдан олдин.

Улар бу уйни бадавлат араб дипломатидан беш йил бурун сотиб олишган эди. Пастки қаватда катта гимнастика зали ва чўмилиш ҳавзаси, меҳмонларни кутиб олиш учун ажойиб хоналар жойлашган. Юҳорида тўртта ётоҳхона, учта меҳмонлар учун хона ва олтита чўмилиш хонаси бор эди.

Болалар хонасини хатто режалаштиришмаганди хам. Жек аввалбошданоқ унга бола кўришни истамаслигини билдирганди. Мавжуд иккита боласи билан кўришишдан у хеч бир завқ олмасди, шу боис ортиқ фарзанд кўришни хоҳламасди. Мэдди бир муддат хафа бўлиб юрди-ю, кейин Жекнинг зўри билан ўзини бепушт қилдиришга кўнди. Балки бу яхшиликкадир, дея ўзига ўзи тасалли берарди у. Бобби билан яшаган чоғида ўнлаб бола олдирганди. Бундан кейин умуман туппа-тузук бола туға олиши ҳам гумон эди. Жонини ҳалак ҳилмай, Жекнинг гапига кириш осонрок эди. У хотинига шунча яхшилик қилди ва яна қилади. Қайсидир жиҳатдан у эрини тушунарди: бола унинг ишдаги ўсишига халақит бериши мумкин эди. Лекин шундай онлар хам бўлардики, баъзан у хомиладор бўлмаслик хакидаги қарорини амалға оширғанидан қаттиқ афсусланарди. Унинг куп дугоналарининг хозир фарзанди бўлса, унда фақат Жек бор. У, хойнахой, йиллар ўтгани сари дунёга келмаган фарзандлари, неваралари тўгрисида афсусланиб ўкинар... Гарчи бошка жихатдан қарағанда, Жек Хантер билан биргаликдаги умр учун бу унчалик катта йўқотиш бўлмаса керак.

Улар яна каттагина шинам каравотда учрашдилар. Жек уни багрига тортди, хотини унинг елкасига бошини қўйди. Улар ухлашдан олдин кўпинча бирпас шундай ётиб, кун бўйи содир бўлган воқеалар ҳақида гаплашардилар. Ҳозир Мэдди президент нима ҳақида ўйлаганини билишга интиларди.

_ Мумкин булганида ўзим гапириб бераман. Ўзингча булар-булмас

уйдирмаларни тўқийверма.

Сирлар мени ақлдан оздиради.Мени эса сен ақлдан оздирасан!

У тунги шойи куйлак остидаги ипакдек бадандан яйраб, хотинини багрига тортди. У хотини билан бирга булишдан сира чарчамасди, тушакда ҳам, одамлар орасида ҳам — у ҳеч ҳачон жонига тегмасди. Хотини вужудию ҳалби билан ишхонада ҳам, тушакда ҳам бутунлай узига тегишли эканини англаш унга узгача лаззат бахш этарди. Айниҳса, тушаҳда. У хотинига сира туймасди. Мэдленга баъзан эри уни ютиб юбормоҳчидай булиб туюларди. Унга хотинининг барча жиҳати ёҳарди.

У хотини ҳақида ҳаммасини биларди, унинг қаердалиги, ҳар дақиҳада нима қилаётганини билиб тургиси келарди. Бу тўгрида кўп нарса айтиши мумкин эди, бироқ ҳозир у фаҳат хотинининг нафис

Даниэла Стил______ Саёхат

бадани ҳақида ўйларди. У Мэдленнинг лабларидан қаттиқ ўпди. Хотини инграб юборди. У жинсий яқинликдан эрига сира бўйин товламасди. Эри уни шу даражада хоҳлаши, шу маҳалгача унинг хотинига нисбатан эҳтироси камаймагани гоят ишонарсиз туюларди. Бу Бобби билан бўлган алоҳаларга сира ўхшамасди. Бобби ундан қўполлик билан фойдаланар, зўрлар, жонини огритарди. Жекни хотинининг гўзаллиги ва унга эгалик ҳисси кўпроҳ жунбушга келтирарди.

ИККИНЧИ БОБ

Мэдди одатдагидай, соат олтида турди. Ваннахонага шовқинсиз кириб кетди. Чўмилиб, кийинди. Ҳар доимгидай, студияда сочини

турмаклаб, пардоз қиладилар.

Жек соат етти яримда соқоли олинган, сочи таралган ҳолда кулранг костюмда, крахмалланган куйлакда пастга тушди. Туқ мовий ранг шимли костюми узига ярашган, дам олганидан куриниши янада яшнаб кетган Мэдди қаҳва ичганча эрталабки газеталарни куриб утирарди. У нигоҳини эрига ҳаратди. Ҳозиргина Капитолиядаги жанжал ҳаҳида уҳиб чиҳҳанди. Утган тунда конгресс аъзоларидан бирини фоҳиша аёл билан тутиб олиб, ҳамаб ҳуйишибди.

— Нималар ҳаҳида ўйлашади?

Мэдди унга «Пост»ни бериб, ўзи «Уол-стрит жорнал»ни қўлига олди. У студияга кетишидан олдин газеталарни қараб чиқишни

ёқтирарди.

Соат саккизда улар ишга отланишди. Жек ундан нимага бунчалик эрта бормоқчилигини сўради. Каттароқ репортаж тайёрламоқчими? Шундай кунлар бўлардики, Мэдлен студияга соат ўндан аввал келмасди. У каттароқ кўрсатув устида кун бўйи ишлар, тушлик вақтида эса ҳар хил суҳбатлар ёзиб олиш билан машғул бўларди. Янгиликлар ахборотини соат бешда ва етти яримда олиб борарди. Соат саккизда ишни тугатиб, студиядаги хос хонада либосини алмаштирарди. Одатда, кечқурун улар Жек билан у ёқ-бу ёққа боришарди. Уззукун икковининг ҳам зиммасидаги оғир фаолият давом этса-да, бу уларга ёқарди.

— Грег иккимиз Капитолияда хизмат қилувчи аёллар билан қатор суҳбатлар тайёрлаяпмиз. Бешта номзодни белгилаб олдик. Назаримда,

бу қизиқарли кўрсатув бўлади.

Кора танли бошловчи Грег Моррис билан улар икки йилдан бери бирга ишлар ва бир-бирларига нисбатан анча илик муносабатда эдилар.

— Сенга бу эшиттиришни ёлгиз ўзинг тайёрлашинг мумкиндай туюлмаяптими? Нима киласан Грегни аралаштириб?

уюлмаянтими: тима қиласан грстни аралаштирио:

— Эркак киши билан кўрсатувлар қизиқарлироқ кўринади.

Унинг кўрсатувлар хусусида кўпинча эрининг фикрига мос келмайдиган шахсий ўйлари бор эди. Ҳатто баъзан бажараётган ишларининг барча тафсилотларини эрига билдирмасликка ҳаракат ҳиларди. Эри унинг ишига аралашишини истамасди. Баъзида телевизион тармоҳ раҳбарининг рафиҳаси бўлиш ҳам унчалик осон эмас эди.

— Кеча биринчи хоним ўзининг Аёлларга жохил муносабатда бўлувчиларга қарши курашиш қумитаси хақида сенга айтдими? —

менсимаган оҳангда сўради Жек.

Мэдди бошини чайқатиб, йўқ ишорасини қилди. Президентнинг рафикаси тузган қандайдир қўмита ҳақидаги гаплар қулоғига чалинган бўлса-да, лекин биринчи хоним унга бу тўгрида ҳеч нима демаганди.

Даниэла Стил_ Саёхат

Йўқ.

— Демак, энди айтади. Унга сен ҳам ҳойнаҳой бунда иштирок этишни истаб колишинг мумкинлигини айтгандим.

Бунинг учун қанча вақт зарурлигини ҳисобга олиш даркор.

— Бу келгусидаги обрўйинг учун фойдали бўлади.

Мэдди деразага қараганча бироз индамай турди.

— Биласанми, буни ўзим ҳал қилишни истардим. Нима учун мен учун сен розилик билдирдинг?

Баъзан у эрининг ёнида ўзини хеч нарсага акли етмайдиган қизалоқдай хис қиларди. У хотинидан бор-йўғи ўн бир ёшга улугрок бўлса-да, ўзини гўё у ёш болаю, эри унинг отасидай тутарди.

— Сенга айтдим-ку, бу келгусидаги мавкеинг учун фойдали бўлади. Буни телестудия рахбарининг қатъий буйруғи деб хисоблашинг

мумкин.

Худди ҳар доимгидек. У Жекнинг бировнинг ўрнига қарор қабул қилишига чидолмасди ва бу қилиғи хотинининг асабига тегишини у яхши биларди.

– Бундан ташқари, менимча, бу қўмитанинг ишида иштирок этишни ўзинг хам хохлаб турибсан.

Узим ҳал ҳилишимга ҳўйиб бер.

Бу вақтда улар телестудияга етиб келишганди. Хайдовчи эшикни очди. Иккиси хам жим эди. Кўринишдан, Жек хеч нимани мухокама қилиш ниятида эмасди. Рафиқасини шошганча ўпиб хайрлашди-да, шахсий лифтига кириб кетди. Мэдди янгиликлар бўлимида котибаси ва ёрдамчиси билан ишлайдиган ўзининг ойнаванд идорасига лифтда кўтарилди. Грег унинг ёнидаги чогрок хонани эгалларди.

Мэдленнинг ўз хонасига кирганини кўриб, Грег қўлида қахвали

идиш тутганча остонада пайдо бўлди.

Хайрли тонг... Ёки унчалик хайрли эмасми?

Грег Мэдленга диккат билан тикилди. Ва ниманидир сезди, шекилли. Мэдлен ич-ичидан куйинаётганини уни жуда яхши билган кишигина кўра биларди. Унинг жахли камдан-кам бунчалик астойдил чиқарди.

– Эрим хозиргина қатъий қарор қабул қилди.

Худди акасидек муносабатда бўлган Грегнинг ёнида Мэдди аччикланганини яширишга уринмасди.

Хў-ўш, мени ишдан бўшатишмоқчими?

У, албатта, буни хазиллашиб айтди. Унинг рейтинги Мэддиники каби анча баланд эди. Лекин Жек билан хеч нарсани аввалдан билиб бўлмайди. У хеч кутилмаган биринчи қарашда ақлдан ташқари қарорлар қабул қилишга устаси фаранг эди, бунинг устига, улар мухокама қилинмасди. Мэдди Грег эрига ёқади, деб ўйларди.

– Иўғ-эй, ундай гап йўқ. — Мэдди тезда ўзини босиб олди. — У биринчи хонимга Аёлларга жохил муносабатда бўлувчиларга қарши кураш қумитасида менинг ҳам иштирок этишимни айтибди. Лоақал менинг

розилигимни сўрамабди хам.

— Сенга бундай ишлар ёкади, шекилли.

— Гап унда эмас, Грег. Кимдир мен учун ўрнимга қарор қабул

қилишини истамайман. Ахир кап-катта аёлман.

— Балки у сенинг қарши бўлмаслигингни ўйлагандир. Ахир биз эркакларнинг нақадар этимиз қалинлигини биласан-ку. «А» дан «Х»гача зарур бўлган барча босқичлардан ўтишни унутамиз, кўп нарсалар бизга аввалдан маълум, деб хисоблаймиз.

— Мен эса буни ёмон кўраман.

Лекин ҳар иккаласи ҳам Жекнинг хотини ўрнига жуда кўп бор ҳарор ҳабул ҳилганини яхши билишарди. Ва ҳар доим унга нима муҳимроҳлигини унга ҳараганда яхшироҳ билишини рўкач ҳиларди. Бу улар орасида одатий ҳолга айланганди.

— Сенга айтмоқчимасдим-у, лекин у яна битта қатъий қарор қабул қилди. Сен кириб келмасингдан сал олдинроқ бир янгилик сизиб

кирди.

Грег ўзини ноқулай ҳис ҳиларди. Озгингина ва тик ҳоматли, ёҳимтой бу африкалик йигит болалигидан раҳҳос бўлишни орзулаганди. Лекин охир-оҳибатда у телевидениега келиб ҳолди ва бундан сира афсусланмасди.

Нима демокчисан? — деди хавотирланиб Мэдди.

— У соат етти яримдаги кўрсатувимиздан бутун бошли бир булимни— сиёсий шархларни олиб ташлади.

— Нима дединг? Ахир нимага энди?

— У соат еттию ўттизда зудлик билан тарқалиши зарур бўлган янгиликлар янграшини кўпрок хоҳлаяпти. Айтишларича, унинг бу қарори рейтингни ўрганишга асосланган эмиш. Дастуримизга ўзгартиш киритиб, уни янгилашимизни истаётган экан.

— Бўлмаса, нима сабабдан у буни биз билан мухокама қилмади?

— Бундай нарсалар хусусида у қачон биз билан гаплашганди? Шуни ҳам билмайсанми, дўстим? Жек Хантер эфир қиролларидан бемаслаҳат, мустаҳил равишда ҳарор ҳабул ҳилади.

—Жин урсин! — Мэдлен жаҳл билан пиёласига ҳаҳва ҳуйди. — гоятда ажойиб иш! Ниҳоятда ажабланарли! Демак, энди ҳеч ҳандай

шарҳлар бўлмайди? Ахир, бу тентаклик-ку!

— Мен ҳам шу фикрдаман, лекин отамиз яхшироқ билади. Ҳатто, мабодо шикоятлар тушгудек бўлса, соат бешдаги кўрсатувга таҳририят шарҳларини ҳайтарилиши ҳаҳида ҳам гап бўлди, бироҳ ҳозир эмас.

— Вой, худойим! Нега у бизни огохлантириб қуймади?!

— Қуйсанг-чи. У ҳар доим шундай қилади. Буни фақат бажаришдан ўзга чорамиз йўқ. Ахир бу ерда ишлаймиз-ку.

— Ха... Балки ҳақдирсан.

У бир муддат ҳайратдан қони ҳайнаб турди-ю, бироқ кейин бутунлай ишга шўнгиб кетди. У Грег билан конгрессчи аёлларнинг, — рўйхатни тузиб ҳўйишганди, — ҳайси бири билан биринчи навбатда интервью олишни муҳокама ҳилишди. Соат ўн бирларда ишни тугатишди. Мэдди сандвич келтириш ва бошҳа убу ишлар билан ташҳарига чиҳиб кетди. Соат бирда ҳайтиб келиб, яна ишга шўнгиб кетди. У соат тўртда сочини турмаклаш ва грим ҳилишга кетди. Улар Грег билан кўришиб, кун давомида танланган материалларни муҳокама ҳилишди. Ҳозирча ҳизиҳарлироҳ ҳеч нима йўҳ эди.

— Хўш, дастуримиз учун Жекнинг адабини бердингми?

— Ҳали улгурганимча йўқ, лекин буни албатта бажараман. Гарчи ишдан бирга қайтишса-да, кун давомида улар Жек билан, одатда, бирга бориш унча зарур бўлмаган бирор тадбир белгиланган бўлмаса, кўришмасдилар.

Соат бешдаги янгиликлар ҳар доимгидай ўтди. Сўнг улар Грег билан соат еттию ўтгизда бўладиган дастурни кутиб, одатдагидай гаплашиб ўтиришди. Соат саккизда ишни тугатишди. Жек пайдо бўлди. Мэдди Грег билан хайрлашиб, микрофонни ечди, сумкасини олди ва ташҳарига чиҳди. Бугун кечҳурун улар Жоржтаундаги коктейл кечасига кириб ўтишни ваъда ҳилишганди.

Даниэла Стил _____ Саёхат

— Сени нима жин урди! Дастуримизни нима бало қилдинг? — сўради у машинада.

— Рейтинглар кўрсатган маълумотга қараганда, томошабинлар

ундан чарчабдилар.

— Бўлмаган гап! Уларга дастуримиз жуда ёқади.

— Биз эса бутунлай бошқа гап эшитдик.

— Нимага менга эрталаб бир огиз хам айтмадинг?

— У вақтда ҳали ҳаммаси охиригача ҳал бўлмаган эди.

— Сен ҳатто менинг фикримни ҳам сўраб кўрмадинг. Назаримда, айнан шу хусусда хато ҳарор чиҳардинг.

— Ундан кўра рейтинглар нимани кўрсатаётганига қара.

Улар зиёфат бўлаётган хонадонга етиб келдилар ва тез орада меҳмонлар орасида бир-бирларини йўқотдилар. Икки соатдан кейин у хотинини излаб топди-да, уйга кетишга тайёрлиги ҳақида сўради. Узоқ иш кунидан кейин ҳамда аввалги кун Оқ уйдаги кечки ҳабул туфайли иккаласи ҳам ўзларининг толиқҳанларини сездилар.

Уйга кетаётиб, йўлда гаплашмадилар хисоб. Жек хотинига эрталаб президент билан тушлик овкатга Кэмп-Дэвидга кетажагини эслатди.

Улар одатда дам олиш кунлари Виржинияга кетишарди, Мэдди билан танишмасидан бир йил олдин Жек у ерда ферма сотиб олганди. У бу жойларни жуда яхши кўрарди ва Мэдди ҳам бунга кўникди. Уларнинг барча шароитларга эга дангиллама уйининг атрофида бир неча мил келадиган каттагина ер мулки ястанган эди. Жекнинг чопқир аргумоқларга эга отхонаси бор эди. Лекин шундай гўзал манзарали жойларга қарамай, Мэдди фермада ўзини ноқулай сезарди.

Бу дам олиш кунларини шаҳарда ўтказа қолмайсанми? —

умидворлик билан сўради у.

Улар уйга етиб келдилар. Хайдовчи машинани тухтатди.

— Бунинг сира иложи йўк. Фермага сенатор Мак-Катчинсни рафикаси билан бирга таклиф килдим.

У хотинига бу ҳақда гапирмаган эди. — Нима, бу шунчалик катта сирмиди?

Мэдди жаҳли чиққанини яширолмасди. У Жекнинг бир оғиз айтмасдан ёки жилла қурса, аввалдан огоҳлантирмай меҳмон чақирганини ёмон кўрарди.

— Кечир, Мэдди, ишга жуда берилиб кетибман. Калламга шунчалик кўп нарса сиғдиришим керак. Ҳар хил муаммолар бирам

кўпки...

Хойнахой, унинг эс-хуши Кэмп-Дэвидда президент билан бўлажак учрашувда бўлса керак, дея фикр килди Мэдди. Барибир, Мак-Катчинсларни дам олиш кунига таклиф килганидан хотинини бохабар этиб кўйиши мумкин эди.

Жек унга мулойимгина жилмайди:

— Кечир, азизам, умуман унутибман.

У бундай оҳангда гапирган чоғда аччиқланиб бўлмасди. Жек кишини қуролсизлантириб қўйиш хислатига эга эди ва хотинининг бутун нафрати шу заҳоти йўқоларди. У аччиқланишни истаган тақдирда ҳам, буни эплай олмасди.

Бўпти, хечкиси йўк. Шунчаки аввалдан билиб кўйишни

хохлардим.

У эрига Пол Мак-Катчинсни ўлгудек ёмон кўришини айтиб ўтирмади. Жек буни биларди. Бу бақ-бақалоқ, димогдор, ҳеч кимни назарига илмас сенатор ҳамманинг ғашига тегарди ҳамда унинг ҳаршисида титраб-ҳаҳшайдиган ўз хотинининг ҳам юрагини олиб

Даниэла Стил______ Саёхат

қуйганди, шекилли. Ҳатто уларнинг болалари ҳам ниҳоятда асабий, шуҳ эдилар. Мэдди болаларни яхши курса ҳам, бу уч нафар юзи заҳил мингир болачалардан ҳеч завқланмасди.

— Улар фарзандлари билан келишадими?

— Болаларини олмасликларини айтдим, — мийигида кулди Жек. — Биламан, уларни ёқтирмайсан. Бунда сени айблай олмайман. Бундан ташқари, улар отларни ҳуркитадилар.

— Хайрият, шунисига хам шукур.

Улар уйга киришди. Утган ҳафта ҳар иккисига ҳам ҳийин кечди. Мэдди вужудида ҳаттиҳ чарчоҳ сезарди. Бу тун Жекнинг ҳучоғида ухлаб ҳолган Мэдди эрта билан ҳатто эрининг турганини ҳам эшитмади. Нонуштага тушганида эри кийиниб, газеталарни кўриб ўтирарди. Жек бир неча даҳиҳадан кейин хотинини шошиб ўпди-ю, Оҳ уйга жўнаб кетди. У ердан президент вертолёти уни Кэмп-Дэвидга етказиб ҳўйиши зарур эди.

— Омад тилайман.

Мэдди жилмайганича ўзига қахва қуйди. Афтидан, Жекнинг рухи анча тетик кўринади. Хеч бир нарса уни хукм ўтказишдай хурсанд қилолмайди. Бу худди бангиликка ўхшайди.

Улар аэропортда учрашганларида, унинг хурсандлигидан оғзи қулоғида эди.

— Нима бўлди? Яқин Шарқдаги муаммоларни ҳал қилдингларми ёки бирон-бир жойда унча катта бўлмаган ғалабага эриштирувчи уруш очиш режасини туздингларми?

Эрининг мамнун қиёфасига биргина нигох ташлабоқ уни янада яхши кўриб кетди, Жек шундай чиройли ва ёқимтой эдики, гўё унинг ўзига жалб этувчи шайтони бордек эди...

— Шунга ўхшашрок, — сирли жилмайди у.

Улар қишда сотиб олинган самолёт томон юришди. Ундан дам олиш кунларида фойдаланишарди. Баъзан Жек унда иш юзасидан ҳам учарди.

— Бу хакда менга гапириб бера оласанми?

Мэдди ниҳоятда қизиқарди. Бироқ Жек фақат кулиб қуйди ва бошини чайқади. У хотини билмайдиган бирор нарсадан бохабар булса, уни масхаралашни ёқтирарди.

- Хозирча йўқ. Озгина сабр қилиб тур.

Йигирма дақиқадан сўнг улар хавога кўтарилдилар. Самолётни икки учувчи бошқарарди. Мэдди Жек билан салоннинг орқа қисмида қулай ўриндиққа ўтирганча, қизғин суҳбатлашишарди. Бироқ, фермага етиб боришганда, уларни Мак-Катчинслар кутиб ўтиришганини кўриб, Мэддининг кайфияти тушиб кетди. Улар Вашингтондан эрталабданоқ машинада етиб келишганди.

Пол Мак-Катчинс ҳар доимги одатига кўра, Жекнинг елкасига шарақлатиб урди-да, худди шундай куч билан Мэддини нақ бўгиб юборгудай багрига олиб, қучиб қўйди. Унинг хотини бир огиз ҳам гапирмай, фақат бир сонияда Мэддининг кўзларига нигоҳ ташлади. Худди унга узоқроҳ қараса, Мэдди қалбидаги яширин сирини билиб қолишидан қўрҳҳандек. Женет Мак-Катчинснинг нимасидир, ҳандайдир безовталигими-ей, — гарчи бунинг нималигини аниҳ айтолмаса-да, бу ҳаҳда ўйламаганди ҳам, — Мэддини ноҳулай аҳволга соларди.

Лекин бу сафар Жекда қандайдир қонун лойиҳаси, — ўт очувчи қуролларни ишлатишда назорат қилиш бўйича, шекилли, — тўгрисида ёлғиз гаплашиб олиш зарурияти тугилди. Доимий долзарб мавзу.

Эркаклар бирга кетишди, Мэдди эса Женет билан ёлгиз қолди. Уни уйга киришга ундаб, сомса ва лимонад таклиф қилди. Сомсани уларникида кўп йиллардан бери ишлайдиган ажойиб италиялик оқсоч аёл пиширган эди. Жек уни Мэддига уйланиши олдидан ишга олганди. Мохият жиҳатдан аслида бу оиланинг эмас, кўпроқ Жекнинг фермаси эди. Бу ерда у ўз вақтини жуда завкли ўтказарди. Мэддига эса бу ер дунёнинг бир чеккаси бўлиб туюларди. Бунинг устига у отларга сира қизиқмасди. Жек шаҳар ташқарисидаги бу уйидан Пол Мак-Катчинс каби керакли одамларни чақиришда фойдаланарди.

Аёллар меҳмонхонада ўтиришарди. Мэдди Женетдан фарзандлари ҳаҳида суриштирарди. Лимонад ва сомсадан кейин у меҳмонга боҳҳа чиҳиб, сайр ҳилишни таклиф ҳилди. Эркакларни кута-кута зерикишди. Мэдди об-ҳаво ҳаҳида, ферма ва унинг тарихи, богбон эккан янги атиргул кўчатлари тўгрисида бетиним сўзларди. Тўсатдан унинг нигоҳи Женетга тушиб ҳолди. Аёлнинг йиглаётганини сезиб, ҳўрҳиб кетди. Тўладан келган, заҳил юзли Женетни ҳеч ким жозибали деёлмасди. Бундан ташҳари, унинг чеҳрасида доим ҳандайдир гам-андуҳ сезиларди. Айниҳса, ҳозир унинг бетларидан тинмай ёш оҳарди.

— Сизга нима бўлди? Бирор ёрдам керакми?

Женет бошини чайқади. Кўз ёшлари дарёдай оқарди.

Кечирасиз, — ахири сўзлай олди у. — Ўзимни бирам нокулай сезяпманки.

— Хечқиси йўқ, ҳаммаси жойида. — Мэдди боғдаги курси ёнида

тўхтади. — Сизга сув келтирайми?

У Женетга қарамасликка ҳаракат қиларди. Аёл яна бошини чайқади. Юз-кўзларини дастрўмолига артди. Уларнинг нигоҳлари учрашди. Мэддига меҳмон аёлнинг кўзлари ёрдам сўраб илтижо қилаётгандек туюлди.

— Нима қилишимни билмайман. — Женетнинг овози титради.

— Хархолда сизга бирор ёрдамим тегиши мумкинми?

Женетга нима бўлди ўзи? Балки унинг ўзи ёки болаларидан бирортаси касалдир? У шунчалик хафа, нихоятда бахтсиз кўринарди. Мэдди саволларига жавоб тополмасди.

— Менга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Нима ҳилишни ҳам билмайман.

Пол... у мени кўргани кўзи йўқ.

— Иўғ-эй, бундай эмаслигига аминман.

Мэдди ўзини қип-қизил аҳмоқдай ҳис қиларди. У умуман ҳеч нимани билмасди. Бироқ Пол ростдан ҳам хотинини ёмон кўрадиганга ўхшайди.

— Нима учун у сизни ёмон кўриши керак?

— Бу кўпдан бери давом этиб келяпти. У мени қийнайди. У менга хомиладор бўлиб қолганим сабабидан уйланишга мажбур бўлганди.

Агар ўзи ҳоҳламаганда, уни бундай ҳилишга ҳеч ким мажбур килолмасди.

Уларнинг тўнгич фарзанди ўн икки ёшда. Ундан кейин яна иккитаси тугилди. Ким уларни бунга мажбур қилди... Пол хотинига мулойим гапирганини ёки яхши муносабатда бўлганини Мэдди бирон марта ҳам кўрмаганини тан олишга тўгри келарди. Бу унинг Полни ёқтирмаслигининг сабабларидан бири эди.

— Биз ажрашолмаймиз хам. Полнинг гапига қараганда, бу унинг

сиёсатчи сифатидаги мавкеига путур етказар эмиш.

Бўлиши мумкин. Лекин, ахир бошқалар қандайдир йўл топишади-ю... Шу пайт Женет айтган гапдан Мэддининг нафаси ичига тушиб кетди.

Даниэла Стил_____ Саёхат

У мени калтаклайди.

Бу сўзлардан Мэддининг томирларидаги қон тўхтаб қолгандай бўлди. Женет кўйлагининг енгини очиб, билагидаги кўкарган жойларни кўрсатди. Мэдди сўнгги йилларда Мак-Катчинснинг ўзини тутолмаслиги ва аҳмоқона феъли ҳақида анчагина бемаъни воқеаларни эшитган эди, мана ўшаларнинг кўргазмали исботи. У нима дейишни билмасди. Унинг қалби бу бахтиқаро аёлга нисбатан раҳм-шафқатга тўлди, у Женетни қучиб олишни истарди.

— Уни ташлаб кетинг. Ўзингизни таҳқирлашга йўл қўйманг. Мен

шундай инсон билан тўққиз йил яшадим.

У гарчи аввалги турмушини унутишга ҳаракат ҳилса-да, хотирасидан сира ўчмасди.

Қандай қилиб қутулиб чиқдингиз?

Улар бирданига ўзларини бахтсизлик бўйича ҳамдард дугоналардек ҳис ҳила бошлашди.

— Қочиб кетдим.

Бу гапнинг оҳангидан жасурлик маъноси сезиларди, аслида эса бутундай бошқача булган. Йуқ, бу аёлга ростини айтиш керак.

— Ўзим ўлгудай қўрққанман. Жек менга ёрдам берган.

Лекин бу аёлнинг Жек Хантери йўқ-ку, унинг ёши ҳам каттароқ ва хунуккина бўлса, энди ишлаб бирон бир муваффақиятга эришиши гумон. Умуман, умидвор бўлишга арзигулик ҳеч нарса йўқ ҳисоб. Яна уч болани боқиш ҳам унинг зиммасида бўлса. Ҳа, уларнинг аҳволини чогиштириб бўлмайди.

— Агар болаларни олиб кетиб қолсам, Пол мени ўлдиришини айтди. Мабодо бирон кимсага мени таҳқирлаганини айтсам, руҳий касаллар шифохонасига ётқизармиш. Кенжам туғилганидан кейин Пол бир марта шундай қилди ҳам. Мени у ерда электрошок билан даволаганлар.

Женет бечора нималарга чидаётгани ҳаҳидаги биргина ўйдан, унинг кўкарган моматалоҳларига тушган нигоҳидан Мэддининг юраги ҳозироҳ ёрилиб кетадигандай бўлди.

Сизга ёрдам керак. Нима учун бирон бир хавфсиз жойга

кетмайсиз?

— У мени топиб олади. Биламан, у мени ўлдиради. — Аёл ҳўнграб йиглаб юборди.

Сизга ёрдам бераман.

Мэдди бошқа иккиланмасди. Бу бахтиқаро аёлга ёрдам бериш керак. Женетни илгари ёқтирмагани учун энди у ўзини айбдордек ҳис ҳиларди. Хозир унга зудлик билан ёрдам бериш зарур. Шунга ўхшаш воҳеани ўз бошидан ўтказган Мэдди бу ишни албатта ҳилиши кераклигини ҳис ҳиларди.

— Болаларингиз билан боришингиз мумкин бўлган жой топишга

уриниб кўраман.

Женет йигидан ўзини тиёлмасди.

Бу дарҳол барча газеталарга тушади.

— Агар у сизни ўлдирса, бу ҳам ҳамма газеталарга тушади. Қочиб чиқиш учун уриниб кўришга сўз беринг. Айтинг-чи, у болаларни

хам урадими?

Женет бош чайқади. Лекин Мэдди тушунарди: ҳаммаси анча мураккаб. Гарчи Пол фарзандларига жисмоний оғриқ етказмаса-да, уларнинг ҳалбларини жароҳатлайди, ҳўрҳитади. Ва унинг ҳизлари бир кун худди оталари каби жоҳил кишига турмушга чиҳадилар. ўғли эса, ҳойнаҳой, аёл кишини урса бўлаверади, деган фикр билан ўсади. Онаси калтакланадиган хонадонда ҳеч кимнинг руҳияти соғлом бўлиши

Даниэла Стил _____ Саёхат

мумкин эмас. Мэдди худди шундай уйда ўсиб, уни уриш хукуки бор, деган фикр миясига сингган ҳолда тўппа-тўгри Бобби Жонинг қўлига тушди.

У Женетнинг қўлини ушлади. Шу вақтда эркакларнинг овози эшитилди. Женет шошиб қўлини тортиб олди. Гўё ҳеч қандай гап-сўз бўлмагандай, унинг чеҳраси қотиб қолди.

Мэдди тунда эрига бўлган вокеани айтиб берди.

— У хотинини урар экан.

- Ким? Полми? Қуйсанг-чи, ишонмайман. У, албатта, унчалик мулойим эрлардан эмас, лекин бунга қули бормайди. Сен қаердан билдинг?
 - Хотини айтиб берди.

Женет бирданига унинг якин дугонасига айланиб қолганди. Энди

уларнинг орасида қандайдир умумийлик бор эди.

- Мен буни рост гап деб қабул қилмасдим. Пол бир неча йил бурунроқ хотинининг рухий ахволи жойида эмаслигини менга айтганди.
- Унинг билакларидаги моматалоқларни ўз кўзим билан кўрдим. Унга ишонаман, Жек. Ахир ўзим шундай ҳолатни бошимдан ўтказганман.
- Биламан. Лекин бу моматалоқлар қайдан пайдо бўлгани бизга маълум эмас. Балки бунинг ҳаммасини у ўйлаб топгандир. Эри аллаҳачон бошҳа аёл билан учрашаётганини биламан. Балки Женет шунчаки ундан ўч олмоҳчидир?

Лекин Мэдди Женетнинг рост гапираётганига бир сония хам

шубҳаланмасди. Полдан эса энди бутунлай нафратланарди.

— Унга нима учун ишонмаётганингга тушунолмаяпман.

— Чунки Полни яхши биламан. У ўзини бундай тутолмайди.

Мэдди бақириб юборишдан ўзини базўр тийди. Улар ярим кечагача то ухлаб қолгунларига қадар бахслашдилар. Мэдди Женетга ишонмагани учун Жекдан шундай аччиқландики, ҳатто у жинсий яқинлик талаб қилмаганидан ўзи енгил тортиб кетди. Ҳозир эрига нисбатан унга кўпроқ Женет Мак-Катчинс яқинроқдай туюларди.

Эртасига Мак-Катчинслар жўнаб кетишларидан олдин, Мэдди Женетга ёрдам беришга уриниб кўришини шивирлаб айтишга улгурди. Женет эридан қўрққани учунми, бунга ҳеч нима демади. Фақат

секингина бош иргади ва машинага ўтирди.

Кечқурун самолётда Вашингтонга қайтишаётганда Мэдди жимгина ойнага қараб ўтирганча, ўзининг Бобби Жо билан ўтган хаётини эслади. Ноксвиллдаги ўша ёлгизлик йилларида доимий тушкунлик холатини кечирганлари ёдига келди. У хозир эркинликка чиқиш учун на кучи, на матонати бор махбусдай туюлган Женетнинг қўлидаги моматалоқларни эслади. Бунинг устига устак, унинг ўзи бу иш қўлидан келмаслигига амин бўлиб турибди.

Самолёт Вашингтон заминига қўнган чоғда, Мэдди Женетга ёрдам беришнинг барча чора-тадбирларини излаб топиш учун ҳаракат

қилишга ўзига ахд қилди.

УЧИНЧИ БОБ

Мэдди душанба куни эрталаб студияга борган захоти Грег билан туҳнашди. Унинг хонасига бирга киришди. Мэдди узига ҳаҳва ҳуйди.

Даниэла Стил______ Саёхат

— Хўш, Вашингтоннинг энг ёрқин телебошловчиси дам олиш кунларини қандай ўтказди? — Грег ҳар замонда уни калака қилишни ёқтирарди. — Президент билан учрашдингизми ёки биринчи хоним ҳамроҳлигида дўконларни айландингизларми?

— Нихоятда ўткир ақл билан фикр юритасан! — У қайноқ қахвадан бир қултум ютди. Женет Мак-Катчинснинг тан олган гаплари ҳали ҳам хотирасини тарк этмаганди. — Умуман айтганда, Жек ростдан ҳам Кэмп-Дэвидда президент билан тушлик вақтида учрашди.

- Ана, айтдим-ку, ноўрин гапиришимга асло йўл қўймайсан. Агар сен биз оддий фуқаро сингари кун бўйи машинамни ювдириш учун навбатда турдим, деганингда, буни ҳазм ҳилолмасдим. Бу студиядаги кўплар ҳатори, мен ҳам сенинг ҳикояларинг туфайли яшаяпман. Буни биласан, деб умид ҳиламан.
- Ишон, менинг ҳаётим сизлар тахмин ҳилганчалик ҳизиҳарлимас. Бунинг устига, бу умуман унинг ҳаёти эмаслиги ҳаҳидаги ҳиссиёт ҳали уни тарк этмаганди. У эрига ҳаратилган чироҳлар нурида умр кечирмоҳда. Биз дам олиш кунларини Мак-Катчинслар билан биргаликда Виргинияда ўтказдик. Вой, худойим-эй, у бирам жирканчки...
- Қуйсанг-чи, сенатор келишган эркак. У шу қадар басавлат, салобатли.

Мэдди анча жим қолгач, Женет Мак-Катчинснинг сирини Грегга

айтиб беришга ахд қилди.

Улар бирга ишлай бошлаганларидан буён анча яқин сирдош бўлиб қолгандилар. Энди улар худди ака-сингилдай муносабатда эдилар. Вашингтонда Мэддининг дўстлари унча кўп эмас — узвий муносабатлар боғлаш учун хеч қачон вақт етишмайди. Унга маъқул келиб, кўнглига ўтиришганларни кўпинча Жек ёқтирмасди ва охир-оқибатда, эри улар билан учрашишни бас қилишга мажбурларди. Эри уни ишга шунчалик кўмиб юборардики, дўстларга умуман вақт ажратолмасди, шу боис бунга қаршилик кўрсатмасди. Улар эндигина бирга яшай бошлаган чоғларида, мабодо Мэдди бирон бир аёл билан якинлашиб колгудек бўлса, Жек дархол ундан камчилик ахтариб топар: ёки жуда семиз, ёхуд хунук, ё улар даражасига мос эмас, ё сергап бўлиб чикарди. Баъзида у янги дугонаси Мэддининг ютугини кўролмасдан, унга хасад килаётганини айтарди. У хотинининг хар бир харакатини кузатиб борар ва хар қандай мулокотдан уни олиб қочарди. У фақат студиядагина бегоналар билан муомала қилиши мумкин эди. Эри шу тариқа уни химоя қилишга, асрашга харакат қилаётганини Мэдди тушунгани учун бунга қарши чикмасди. Охир-оқибатда унинг икки нафар яқин кишиси — эри ва сўнгги пайтларда Грег Моррис қолди.

— Бу дам олиш кунларида дахшатли вокеа руй берди, — дея

эхтиёткорлик билан гап бошлади Мэдди.

У Женетнинг сирини ошкор этаётганига ўзини ҳаддан зиёд ноқулай сезарди. Етти ёт бегоналар сирини муҳокама ҳилаётганидан у унчалик хурсанд бўлмаса керак.

— Нима тирногингни синдириб қуйдингми?

Лекин Грегнинг ҳазилларидан ҳар доим кулишга тайёр турадиган Мэдди бу сафар ҳатто илжайиб ҳам қуймади.

Бу Женетга тааллуқли масала.

— У қандайдир рангпар... кўримсизгина. Тўгриси, уни бор-йўги икки марта сенатдаги қабул маросимида кўрганман.

Мэдди оғир тин олди ва нихоят, бир қарорга келди. Грегга ишонса булади.

Даниэла Стил _____ Саёхат

— Уни эри урар экан.

— Ким? Сенаторми? Бунга ишончинг комилми? Ахир бу жиддий айблов.

— Хаммаси нихоятда жиддий. Унга ишонаман. У менга кўкарган жойларини кўрсатди.

Ахир унинг рухий ахволи унча жойида эмас, шекилли.
 Грег буни худди кеча Жекка ўхшаб масхаралаш охангида айтди.

Мэдди жахли чикканини яширолмади:

— Нимага эркаклар ҳар доим эридан калтак ейдиган аёллар ҳақида шу тарзда гапирадилар? Агар сенга хотини голф таёги билан эрини урибди, десам ишонармидинг? Ёки ўша ярамас баҳалоҳ ўйлаб топган, дермидинг?

— Уялсам ҳам тан олишим керак, эриниг гапига кўпроқ ишонардим. Чунки бундай нарсалар ҳақида эркаклар ёлғон гапирмайдилар. Аёл кишининг эрини уриши камдан-кам учрайдиган

ходиса.

- Билиб қуй, аёллар ҳам алдамайдилар! Бироқ сен ва эримга ухшаган эркаклар туфайли аёллар узларини айбдордек ҳис этадилар, шунинг учун сир сақлайдилар. Тури, у руҳий хасталар шифохонасида даволанган. Лекин менда у бутунлай соппа-сор одамдай таассурот қолдирди. Моматалоқлар ҳам унинг хаста идроки меваси эмас. У эридан улгудай қурҳади. Бу ит эмган баҳалоҳ қул остида ишловчиларга ҳандай муомаладалиги ҳаҳида куп эшитгандим, аммо у хотинини калтаклаши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаганди. Мэдди Грегга узининг утмиши ҳаҳида ҳеч ҳачон гапирмаганди. Куп аёллар сингари у ҳам ҳаммасига узини айбдор деб ҳисобларди, шу боис буни сир тутарди. Унга хавфсиз жой топиб беришни ваъда ҳилдим. Сенда бирон гоя борми? Нимадан бошлаш мумкин?
- «Аёллар уюшмаси» га қандай қарайсан? У ерда бир танишим ишлайди. Гапларимни кўнглингга олма, кечир, ўйламасдан гапириб юборибман.

— Xа... ўйламасдан. Маслаҳатинг учун раҳмат. Унга қўнғироқ қиламан.

Грег қогозга исм ва фамилия ёзди. Фернанда Лопес. Мэдди студияда энди иш бошлаганида бу аёл ҳаҳида кўрсатув тайёрлагани эс-элас ёдига тушди. Шундан бери беш-олти йил ўтса-да, Фернанда унда қандай таассурот қолдирганини унутмаганди.

Лекин бу гал унинг омади келмади. Фернанданинг идорасига қўнгироқ қилганида, Лопес хоним узоқ муддатли таътилдалиги, унинг ўринбосари эса ҳомиладорлик таътилига кетганини айтишди. Янги рахбар фақат икки ҳафтадан кейин келар экан ва дарҳол унга қўнгироқ қилар эмиш. Мэдди қандай муаммо борлигини айтганди, унга бир нечта телефон раҳамларини беришди. Бироқ ҳаммасида автомат жавоб берувчига тўқнашаверди. Аёлларнинг ишонч телефонига кўнгироқ қилишга уриниб кўрганди, банд бўлди. Ўзига ўзи кейинроқ яна телефон қилишга уриниб кўражагини айтди ва эфирга материал тайёрлашга киришиб кетди. У соат бешдаги кўрсатувга ҳадар бу ҳаҳда эсламади. Эртага эрталабдан бошидан бошлашга тўгри келади. Шунча йил чидаб келган Женет яна бир кун сабр ҳилиб турар. Лекин эртага албатта бирон чора топиш керак. Женетнинг ўзи ҳўрҳувдан шундай карахтки, ҳеч ҳандай ҳаракат ҳилишга лаёҳати йўҳ ва бу ҳам бундай вазиятда кам учрайдиган ҳол эмас.

Соат бешдаги ахборот кўрсатувида улар Грег билан одатдаги махаллий ва халкаро янгиликларни етказдилар. Соат еттию ўттиздаги

кечки дастурнинг асосий қисми Кеннеди аэропортидаги авиаҳалокатга бағишланди.

Мэдди кечқурун Жекнинг машинасида уйга ёлғиз ўзи қайтди. Бу вақтда эри президент билан навбатдаги учрашувга кетганди. Улар ҳадеб нималарни муҳокама қилишаверарканлар? Лекин Мэдленнинг ўйлари Женет билан банд эди. Унга қўнгироқ қилиб қўйгани маъқулмикан? Йўқ, балки бундай қилмагани яхшидир. Пол унинг телефонда гаплашаётганини эшитиб турган бўлса-чи?

Уйда у вақти етмагани боис четга сурилиб, йиғилиб қолган бир даста мақолаларни ўқиб чиқди. Кўкракдаги саратон хасталигини даволаш соҳасида эришилган сўнгги ютуқлар ҳақидаги янги китобни варақлаб чиқди. Балки эртага янгиликларда муаллиф билан интервью бериши мумкиндир? Кейин тирноқларини маникюрлади ва ухлашга эртароқ ётди. Уйқу аралаш Жекнинг ҳайтганини эшитди-ю, ҳали бутунлай уйғониб улгурмагани туфайли у билан гаплашмади. Эрталаб эрининг ҳаммомхонага ўтгани ва сувни очганини сезди. Шундан сўнг у буткул уйғонди.

У нонушта қилиш учун ошхонага тушганида эрини «Уолл-стрит журнал» ўқиб ўтирганини кўрди. Жек хотинига қараб жилмайди. Эгнига қизил свитер ва жинси шим илиб, оёгида тўқ алвон ранг кроссовка кийган Малан ёшариб катгания

кийган Мэдди ёшариб, очилиб кетганди.

— Сени тунда уйготмаганимдан энди афсусланяпман.

Мэдди кулибгина қуйди. Узига қахва қуйди-да, қулига газета олди.

- Президент билан тез-тез учрашиб турганингизга қараганда, ростдан ҳам ниманидир бошлаётганга ўхшайсизлар. Огоҳ бўл, ишқилиб, бу навбатдаги мансаб ўзгаришларидан кўра қизиқарлироқ иш бўлсин.
- Хар нарсани кутиш мумкин, дея сиргалганча жавоб берди Жек.

Уларнинг хар бири ўз газетасини ўқишга киришдилар. Тўсатдан гўё Мэдди унсиз қичқирикдан нафаси бўгилгандай бўлди.

— Нима гап?

Бир неча сония бир оғиз ҳам гапиролмай ҳолди. Унинг ҡўзлари ёшга тўлганди. У ўҳишни давом эттирмоҳчи бўлди-ю, лекин уддалай олмади. Эрига ўгирилди:

— Кеча тунда Женет Мак-Катчинс ўз жонига қасд қилибди! Билагининг қон томирини кесибди. Болаларидан бири уни кўриб қолиб, «қутқарув хизмати»га қўнғироқ қилибди. То улар етиб боргунларига қадар жони узилиб бўлган экан. Бу ерда ёзишларича, унинг оёқ ва қўллари бутунлай моматалоқ билан қопланган эмиш. Аввалига буни қотиллик деб шубҳаланишса-да, лекин эри ўтган кечаси болалар аравачасига қоқилиб кетиб, зинадан йиқилган, деб тушунтирибди. Ит эмган... хотинини ўша ўлдирган!

Мэддининг ғазабдан нафаси тиқилиб кетди.

— У хотинини ўлдирмаган, Мэдди, — мулойимгина деди Жек. —

ўзинг ўқидинг-ку, у ўз жонига қасд қилган.

— Женет бошқа йўл йўқ деб ўйлаган, — Мэддининг томоги қуриб, сўзлашга қийналарди: эрнинг калтаклари қандай бўлиши эсида яхши қолганди. У эрига қараб:

— Агар мени Ноксвиллдан тортиб чиқариб олмаганингда, ўзим

хам шундай қилган бўлардим.

— Бекор гап! Буни ўзинг ҳам биласан. Аввал эрингни ўлдирардинг. Женет эса, ҳойнаҳой, томи кетган бўлса керак. Унинг руҳий аҳволида анчадан бери муаммолар бор эди. Умуман айтганда, бошқа юзлаб сабаблар бўлиши мумкин эди.

Даниэла Стил _____ Саёхат

— Қандай қилиб шундай дея оласан? Нима учун ўша бақалоқ махлуқ хотинини таҳқирлаб келганига ишонишни сира истамайсан? Наҳотки у сенга шу даражада ёқса? Нима учун хотини айтган гаплар сенга ёлғон бўлиб туюлаяпти? Фаҳат аёл зотидан бўлгани учунми? — Мэдди Грегнинг муносабатини эслаб, ундан баттар тутоҳиб кетди. — Нимага сизлар аёллар ҳар доим ёлғон гапиради, деб ҳисоблайсизлар?

— Балки у алдамагандир. Лекин ўзини ўлдирган деган далилнинг

ўзи унинг рухий ахволи жойида эмаслигидан далолат беради.

— Ахир бу Женетнинг вос-восга учраб қолгани ва бошқа йўл тополмаганини намоён этиб турибди-ку. У шунчалик тушкун ахволда эдики, болаларини етим қолдиришга ахд қилган ва ҳатто улардан биронтаси уни кўриб қолиши мумкинлиги тўгрисида ўйлаб ҳам

кўрмаган.

Мэдди ўзини ортиқ тутиб туролмасди. Ҳўнграб йиглаганидан кўкси силкинарди. Доимий қийноқларда яшаш, ўзини бурчакка сиқиб қўйилгандек сезиш, бу дўзахдан қутулиб чиқиб кетишнинг ҳеч бир йўлини кўрмаслик — бунинг нималигини у биларди. У ёш ва гўзал бўлмаганида, Жекни учратмаганида, у телевидениега ишга олмаганида, балки Женет Мак-Катчинс каби ўз жонига ҳасд ҳилиши мумкин эди. У аввал Бобби Жони ўлдириши тўгрисидаги Жекнинг гапига асло ҳўшилмасди. Ўша йиллар ичида ўзини ўлдириш ҳаҳидаги ўйлар неча марта хаёлига келганди... Тунлари, эри ўлгудай мастлигида навбатдаги калтаклардан кейин кўзлари ва лаблари шишиб ётганларида шундай фикрларни кечирарди. Женет нималарни ҳис ҳилганини у ҳозир наҳадар яхши тушунарди.

Унинг кечаги қўнгироклари ёдига тушди.

— Кеча «Аёллар уюшмаси» га ва аёллар учун ишонч телефонига кўнгирок килгандим. Жин урсин, нимага Женетга кўнгирок килиб кўймадим-а! Мак-Катчинс гапимизни эшитиб колиши ва Женетга бундан ҳам ёмон бўлишидан кўрккандим.

— Унга энди ёрдам беролмасдинг, Мэдди, ўзингни қийнама. Бу

унинг эси жойидамаслигига яна бир далил.

— Жек, бу ҳеч ҳандай далил эмас, жин урсин! У ҳеч ҳандай аҳлдан озган эмас, шунчаки Пол уни ўлгудай ҳўрҳитиб ҳўйганди. Бундай йўл тутишга ҳарор ҳилишидан олдин хотинини Пол не ҡўйларга солган экан.

— Балки у эшакдир, Мэдди, фақат қотил эмас. Бунга кафил бўлиш учун тайёрман.

Жекнинг сўзлари уни баттар ёндириб юборди.

— Қачондан бери у билан ош-қатиқ булиб қолдиларинг? Унинг қулидан нима келишини сен қаердан биласан? Бунинг нима эканлигини сен тасаввур ҳам қилолмайсан!

У ўпкасини босолмай йигларди. Сал-палгина танийдиган аёл ўлимига қайғурганча ҳўнграб йигларди. Лекин улар бахтсизлик бўйича ҳамдард эдилар. Шунчаки Мэддининг омади келиб ҳолди. У ҳутулиб чиҳишга муваффаҳ бўлди.

— Нега энди бунинг нималигини тасаввур қилолмас эканман, — унча баланд булмаган овоз билан деди Жек. — Никохдан кейин ҳаётимиз бошида тунги босинқирашлардан қийналгандинг. Бошингни қулларинг билан беркитганча — эмбрион ҳолатида ухлардинг. Бунинг нималигини тасаввур қиламан, эркам. Ахир сени ўзим қутқариб олдим-ку...

— Xa, буни хеч қачон унутмайман. — У эрига маъюс нигох ташлади. — Женет бундай иш қилишдан олдин қанчалик қийналганини билсанг эди...

Унинг турмуши — ҳаҳиҳий дўзахнинг ўзи эди.

— Ҳа, эҳтимол, шундайдир, — деди у совуққина оҳангда. — Пол ва унинг болаларига ачинаман. Улар учун бу осон бўлмайди. Уларга газетачилар кўпам ташланмасликларини умид қиламан.

— Мен эса бирор ёш қизиққон репортёр топилиб қолишидан умидворман. Нафақат Женет туфайли, балки шундай аҳволда умр

кечираётган хали тирик бўлган бошқа аёллар хақи.

- Тушунолмайман, модомики, ахволи шу даражага бориб етган экан, нима сабабдан эрини ташлаб кета қолмабди. Ўзини ўлдирганидан кўра, кетиб қолиши мумкин эди.
 - Демак, иложини тополмаган.
 - Лекин сен кетдинг-ку, Мэдди! Демак, у ҳам кета оларди.
- Бунинг учун менга саккиз йил керак бўлди. Кейин, менга сен ёрдам бердинг. Хамманинг хам шундай омади келавермайди. Ростдан хам омадим чопди. Яна бир йил ўтганида, у мени ўлдириб қўйиши тайин эди.
 - Бунга йўл қўймасдинг.
- Токи сен етиб келгунингга қадар бунга узоқ муддат чидагандим. Онам ҳам то отам ўлгунича чидаб ўтган эди. Кейин эса ўзи ўлгунича отамни қўмсаб ўтди, бунга онт ичишга тайёрман. Бундай муносабатлар одамларни то ўзлари англаб етгунларига қадар янада тубанлаштиради. Ураётган ҳам, калтакланаётган ҳам тобора тубанлашиб бораверади.
- Ходисаларга нисбатан қизиқарли нигох... Менимча, шундай тоифадаги одамлар борки, ўзлари шуни кутиб турадилар. Табиатан ювошликлари боис, ўзлари шунга имкон берадилар.

— Бунинг хеч бир жихатига тушунмайсан, Жек.

У гоят асабийлашган аҳволда ошхонадан чиқиб кетди. Юқорига кутарилиб, сумкасини олди, эгнига туқ ҳаво ранг нимчасини илди, қулоқларига олмос кузли зиракларини тақди. Мэдди доим узига қараб юрарди — баногоҳ кимни учратиб қолишингни аввалдан ҳеч билмайсан, уни эса ҳамма танийди.

Улар машинада сукут сақлаб кетдилар. Мэдлен эри билан ортиқ баҳслашишни истамасди, шу билан бир қаторда, унинг айрим

гапларини кечиролмасди хам.

Уни телестудияда Грег кутарди. У газеталарни кўриб улгурган ва хозир маъюс кўринарди.

— Хафа бўлма, Мэдди. Биламан, унга ёрдам бермоқчи эдинг.

Барибир бундан хеч нарса чиқмас эди.

Афтидан, у Мэддига шунчаки таскин бермоқчи эди, лекин аёл унинг сўзларини бошқача тушунди. У бошини кескин силкитди:

— Нимага энди ҳеч нима чиҳмасди? Унинг эси пастлиги туфайлими? У томирларини шунчаки кесгиси келганди, шундайми?

- Йўқ, демоқчийдимки... балки қутулиб чиқишга уриниш учун уни ҳаддан ташқари қўрқитиб қўйишган бўлса керак. Грег барибир ўзини қизиқтирган саволдан тиёлмади:
- Сенингча, у нима сабабдан шундай қилган экан? Эри уни таҳқирлагани сабаблими ёки бу руҳий хасталик туфайлими?

Мэддининг ғазаби яна қўзиб кетди:

— Жек ҳам худди шундай фикрлайди. Ва жуда кўпгина шу аҳволга тушган аёлларни, эрлари нима ҳилишига ҳарамасдан, руҳий хаста деб ҳисоблайдилар. Улар бундай эрларни нима сабабдан ташлаб кетмасликларини ҳеч ким тушунолмайди. Шунчаки... айрим аёлларга бундай ҳилиш мумкин эмас... улар шунчаки бундай ҳилолмайдилар.

У хўнграганча йиглаб юборди.

Грег уни қучди.

Даниэла Стил _____ Саёхат

— Биламан... биламан, қўй энди... Кечир... Барибир уни

қутқаролмасдинг.

— Унга ёрдам бермоқчи эдим... ёрдам беришни хоҳлардим... — Мэдди, шундай йўл тутишдан аввал Женет қанчалик азобланганини ўйлаб ва унинг фарзандлари ёдига тушиб, янада кучлироқ йиғларди.

— Буни қандай ёритамиз? — сўради ундан Грег, нихоят

тинчланганидан сўнг.

— Тахқирланган аёллар тугрисида шарх бермоқчиман.

— Ахир, дастуримиздан буни олиб ташлашди-ку, ёдингдан чикдими?

— Буни барибир амалга оширишимни Жекка айтаман. Ярамас Мак-Катчинснинг кирдикорларини фош этмокчиман.

Грег бошини чайқади.

— Сенинг ўрнингда бўлганимда, бундай қилмасдим. Бу хабар билан чиқишингга Жек сира рухсат бермайди. У билан ҳар тунни бирга ўтказишингнинг ҳеч қандай аҳамияти йўк. Юқоридан кўрсатма келди: ҳеч қандай шарҳсиз, фаҳат аниҳ далиллар бўлсин. Янгиликлар ва бошҳа ҳеч нарса. Ўзимиздан ҳеч нарса қўшмай, ахборот беришимиз шарт.

— У мени нима қила оларди? Ишдан бўшатадими? Ахир бу аниқ далиллар эмасми? Сенаторнинг хотини эрининг калтаклашларидан

безор булгани боис, ўз жонига қасд қилган!

— Барибир Жек бундай дейишингга йўл қўймайди ва бу материални тайёрлашингга ҳам рухсат бермайди. Уни ҳанчалик билганимдан айтаяпман. Бундай имкониятга эга бўлишинг учун телестудияни ҳўлларингга ҳурол олиб, эгаллашингга тўгри келади Ҳар ҳандай шароитда ҳам, бу Жекка маъҳул келмаслиги аниҳ, Мэдди.

— Барибир айтганимдан қолмайман. Ахир биз эфирга тўгридантўгри узатиладиган дастурда чиқамиз-ку, жин урсин! Улар мени ўчириб қўёлмайдилар, бу катта жанжал чиқариши мумкин. Женетнинг ўз жонига қасд қилганини айтамиз-да, кейин узримизни билдирамиз, Жекнинг албатта, жон-пони чиқади, лекин бунга бир амаллаб чидайман.

Сен жуда жасур экансан.

Грег оппоқ тишларини кўрсатиб, барча аёлларни ақл-хушини оладиган табассум қилди. У Вашингтондаги энг ҳавас этса арзигулик бўйдоқ ҳисобланарди. Чиройли, кўркам, ақлли, гап-сўзи ёқимли, мафтункор ва омадли эркак эди. Бундай тўкислик ҳар доим ҳам учрайвермайди. Бунинг устига, у билан ишлаш ҳам ўзига хос осон эди.

— Мен эса Жек Хантерга қарши бориш ва буйруқларидан бирини

бузиш истаги билан ёнмаётганга ўхшайман.

— Хечқиси йўқ, менда таниш-билишчилик алоқаси бор.

У Женетнинг ўзини ўлдиргани тўгрисидаги хабарни ўкиганидан бери энди жилмайди.

Тўппа-тўгри. Яна сен телестудияда энг оёклари келишган аёлсан.

Бу хам ортикча эмас.

Соат бешдаги эфир пайтида, — бу шу куни биринчи чикиши эди,

- Мэдди барибир ҳаяжонлаётганини яширолмади. Ташқи кўринишидан бу унча билинмасди ҳар ҳачонгидай ўша-ўша босиҳлиги, ҳизғиш свитер кийган, сочлари текис турмакланган ва ҳулоҳларида бриллиант зираклари билан кўркам эди. Лекин Грег уни яхши билгани боис, асабийлашаётганини сезмай иложи йўҳ эди.
- Сен айтганингдан қолмайсанми? пичирлаб сўради у эфир бошланиши олдидан.

Мэдди бош ирғади. Ўзига қаратилган камерага табассум билан боқиб, ўзи ва шеригини таништирди. Улар одатдагидай, навбатманавбат ҳамкорликда, бир-бири билан мулоқотни узмай янгиликларни ўҳишди. Кейин Грег ўзининг айланма креслоси билан бирга кадрдан нари кетди. У ҳозир нима рўй беришини биларди. Мэддининг чеҳраси жиддийлашди. У энди камералар ҳаршисида ёлғиз ўзи ҳолганди.

Бугунги газеталарда хаммамизга у ёки бу даражада тегишли бўлган хабар бор. Уч боласини етим қолдириб, ўз жонига қасд қилган Женет Мак-Катчинс ҳақидаги хабарни назарда тутяпман. Мудҳиш ходиса уларнинг Жоржтаундаги уйида содир бўлди. Бу хакикатда мудхиш вокеа. Мак-Катчинс хонимнинг ўзини ўлдиришга нима мажбур қилганини, хойнахой, хеч ким билолмайди. Лекин шундай саволлар борки, гарчи уларга жавоб оломаслигимиз хакикатга якинрок бўлса-да, уларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. У нима сабабдан бу ишга қўл урди? Қандай оғриқни кўтаролмади? Нима учун уни хеч ким эшитишни истамади, унинг тушкун ахволдалигини сезмади? Якинда Мак-Катчинс хоним мен билан сухбатлашганида бир канча муддат илгари рухий хасталар шифохонасида рухий тушкунликдан даволанганини тилга олиб ўтганди. Бирок, Мак-Катчинс хонимга яқин бўлган бир одам унинг ўзини ўлдиришига калтакланганлиги сабаб бўлиши мумкинлигини хабар қилди. Агар худди шундай бўлган эса, у холда Женет Мак-Катчинс тахкирланишлар ботқоғидан қутулишга ҳатто уриниб ҳам кўрмасдан, ўзини ҳалок этишни афзал билган биринчи аёл эмас. Бунга ўхшаш мудхиш ходисалар, бахтга қарши, тез-тез содир бўлиб туради. Эхтимол, Женет Мак-Катчинснинг ўз жонига қасд қилишининг бошқа сабаблари хам бордир. Балки унинг оиласидагилардан биронтаси бу ҳақда билса керак. Бу ҳақда унинг дўстлари ёки эри ёхуд болалари билиши мумкиндир. Лекин бу кўпчилик аёллар огрик, кўркув, камситиш, чорасизлик каби холга чидашга мажбур эканлиги хакида биз учун яна бир эслатмадир... Сизга Женет Мак-Катчинс нима сабабдан халок булганини комил ишонч билан айтолмайман ва бу тугрида фол очиш менинг ишим эмас. Айтишларича, у фарзандларига аталган мактуб қолдирган эмиш, лекин биз, албатта, уни хеч қачон кўролмаймиз. Шундай бўлса-да, нима учун бутун олам аёлларнинг кўз ёшларига бепарво, деган саволни бермай туролмаймиз. Бунга ўхшаган ходисалар содир бўлганида, одатда: «У хаста эди... хойнахой, унинг эс-хуши жойида эмас эди», — деймиз. Хўш, агар бундай бўлмаса-чи? Хар куни қанчалаб аёллар ё ўз жонларига қасд қиладилар ёхуд ўзларини қийноққа солган золимлар қўлларидан ҳалок бўладилар. Биз эса, чидаб бўлмас тахкирланишлар хакида сўзлашга уринсалар, ишонмаймиз ёки уларнинг сўзларини эшитмагандек кар бўлиб, ёнларидан шунчаки ўтиб кетаверамиз. Балки уларни тинглаш бизга шунчалик огирдир? Узини ўлдириш даражасига етказилган аёллар акли нокис хам эмас, асаблари хаста ҳам эмас, тентак ҳам эмаслар. Уларни хавфдан қутулишга уринмоқ учун нихоятда дангаса, деб ўйлаш хато бўлади. Улар шунчаки қаттиқ қўрқитилгани сабабли бундай қилолмайдилар. Кўпчилиги эса ўзини ўлдиришни афзал биладилар. Чунки акс холда улар ахийри ўлдирмагунча тинчимайдиган қийноқларга солаётган золимнинг қулида қолишлари мумкин. Бундай ходисалар ҳам булиб туради ва бу ҳақиқат. Бундай бахтиқаро аёллардан юз ўгирмаслигимиз даркор. Уларга кумак бериш йулини топишимиз керак. Сизлардан Женет Мак-Катчинсни ёдингиздан чиқармасликни сўрайман. Келаси сафар худди шунга ўхшаш ходисани эшитсангиз, ўзингиздан бунинг Даниэла Стил _____ Саёхат

нима учун содир бўлганини сўранг. Кейин эса қанчалик дахшатли туюлса-да, жавобини диққат билан тинглашга ҳаракат қилинг. Бу Мэдди Хантер эди. Омон бўлинг ва эътиборингиз учун рахмат.

Шундан кейин дарҳол рекламани қуйиб юборишди. Студияда гуё портлаш юз бергандай булди. Мэдди гапираётган чоғида уни туҳтатиш, рекламани илгарироқ қуйишга ҳеч ким журъат этолмади. Грег жилмайганича унга ҳараб турарди. Мэддининг нигоҳи унга тушганида, ҳавода беш раҳамини чизди.

Хўш, қалай? — сўради у нафаси тиқилганча.

— Динамит! Агар бирор нарсани англай олсам, турт сониядан кейин бу ерга эринг етиб келади.

Жек икки сониядан кейин пайдо бўлди. У худди бўрондай бостириб кирди. Жахлдан титраганча тўппа-тўгри Мэддига яқинлашди:

— Нима, бутунлай ақлдан оздингми? Пол Мак-Катчинс мени бизнесдан улоқтириб ташлайди-ку!

У хотинига жуда яқин турарди ва унинг тўгри башарасига қараганча бақирарди. Мэдди оқариб кетди, у ҳам титраётган бўлса ҳам, лекин орқасига чекинмади. Жек ёки бошқа биров ғазабланганида у ҳар доим чўчиб турарди. Лекин бу ҳар ҳандай жаҳлга арзигулик иш эди.

— Ахир фақат Женетга яқин бир киши ўз жонига қасд қилишга унинг калтакланиши сабаб бўлиши мумкинлигини айтдим, холос. Жек, жин чалдими, моматалоқларни ўз кўзим билан кўрдим-ку. Пол уни калтаклашини ўзи менга айтди. Эртасига эса у ўзини ўлдирди.

Бундан яна қандай хулосалар чиқариш мумкин? Телетомошабинларга бор-йўги ўз жонига қасд қилган аёллар ҳақида ўйлаб кўришни таклиф қилдим, холос. Қонунга мувофиқ, Мак-Катчинс бизни жавобгарликка тортолмайди. Мабодо зарур бўлиб қолса, Женет менга айтган гапларини қасамёд қилиб такрорлашим мумкин.

- Жудаям зарур бўлиши мумкин, жин урсин сени! Нима, гарангмисан ё ўқишни унутдингми? Айтдим-ку, ҳеч қандай ўзбошимчаликнинг ҳожати йўқ, фақат янгиликлар, деб. Буни аниқ айтдим.
- Кечир, Жек. Шундай қилишим керак эди. Бу Женет ва бошқа бахтиқаро аёллар олдидаги бурчим эди.

— Худо хаққи, бас қилсанг-чи...

У нима рўй берганига ишонгиси келмай, қўлини сочлари устидан асабий юргазди. Аппарат хонасидаги бу каллаварамлар ҳам уни тўхтатишмаган! Хотини бу ерда гапирганлари уларга, ҳойнаҳой, ёҳиб тушган бўлса керак-да. Пол Мак-Катчинснинг эса шундоқ ҳам қўполлиги, қўл остида ишловчиларни ҳаҳоратлайдиган шахс сифатида донғи кетган. У ёшлигида маст ҳолатда барларда уришишларда доимий равишда ҳатнашган. Бу ҳилиҳлари учун Вашингтонда уни ҳамма ёмон кўради. Унинг уришҳоҳ ҳилиҳлари одамлар орасида тез-тез намоён бўлиб туради. Уни ҳимоя ҳилиб бир оғиз сўз айтувчи ҳеч ким топилмади. Гарчи Мэдди очиҳчасига айтмаган бўлса-да, кўпчилик у хотинини калтаклаши мумкинлигини билиши аён эди.

Жекнинг талвасаси ҳали ҳам давом этарди. Шу пайт студияга режиссёр Раф Томпсон кириб, сенатор Мак-Катчинс қунғироқ қилаётгани ва Жек билан гаплашмоқчилигини айтди.

- Жин урсин! У хотинига ўгирилди: Хўш, у мени судга беришидан гаров ўйнайсанми? Канча пулга гаров ўйнайсан?
 - Жек, кечир, жуда уятлиман.

Бирок аслида у килган ишидан пушаймонликни хис этмасди.

Режиссёр ёрдамчиси кириб, биринчи хоним қўнғироқ қилаётганини ва Мэдлен Хантер билан гаплашмоқчилигини айтди. Мэдлен ва Жек ҳар хил аппарат ёнига бордилар. Мэдди Филлис Армстронгнинг овозидан дарров таниди. Уни титроқ босди.

— Мэдлен, сиз билан фахрланаман. Бу нихоятда жасур ходиса бўлди.

Ажойиб кўрсатув!

— Миннатдорман, миссис Армстронг.

Мэдди босиқлик билан сўзлашга ҳаракат қиларди. Жекнинг талвасаси ҳақида ҳеч нима демади.

— Сизни аёлларга жоҳил муносабатда бўлишга қарши кураш қумитасида ишлашга таклиф қилмоқчиман. Умуман, бу ҳаҳда сиз билан гаплашиб куришни Жекдан илтимос ҳилгандим.

— Ҳа, у менга айтганди. Бу иш мени жуда қизиқтиради.

— Бу тўгрида у мени ишонтирганди, лекин шахсан ўзингизнинг розилигингизни олмокчи эдим. Бизнинг эрларимиз зиммамизга умуман шугулланишни хохламайдиган фаолиятни юклаб кўйишга одатланишган. Турмуш ўртогим ҳам бундан мустасно эмас.

Мэдди жилмайиб қўйди. Эҳтимол унинг вақтини ўз билгича тақсимлагани учун Жекдан бекор хафа бўлгандир? Баъзан эри уни

гоят бехурмат қилаётгандек туюларди.

— Бу борада у ҳақ бўлиб чиқди. Бу иш билан бажонидил

шуғулланаман.

- Эшитганимдан хурсандман. Биринчи йигилишимизни жума куни Оқ уйдаги идорамда ўтказамиз. Кейинчалик бошқа яхшироқ жой топишга ҳаракат қиламиз. Ҳали жуда озчиликмиз, ҳаммаси бўлиб ўн киши. Биз жамоатчиликнинг диққатини аёлларга жоҳил муносабатда бўлиш масаласига жалб этмоқчи эдик, назаримда, бу йўналишда биринчи қадамни ташладингиз. Табрикларимни қабул этинг.
- Миннатдорман сиздан, миссис Армстронг. Мэдди шодликдан ял-ял товланарди.

— Миссис Армстронгдан энг баланд рейтинг олган куринасан, —

деди Грег.

У Мэдленга нисбатан ҳақиқатда фахр туйғусини сезарди. Ҳатто эри телестудия раҳбари бўлса ҳам, бундай иш катта жасурлик талаб этарди. Энди унинг бошига ҳанча маломат тошлари ёғилади. Студияда Жек Хантер унчалик ҳавас ҳиладиган киши эмаслигини билишарди, айниҳса, кимдир унинг гапига ҳарши чиҳишга уринадиган бўлса, унга осон бўлмасди. Гарчи Мэдди унинг хотини бўлса-да, у ҳам бундан мустасно эмасди.

У Грегга биринчи хоним билан сухбати ҳаҳида гапириб бера бошлади. Шу пайт боягидан баттар ғазабга минган Жек уларга яҳинлашди. У Мэддини ўз ҳўллари билан бўғиб ташлашга тайёрдек

туюларди. Шу дакикада у айбдорларни топиш ўтида ёнарди.

Бундан хабарингиз бормиди? — бақирди у Грегга.Жуда аниқ эмас-ку, лекин, умуман, ҳа. Мэдди нимадир

демоқчилигини билардим.

Грег Жекдан қўрқмасди. У бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаган бўлса-да, Хантерни ёмон кўрарди. Уни ўзини катта тутувчи, бети ҳалин, ҳаддан ортиҳ ҳукмрон шахс деб ҳисобларди. Бундан ташҳари, гарчи бу тўгрида Меддига билан сира гаплашмаган бўлса ҳам, Жекнинг хотинига муносабати унга ёҳмасди. Бусиз ҳам унинг ташвиши етарли эди.

— Сиз уни тўхтатишингиз мумкин эди! Унинг гапини шартта бўлиб, эфирни тўхтатиш керак эди.

— Жаноб Хантер, бундай тубанликка бормайман, чунки Мэддига гоят хурматим баланд. Бундан ташқари, унинг айтган гапларига мен ҳам мутлақо қушиламан. Аввалига, кеча, душанба куни у Женет Мак-Катчинс ҳақида айтганларига ишонмагандим. Содир булган ҳодиса бизга таҳликали ҳабардан дарак бериб хизмат қилиши даркор. Бундай воқеалар теварагимизда ҳар куни содир булиб турса-да, буни куришни ҳам, эшитишни ҳам истамаймиз. Женет Мак-Катчинснинг эри таниқли одам булгани боисгина бу ҳақда билдик. Агар бугун Мэддини купчилик тинглаган булса, эҳтимол, Женет Мак-Катчинснинг улими кимнидир шу каби ҳалокатдан асрашга ёрдам бериши мумкин. Сизга ҳурматим ниҳоятда баланд булгани ҳолда, Мэдди тугри йул тутган, деб ҳисоблайман.

Сўнгги сўзларни айтаётганда унинг овози титраб кетди.

Жек Хантер Грегдан дарғазаб нигохини узмасди.

— Бизга қарши суд иши қўзғатишганда хомийларимиз жуда хурсанд бўлишади!

Буни сенга Мак-Катчинс айтдими?

Мэдди бўлиб ўтган ишдан заррача афсусланмаса ҳам, бирок эрига нохушлик келтиришни истамасди. Ростдан ҳам, Мак-Катчинс хотинини таҳқирлаши оҳибатларини кўра била туриб, у ҳандай жим тура оларди? Агар керак бўлса, у ҳасамёд ҳилиб ҳам гувоҳлик бериши мумкин. Ҳа, у эфирни рухсатсиз эгаллаб олди. Эҳтимол, бу унга ҳам, телестудияга ҳам ҳимматга тушар. Лекин бу баҳосига арзирли иш эди.

— Анча тиниқ равишда шама қилиб қўйди. Суҳбатимиз тугаши

билан ўз адвокатига қўнғироқ қилажагини айтди.

— У бирор нарсани уддалашига кўзим етмаяпти, — деди Грег ўйга ботганча. — Унга қарши жуда очиқ гувохликлар мавжуд. Женет Мак-Катчинс хам Мэдди билан шахсан ўзи гаплашган. Ўз жонимизни асрашимиз учун шунинг ўзи кифоя.

— «Уз жонимиз»? Грег, қандай олийжаноблик! Тушунишимча, гап менинг жоним ҳақида кетаяпти. Умуман айтганда, бундан-да ортиқ тентаклик, бундан-да масъулиятсизликни тасаввур ҳам этиб булмайди!

Шу сўзлар билан Жек юқорига, ўз кабинетига чиқиб кетди.

— Хаммаси жойидами? — Мэддига ўгирилиб сўради Грег.

У бошини иргади.

— Бу иш Жекни хафа қилишини билардим. Ҳар ҳолда, иш судгача бориб етмайди, деб умид ҳиламан.

Шунга қарамасдан, у ажабтовур хавотирга тушди. Мак-Катчинс оилавий хаётини томошабинлар мухокамасига олиб чиқишгани учун ишни судгача етказмаслигини умид қилишдан ўзга чора йўқ эди.

— Унга Филлис Армстронг билан гаплашганингни айтдингми?

— Йўқ, улгуролмадим. Уйда айтаман.

Лекин у кечқурун уйга ёлгиз қайтишига тўгри келди. Жек ўз адвокатларини ёзиб олинган кўрсатув тасвирини тинглаб кўриш ва Мэдленнинг чиқишини улар билан муҳокама қилиш учун чақиртирганди. У уйга ярим тундан ўтганда келди. Мэдди уни кутиб ўтирарди, лекин эри қиё ҳам боқмай, намойишкорона тарзда ҳаммомхонага ўтиб кетди.

— Ишлар қалай? — эҳтиёткорлик билан сўради у.

Жек ғазабнок кўзларини чақнатиб, хотинига яқин келди.

— Қулингдан шундай иш келишига хеч ишонгим келмайди. Аҳмоқ! Гуё эри уни уриб юборадигандек туюлди. Бироқ у хотинини ҳақоратларга кумиб юборар ҳамда ғазабли нигоҳи билан куйдирарди. Унинг ҳилмиши Жекка ҳудди сотҳинликдек куринарди, шекилли.

Даниэла Стил_

— Эфир тугаши билан биринчи хоним қўнғироқ қилди. Бу кўрсатув уни хаяжонга солибди. Бу нихоятда жасур кадамлигини айтди. Шу

хафтада унинг кумитасининг илк йигилишида катнашаман.

Мэдди бу сўзларни узр сўраган охангда айтди. У эрининг олдидаги айбини нима билан бўлса ҳам сувамоқчи эди. Ахир иш юзасидан турлича фикрлашлари туфайли эри уни ёмон кўриб қололмайди-ку!

Бироқ эри яна ғазабдан гезариб деди:

— Ахир, сенинг ўрнингга қароримни билдиргандим-ку.

— Иўқ, ўзим қарор қилдим, Жек. Бунга хаққим бор.

 Нима, энди нафақат жоҳил муносабатда бўлишаётган аёлларни, балки аёллар хукукини хам химоя килмокчимисан? Эхтимол эртага шу мавзуга оид репортаж кутишим керакдир? У холда, кел, сен учун шахсий шоу дастурини яратайлик-да, хохласанг, куни бўйи тинимсиз алжираб ўтиравер! Янгиликларни эса унут!

— Лекин бу биринчи хонимга ёққан бўлса, бизга хеч нима

бўлмайди.

— Хаммаси Мак-Катчинснинг адвокатларига боглик.

— Бир неча кундан сўнг хаммаси тинчиб қолади, деб ўйлайман. Жек ўзини зўрга тутганча яна каравотга яқинлашди.

— Агар сен яна бир марта шундай қилишни ўзингга эп кўрсанг, ўша захоти хайдаб соламан. Хотиним эканингга тупураман! Тушунарлими?

Мэдди индамасдан бош иргади. Энди у тўгри иш килганига ўзи хам шубхаланарди. У эрига хиёнат қилди. Тўққиз йил бирга яшаган давр ичида Жек ҳеч бундай ғазабланмаганди. Бу иш учун, айниқса, унинг телетармогига қарши суд иши қўзғатилса, Жек уни кечирмаслиги хам мумкин.

— Шундай қилиш керак, деб хисоблаган эканман...

— Нима деб хисоблашингга тупураман! Уз фикрингни ифодалашинг учун эмас, янгиликлар матнини яхши кўринишда ва тўгри ўқиб беришинг учун сенга маош тўлаяпман. Сендан менга бошқа хеч нима керакмас.

У шундай дегач, хаммомхонага кириб, эшикни тараклатиб ёпди. Мэдди йиглаб юборди. Бугун унга жуда огир кун бўлди. Барибир,

унга қанчалик қимматга тушмасин, у тўгри иш қилди.

Жек ювиниб чикиб, индамай ўрнига ётди, чирокни ўчириб, хотинига тескари ўгирилиб олди. Улар анчагача жим ётишди. Ахийри эри хуррак ота бошлади. Уларнинг бирга кечираётган бутун умри мобайнида Мэдди илк бор қўрқув хиссини туйди. Жек ўта ғазабнок кўринарди...

Хатто бармогини теккизмаган бўлса-да, эрининг газаби Мэддида эски хотираларни уйготиб юборди, ўша аввалги дахшатлар яна қайтғандек бўлди. Узоқ вақт ўтғандан кейин, шу тунда у дахшатли

кўркувдан кийналарди.

Нонушта махалида Жек бир оғиз хам гапирмади. Индамасдан пастга

тушди, уйдан чиқиб, машинага ўтирди.

- Мен-чи? эри эшикни тарс ёпиб олган чогида кўзларига ишонмай сўради Мэдди.
 - У хотинига худди бегонага қарагандай:

— Такси ол, — деди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Женет Мак-Катчинсни дафн этиш маросими жума кунга белгиланди. Жек у ерга Мэдди билан бирга бормоқчилигини котибаси орқали маълум қилди. Улар эрининг машинасида боришди. Эри қора

костюмга мос йўл-йўл галстук таққан, хотини Шанель фирмаси тиккан қора костюм кийиб, қора кўзойнак тақиб олганди.

Черковда жаноза ўқиш маросими анча узоқ ва кишини толиқтирар даражада давом этди. Хор «Аве Мария»ни ижро этарди. Биринчи қаторни мархуманинг қариндош-уруғлари ва болалари эгаллашганди. Бу ерда шаҳарнинг барча сиёсий арбоблари йиғилгандай туюларди. Сенаторнинг ўзи йиғларди. Мэдди кўзларига ишонмай, унга қараб турарди. Унинг қалби болалари томонга интилди. Маросим охирлаганида Мэдди нима қилаётганини ўзи ҳам ўйламай, беихтиёр Жекнинг билагидан тутди. Эри унга бир он нигоҳ ташлади-ю, шу заҳоти ўзини четга тортди. У ҳали ҳам хотинини кечиролмасди. Эру хотин ўша сешанбадан бери гаплашмаётган эдилар.

Улар ҳамма қатори черковдан чиқдилар. Тобутни катафалкага солиб, олиб кетишди. Оила аъзолари мозорга бориш учун машиналарга чиқиб ўтирдилар. Кўмиш маросимидан кейин Мак-Катчинслар уйида тушлик хотирлаш тадбири ўтиши керак эди. Мэдди билан Жек бу ҳақда билардилар, лекин уларнинг хар иккаласи ҳам унда қатнашишни хоҳламадилар. Мак-Катчинслар уларнинг дўсти эмасди. Улар тўла сукунат ичра студияга қайтдилар. Мэдди ортиқ чидолмаслигини сезди.

— Бу қачонгача давом этади, Жек?

— Токи сенга нисбатан муносабатим ўзгармагунча. Мени иснодга

қўйдинг, Мэдди! Мени қаттиқ ранжитдинг.

— Йўқ, Жек. Калтакланиб келган ва шу боис ўзини ҳалок этган аёл бу дунёдан одамлар хотирасида гўё ақлдан озгандай кетиши мумкин эди. Женет ва унинг фарзандлари ҳақи, шунчаки одилликни тиклашни истадим, холос. Ҳамда уни ўзини ўлдиришгача етказган кимсага эътибор қаратишларига уриниб кўрдим.

— Ва йўл устида мени ҳам чалиб ўтдинг. Нималарни валдирашингга қарамасдан, у барибир одамлар хотирасида руҳий хасталигича қолади. Далиллар шуни билдиради. Уни ярим йил давомида руҳий шифохонада электрошок билан даволашган. Шундан кейин ҳам уни хаста эмас, демоқчимисан? Ўша хотин туфайли мени маломатга қўйдингми?

— Кечир мени, Жек. Барибир, шундай қилишим зарур эди.

Сен ҳам ўша аёл каби телбасан.

Бу сўзлар худди сўнгги уч кундаги сукунат каби уни куйдириб юборди.

— Балки, ҳеч бўлмаса, дам олиш кунларини тинч ўтказишга келишиб олармиз?

Мабодо у узини бундан буён ҳам шундай тутадиган булса, дам олиш кунлари Виргинияда чидаб булмайди. У ҳолда Мэдди у ёҳҳа бормай ҳуя ҳолади.

- Фермага бормоқчи эмасман, дея совуққина жавоб берди у. Бунинг устига шаҳарда ишим кўп. Пентагонда учрашувларим бор. Сен истаган ишингни қилишинг мумкин. Мен банд бўламан.
- Ахир бу бемаънилик-ку, Жек! Биз иш юзасидан жиқиллашиб олдик, турмушимиз эса бутунлай бошқа иш.
- Хозирги вазиятда ҳаммаси узвий боғланган. Оғзингни очишдан олдин бу ҳаҳда ўйламоғинг даркор эди.
 - Жуда соз! У холда мени жазолай қол. Ахир бу болаларча шўхлик-ку.
- Агар Мак-Катчинс судга мурожаат қилиб, катта миқдорда маблағ тулайдиган булсак, бу сенга болаларча шухлик булиб куринмайди.
- Бундай қилишга унинг ҳадди сиғмайди, деб ўйлайман, айниқса, биринчи хоним чиқишим ҳақида яхши фикр билдирганидан кейин. Бундан ташқари, у ўзини ҳимоя ҳам қилолмайди. Мабодо иш судгача

боргудай бўлса, суд хисоботида моматалоклар хакида хам гап айтилади.

— Биринчи хонимнинг фикри сенга мухим бўлгани каби унга

хам шу даражада таьсир этишига кўзим етмайди.

Жек, нима учун буни жилла қурса, бироз муддатга унутолмайсан? Бўлар иш бўлди. Хатто энди истасам-да, хеч нимани ўзгартиролмайман. Кел, энди буни шунчаки унутишга уриниб кўрайлик ва яшашни давом эттирайлик.

У хотини томон ўгирилди-да, кўзларини сал кисганча:

— Азизам Жанна д'Арк, балки хотираларингни ёдингга солиб қўйиш керакдир? Хақоратланган ва тахқирланганлар, оддийрок айтганда, омадсизлар химоясига салб юриш бошлашингдан аввал, сени топиб олгунимга қадар, ўзинг ким эдинг? Таёқчасиз ноль эдинг! Бутун умр ўша трейлерлар бекатида, бўш пиво банкалари орасида калтаклар дўли остида яшаб ўтардинг. Узингни ким деб тасаввур этсанг ҳам, сени мен одам қилганимни асло унутма. Барчаси учун мендан миннатдор бўлмогинг керак! Женет Мак-Катчинс каби бир пулга қиммат бақалоқ тавиянинг ўлгани туфайли идеалистларча уйдирманг ва мингирлашларингдан кўнглим бехузур бўляпти. Менинг телетармоғим учун келтирган нохушликларни айтмай қуя қолай, у яхши гапга арзийдиган аёл эмас эди!

Мэдлен эрига қараб турарди ва уни танимасди. Бегона одам... Афтидан,

у ҳар доим бегона бўлган, бироқ хотини буни сезмаган экан...

 Менинг кўнглим эса сендан бехузур бўляпти! — У ҳайдовчи билан ораларида ўрнатилган ойнани тақиллатди. — Тўхтатинг. Шу ерда тушиб қоламан.

Жек хавотирга тушди:

— Ишга қайтмоқчисан, деб ўйлагандим.

— Ёнингда ўтириб, хакоратларингни эшитгандан кўра, яхшиси пиёда юрганим маъкул. Хаммасини тушундим, Жек. Мени сен одам қилдинг ва сенинг олдингда қарздорман. Сенга нимани қайтаришим керак? Уз ҳаётимними? Уз ҳадр-ҳимматимними? Узимнинг тамойилларимними? Тубанлик ботқоғидан чиққан қизалоқни қутқарганинг эвазига нима тилайсан? Аниқлаб олганингдан кейин менга айтарсан. Улгунимча сендан қарздор бўлиб қолишни истамасдим!

У машинадан тушди-да, студия томонга илдам қадамлар билан юриб кетди. Жек жимгина ойнасини ёпди ва кетди. Ишга борганида у хотинига қўнғироқ хам қилмади.

Мэдди Жекнинг хонасидан беш қават пастда Грег билан сандвич

еб ўтирарди.

— Хўш, дафн маросими қалай ўтди?

– Нихоятда оғир таассуротлар қолди.

Грег ташвишланганча Мэддига қараб турарди. У қийналган қўринарди хамда асаблари бамисоли тортилган сим каби таранглигини сезди.

— Уша аблах бутун маросим давомида йиглаб турди.

— Сенаторми?

Мэдди огзи тўлалигича бош иргади.

- Нахотки у ўзининг айбдорлигини хис қилаётган бўлса?Гапир-а. У хотинини ўзи ўлдирди, дейиш мумкин. Жекнинг эса аёлнинг мияси айниганига шубхаси йўк.

— У ҳали ҳам аччиғланяптими?

- Бўлмаса-чи. Унга атайлабдан шундай ёмонлик қилганимга имони комил.
 - Хаммаси ўтиб кетади. У тинчланиб қолади.

ЖАХОН АДАБИЁТИ 39

Грег Мэддидан кўзини узмай, оромкурсисига суяниб олди. қандай гўзал, латофатли, назокатли аёл... ҳамда тўгрисўз, оқкўнгил, ўзи ишонган нарса учун доим курашишга тайёр. Бироқ ҳозир у ҳадиксираган ва бебахт кўриняпти.

Жек ундан хафа бўлганини Мэдди кўтаролмасди. Улар етти йил никохда

яшаган бўлсалар, эри хеч қачон бунчалик дарғазаб бўлмаган эди.

— Нимага бу ўтиб кетади, дея ишонч билан гапиряпсан?

— Чунки у сени севади. Бундан ташқари, унга кераксан. Ахир у ақлдан озган эмас — мамлакатдаги энг яхши телебошловчилардан бири эканлигингни билади. Ҳатто энг зўри деб айтиш мумкин.

— Бунинг эвазига севиш мумкинлигига ишонолмайман. Мен учун

бошка нарса мухимрок.

- Борига шукур қилгин, азизам. Мана, кўрасан, у тинчланиб қолади. Балки шу дам олиш кунлари ярашиб оларсизлар.
 - Бу дам олиш кунлари Пентагонда қандайдир учрашувлари бор экан.

— Ў-ҳў, ниманидир бошлашмоқчими!

— Бу анча илгарироқ бошланган. У президент билан бир неча бор учрашди.

Эҳтимол, биз Россияга бомба ташламоҳчидирмиз?

Уларнинг хеч бири бунга ишонишмасди. Мэдди жилмайди:

— Эртами-кечми, ҳаммаси маълум бўлади. — У соатига ҳараб ҳўйдида, ўрнидан турди. — Боришим керак. Соат иккида биринчи хоним ҳузурида ҳўмита йигилиши бўлади. Соат бешдаги эфирга кечикмасликка ҳаракат ҳиламан. Ҳатто пардоз ҳилишга ҳам улгураман.

— Шундай ҳам кўринишинг ажойиб. Вақтингни чог ўтказишингни

тилайман. Биринчи хонимга мендан салом айт.

У табассум билан Грегга қўлини силкиб қўйди, телестудиядан чиқди ва такси чақирди. Оқ уйгача йўлни беш дақиқада босиб ўтишди. Мак-Катчинслар уйидаги дафн маъракасидан қайтган биринчи хоним ўз кортежи билан эндигина келиб тўхташганди. Улар Оқ уйга хавфсизлик хизмати ходимлари қуршовида биргаликда кириб бордилар. Миссис Армстронг Мэддидан дафн маросимида қатнашдингизми, деб сўради. Бу Мак-Катчинсларнинг фарзандлари учун мудҳиш йўқотиш бўлганини тилга олди.

- Пол ҳам анча ғамга ботган кўринади. У хотинини урганига ишонасизми? сўради овозини пастлатганча лифтга киришгач. У шу чоққача калтаклаш ҳақида қаердан маълум бўлганига қизиқиб ҳам кўрмаганди. Мэдди бир муддат иккиланиб турди. Лекин тажрибасига кўра билардики, биринчи хонимга ишонса бўлади. Миссис Армстронг сир сақлашни биларди.
- Ҳа, ишонаман. Эри уни уришини менга ўзи айтганди. Женет эридан ўлгудай қўрқарди. Менга кўкарган жойларини кўрсатган. У ҳақиҳатни айтганига ишончим комил. Ва Мак-Катчинс буни билади. ҳозир у, ҳойнаҳой, кўрсатувимни ҳамма тезроҳ унутиб юборишини хоҳлаётган бўлса керак.

«Шу сабаб телестудияга қарши иш қўзғашга ҳам ботинмайди», — дея хаёлидан ўтказди Мэдди. Биринчи хоним чуқур хўрсиниб, бошини

чайқаб қўйди.

Лифтдан чиқишаётганларида уларни Армстронг хонимнинг котибаси ва президент қуриқчилик хизматининг бир неча ходимлари кутиб олишди.

— Ха, бунинг хаммаси гоят ачинарли.

Грег ва Жек Хантердан фарқли равишда, президент рафикаси Мэддининг гапига дархол ишонди. Бунинг устига, у Пол Мак-Катчинсга нисбатан хеч қачон илиқ муносабатда булмаган. Унинг

назарида, сенатор қўпол ҳамда буйруҳбозликни суядиган киши бўлиб кўринарли

— Бу ерда бугун шу сабаб бўлиб ҳам йигилдик. Женет Мак-Катчинснинг ўлими — аёлга нисбатан жазосиз зулмнинг ёрқин мисолидир. Мэдди, бу ҳақда бутун мамлакатга айтганингиздан бениҳоя ҳурсанд бўлдим. Чиқишингизга доир фикрлар бўлдими?

— Биз аёллардан минглаб хат олишга улгурдик, аммо эркаклардан жуда кам. Эрим эса назаримда, мен билан ажрашишга тайёр турибди.

— Жекми?! Қанчалик калтабинлик! Буни эшитиш мен учун ачинарли. Миссис Армстронг, худди президент каби, Жек Хантерга нисбатан анча илиқ муносабатда эдилар.

— Сенатор Жекнинг компаниясини судга беришидан чўчияпти.

— Бундай қилишга у ботинолмаса керак, деб ўйлайман. Айниқса, гапларингиз рост бўлса. Ахир буни исботлаб бера оласиз-ку. Йўк, у ўзини хавфга қўйишни хоҳламаса керак. Айтганча, Женет ҳеч нима қолдирмаганми? Ҳеч қандай хат дегандай?

— Айтишларича, у болаларига хат қолдирган эмиш, лекин уни бирон кимса қурганини билмайман. Полициячилар уни Полга берганлар.

- Ўйлайманки, бу ҳеч бир ёмон оҳибатларни келтирмаса керак. Жекка айтинг, хотиржам бўлсин. Сиз тўгри иш ҳилдингиз. Аёлларни таҳҳирловчи жамиятимиз ҳаётининг ҳоронғи бурчакларига жилла ҳурса, озгина ёруғлик киритдингиз.
 - Унга гапларингизни етказаман.

Мэдди етти аёл ва тўрт эркак йигилган хонага кўз югуртириб чиқди. У саккизинчиси эди. У эркаклар орасида икки нафар федерал судьяни, аёллардан — апеляция суди судьяси ва журналистни таниди. Биринчи хоним қолган аёлларни — икки нафар муаллима, ҳуқуқшунос, психиатр ва терапевтни таништирди. Эркаклардан бири ҳам врач экан. Тўртинчиси — Колумбияда хотинидан айрилган собиқ элчи Билл Александр эди. Биринчи хонимнинг айтишича, ҳозир у барча ишларини йигиштириб, китоб ёзаётган экан. Бу одамларнинг ҳаммаси Мэддига ғайритабиий қизиқарли кўринишарди. Айримлари ҳали анча ёш, бошқалари каттароқ, лекин уларнинг аксарияти юртга таниқли, ўз соҳаларининг моҳир усталари эди. Улар орасида Мэдди энг ёш ҳамда, биринчи хонимни ҳисобга олмаганда, таниқли эди.

Филлис Армстронг чўзиб ўтирмай, йигилишни очиқ деб эълон қилди ва хавфсизлик хизмати ходимларини чиқариб юборди. Котиба ёзишга шайланди. Катта қадимий стол устидаги кумуш патнисда чой, қаҳва ва пирожнийлар қўйилганди. Биринчи хоним келганларнинг ҳар бирига исми билан мурожаат қиларди ҳамда ҳаммасига оналарча меҳр билан қарарди. У Мэддининг ўтган сешанбада телевидение орқали чиқиши тўгрисида гапириб берди. Қўмитанинг айрим аъзолари

уни эшитишганди ва қизғин қўллаб-қувватлашди.

Уни эри урганини аниқ биласизми? — сўради аёллардан бири.
 Мэдди жавоб беришдан олдин бороз жим қолди.

- Ҳа, унинг ўзи бу ҳақда менга айтганди. Мэдди биринчи хоним томонга ўгирилди: Бу ердаги гаплар ташқарига чиқмаслигига умид қилсам бўладими?
 - Ха, албатта.
- Гарчи бу ҳақда икки кишига гапирганимда, эрим ва ҳамкасбим эди, улар ишонмаган бўлсалар-да, Женет ростини айтганига шубҳа қилмайман.
 - Бу ерга аёлларга қарши жиноятлар муаммосини муҳокама қилиш

учун йигилдик, — дея гап бошлади Армстронг хоним. Уни ҳал этишнинг ҳандай энг маҳбул йўллари мавжуд? Ва биз нима ҳила оламиз? Энди сизларга одатдагича бўлмаган бир таклифим бор. Ҳар бирингиз бу ерга нима сабабдан келганингизни гапириб беринг, касбингиз таҳозоси биланми ёки шахсий сабабларга кўрами? Албатта, бу хаҳда сўзлашни истасангиз, котиба буни ёзмайди. Бу ҳаммамиз учун ҳизиҳарли бўлади, деб ўйлайман. Агар ҳарши бўлмасангиз, мендан бошлай ҳоламиз.

Барча сукут ичида хурмат сақлаб, шу пайтгача ҳеч ким билмайдиган сирларни гапира бошлашини кутарди.

- Менинг отам ичкиликбоз эди. У ҳар жума куни, маош олганидан кейин онамни урарди. Улар то онам вафот этгунига қадар қирқ тўққиз йил бирга яшадилар. Биз, болалар учун хар хафталик калтаклашлар ўзига хос одатий хол бўлиб қолди. Мен, учта акам ва синглим буни гўё хар якшанбада черковга бориш каби, урфдай қабул қилардик. Мен одатда хеч нимани эшитмаслик мақсадида ўз хонамга беркиниб олардим. Лекин барибир хаммасини эшитардим. Кейин эса онам ўзининг ётоқ хонасида йигларди. Бироқ онам отамдан кетиб қолишга ёки уни тўхтатишга ёхуд ўзи хам отамни уришга уриниб хам кўрмаган эди. Биз бунга базўр чидардик. Акаларим каттарок бўлишгач, улар хам уйдан кетиб, ичкиликбозликка берилдилар. Катта акам хотинини урарди, ўртанчаси ичмасди — вазир бўлди, кенжаси ичкилик туфайли ўттиз ёшида вафот этди. Орангизда бирон кишида ичкиликбозлик муаммоси менда ҳам борми деган савол пайдо бўлиши мумкин. Иўқ, алкоголни хеч қачон ёқтирмаганман. Мени бошқа бир муаммо қизиқтиради: нима сабабдан дунёда шунчалик кўп аёллар эрлари ўтказган зулмга чидаб келадилар ва улардан қутулишга харакат қилмайдилар? Бир кунмас-бир кун шу ишга киришиб, вазиятни ўзгартириш учун бирор тадбир топишга ўзимга ахд қилдим. Хар куни қанча аёлларни калтаклайдилар, зўрлайдилар, кўчаларда уларга хужум қиладилар, эрлари ёки ўйнашлари ўлдирадилар, биз эса буни гўё шундай булиши керакдек қабул қиламиз. Албатта, бу бизга ёқмайди, бундай вокеалар содир бўлганидан хабар топсак, айникса, жабрдийдани яхши билсак, қайғурамиз. Лекин зўрликни тўхтатиш учун хеч нарса қилмаймиз. Жабрланувчига ўқталган қурол ёки пичоқни ё уришга шайланган қўлни четга суриб қўёлмаймиз, худди отамни тўхтата олмаганим каби. Эхтимол, буни қандай уддалашни билмасмиз, балки ўзгалар турмушига аралашиш ноқулай туюлса керак. Биз учун барибир эмаслигига умид қилиш истагим бор. Шунчаки бу хақда ўйлаш унчалик ёкимли эмас. Умид киламанки, одамлар ўйлаб кўриб, нимадир қиладилар. Аллақачон фурсат етиб келди. Сизларни ўзимиз, онам хотираси хаки, кизларимиз, опа-сингилларимиз ва дугоналаримиз ҳақи, аёлларга нисбатан зулмга қарши кураш бошлашда менга ёрдам беришга чақираман.

Бугун шу ерда йигилганингиз, бахтиқаро аёллар тақдирига беэьтибор бўлмаганингиз, менга ёрдам бермоқчилигингиз учун сизга миннатдорчилик изҳор этаман.

Унинг кўзлари ёшга тўлганди. Хамма узок жим колди. Улар тинглаган вокеа, умуман олганда, унчалик ғайриоддий эмас эди, аммо ҳаётининг ички асрорларини сўзлаб берган Филлис Армстронг ҳамма қатори, оддий одамлигини барчага намойиш этди.

Детройтлик рухшунос шунга ўхшаш вокеани сўзлаб берди, факат фарки шунда эдики, унинг отаси онасини ахийри ўлдириб, бунинг учун камалибди. Ўн беш ёшлигида у билан бирга ўкийдиган бола уни

зўрлаган экан. Шундан кейин у эркак зотидан кўнгли қолиб, лесбиянка бўлибди ва ўн тўрт йилдан бери бир аёл билан яшар эмиш. У болалигида олган жароҳатларидан тузалган бўлса ҳам, ўзига ўхшаш лесбиянкалар орасида ҳам зулмнинг кучайиб бораётгани, шунингдек, атрофдагиларнинг бунга бепарволиги жуда ташвишга соларди.

Иигилганларнинг ҳаммаси ҳам шахсий тажрибаларини гапиришолмасди. Икки нафар судья уларнинг ҳам оталари оналарини урганини айтдилар Улар то улгайиб, бошҳа оилаларни кўрмагунларича буни одатий ҳол деб ҳисоблаганлар. Кейин Мэддининг навбати келди. У ўз тарихини йигилганларга сўзлаб беришдан олдин бир муддат иккиланиб турди. Ахир у яшаб ўтган ҳаётини ҳали ҳеч кимга айтмаган

ва хозир одамлар орасида ўзини ялангоч қолгандай сезарди.

– Хикоям бошқаларникидан унча фарқ қилмаса керак, деб ўйлайман. Теннесси штатидаги Чаттанугада ўсиб улгайдим. Отам онамни хар доим урарди. У баъзида гап қайтарарди, лекин купинча индамасдан уришга йўл қўярди. Отам кўпинча мастлигида ёки жахли чиққанида, ё шунчаки турмушдан безганида урарди. Биз нихоятда қашшоқ яшардик, отам доимий иш тополмасди. У шунинг учун хам онамга жаҳл қиларди. Қандай нохушлик руй бермасин, барчасига онам айбдор хисобланарди. Ёнида онам бўлмаганида отам мени урарди. Бу камдан-кам содир бўларди. Бутун болалик даврим шундай ахволда ўтди. Мен уруш-жанжал ичида ўсдим, улар худди таниш оҳанг каби, умрим етовида бўлди. — Мэдди нафасини ростлаб олиш учун гапиришдан тўхтади. Кўп йиллар ўтгандан кейин тилида яна жанубий шева пайдо бўлганини сезди. — Уйдан қочиб кетишни жуда хоҳлардим. Отамни кўргани кўзим йўқ эди. Ота-онамнинг жанжалларидан безор эдим, уларнинг ўзаро муносабатлари, умуман, бутун хаётини ёмон кўрардим. Ун етти ёшимда мактабда бирга ўкиган дўстимни севиб қолдим ва унга турмушга чиқдим. Биз турмуш қуришимиз билан у мени ура бошлади. Унинг исми Бобби Жо эди. У ишлашни ёқтирмас, ўзини иш билан қийнамас, кўп ичарди. Менга эса барчасига ўзим айбдорлигимни таъкидлайверарди. Унга ишонардим. Унинг айтишига қараганда, агар мен шунчалик беақл, хеч балони эплолмас, ношуд, исқирт, ёмон хотин бўлмаганимда, унга уриш керак бўлмасди. Бир куни у иккала қўлимни уриб синдирганди. Бошка сафар зинапоядан итариб юборганида, оёгим синганди. Ушанда Ноксвиллдаги телевидениеда ишлардим. Телестудияни техаслик бир одам сотиб олди, кейинчалик у Вашингтонда кабел тармогини харид қилиб олгач, мени ўзи билан бирга олиб кетди. Хаётимнинг бу қисми барчага маълум бўлса керак. Бу одам — Жек Хантер. Мен ошхонадаги столда никох узугимни қолдириб, иккита кўйлагим солинган сумкамни олиб, автобус бекатига Жекнинг ёнига қочиб кетдим. У билан бирга Вашингтонга жўнаб кетдим, эрим билан ажрашдим, бир йилдан кейин эса Жекка турмушга чиқдим. Ушандан бери хеч бир эркак мени хатто чертмади хам. Бунга йўл қўймасдим хам. Хатто нима учунлигини ҳам билмайман, бошимга бахт қуши қўнди. Жек мени ўлимдан қутқарди, хозирги мавкеимга эриштирди. У бўлмаганида, эхтимол, хозир тириклар қаторида бўлмаслигим хам мумкин эди. Бир кун келиб Бобби Жо тунда мени ўлдириб қуйиши хам хеч гап эмасди. Зинапоядан улоқтириб, бўйнимни синдириши ёки ўлгунимча калтаклаши мумкин эди. Эхтимол, охир-оқибатда ўзим хам ўлишни истаб қолардим. Бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимсага айтмагандим, лекин

 $^{^{1}}$ Л е с б и я н к а — бир жинслилар (аёл билан аёл)нинг умргузаронлиги.

хозир менинг каби омади келмаган, ўзларини тутқунликдагидек сезаётган ва ўзга шаҳарга ва ўзгача ҳаётга олиб кетиш учун ҳеч ҳандай Жек Хантер лимузинда кутмаётган бошҳа аёлларга ёрдам бермоҳчиман, уларга ҳўлимни чўзмоҳчиман. — Унинг ҡўзлари ёшга тўлди. — Биз улар олдида ҳарздормиз.

— Рахмат, Мэдди, — деди секингина Филлис Армстронг.

Хаммадан кейин Билл Александр гапирди. Унинг ҳикояси оддий эмас эди, Мэдди шундай булишини кутганди.

У Янги Англияда туппа-тузук оилада ўсган. Ота-онаси бир-бири билан ахил, ўгилларини хам яхши кўришарди. Талабалик чогида бир қизни севиб қолиб, унга уйланибди. У докторлик даражасини олгач, таникли сиёсатшунос бўлибди. Бир неча йил Дармутда, кейин Принстонда ва Гарвардда дарс берди. Эллик ёшида унинг дипломатик лавозимдаги фаолияти бошланди. Уч фарзанди — врач, хукукшунос ва банк ходими бўлиб ишлайдилар. Хар учаласи маълумотли ва хурматга лойик кишилар. У оддий ва тинч, ўзининг таъбирича, бироз зерикарлироқ, лекин умуман олганда, қониқиш келтирадиган ҳаёт кечирарди. У кейинги йиллар давомида АҚШ нинг элчиси булиб ишлаган Колумбия мамлакати унга анча дипломатик қобилиятларни талаб этадиган қизиқарли жой бўлиб кўринганди. Сиёсий вазият нихоятда эхтиёткорликка риоя қилишни тақозо этарди. Бутун мамлакат бўйлаб гиёхванд моддалар савдоси авж олганди. Кандайдир ғалати тарзда бизнеснинг хамма турлари ва сиёсий хаёт билан чирмашиб кетганди. Порахўрлик гуллаб-яшнарди. Барча қийинчиликларга қарамай, то унинг хотинини ўгирлаб кетгунларига қадар, Билл Александр ўз вазифасини уддалай олишини сезарди. Шу сўзларни айтаркан, унинг овози титраб кетди. У куз ёшини тийишга уриниб, хотинини роппа-поса етти ой тутқунликда сақлашганини айтиб берди. Ёнида ўтирган рухшунос унинг елкасига қўлини қўйди. Барча йигилганлар энди ўзларини яқин дўстлардай сезишарди.

— Биз уни қайтариш учун имкон қадар уриниб кўрдик.

Хозир, ҳойнаҳой, олтмишларда бўлса керак, тахминлади Мэдди унинг Кения, Испания ва ниҳоят, Колумбияда америкалик элчи сифатида неча йил ишлаганини ҳисобларкан. Лекин сочлари бутунлай оҳариб кетган бўлса ҳам, мовий рангдаги кўзлари чаҳноҳ, чеҳраси ёш ва тетик кўринар, гавдаси барваста, келишган киши эди.

— Давлат департаменти хотинимни тутқунликда сақлаган террорчилар хузурига махсус кишиларни юборди. Улар хотинимнинг ҳаёти эвазига юзта сиёсий маҳбусни озодликка чиҳаришни талаб ҳилдилар. Давлат департаменти бу шартга кўнмади. Ҳаммасини тушунардим, бироҳ хотинимни йўҳотишни истамасдим. Марказий разведка бошҳармаси ҳам ёрдам беришга уриниб кўрди. Улар ҳатто хотинимни ўғирлашга ҳам уринишди, бироҳ омадлари келмади. Шундан кейин уни ҳаергадир тоҳҳа олиб кетишди ва биз изини йўҳотдик. Охир-оҳибатда террорчилар талаб этган пулни ўзим тўладим. Кейин эса катта хатога йўл ҳўйдим. — Унинг овози яна титраб кетди. Меддининг ҳалби унга нисбатан меҳр-шафҳатга тўлди. — Террорчилар билан имкон ҳадар ўзим музокара юритишга уриндим. Аҳлдан озишимга оз ҳолди. Лекин террорчилар биздан кўра аҳллироҳ ва тадбирлироҳ чиҳиб ҳолишди. Пулни тўлаганимиздан кейин уч кун ўтиб, хотинимни ўлдирдилар. Мурдасини элчихона зинасига ташлаб кетишибди. Улар ҳўлларини кесиб...

Александр ўзини ортиқ тутиб туролмади. Булоқ каби тошиб чиққан ёшларини яширолмай хўнграб юборди. Хеч ким жойидан қимирламади,

бир сўз ҳам демади. Ахийри Филлис Армстронг унинг қўлини ушлади. У чуқур хўрсинди. Бошқалар унга ачиниб, таъзия билдирган бўлишди. Бундай даҳшатли йўқотишни у қандай қилиб кўтаролган экан...

— Мен айбимни сезардим. Хаммаси мени деб барбод бўлди. Нимага энди музокараларни ўзим олиб бормоқчи бўлдим-а! Бу уларни баттар газаблантирди. Бу ишни тажрибали мутахассисларга қўйиб берганимда, эҳтимол уни бир-икки йил тутқунликда ушлаб, охири қўйиб юборишармиди. Уни мен ҳалок этдим.

— Бекор гап, Билл! — деди унинг сўзини бўлиб Филлис. — Ўзингиз ҳам буни яхши англайсиз. Нима рўй беришини аввалдан ҳандай била олардингиз? Террорчилар — юраксиз, аҳлоҳсиз ярамас маҳлуҳлардир. Улар учун инсон ҳаёти ҳеч аҳамиятсиз. Уни ҳар ҳандай шароитда ўлдиришлари мумкин эди. Бунга ишончим комил.

— Унинг ҳалок бўлишида айбдорлигимни ўйлашни бас ҳилолмасам керак, деб ҳўрҳаман. Газеталарда ҳам шунга шаъма ҳилишганди.

Мэддининг хаёлига лоп этиб эрининг Билл Александрни қандай

аҳмоқ деган гапи келди. Жек бунча ҳам тошюрак бўлмаса...

— Газетачиларга фақат шов-шув чиқарадиган воқеалар керак, — деди у. — Кўп ҳолларда нима ҳақида ёзаётганларини ўзлари ҳам билмайдилар.

Билл ғам-андуҳга тўлган кўзларини унга ҳаратди. У одамзоднинг кўзларида шунчалар оғриҳ борлигини сира кўрмаганди. Мэдди Биллнинг ҳўлидан ушлашни, тинчлантиришни, ҡўнглини ҡўтаришни жуда истарди. Агар ундан нарироҳда ўтирмаганида, шундай ҳилмоҳчи эди.

- Газетачилар шов-шувли воқеа топсалар, бўлди. Буни сизга ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Сиз учун шундай эзилиб кетяпман, жаноб элчи.
- Миннатдорман сиздан, миссис Хантер. У чўнтагидан оппоқ дастрўмолини олиб, кўзларини артди.
- Бу ерда барчамиз оғир кечинмаларни бошдан кечирганимиз боис йигилдик, — деди биринчи хоним. — Лекин сизни ушбу йиғилишга ҳаммангиз ақлли, назокатли, маълумотли ҳамда бошқалар билан нималар рўй бераётганига бепарво бўлмай, ўзгаларга дардкашлигингиз учун таклиф килдим. Барчамиз оғир турмуш сабокларини олдик, хар биримизнинг елкамизда аччик тажриба бор. Гап нима хақида бораётганини яхши биламиз. Энди кўпгина аёлларни қоронғи тушкунлик жарлигидан чиқиб олишларига қай тарзда ёрдам беришимиз мумкинлигини англаб олишимиз керак. Биз бахтиёрлар тирик қолдик. Улар ҳалокат ёҳасидалар. Ҳозирча бу бахтиқаролар ҳаётлигида улар томон имкон борича тезрок боришимиз, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситаларини жалб этишимиз зарур. Вакт кутиб турмайди. Ҳар куни аёлларни ўлдирадилар, зўрлайдилар ва қийноққа соладилар, ўз жонига қасд қилиш даражасига етказадилар хамда уларнинг ўлимида кўпинча эрлари ёки бирга яшовчи ўйнашлари айбдордирлар. Одамларга маърифат тарқатишимиз, ҳали кеч бўлмасидан аввал, бебахт аёлларга ёрдам учун кимга мурожаат қилишларини кўрсатишимиз керак. Аёлларни зўрловчи жиноятчиларга нисбатан жазо қонунларини янада оғирлаштириш зарур. Бошқа ҳар қандай инсонга зулм қилиш, аёл кишини таҳқирлаш каби жиноятлар жазоланмай қолиши мумкин эмас. Бу ғалаба қозонишимиз зарур бўлган ўзига хос кураш бўлади. Бугун, асосан, бир-бирингиз билан танишиб олишингизни истагандим. Кўпларингизни танийман, айримларингизни анча яхши биламан. Энди эса сиз хам бирга

ишлашингизга тўгри келадиган кишилар билан танишиб олдингиз. ҳаммамизни бу ерга бир мақсад — мавжуд аҳволни ўзгартириш истаги келтирди. Буни бажариш қўлимиздан келади. Ҳар биримиз бунга лаёҳатлимиз. Биргаликда шундай куч бўламизки, ҳеч ким ҳарши туролмайди. Сизларга тўла ишонаман. Кейинги учрашувимиз олдидан кўп нарсаларни ўйлаб олишни хоҳлардим. — У илиҳ жилмайганча ўрнидан турди. — Келганингиз учун раҳмат. Агар истасангиз, шу ерда ҳолиб, суҳбатлашиб олишингиз мумкин. Мени эса, узр, бошҳа ишлар кутиб турибди.

Соат тўрт бўлиб қолганди. Уларнинг учрашуви бор-йўги икки соат давом этганига ишониб бўлмасди. Улар шунчалик кўп нарса эшитдилар, қайта ҳис ҳилдилар, ҳанча туйгуларни ташҳарига чиҳардилар... Уларга гўё бир неча кун бирга бўлишгандай туюларди.

Мэдди кетиш олдидан Билл Александрга яқинлашди:

— Сизга яна бир бор таъзия билдираман, жаноб элчи. Сиз айтиб берган вокеа ҳақидаги ҳабарни эшитгандим-у, лекин бунинг сиз учун наҳадар оғир кулфат бўлганини фаҳат энди англадим.

- Кечинмаларимдан ҳеч ҳачон ўзимга келолмаслигимдан ҳўрҳаман. У ўзининг тунги алаҳсирашлари ҳаҳида, бир неча ой мобайнида руҳий ҳасталар шифокорида даволангани, ҳозир эса мустаҳил равишда уддалашга ҳараҳат ҳилаётганини сўзлаб берди. У соппа-сог, аҳли жойида ва ҳотираси мустаҳҳам ҡўринарди. Унинг ниҳоятда нозик дидли ва зиёли инсонлиги сезилиб турарди. Бу инсонга шунча ғамни кўтаришга нима ёрдам берди, дея Мэдди ўзидан яна таҳрор сўради ва ҡўринишдан, Билл Александр ғайри оддий шахс, деган ҳулосага келди.
 - Кейинги учрашувимизни сабрсизлик билан кутаман.
- Сиздан миннатдорман, миссис Хантер, дея жилмайганча жавоб берди у.

— Илтимос, мени Мэдди деб чақиринг.

— Мени эса Билл дейишингиз мумкин. Сизнинг Женет Мак-Катчинс ҳаҳидаги чиҳишингизни эшитгандим У мени ҳойил ҳолдирди.

— Эрим бунинг учун мени кечиролмади. У телестудияга бирор зарар

етишидан қаттиқ хавотирда.

- Баъзан қалбингиз буюрган ишни бажариш учун матонатли бўлиш керак. Буни мендан кўра яхширок биласиз. Эрингиз ҳам, ҳойнаҳой, буни тушунади. Жуда тўгри иш қилдингиз.
- У фикрингизга қушилмайди, деб уйлайман. Лекин барибир бундай йул тутишга қарор қилганимдан хурсандман.

Одамлар бундай ишлар ҳаҳида эшитишлари керак.

Унинг овози дадиллашди, у гуё ёшариб кетганди. Бу одам ўзининг ташқи куриниши билан ҳам, узини яхши тутиши билан ҳам Мэддида жуда катта таассурот қолдирди. Филлис уни қумита ишида иштирок этишга нима сабабдан таклиф этганини у энди тушунарди.

— Мутлақо ҳақсиз, одамлар буни эшитишлари зарур.

Мэдди соатига қаради. Соат тўртдан ошибди. Студияга бориши, эфир олдидан грим килиши ва сочини турмаклаши зарур эди.

Кечирасиз, тез кетишим керак. Соат бешда кўрсатувим бор.
 Келаси учрашувгача.

Мэдди шошганча хайрлашиб, Оқ уйдан чиқди ва такси тутди. Студияга етиб келганида Грег грим қилиб бўлганди.

Хўш, қалай?

Грег қизиқиб кетаётганди. Биринчи хоним қандай қумита тузибди?

Бу ҳақда яхшигина материал чиқиши мумкин.

— Жуда қизиқарли бўлди! Хотинини террорчилар ўлдирган Колумбиядаги собиқ элчи Билл Александр келди. Нақадар даҳшатли кулфат!

— Бу ҳақда эс-элас ёдимда бор. Хотинининг мурдасини элчихонага қайтаришгани ҳақидаги хроникани кўргандим. У ерда у ночор аҳволда кўринарди. Бунинг ҳайрон бўлар жойи йўқ. Бечора ҳалай энди?

— Гарчи бу кулфатдан ҳали унчалик ўзига келмаган бўлса-да,

ахволи дуруст. У бу хакда китоб ёзаяпти.

У ерда яна кимлар бор эди?

Мэдди бир нечта исмларни айтди, лекин бу одамлар ўзлари ҳақида нима сўзлаганларини лом-мим демади. Уларнинг сирини сақлаши зарурлигини биларди. Грим қилиб бўлгач, у эфир студиясига бориб, янгиликлар матнини кўриб чиқди. Фавкулодда ҳеч нима йўқ, ҳеч ҳандай даҳшатли воҳеаларсиз, ҳаммаси тинчлик. Улар эфирга чиҳиб, янгиликларни ўҳиб беришди, кейин Мэдди ўз хонасига кетди. У кечки эфир олдидан ҳандайдир материалларни ҳараб чиҳиб, у-бу нарсаларни аниҳлаштириб олмоҳчи эди. Улар соат саккизда ишни якунладилар. Ҳаяжонли воҳеаларга тўлган узун кун ортда ҳолди. У кетишдан олдин Жекка ҳўнгироҳ ҳилди. Эри ҳандайдир йигилиш ўтказаётганди.

— Мени олиб бориб қўйишадими ёки уйга пиёда кетишимни хоҳлайсанми? — Мэдди беихтиёр жилмайди. Жек ундан қанчалик аччиқланмасин, ахир бу умрбод давом этиши мумкин эмас-ку.

— Ўз гуноҳларинг эвазига жазо сифатида ва менга келтирган зарарни қоплаш учун машинанинг орқасидан яна ярим йил югуришингни хоҳлайман.

— Филлис Армстронг Мак-Катчинс судга бермайди, деб

хисоблаяпти.

— У ҳақ бўлиб чиқишидан умидворман. Мабодо, аксинча бўлсачи, президент харажатларимни тўлашга рози бўлармикан? Огоҳлантириб қўяй, харажатлар кам бўлмайди.

— Умид қиламанки, бунга хожат қолмайди. Айтганча, қумита йигилиши жуда қизиқарли утди. У ерда бир қанча таниқли арбоблар

иштирок этишди.

Улар, айтиш мумкинки, кейинги кунлар ичида биринчи бор тинч сухбатлашишарди. Жек аста-секин эрий бошлаганга ўхшарди.

— Ўн дақиқадан кейин пастда кўришамиз, — деди у тезгина. — Бу

ерда тугатадиган айрим ишларим бор.

У пастда хотинини совуккина кутиб олди, лекин унинг «қилиғи»дан кейинги уч кун мобайнидаги ёвуз каби кўринмасди. Уйга кетишаётганда иккаласи ҳам бу мавзуни четлаб ўтишга ҳаракат қилишди. Йўлда пицца еб олиш учун тўхташди. Мэдди эрига ҳам қўмитадаги йигилиш ҳақида, иштирокчиларнинг ҳар бири шахсий ҳаётларига оид тафсилотларни яна айтмасдан, гапириб берди.

— Қандайдир умумий жихатингиз борми ёки шунчаки бир ишга

қизиқиб қолган зиёли кишилармисиз?

— Ундай ҳам, бундай ҳам. Ҳар бир одам умрининг у ёки бу лаҳзаларида зулмга дучор бўлгани гоят ажабланарли ҳол. Бу борада ҳамма очиҳчасига гапирди.

Мэдди эрига ортиқ хеч нимани айтмасликни кўнглига тугди.

- Лекин уларга бошингдан кечирган вокеаларни гапириб ўтирмагандирсан?
- Умуман, гапириб бердим. У ерда ҳаммамиз очиқчасига гаплашдик.

— Бу тентаклик, Мэд. Бирон киши буни газетачиларга сотгиси келиб қолса-чи, унда нима бўлади? Одамларда сен ҳаҳингда шундай таассурот ҳолишини истайсанми? Бобби Жо кетингта тиззаси билан тепиб, зинадан итариб юборганини улар нима учун билиши керак? — У жаҳлини яширмасдан гапирарди. Мэддига бу ёҳмаса-да, бироҳ индамай ҳўя ҳолди.

Ким билади, балки бирор кимса Мэдди каби аёлларни ҳам уриш мумкинлигини англаб қолар. Эҳтимол, кимнингдир ҳаётини саҳлаб ҳолиш ёки ҳутулиб чиҳишга йўл кўрсатишга имкон яралса, бу ҳам

асқотиб қолар.

— Доимий бош огриклардан бошқа ҳеч нарсага эришолмайсан. Томошабинларга трейлердаги қиз қиёфасини қайтарасан, холос. Буни бутунлай йўқотиш учун қанча маблағим кетди. Қандай қилиб шуни тушунмаслигинг мумкин!

— Шунчаки бошқалардай очиқ гапирдим, холос. Баъзиларининг бошидан кечирган воқеалари меникидан баттарроқ. Ҳатто биринчи хоним ҳам ўтмишидаги жирканч тафсилотларни яшириб ўтирмади... Барча ҳеч нимани яширмай сўзлади ва мулоқотимизнинг асосий қиммати ҳам шунда эди. Йиғилишда Билл Александр ҳам бор эди. У бизга хотинининг ўғирланиши ҳамда ўлдирилиши тарихини гапириб берди. Бу ҳақда ҳамма билади, буни яширишнинг ҳожати йўқ.

Жек елкасини қисиб қуйди, афтидан, унда Билл Александрга

нисбатан ҳеч қандай ачиниш ҳисси йўқ эди.

— Айтиш мумкинки, у хотинини ўз қўли билан ўлдирди. Бундан каттароқ тентакликни топиш қийин. Улар билан музокаралар олиб боришга шахсан киришса-я! Бутун бошли давлат департаменти уни бу йўлдан қайтаришга уринди, у эса ҳеч нарсани эшитишни ҳам истамаганди.

— У нима қилишни билмай қолган экан. Ўзини қўярга жой тополмай қолган, эҳтимол, вазиятни яхшилаб ўйлаб кўролмаган бўлса керак. Ахир хотинини террорчилар етти ой асирликда саҳлашган. У шунчаки бундан ортиқ кутолмаган.

Унинг сўзлари, афтидан, Жекка заррача таъсир қилмади. У Александрнинг кечинмаларини тинглаш учун гаранглигича қолди...

Мэдди жахлини тутолмади:

— Унга қарши қандай ғаразинг бор? Уни нимагадир ёқтирмаслигингни сезиб турибман.

— Гарварддан кейин у қандайдир муддат президентнинг маслаҳатчиси бўлган. Доим тамойиллар ва ахлоқ тўгрисида ўрта аср гояларини кўтариб чиқарди.

Мэдди буни эшитишни ҳам хоҳламасди.

- У нихоятда назокатли, зиёли, мехрибон ва батартиб инсон.
- Умуман олганда, у менга ёқмайди. У қандайдир йиглоқироқмией. Эркак эмас, латта.

Жекнинг шундай деяётгани гоят ажабланарли... Билл Александр жуда басавлат эркак. Бундан ташқари, унда ғайриоддий тўгрисўзлик ва очиқкўнгиллилик сезилиб туради. Жек билан мулоқотда бўлувчи кишилар ҳақида бундай деб бўлмайди. Гарчи эри уни кучсиз ва латта деса ҳам, Билл Александр Мэддига ёқди.

Улар уйга соат ўнда етиб келишди. Мэдди телевизорни қўйди... ҳамда турган жойида қотиб қолди. Қўшма Штатлар қўшинлари Йроққа яна ҳужум қилишибди. У эрига кескин ўгирилди ва унинг нигоҳида нимадир сезди.

Сен бу ҳаҳда билардинг.

— Бу масалалар буйича президент маслахатчиси эмасман, Мэд.

Унга оммавий ахборот воситаларига оид хамма нарса юзасидан

маслахат бераман.

— Бўлмаган гап! Хаммасидан бохабар бўлгансан! Ўтган ҳафтада Кэмп-Дэвидга мана шунинг учун боргансан! Дам олиш кунлари Пентагонга ҳам. Нима учун менга ҳеч нарса демадинг?

Эри баъзан унга сирли ахборотларни айтарди, лекин бу сафар

индамасликни афзал кўрди. Хотинига ишонмаяптими?

Мэдди ўзини камситилгандай сезди.

— Бу нихоятда нозик мавзу. Ва жуда мухим.

— Ахир у ерда яна қанча йигитларимиздан айриламиз-ку, Жек! Унинг боши чирпиракдек айланарди. Душанба куни бу ҳақда эфирга материал бериш керак булади.

— Гохида қурбонлар беришга тўгри келади, — совуккина жавоб

берди эри. У президент тўгри қарор чиқарди, деб хисобларди.

Улар янгиликларни охиригача эшитишди. Диктор ўн тўққиз нафар денгизчи-пиёда аскар ироқликлар билан жангда ҳалок бўлгани ҳақидаги маълумотни айтди. Жек телевизорни ўчирди ва улар ётоқ хонасига ўтдилар.

– Қизиқ, президент бу ишларга сени нимага аралаштирди экан-а?

Бунинг сабаби нимада, Жек?

— Нимага энди мендан яшириши керак? У менга ишонади.

— У сенга ишонармикан ёки америкаликлар бу янгиликни унинг обрўсига путур етказмасдан ҳазм ҳилиб юборишларига уларни мажбур ҳилишинг маҳсадида сендан фойдаланмоҳчими?

— У мен билан ахборот воситаларида у ёки бу вокеаларни ёритиш

масалалари бўйича маслаҳатлашишга ҳаҳҳи бор. Бу жиноят эмас.

— Тўгри, жиноят эмас. Лекин мамлакатта катта зарар келтириши мумкин бўлган нарсани томошабинлар қабул қилишига мажбурлашга уриниш — тўгри иш эмас.

— Мени сиёсий мавзуларда гаплашишдан халос эт, Мэд. Сенинг фикринг мени қизиқтирмайди. Президент нима қилаётганини ўзи билади.

Унинг жавоби Мэддини ҳайратга солди. Шундай бўлса ҳам, баланд сиёсий доираларда ҳандай ҳилиб шунчалик мавҳега эга бўлгани уни жуда ҳизиҳтирарди. Эҳтимол, бунинг бир чеккаси Женет Мак-Катчинс ҳаҳида чиҳиш юзасидан ғазабланганига бориб таҳалар? У ўзининг ҳокимиятнинг юҳори бўгин базўр турган аҳволининг бузилишидан хавотирдамикан? Жек доимо ҳар ишдан хабардор бўлиб турар ва у ёки бу воҳеа, ҳаракат ёки ҳилиҳ унга ҳанчага тушишини яхшилаб ҳисобга оларди.

У тўшакда дархол хотини томонга қўл чўзди. Хотини унинг

канчалик ташналигини сезди.

— Бу ҳафта шунчалик оғир кечганидан афсусдаман, — дея ғўлдиради у. — Бошқа ҳеч ҳачон бундай ҳила кўрма, Мэд. Сени бошҳа сира кечирмайман. Ишдан ҳайдаб юборсам, нима бўлишингни биласанми ўзи? — унинг овози ҳаҳрли ва совуҳ эди. — Эртасигаёҳ адои тамом бўласан. Келажакдаги мавҳеинг фаҳат менга боғлиҳ. Шу боис ўт билан ўйнашма, Мэд. Ҳозирги тутиб турган мавҳеингни бир зумда шамдек ўчириб ҳўйиш ҳўлимдан келади. Ўзинг тасаввур этгандай юлдуз эмассан. Сенга уйланганим туфайлигина юзага чиҳдинг.

Унинг сўзлари Мэддида қандайдир огриқли ҳиссиёт уйготди. Ҳозирги мавқеини йўқотишдан қўрққани учун эмас, балки эрининг гап оҳанги туфайли. Эри унинг кўкрагини кескин, ҳатто огритиб эзди. Кейин ҳаттиҳ багрига тортиб, тўшакда ким хўжайинлигини

кўрсатди. Жек, ҳар доим фақат Жек. Эри учун энг асосийси — кучлилик, кишилар устидан ҳукмфармолик, дея тўсатдан огрикли равшанлик билан англади Мэдди.

БЕШИНЧИ БОБ

Мэдди шанба куни уйгониб, эри кийиниб олганига кузи тушди. У кетишга шайланарди.

— Пентагондаги мажлис кун бўйи давом этади, — деди Жек, —

хойнахой, кечки овкат вактига кайтсам керак.

Мэдди ўрнида ётаркан, эрига хавас билан тикилди. Ёшларга мос шим, бўйни ёпик кулранг жемпер хамда эгнидаги нимчаси ўзига бирам ярашганки. Бугун хаво илик бўлса-да, Жек куни бўйи кондиционерли салкин хонада ўтиришга тўгри келишини ўйлаганди.

— У ёққа нима учун бормоқчисан?

— Айрим брифингларда иштирок этишимни таклиф қилдилар. Бу содир бўлаётган воқеалар ҳақида янада тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Мен эшитадиган ахборотни эфирга беролмасак ҳам, бу биз учун анча фойдали бўлади. Ундан ташқари, президентга воқеаларни газеталарда ва телевидениеда ёритиш юзасидан тавсияларим керак бўлади. Бунда унга ёрдам беришим мумкин, деб ўйлайман.

Демак, у тахмин қилганидек, хаммаси худди ўша аникликда. Жек президентнинг қулидаги таёқ буляпти. У далилларни президент

фойдасига ўзгартириши керак бўлади.

Менимча, ахборотни баён этишнинг энг яхши услуби —

ҳақиқатни айтиш, сенга шундай туюлмайдими?

Мэддига анчадан бери Жекнинг далилларга эркин муносабатда бўлишга тайёр туриш, унинг таъбири билан айтганда, «уларга зарур бўёқ бериш»и ёқмасди. Ўзи эса оқни оқ, қорани қора демоқни афзал кўрарди. Ё ҳақиҳатни айтиш ёки умуман гапирмаслик керак. Жек учун мингларча вариантлар, маънолар ва бўёҳлар билан ҳаҳиҳатни суваш йўли мавжуд эди. Битмас-туганмас имкониятларнинг шундай ранг-баранг камалаги бор эди.

— Хақиқатнинг жуда кўп қирралари мавжуд, Мэд. Улардан қай бири сайловчилар фикрини шакллантиришда энг афзалроқ бўлиб

чикишини англашни истаймиз.

- Бу қандай бемаънилик! Биз жамоатчилик билан ўзаро муносабатлар ҳақида эмас, далилларни баён этиш тўгрисида гаплашяпмиз.
- Мана шу сабабдан ҳам бугун у ерга мен боряпман, сен эмас. Айтмоқчи, бугун нима қилмоқчисан?

У хотинининг ҳамма гапларини, шунингдек, нималарни назарда тутганларини осонгина унутди.

— Хозирча, билмадим. Хойнахой, уйда ўтириб, дам оларман. Балки

дўконларни айланарман.

Дўконларга бирон-бир дугонаси билан борган маъқул, лекин унинг дугоналари аллақачон қолмаган. Эри унинг ҳамма вақтини — ишдагисини ҳам, уйдагисини ҳам эгаллаб бўлганди. Гоҳида дам олиш кунларида Мак-Катчинсга ўхшаганлар билан учрашганларнинг ҳаммасини Жек билан ишга тааллуқли муносабатлар боғларди.

— Самолётни олиб, харид килиш учун Нью-Йоркка учиб бориб

келсанг бўлмайдими? Ёзилиб келасан.

У ўйланиб, бош силкиди:

— Ҳа, шундай қилсам ҳам бўлади. У ерда ҳозир Уитни галереясида

кўргазма очилган. Эхтимол у ерга киришга муваффақ бўларман.

Самолётни олишимга ростдан ҳам ҳарши эмасмисан?

Ха, унинг ҳаёти ҳақиқатда нақ ҳаёлотдагидай... Бу ҳақда унутиш мумкинми? У хотинига шундай бадастурлик бахш этди, шунчалик имкониятларни очиб берди, буларни у Ноксвиллда орзу ҳам ҳилолмасди. У кеча тунда эрининг усиз ҳеч ҳандай мавҳега эришолмаслиги ҳаҳидаги сўзларини эслади. Буни тан олиш нечогли огир бўлса-да, Жек ҳаҳиҳатни айтганди. Ундаги барча борию йўги, у билан нимаики рўй берган бўлса, ҳаммаси Жек туфайли.

Кетишидан олдин Жек учувчисига қўнгироқ қилиб, соат ўнда Мэддини кутишини, Ла-Гуардиага учишга ҳужжат расмийлаштиришни ва кечкурун Вашингтонга қайтишни буюрди.

— Вақтингни чоғ ўтказишингни тилайман, — дея хотинига

ўгирилди у жилмайиб.

Ха, нечанчи марта англади Мэдди, баъзан нималарнидир курбон килишга тўгри келса-да, улар эвазига Жек унга қанча нарса беради. Ахир эридан хафа бўлиш мумкинми?

У оқ шимли костюмини кийди, сочларини юқорига турмаклади. Соат ўндан чоракта ўтганида аэропортга етиб келди. Учувчи уни

кутарди. Улар ярим соатдан кейин ҳавога кўтарилдилар.

Ла-Гуардиа аэропортига қўнганларида соат ўн бир ярим эди. Соат ўн иккида у шаҳарда эди. Аввал Мэдисон-авеню бўйлаб юрди, севимли дўконларига кириб чиқди. Тезгина овқатланиб олгач, соат уч яримда Уитни галереясига кирди. Эртаклардагидек ҳаёт! Бундан ҳам ортиқ яхши бўлиши мумкинми! Жек уни Лос-Анжелес, Сан-Франциско, Янги Орлеан ва Майамиларга олиб борган. Баъзан улар дам олиш кунларини Лас-Вегасда ўтказишган. У, албатта, хотинини эркалатиб юборган, лекин буларнинг ҳаммаси бирам ёқимли. У фақат миссис Жек Хантерлиги учунгина буларнинг ҳаммасига эга. Жек ҳақ. Усиз Мэдлен ҳеч кимлигича ва ҳеч нарсасиз қолган бўларди. Шундай фикрлар экан, уни кўпчиликни ўзига жалб этувчи тақдирга тан беришдай қалати ҳис яна чулғаб олди. Ҳа, якка ўзи у ҳеч аҳамиятсиз. У ҳатто ўзи эришган тақдирловчи совғалар ҳамда олқишлар ҳам эрининг хизмати эканлигини Жек унинг миясига сингдириб юборганди.

У соат бешда аэропортга қайтди. Соат олтида учишга рухсат беришди. Етти яримда ажойиб, қизиқарли ўтган кундан кейин хориган аҳволда уйига кириб келди. Ўзига иккита шимли костюм, бир нечта чўмилиш кийими ва ажойиб шляпа сотиб олганди. Меҳмонхонага кайфияти чоғ ҳолда кириб борди ва Жекнинг уйдалигини кўрди. Қўлидаги ҳадаҳда шароб тутганча, диванда кечки янгиликларни кўриб ўтирибди. Асосан Ироқ ҳақида гапирардилар. Жек диҳҳат билан тингларди.

— Салом, азизим! — қувониб хитоб қилди Мэдди. Худога шукур, кечаги тундан сўнг кейинги кунлар ичида давом этган душманлик

йўқолганга ўхшайди.

Жек унга кулимсираб қаради:

— Хўш, кунни қандай ўтказдинг?

У ўзига тағин шароб қуйди.

- Жуда яхши. Дўконларни айландим, бир қанча буюмлар харид қилдим. Уитни галереясида бўлдим. Ўзинг-чи, ишларинг қандай? Мэдди эри ўзининг президент маслаҳатчиси ролига киришиб кетганини биларди.
 - Зўр. Ахборот етказишнинг керакли рангини топдик, шекилли. У ўзидан гоят мамнун ҳамда эътиборга лойиқ шахслигини англаган

инсондек кўринарди. Аҳамиятли шахс... У ҳаҳиҳатдан ҳам шундай эди. Унинг атрофидагилардан ҳеч ким, шу жумладан, Мэдди ҳам бунга шубҳа ҳилмайди.

— Менга бирор нимани гапириб бера оласанми ёки бу ҳали ҳам

давлат сирими?

— Умуман айтганда, ҳа.

Мэдди янгиликларда маълумот беришга рухсат этилганларнигина билиши мумкин. Билиши зарур бўлмаганлар учун ҳаҳиҳий, усти ҳопламасиз тахминий фикр шундай сирлигича ҳолаверади.

Жек телевизорни ўчирди.

Кечки овкатга нима еймиз?

Мэдди пакетларни қуйди. Жек хотинининг куриниши яхшилигини кунглидан утказди. Кун буйи дукон ва кургазмаларни айланса ҳам, жуда гузал куринади.

— Агар истасанг, тезгина у-бу нарса пишириб беришим мумкин.

Ёки уйга бирор нима буюра қолайлик.

- Бирор жойга борсакмикан? Кун бўйи эркаклар орасида кўмилиб ўтирдим. Хозир оддий одамлар орасида бўлган ҳам яхши. Жек телефонни олиб, Вашингтондаги энг зўр «Цитронелл» ресторанида стол банд этди.
 - Ўзингга ярашимли тузукроқ кийиниб чиқ.

Хўп бўлади, сэр.

Мэдди харид этган буюмларини олиб, юқорига чиқиб кетди. Бир соатдан кейин у ванна қабул қилиб, атир сепиб, сочини тараб, коктейлларга мўлжалланган оддий қора кўйлакда, баланд пошнали ёзлик туфлида, қулокларига бриллиант зирак ва бўйнига дур тақиб чиқди. Жек вақти-вақти билан унга турли тақинчоқлар совға қилар, хотини уларни бажонидил тақарди. У бриллиант зираклари ва никох узугини ўзининг энг қимматбахо мулки деб биларди. Чаттанугадаги трейлер бекатидан келган қиз учун бу ёмон эмас. Буни Жекнинг ёнида тез-тез такрорлаб турарди, эри эса ҳазиллашиб, уни ялангоёқ деб атарди. Бу унга ёқмасди, лекин шу билан бирга, бу тоза ҳақиқат эканлигини тан олмай иложи йўқ эди. Гарчи бундан анча олислаб кетган бўлса-да, Жекка бу кулгили туюларди, хотини эса нохуш хотиралар ёдига тушгани боис бу сўзни эшитганда ҳар сафар афтангори буришиб кетарди.

— Емон эмас, — баҳо берди у хотинига диққат билан қараркан.

Мэдди жилмайиб қўйди. У кечқурунлари хамма унинг бутун вужуди билан эрига тегишлилигига яна бир бор ишонч хосил қилишлари учун Жек билан қаерга бўлса хам боришни ёқтирарди. У, хатто ўзи хозир энг биринчи юлдуз даражасига етганига қарамасдан, халиханузгача Жек Хантерга турмушга чиккани — бу энг зўр хайратланарли вокеадан ўзига келолмасди. Энди, Жекка нисбатан унинг шухрати кўпрок бўлса борки, кам эмас эди. У кўп нарсага таъсирини ўтказа оладиган, президент маслахатлашадиган сахна ортидаги арбоб эди. Мэдди эса, юзларча бошқа хотин-қизлар унга ўхшашни орзулайдиган, юзларча эркаклар тилагидаги аёл эди. У ва унинг овози хар бир уй, хар бир хонадонда хар куни бирга бўларди. Унга ишонадилар. У атрофда содир бўлаётган вокеа-ходисалар тўгрисида чин ахборот беради хамда буни имкон қадар яхшироқ етказишга харакат қилади. Одамлар айнан ундан Женет Мак-Катчинс ва бошқа ўнлаб аёллар хакида билиб олдилар. Унинг вужудидаги максад сари интилувчанлик мафтункор ташқи қиёфасига янада кўпроқ жозиба бахш этиб, хамма нарсада аксини топарди. Грег такрорлашни хуш кўрадигандек, у «зўр» эди. хозир эри билан ресторанга отланар экан,

у шундай офатижон кўринарди.

Жек гарчи камдан-кам ҳайдаса-да, ҳозир машинани ўзи бошқариб борарди. Йўлда улар Нью-Йорк ҳақида гаплашиб кетишди. Президент билан нима ҳақда гап бўлгани тўгрисида эри ҳеч нима айтмаслигини Мэдди англади. Ресторанда уларни энг яхши столга ўтиришни таклиф ҳилишди. Деярли ҳамма уларга ўгирилиб ҳаради. Атрофдагилар уларни ҳизғин муҳокама ҳилардилар. Аёллар Жекка ҳараб ҳўярдилар. Кишининг бошини айлантирарли даражада табассум ҳилувчи ҳамда теварагидаги ҳамма нарсани ҳамраб олувчи ҡўзларга эга ниҳоятда кўркам эркак. Бу жуфтлик гўё ўзидан муваффаҳият, ҳукмронлик, ҳудратлилик нафасини таратаётгандек туюларди. Мэддига мурожаат ҳилиб, дастхат сўраган кишилар ёнларига бетиним келиб туришарди. У илиҳ жилмайганча имзо чекар, айримлар билан эса гаплашишга ҳам улгурарди.

Жек хотинига официант муз солинган челакчада қолдирган

шаробдан яна бир қадах қуйди.

— Бу ҳали жонингга теккани йўҳми, Мэд?

— Йўг-ей. Улар мени таниётганлари ва яқин келишга уялишмаётганидан хурсандман.

У ўзини томошабинлар билан доим юксак даражада маданиятли тутарди. Одамлар унинг ёнидан янги дўст орттиргандек туйғу билан кетишарди. Шахсан учрашганларидан кейин уни янада кўпроқ яхши кўриб қолишарди. Жек бегоналар билан ўзини анча совуқ тутгани боис, унга яқинлашишга ботинолмасдилар.

Улар ресторандан ярим тунга яқин қайтдилар, эртасига эрталаб эса бир кунга Виргинияга учиб кетдилар. Жек бирор дам олиш кунини бекор ўтказишни ёқтирмасди. У бироз муддат отга миниб айланди, кейин очиқ хавода ўтириб тушлик қилишди. Кун иссиқ эди. Ёз,

хойнахой, зўр бўлса керак, деди Жек.

— Таътилда бирор жойга борамизми? — сўради Мэдди қайтишда. Эри аввалдан режа тузишни ёқтирмаслигини у биларди. Эри, одатда, сўнгги дақиқада ҳаммасини ҳал ҳиларди. Гоҳо уни бирор дастурга киритиб қўяди, гоҳо кутилмаганда олиб ташлайди. У нимани ўйлаганини хотини, ҳеч бўлмаса, сал аввалроҳ билишни хоҳларди, лекин унга ҳарши чиҳмасди. Ахир, уларнинг бола-чаҳаси бўлмаса, унинг бошлиги, шу туфайли биринчи белги берган заҳоти эрига бўйсунишга мажбур.

— Хали ёз хақида ўйлаганимча йўқ.

У ҳеч ҳачон хотини ҳаерга боришни хоҳлашини сўрамасди, охироҳибатда Мэддини ҳайратга соладиган жойни танларди. Жек билан турмуш кутилмаган воҳеаларга тўла эди. Қарши чиҳиш ёки нолиш учун унинг ўзи ким бўпти? Эрисиз умрида бундай жойларни ҳеч ҳачон кўролмасди.

— Эхтимол, Европага борармиз.

Эри бошқа ҳеч нима айтмаслигини Мэдди билади. Бошқа ҳеч нимани билишининг ҳожати ҳам йўҳ эди.

— Буюмларни жойлаштириш керак бўлганида мени огохлантириб қўйишни унутмасанг бўлди, — кесатиб қўйди хотини.

Баъзан шундай бўларди ҳам. У барча ишларини ташлаши ва жомадонларни тайёрлашига тўгри келарди.

Хеч шубҳасиз.

У кейсидан ҳужжатларни олди. Бу гап тамом, ҳарҳолда ҳозирча тугади, деган маънони билдирарди.

Мэдди биринчи хоним тавсия этган китобни очди. Аёлларга қарши жиноятлар ва зўравонликларни ўрганиш ачинарли мавзу бўлса-да, шунга қарамай, қизиқарли статистик маълумотларни ўз ичига оларди.

Нима бу? — сўради Жек.

— Буни менга Филлис берди. Аёлларга қарши жиноятлар тўгрисида.

— Масалан, кандай жиноятлар? Уларни кредит карточкаларидан махрум этишми?

Бу сўзлар хотинининг дилига оғир ботди, ҳар доимгидек, эри унга муҳим бўлиб туюлган нарсаларни атайлаб ерга уриб, камситишга

уринарди.

— Бу қумитага жуда жон-жахдинг билан ёпишиб олма, Мэд. У сенинг мавкеингни мустаҳкамлашга фойдали булгани туфайли унинг ишида иштирокингни таклиф қилгандим, бироқ бошинг билан шунғиб кетма. Жоҳилликдан жабрланган аёлларнинг бош ҳимоячиси булишингга ҳеч қандай зарурат йуқ.

Самолёт ерга қўнган ва тўхташ майдонига бурилганди.

- Лекин у ерда қилишаётган ишлари ва келгусидаги режалари менга маъқул бўляпти. Биласан-ку, бу муаммо мени ҳақиқатда ҳам ташвишлантиради.
- Биламан. Сени ҳам биламан. Сен ҳизиҳиб кетувчан одамсан. Буларнинг барчаси фаҳат имиж учун керак, Мэд. Жанна д"Аркка айланиб ҳолишинг мени асло ҳизиҳтирмайди. Аёлларни уриш ҳаҳидаги гапирилаётганларнинг ҡўпи бўлмағур гаплар.

Унинг баданидан муз ўтиб кетгандек туюлди. Эри нималар деяпти

ўзи?!

— Нимани назарда тутяпсан?

— Ишхонадаги сексуал яқинлик талаблари ёки қизларни учрашувга таклиф этиб, йигитлар томонидан зўрланиши ҳақидаги гаплар ҳаммаси ёлғон. Эри калтаклайдиган ва ҳатто ўлдирадиган хотинларнинг ярмидан кўпи бундан бошқа ҳеч балога арзимайдилар.

Жек бу гапни комил ишонч билан айтди. Мэдди унга хайратланиб

қаради:

- Буни жиддий гапиряпсанми? Ишонгим келмаяпти. Бўлмаса, менчи? Демак, сенингча, Бобби менга кўрсатган хунарлари... ўзимнинг ёмонлигим туфайли экан-да?
- У мияси йўқ, майда чивин эди. Бунинг устига пиёниста. Калтаклашига мажбур қилиш учун унга нималар деб валдираган бўлганингни фақат худо билади. Кўп оилаларда эру хотин уришадилар, Мэд. Айримлари бир-икки шапалоқ қўйиб, шу билан кифояланишади, бошқалари бир-бирларига жиддий шикаст етказишади. Лекин бу умуман миллий кулфат ҳисобланмайди ҳамда жанговар салб юриши учун баҳона эмас. Йшон, мабодо Филлис билан ёлгиз қолганингда сўраб кўрсанг, унинг қўмитасида сенга қандай мақсадни кўзлаб иштирок этишни айтган бўлсам, у ҳам худди шу сабаб бу ишга қўл ургани маълум бўлади. Фақат имиж учун. Бу четдан қараганда яхши кўринади.

Мэдди эрининг сўзларини дилида огриқ хисси билан тингларди.

— Қулоқларимга ишонмаяпман, — шивирлади у. Овози унга буйсунмасди. — Унинг отаси онасини доимо калтаклаган. Филлис шундай муҳитда ўсган. Худди мен каби. Худди юзлаб бошқалар каби, Жек. Баъзан золимларга бу камлик қилади. Улар ўзларининг зўрлиги ва хотинларининг ҳеч вақога арзимаслигини кўрсатиш учун уларни ўлдиришлари зарур. Нима, сенингча, бу оилавий урушишми? Сен охирги марта қачон аёл кишини зинадан итариб юборгансан, стул

билан ургансан, қайноқ дазмол ёки сигарет билан куйдиргансан? Бунинг нималигини озгина бўлса ҳам тасаввур ҳила оласанми?

- Ошириб юбординг, Мэд. Бу ҳаддидан ошиш. Ҳеч шубҳасиз, эси пастлар бор, лекин улар нафаҳат аёлларни ўлдирадилар. Ҳеч ким биз яшаётган оламда жиннилар йўҳ демайди.
- Лекин кўпгина аёллар уларни урадиган, охир-оқибатда баъзан ҳатто ўлдириб қўядиган жоҳиллар билан яшаши ва буларнинг барчасига чидаб ўтишига тўгри келади.
- Демак, бундай аёлларнинг ростдан ҳам эс-ҳуши жойида эмас, шундаймасми? Ахир улар барчасига чек қўйиб, кетиб қолишлари мумкин-ку. Лекин нимагадир бундай қилишмайди. Эҳтимол, уларга бундай ҳаёт ёқса керак-да?

Мэдди анчадан буён бундай чорасизликни бошидан кечирмаганди. Унинг назарида Жек Ер куррасида яшовчи кўпчилик номидан гапираётгандек эди. Уларга қандай тушунтириш мумкин? Ўз эрини

қандай ишонтира олади?

- Кўп ҳолларда аёллар ҳатто кетиб ҳолишга ҳам жуда ҳўрҳиб ҳолишган бўлади. Хотинини ўлдириш билан ҳўрҳитган кўп эркаклар охир-оҳибатда айтганини ҳиладилар ҳам. Статистика маълумотлари ниҳоятда даҳшатли, кўп аёллар инстинктив равишда бўлса-да, бу ҳаҳда биладилар. Улар шу даражада ҳўрҳитиб ҳўйилганки, ҳатто ҳочолмайдилар ҳам, жойларидан ҳимирлолмайдилар ҳам. Кейин, уларнинг фарзандлари бор. Кўпларининг борар жойи йўҳ, ишсиз, пулсиз. Улар ўзларини ва болаларини ночор аҳволда ҳолдириб, доимий ҳўрҳитишлар туфайли боши берк кўчага кириб ҳолгандай сезадилар. Бундай вазиятларда сен ҳандай йўл тутишни маслаҳат берган бўлардинг? Ўзинг нима ҳилган бўлардинг? Адвокатингга ҳўнғироҳ ҳилармидинг?
 - Йўқ, у ердан худди сен каби ҳаммасини ташлаб, ҳочиб кетардим.

У хали хам эрига гап уқтиришга уринарди.

— Бу каби уриш одатга айланади. Сен улар билан ўсиб бораверасан, буни доимий равишда кўрасан ва бу оддий ҳолга айланади, буни шундай бўлмоги керакдай ҳисоблай бошлайсан. Сенга эса ҳар доим ҳеч вақога арзимаслигингни, шундай муносабатга лойиқлигингни таъкидлайверадилар. Сен эса ишонасан. Бу сени карахт қилиб қўяди, иродангни акашак қилади. Сен индамас, қўрқоқ, одамови, дунёдан узилгансан, борар жойинг йўқ. Охир-оқибатда ўлишни хоҳлаб қоласан, чунки бу ягона йўлдек кўринади. — Унинг кўзлари ёшга тўлди. — Нима деб ўйлайсан, Бобби мени уришига нима сабабдан йўл қўярдим? Бу менга ёққани учунми? Шунчаки қутулиб чиқишнинг йўлини кўрмасдим. Ҳатто шунга муносибман, деб ўйлардим. Ота-онам мени ёмонлашарди, Бобби ҳар доим ҳаммасига ўзим айбдорлигимни такрорларди. То сени учратмагунимча бошқа ҳеч нимани билмадим.

Жек уни ҳатто сира чертмаган ҳам эди. Унинг тасаввурида эрини яхши деб ҳисоблаш учун бу етарли эди.

- Кейинги сафар шунга ўхшаш қилиқ кўрсатгинг келганида, шуни унутмасанг бўлгани, Мэд. Сени ҳеч чертмаганман ҳам. Бундан кейин ҳам тегмайман. Омадинг келгани шу-да, миссис Хантер.
- У хотинига шунчалик мухим бўлиб туюлган мавзуга афтидан, тамомила қизиқишини йўқотиб, жилмайганича ўрнидан турди. Самолёт, нихоят, тўхтади.
- Эҳтимол, шу сабабдан ҳам менга ўхшаб омади келмаганлар олдида ўзимни ҳарздор деб сезаётган бўлсам керак.

Мэдди Жекнинг сўзларидан кейин ўзини нима учун нохуш хис қилаётганини англай олмасди. Бироқ, у бу мавзудан толиққан

кўринарди. Уйга қайтишда бу ҳақда ортиқ гаплашмадилар.

Мэдди кечқурун спагетти пиширди. Улар жимгина мутолаа билан машғул бўлдилар. Кейин жимоъ билан шуғулланишди. Лекин Мэдди ўзини қандайдир бехис, бегонасирагандай ва кўнгли ранжигандай сезарди. Кейин у эри айтган гапларни хаёлида такрор-такрор эслаб, узоқ ухлолмай ётди. Унинг сўзлари, айникса, гап оҳанги хотинига қаттиқ ботганди. Бу тунда тушида яна Бобби Жони кўрди. У тун яримлаганда даҳшатдан бақириб уйғониб кетди. У кўзлари нафратга тўлган Бобби Жони аниқ кўрди, муштлари билан қайта-қайта Мэддига ташланар, Жек эса уларнинг ёнида турганча, бошини чайқаб, индамай кузатарди. ҳаммасига ўзи айбдорлиги тўгрисидаги фикр Мэддининг миясига ўрнашиб қолганди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Эртасига студияда иш кўпайиб кетди. Ирокдан келган янгиликлар огир жанглар, қўшма Штатлар томонидан бир кунда қанча одам ҳалок бўлгани тўгрисида хабар етказарди. Яна беш нафар денгизчи пиёда аскар ҳалок бўлган, самолёт уриб туширилган, икки учувчи шаҳид кетган эди. Президент Жекнинг ёрдамида уруш ҳаракатлари тасвирини ҳанчалик бежаб кўрсатишга уринмасин, урушда ҳар икки тараф одамлари ҳалок бўлаётгани ҳаҳидаги мотамсаро далилларнинг ўзи гапирарди.

Мэдди охирги эфиргача берилиб ишлади. Улар кечкурун Жек билан Бразилия элчихонасига қабул зиёфатига боришмоқчи эди, шу боис ишхонада кийимини алмаштириш мақсадида кечки кўйлагини ўзи билан олволганди. Ички алоқа телефони жиринглаганида, у кийимини алиштираётганди. Жек экан.

Беш дақиқада тайёр бўламан.

— Менсиз кетишингга тўгри келади. Йигилиш бор экан. Бу хакда

хозиргина хабар беришди.

Мэдди бу сафар қандай йиғилишлигини дарҳол англади. Президент Ироҳда одамлар ҳалок бўлаётганига жамоатчиликнинг муносабатидан яҳҳол ҳавотирланяпти.

— Иигилиш Оқ уйда ўтказилади, шекилли?

— Ха, эхтимол шундай.

— Лекин кейин келасанми?

Мэдди авваллари ҳам гоҳида ҳабул маросимларига ёлғиз боришига тўгри келган, лекин эри билан бирга боришни афзалроҳ биларди.

- Билмадим-ов. Баъзи нарсаларни ўйлаб олишимиз зарур бўлади. Уйда кўришамиз. Агар имкон топсам, кечрок бориб қоларман, лекин умуман айтганда, у ерга қўнғирок килиб, боролмаслигимни айтиб қўйдим. Кечир, Мэдди.
 - Хечқиси йўқ. Ирокда ишлар унчалик яхши эмасдир-да?
- Ҳаммаси жойида бўлади. Бу билан яшашни ўрганишимизга тўгри келади.

Агар Жек вазифасини уддалай олса, ҳаммаси шундай бўлиши керакдай бошқаларни ҳам ишонтира олади. Фақат Грег ва Мэддини эмас. Улар бугун шуни муҳокама қилишганди, лекин эфирда ҳеч ҳандай шарҳ беришолмади. Фаҳат ҳуруҳ далиллар.

— Кўришгунча.

Мэдди кийиниб бўлди. Бу гал оч пушти кўйлаги унинг нафис

бадани рангига ва қўнғир сочларига мос келарди, елкасида пушти шоҳи рўмол ташланган, қулоқларида пуштиранг кўзли зираклар ярқирарди.

Жек унга машинасини қолдириб, ўзи Оқ уйга хизмат автомобилида

кетди.

Мэддининг назарида, Бразилия элчихонасида юзга яқин одам йигилганга ўхшарди. Испанча, португалча, французча гаплар эшитиларди. Қайдандир мусиқа товуши келарди. Бразилия элчиси ҳамда унинг рафиқаси меҳмонларнинг кўнглини хушнуд қилишни яхши билишарди, уларни Вашигтонда яхши кўришарди.

Мэдди зални кўздан кечириб чикиб, Билл Александрни кўриб

қолди. Қандай кутилмаган ажойиб учрашув...

У Мэддининг ёнига илик табассум билан якинлашди.

— Салом, Мэдди! Ишлар қалай?

— Ажойиб. Сиз-чи, дам олиш кунларини қандай ўтказдингиз? Энди, улар бир-бири хақида шунча кўп билиб олганларидан кейин, Мэдди ўзини худди дўстлардек хис қиларди.

— Хеч бир саргузаштсиз. Вермонтга бориб, болаларни кўриб келдим. У ерда ўглимнинг уйи бор. Жума куни йигилишимиз анча қизиқарли

бўлди, тўгрими?

Қанчалар кўпчилик инсонлар у ёки бу даражада маиший жиноятлар, жаҳолат, зўрлашлар билан тўҳнашаётганидан киши шунчалар ҳайратланади. Яна энг таажжубланарли жиҳати шуки, ҳар бир одам бошҳалар яхши ҳаёт кечиряпти деб ҳисоблайди.

Мэдди унинг худди ўзиникига ўхшаш мовий ранг кўзларидан нигохини узолмасди. Унинг оппок, қалин, текис таралган сочларини мехр билан томоша қиларди. Александрга смокинг жуда ярашганди. Бўйи ҳам бирам баландки... Мэдди унинг ёнида ўзини кичкинагина ҳис қиларди.

- Буни аллақачонлар англаганман. Авваллари ўзимни ҳар доим айбдордек сезардим, ҳозир ҳам баъзида шундай ҳис ҳиламан. Бироҳ энди ҳарҳолда бошҳалар билан ҳам шу ҳол юз беришини биламан. Ҳатто биринчи хоним ҳам шундай кечинмалардан бенасиб ҳолмабди. Барибир ўзимни айбдор билиш ҳисси мени тарҳ этмаяпти.
- Асосий қийинчилик, менимча, бу айнан сизнинг айбингиз эмаслигини англашда. Вашингтонга қайтганимдан кейин аввалига, ким билан учрашмай, гуё ҳамма Маргаретни мен ўлдирганимни орҳамдан пичир-пичир гапираётгандай ёки ўйлаётгандай туюлаверарди.
 - Нима учун шундай туюларди?
- Шунга ишонч хосил қилгандим. Кун сайин қанчалик кечирилмас хатога йўл қўйганимни янада кўпроқ англардим.
- Ҳар қандай вазиятда ҳам худди шундай якун топиши мумкин эди. Террорчилар ҳалол кишилар эмас, улар ҳеч ҳачон гапининг устидан чиҳишмайди, Билл.
- Буни идрок этиш осонмас, айниқса, суйган кишинг ҳаёти хавф остида қолганида. Қачон бўлса ҳам бунга кўникармиканман, билмадим. Буни тушуна олмасам ҳам керак.

Мэддига унинг очиклиги ва тугрисузлиги маъкул келганди. Шу билан бирга, унинг табиатан кунгли юмшоклиги сезилиб турарди.

— Умуман, зулмни тушуниш мумкин, деб ўйламайман. Мендаги вазиятда ҳаммаси оддийроҳ бўлган эса-да, барибир маъносини англаб ололмайман. Нима учун бир инсон бошҳасига шунчалик ёмон муносабатда бўлади? Ва нимага шунга йўл ҳўйдим экан?

— Бошқа танлаш имконияти бўлмаган, ўзга йўл топилмаган, ёрдам берадиган ҳеч ким бўлмаган, ҳаерга бориш, кимга мурожаат этишни билмагансиз. Шундайми?

Мэдди бош иргади. Билл унинг қандай вазиятда булганини эри ва бошқа купларга нисбатан фаркли равишда бир зумда тушунди.

— Ха, хаммаси шундай, — деди табассум билан у. Кейин мавзуни

ўзгартирди: — Ирок хакида кандай фикрдасиз?

— Назаримда, у ерга яна қайта босиб кирганимизнинг ўзи нақадар иснод. Бу вазиятда голиблик бўлмайди. Жуда тез орада одамлар осон бўлмаган саволларни бера бошлайдилар. Айниқса, охирги ҳафтада содир бўлгандек, мабодо йигитларимиз бунчалик талофатга учрайверишса. Буни кўриш мен учун чидаб бўлмас даҳшат. Ва ўйлайманки, кўпчилик одамлар бу кампанияда ютиб чиқсак ҳам, ҳеч ҳандай галаба бу йўҳотишлар баҳосига арзимайди, деб ҳисоблайдилар.

Мэдди унинг фикрига қушилмаса булмасди. Унга воқеаларнинг шундай ривожланишига Жек сабабчилигини айтиб қуйишига оз қолди. Эри ҳаддан ташқари оптимистик кайфиятда. У президентга маъқул булган ҳамма нарсани одамларга мажбуран ҳазм қилдириш мумкин,

деб хисоблайди. Яхшиямки, Билл Мэдди каби ўйлайди.

Улар яна бироз суҳбатлашдилар. Билл ундан ёзда нимани

режалаштирганини сўради.

— Хозирча билмайман, — жавоб берди Мэдди. — Бир материални тугатишим керак. Жек эса аввалдан хеч режа тузмайди. Одатда, у жўнаб кетиш олдидан буюмларни жойлаштиришим зарурлигини айтади.

— Бу, хойнахой хаётга қизиқишни оширса керак?

Аслида Билл қандай қилиб Мэдди буни уддалашига ҳайрон қолганди. Куп одамларга жунаб кетишга тайёргарлик анчагина вақтни талаб этади. Қизиқ, унинг фарзандлари бунга қандай қарашар экан?

Болаларингиз борми?

Мэдди жавоб беришдан олдин бирор лаҳза иккиланди-да:

Умуман айтганда... йўк.

Билл бундан унча ажабланмади. У ҳали ёш, ҳойнаҳой, баландроҳ мартабага эришмоҳчидир. Ҳали ҳаммасига, фарзанд ўстиришга ҳам улгуради.

— Хали олдинда етарлича вақтингиз бор. Болалар тўгрисида ўйлашга

хам улгурасиз.

У Мэддининг ўзи хақида сўзлаганларини эслади. Балки бу унинг болалигида олган рухий жарохатлари окибатидир. Эхтимол, шу боис Мэдди хозирча фарзанд кўришни хохламаётгандир. У буни тушунарди.

Мэдди унга энди ҳеч ҳачон фарзанд кўролмаслигини, Жек унга шундай шарт ҳўйганини айтолмасди. Бу шундай киборлар зиёфатида айтишга арзигулик гап эмасди. У мавзуни бошҳа томонга бурди:

— Сиз-чи, Билл, ёзда нима қилмоқчисиз?

— Одатда, биз фермага кетардик. Лекин бу йил у ерда менга огир бўлса керак, деб ўйлайман. Ёзда уйимни қизимга бердим. Унинг уч фарзанди бор, уларга у ерда туриш жуда ёкади. Мабодо боргим келиб қолса, ҳар қачон меҳмонларга аталган хонада туришим мумкин.

Қандай ёқимтой инсон... Афтидан, фарзандларига жуда боғланган

кўринади.

Бироздан сўнг уларнинг ёнига Франциядан келган ёш жуфтлик яқинлашиб, сухбатга қўшилишди, кейин аргентиналик элчи Билл

билан бир-икки огиз гаплашиб олди. Иккови ҳам испан тилида эркин сўзлашишарди. Яна бироз вақт ўтгандан кейин, Мэдди Биллнинг столда қўшниси эканини билгач, ажабланди:

— Жойларимиз ёнма-ёнлигини билмаган эканман.

— Буни мен ташкил қилдим, деб айтишни жуда хоҳлардим-у, лекин афсуски, бундай қудратли эмасман. Ҳойнаҳой, омадим келган булса керак.

— Менинг хам.

У Мэддининг қўлини билагига олиб, стол ёнига бошлади.

Кеча ниҳоятда ёҳимли ўтди. Мэддининг нариги ёнида Небраскалик сенатор-демократ қушни булди, у билан аввал шахсан учрашмаган булса-да, анчадан бери унга ҳавас билан қарарди. Билл Принстон ва Гарвардда дарс берган давридаги қизиқ воқеаларни айтиб бериб, уни сира зериктирмади. Афтидан, у ер Биллга жуда ёҳарди. Унинг хотини ҳалок булгунга ҳадар унча узоқ давом этмаган дипломатик лавозими ҳам ниҳоятда ҳизиҳарли ва сермаҳсул экан.

— Хўш, энди бу ёгига нима қилмоқчисиз? — деб сўради Мэдди

ширинлик ейишаётганда.

Биллнинг китоб ёзаётгани унга маълум эди, унинг гапига

қараганда, китоб якунланиб қолганди.

— Очиғини айтганда, ҳозирча билмайман. Яна дарс беришга ҳайтсаммикан, деб ўйлагандим... Бироҳ бу иш билан шуғулланиб бўлдим. Айрим академик ўҳув юртлари, шулар жумласидан, Гарвард ҳам, ишга чаҳиришяпти. Лекин ҳандайдир муддатга ғарбга, масалан, Стэнфордга дарс беришга бориш ҳам мумкин. Ёки бир йилни Европада ўтказсаммикан. Биз Маргарет билан Флоренцияни ёҳтирардик. Яна Оксфордда Американинг ташҳи сиёсати бўйича бир йиллик курсни ҳам таклиф ҳилишганди. Бироҳ бу мен учун ҳизиҳарли бўлишига унчалик ишончим йўҳ. У ернинг ҳиши ҳам анча совуҳ. Колумбиянинг иҳлими жуда ажойиб, у мени, ҳойнаҳой, эркалатиб юборган бўлса керак.

— Танлаш имкониятингиз нақадар кенг экан!

Мэдди Александрни ҳамма нима учун ўзига ишга чақираётганини тушунарди. У маданиятли, ювош, янги ғоя ҳамда оригинал концепцияларга очиқ кўнгиллик билан ҳарайди. Бундай одам ҳаҳиҳий хазина.

- Мадрид хусусида нима дейсиз? Испанчада эркин гаплашаркансиз.
- Бу ҳақда ўйлаб хам кўрмаган эканман. Эҳтимол, аввал коррида санъатини эгаллашим зарурдир.

Билл Александрни матадор ролида тасаввур қилиб, иккаласи ҳам кулиб юборишди. Таом ейиш ниҳоясига етганида шундай ёқимли суҳбатдошидан айрилиш фурсати келгани учун Мэдди хафа булди. Билл уйигача олиб бориб қуйишни таклиф қилганди, лекин уни ҳайдовчи машинада кутаётганини айтди.

- Келаси йигилишимизда учрашувимизни интизорлик билан кутаман. Қизиқарли гуруҳимиз сараланди. Тўгриси, бу масалани унчалик яхши билмайман. Маиший жоҳиллик мазмунан менга нотаниш. Мен бошқачароқ ғайриоддий ҳодисага дучор бўлдим. Шундай бўлса-да, Филлиснинг таклифидан хурсандман.
- У қилаётган ишини билади. Биздан яхшигина команда чиқади, деб ўйлайман. Фақат қайси йўналишда ҳаракат қилишни ҳал қилиш зарур. Умид қиламанки, муаммога оммавий ахборот воситалари диққатини қаратишни уддалаймиз.

— Сиз эса биз учун матбуот жарчиси бўласиз. Бу сизда аъло даражада чикади.

Шу сўзлар билан улар айрилишди.

Мэдди уйга келганида Жек ўрнида ётарди. У тинчгина китоб ўкир ва осойишта кўринарди.

— Ажойиб кечани ўтказиб юбординг.

Мэдди қулоқларидан зиракларини ва туфлисини ечди. Эрининг ёнига яқинлашиб, уни ўпиш учун эгилди.

— Биз ишимизни тугатгунимизча, хойнахой, овқатланиб бўлган бўлсангиз керак. У ерда нималар бўлди?

— Жуда кўп қизиқарли одамлар бўлди. Билл Александрни учратдим.

гоят ёқимтой одам экан.

— Менга эса у ҳар доим ниҳоятда мижғов киши бўлиб кўринган. Жек китобини ёпди. Хотинига мамнунлик билан нигоҳини ҳаратди. Кўриниши зўр-да, гап йўҳ... ҳатто оёҳяланг, зиракларсиз ҳам... ҳиёматдек чиройли.

— Мэд, кўринишинг зўр.

Эри чин дилдан айтаётганини Мэдди кўриб турарди. Уни яна ўпмокчи бўлиб эгилди:

— Рахмат.

— Келақол, энди тезроқ ёт.

Унинг кузлари таниш чақнади. Бир неча дақиқадан кейин у ўрнига ётди ва эри унга нақадар ажойиблигини исбот қилди. Мэддининг миясига кутилмаганда ахир болалар йуқлиги яхши-ку, деган фикр келди. Бошқа ҳеч ким ҳақида ўйлашнинг ҳам ҳожати йуқ. Улар буш вақтларини бирбирларига бағишлашлари мумкин. Кейин Мэдди эрининг бағрида тула қониқиш ҳис қилиб, осойишталикдан дам олиб ётди.

Оқ уйда нима гап? — сўради у уйқу аралаш.

— Чамаси, қандайдир маъқул йўриклар ишлаб чикдик, шекилли. Албатта, сўнгги сўзни президент айтади. Мен ҳам бошқаларга ўхшаб ўз фикримни ифодалайман, холос. У барчасини йигиб, нима қилиш кераклигини ҳал этади. У ниҳоятда ақлли. Эгаллаб турган мансаби ҳам, тўгрисини айтганда, осон эмас.

— Дунёда энг ёмон мансаб бўлса керак, деб ўйлайман. Хеч қандай

баланд маош учун бундай ишга рози бўлмасдим.

— Чакки қиласан, — масхаралади уни эри. — Сендан зўр президент чиқарди. Оқ уйда ҳамма чиройли кийинган, ўзаро мулойим гаплашган, бир-бирига кўмаклашган, ўйлаганларини гапиришган бўларди. Маҳкама аъзоларининг эса юракларини чилпарчин ҳилардинг-да, улардан ҳон сизиб турарди. Наҳадар ажойиб рисоладагидек дунё, Мэд!

Гарчи бу сўзлар мақтовдек туюлса ҳам, лекин эрининг гапида пичинг оҳанги сезиларди. Мэдди жавоб бермади. Бу ҳақда ўйламасликка аҳд ҳилди ва тезда ухлаб ҳолди. Шу билан эрталабгача ухлади. Эрта билан тургач, Жек иккаласи ишга ваҳтлироҳ кетишди.

Соат саккизда ҳар иккови ҳам ўз идорасида эдилар. Мэдди бир муддат вақтини америкалик раққослар тўгрисида махсус кўрсатув тайёрлаётган Грегга ёрдамлашишга ажратди. У буни Грегга аввалроқ ваъда қилганди. Улар тушгача, то эшик ортидаги шовқин-сурон эътиборларини жалб этгунга қадар, атрофдаги ҳеч нимани сезмай ишлашли.

— Бу нима? — ҳайрон бўлганча Мэдга ҳаради Грег.

— Қайдам. Эхтимол, Ироқда нимадир содир бўлгандир? Кеча кечқурун Жек президент билан бирга эди, улар бир нимани бошлашмоқчи, шекилли.

Улар Грег билан йўлакка чиқишди. Мэдди режиссёрлардан бирини тўхтатиб сўради:

— Нима бўлди?

 Йигирма дақиқа олдин Кеннеди аэропортида Парижга учаётган самолёт портлаб кетибди. Айтишларига қараганда, жуда даҳшатли куч

билан портлабди. Хаммаси халок бўлган.

Мэдди ва Грег янгиликлар бўлимига етиб боришди, лекин у ерда хам бундан ортикрок маълумот олишолмади. Портлаш учун масъулиятни хеч ким ўз зиммасига олмаган эмиш. Шунга қарамасдан, Мэдди бу иш унчалик тоза эмаслигидан шубҳаланарди.

— Бизга номаълум шахс қўнғироқ қилди, — деди режиссёр. — Кимлигини айтмади, лекин анча маълумотдан хабардор кўринади. Унинг айтишича, кечадан бери авиакомпанияда бу хавф ҳақида учишгача бохабар бўлишган экан. Портлашнинг олдини олиш учун ҳеч ҳандай чора кўришмабди.

Грег билан Мэдди бир-бирига қараб қўйишди. Қандайдир ақлсизлик... Ахир шундай ҳалокатга йўл қўйиб бўларканми?

— Сизга маълумот берган ўзи ким экан? — сўради Грег хўмрайиб.

- Номаълум. Бироқ ҳаммасини батафсил гапириб берди, буни осонгина текшириб кўрса бўлади. Лекин муҳими, авиакомпаниядагилар кечанинг ўзидаёқ бундан огоҳлантирилган бўлсалар ҳам, қўпорувчиликнинг олдини олиш чораларини кўришмаган. Ҳар нечук, бу шундай кўриняпти.
 - Бу иш билан ким шугулланади? қизикди Грег.
- Агар истасангиз, сиз. Кимдадир одамлар рўйхати бор, уларга кўнгирок қилишингиз мумкин. Номаълум шахс бизга бир нечта қизик исмларни айтиб, бир жуфт тахминий фикр ҳам ташлаб қўйди.

Грег Мэддига ўгирилди.

— Мени ҳам шу ишга қўшинг, — деди у.

Улар биргаликда исмлар рўйхати бўлиши мумкин бўлган режиссёр ёрдамчиси ёнига кетишди. Мэдди ўзини босолмасди:

— Хеч ишонгим келмайди... Ичида бомба бўлиши мумкин самолётга одамлар чиқарилмайди.

— Эҳтимол, чиҳарилаверар. Бу ҳаҳда шунчаки билмагандирмиз. Улар исмлар руйхатини олиб, Мэддининг хонасига ҳайтишди. Икки соатдан кейин улар аниҳлаб билишган маълумотга ишонгилари келмай, бир-бирларининг рупарасида утирардилар. Телефон орҳали богланиб суриштирган кишиларнинг ҳар бири бир гапни таъкидлашди: ҳа, огоҳлантириш булганди, лекин аниҳ эмас, гуёки уч кун ичида Кеннеди аэропортидан учадиган ҳайсидир самолётга портловчи ҳурилма ҳуйилади, деб. Бошҳа ҳеч нарса маълум эмасди, шу сабабли энг юҳори идорадагилар то бунинг тасдиги топилмагунча ва шу ҳаҳда ҳушимча маълумот олмагунларига ҳадар фаҳат ҳуриҳлаш хизмати фаолиятини кучайтириш ва учишни туҳтатмасликка ҳарор ҳилишибди. Бундан бошҳа ҳеч ҳандай ҳунгироҳ булмаган.

— Ҳа, ҳаммаси қандайдир шубҳали эшитилмоқда, — деди Мэдди. — Балки компаниядагилар буни шунчаки оддий пўписа деб ўйлашгандир.

Лекин бошқа томондан қараганда, бу пўписа худди шунга ўхшаш ваҳшиёна акцияларни илгари ҳам содир этган икки террорчилар гуруҳининг биридан чиҳиши ҳам мумкин эди, шу боис огоҳлантирувга ишониш учун ҳамма асос бор эди.

— Сезиб турибман, бу ерда нимадир яширинган, — бошини кутарди Грег. — Бирор бир ваколатли манба топиб, ҳаммасини кавлаб куришимиз керак.

Улар барча имкониятларни чамалаб кўриб, энди чукур ўйга чўмиб ўтиришарди. Тўсатдан Мэдди ўрнидан сапчиб турди. Унинг хаёлига

бир фикр келганди:

— Хозир қайтаман.

Шахсий лифтда эрининг хонасига кўтарилди. Ахир Жек кеча кечқурун Оқ уйда бўлганди. Шундай ҳажмдаги хавф ҳаҳидаги огоҳлантиришлар президентга етиб бормаслиги мумкин эмасди. Эҳтимол, Жек нималарнидир билар.

Котиба Жекнинг мажлис ўтказаётганини айтди. Мэдди уни бир дақикага мухим масала бўйича чақириб беришни илтимос қилди. Бироз

ўтгач, у хотинига хавотирланиб қараганча чиқди.

— Нима бўлди? Яхшимисан?

— Ҳа, яхшиман. Ҳозир портлатилган самолётга тааллуқли материал устида ишлаяпман. Бизга маълум қилишларига қараганда, гўёки самолёт бортида бомба борлиги ҳақида унча аниқ бўлмаган огоҳлантириш тушган, лекин айнан ҳайси рейсдалигини ҳеч ким билмаган экан.

У содир булган ходисани кискача тушунтириб берди. Бу хабар

Жекни унча ташвишга солмагани кўриниб турарди.

- Бундай ҳодисалар онда-сонда рўй бериб туради, Мэд. Бу ерда ҳеч нарса ҳилолмайсан. Огоҳлантириш унча аниҳ бўлмаган. У ўйлаб топилган бўлиши ҳам мумкин эди.
 - Кеча кечқурун ҳеч нимани эшитмаганмидинг?

— Ҳа, умуман айтганда, йўқ.

У эрига тикилиб қараб турарди. Назарида, эрининг кўзларида нимадир йилтиллагандай бўлди. Демак, самолёт билан содир бўлган ходиса унинг учун катта янгилик эмас.

— Бу нима жавоб, Жек? Ахир бу жуда мухим! Агар компания огохлантирилган бўлса, маъмурият барча рейсларни тўхтатишга

мажбур эди. Учишни давом эттиришга ким карор килди?

— Бу ҳақда моҳиятан ҳеч нарса билмайман. Лекин огоҳлантириш аниқ бўлмаганда, нима қилиш мумкин эди? Учишни тўхтатишми? Кеннеди аэропортидан учадиган барча рейсларни уч кунга тўхтатишми? Ахир бу Қўшма Штатлар авиациясини ерда қолдириш билан баробарку. Бундай бўлиши мумкин эмас.

— Кеннеди аэропортидаги учишлар назарда тутилганини қаердан биласан, уч кун ҳақида-чи? Демак, бу ҳақда билган экансан-да.

Ха, Жекни Оқ уйга мана шу сабаб кеча зудлик билан чақиртиришган экан-да, дея тўсатдан тушунди у. Жамоатчиликка қандай маълум қилиш ҳақида кенгашиб олиш учун, балки ҳатто қандай йўл тутиш ҳамда мабодо бирон-бир самолёт ростдан ҳам портласа, кейин ўз обрўсини сақлаб қолиш тўгрисида ундан маслаҳат сўраш керак бўлган экан-да. Бу қарорни у қабул қилмаган бўлса ҳам, йўловчиларни ҳавфдан огоҳ этмоҳ керакми ё йўқлигини ҳал этганлар орасида эрининг ҳам овози, ҳар қалай, охиргиси бўлмагандир.

— Мэдди, Кеннеди аэропортида уч кун давомидаги барча рейсларни тухтатиб булмасди, шунчаки бунинг сира иложи йук. Бу нималигини узинг тасаввур кила оласанми? Унда кунадиган барча рейсларни ҳам тухтатишга тутри келарди, чунки портлаш уларга ҳам тегиши мумкин эди. Бутун иқтисодиётга путур етарди ва шу билан бирга, умуман

бутун мамлакатга зарар келтирарди.

Мэдди ғазабдан оқариб кетди.

— Ишонмайман! Сен ва худо билади яна ким биргаликда ҳеч ҳандай хавф йўҳлигини кўрсатишга ҳарор ҳилгансизлар ва ҳатто ҳеч кимни огоҳлантирмагансизлар. Буларнинг барчаси учиш жадвалини бузмаслик ва иҳтисодиётга зарар етказмаслик учунми? Жек, тўгрисини айт, бундаймасми? Сени нотўгри тушунганимни айт. Тўрт юз ўн икки нафар инсон сизлар учиш жадвалини бузмасликка аҳд ҳилганингиз туфайли ҳалок бўлишмагандир? Демак, бу ҳарор фаҳат ишни ўйлаб ҳабул ҳилинган, шундайми? Хўш, бундай ҳарорни ким ҳабул ҳилди?

— Президентимиз-да, тентак. Сен-чи, нима деб ўйлагандинг? Бундай қарорларни мен қабул қиламан, дебми? Хавф ҳаддан ташқари ноаниқ эди, фақат бир иш қилиш — ҳар бир самолётни учиш олдидан яхшилаб текшириш мумкин эди. Лекин буни мендан эшитганингни

айтадиган булсанг, сени худди ит азобида улдираман!

— Мени нима қилишингга тупураман. Ҳозир гап инсонлар ҳаёти, болалар ҳақида, ҳеч бир айбсиз одамлар ҳақида боряпти. Ҳеч бирингизда Кеннеди аэропортини уч кунга беркитишга жасорат етишмагани туфайли улар бомбали самолётга чиҳарилган. Нега шундай ҳилмадингизлар, Жек!

— Нималар хакида гапираётганингни тушунмаяпсан. Мамлакатнинг асосий халкаро аэропортини уч кунга беркитишнинг сира иложи йўк!

Бу барча ишга доир битимларимизни бузиши мумкин эди.

— Лекин, ахир уни қалин қор ёққанида беркитишади-ку, жин урсин! Хеч ким ўлмайди-ку. Нимага энди ҳозир, портлаш ҳақида огоҳлантириш мавжудлигида ёпиб бўлмас экан?

— Чунки маъмурият жиннича кўринарди ва бундан ташқари,

вахима бошланиши мумкин эди.

- Жуда соз, демак, вахима содир бўлмаслиги учун, тўрт юздан ортик инсон ҳаётини қурбон этиш зарур бўлибди! Вой, худойим, қулокларимга ишонмайман. Ҳамма нарсадан хабардор бўла туриб, ҳеч нима қилмаганингга ишонолмайман!
 - Сенингча нима қила олардим? Кеннеди аэропортига бориб,

варақалар тарқатишим керакмиди?

— Аҳмоҳ, ахир шахсий телевизион тармогинг бор-ку! Ҳеч бўлмаса, аноним равишда хавф тўгрисида хабар беришинг мумкин эди. Ўшанда

аэропортни беркитишга мажбур бўлишарди!

- Шунда Оқ уйнинг эшиги мен учун бутунлай беркиларди. Нима, улар ахборотни ким ташқарига чиқарганини фаҳмлашмасди, деб ўйлайсанми? Бўлмаган гапларни валдирама... ва бошқа ҳеч қачон, у хотинининг қўлини кескин ушлади, эшитяпсанми, бошқа ҳеч қачон мени аҳмоқ дея кўрма. Мен қилаётган ишимни биламан.
- Сен ва кеча кечқурун биргаликда шакаргуфторлик қилган ўша йигитлар бугун пешинда тўрт юздан ортиқ инсон умрига завол бўлдингиз. Унинг овози титрарди, у ҳали ҳам юз берган ҳодисага Жекнинг алоқадорлиги ҳақидаги фикрни ҳазм қилолмасди. Нимага энди қурол сотиб олиб, одамларни отиб ташламайсан? Бу тозароқ ва ҳалол иш бўларди. Сен учун бизнес ҳаммасидан муҳимроқ-да. Бу дегани, демак, биронбир аёл боласи билан ҳар сафар самолётга чиҳаётганида, у ерда бомба борлигини билолмаслиги мумкин, лекин уни бу ҳақда ҳеч ким огоҳлантирмайди ҳам, чунки бундай майда-чуйдалардан кўра бизнес муҳимроқдир. У ва унинг болалари яширин жабрдийдалар. Қандайдир болакайлар туфайли бизнесга зарар етмаслиги зарур!
- Каттароқ ҳисобда ўзи ҳам шундай. Содда-гўл болма, Мэд.
 Шунчаки тушунмаяпсан. Баъзан энг юқори манфаатлар туфайли

одамларни қурбон этишга тўгри келади.

Мэддига гўё ҳозир шу ерда, эрининг ҳаршисида ҳайт ҳилиб юборадигандек туюлди.

— Энди мени диққат билан эшит. Агар бу ҳақда кимга бўлмасин, бир оғиз айтсанг, шахсан ўзим сени Ноксвиллга қайтиб олиб бориб, Бобби Жо уйининг остонасига иргитиб ташлайман. Бир сўз айтсанг, Кўшма Штатлар президенти олдида жавоб берасан. Сени хоинлик учун турмага ташлайдилар. Бу масала муҳим давлат сири, у мамлакатдаги энг обрўли ҳисобланган ҳамда ҳилаётган ишини яхши биладиган одамлар кўлида. Бу сенга мижгов асабий уй бекаси ёки ҳорни хўппа семиз сенатор эмас. Агар бу заҳарли илонлар уясининг тинчини бузадиган бўлсанг, президент, ФБР ва бошқа ташкилотларга ишинг тушиб ҳолади. Мен эса пастга думалаётганингни ва ёрҳин алангада ёнаётганингни кузатиб тураман. Бу ишга бурнингни суҳма, Мэд. Бу борада ҳеч балога аҳлинг етмайди-ю, шунчалик тез ўраб, сиҳиб ҳўйишадики, оғзингни очишга улгуролмай ҳоласан. Ютиб чиҳишингдан умидвор бўлма.

У Жекнинг сўзларида ҳақиқат зарраси борлигини англарди. Ҳамма ўзини олиб қочиш ва ёлгон гапиришга уринади, бу Уотергейт замонасидан бери энг катта алдов бўлади. Томошабинлар ҳам, ҳойнаҳой, унга ишонмайдилар. Унинг нозик товуши анча кучлироқ бошқа овозлар жўрлигида йўқ бўлиб кетади, унга ҳеч ким ва ҳеч ҳачон ишонмаслигини таъминлайдилар. Эҳтимол, уни ўлдиришга ҳам уриниб кўрарлар. Наҳадар қўрҳинчли... Лекин индамаслик, уни ҳар куни тинглайдиган минглаб одамларнинг ишончидан маҳрумлик янада ҳўрҳинчлироҳ. Улар икки юз олтмиш учинчи рейс йўловчилари иш манфаатини ўйлаганлик туфайли ҳурбон этилганини билишга ҳаҳлидирлар. ҳарор ҳабул ҳилишга масъул кишилар учун бу ҳурбонлар

ҳеч бир аҳамиятсиз эканлигини ҳам билишлари керак. — Мени эшитдингми?

Унинг кўзларида тахдид қилувчи ғазаб пайдо бўлди. У хотинидан ҳайиҳарди. Агар ўз телекомпаниясига хавфни сезгудай бўлса, хотинига ҳужум қилувчилардан биринчиси бўлади.

— Эшитдим. Сени кўрарга кўзим йўк!

— Нималарни ўйлаётганинг ёки ҳисларингга тупураман. Мени фақат қилаётган ишинг ҳизиҳтиради. Биргина хато ҳадам ташлайдиган булсанг, тамом буласан. Тушунарлими, Мэд?

У эрига узоқ тикилиб турди-да, кейин тезда ўгирилиб, лифтни хам кутмасдан, зина томонга кетди.

Хонасига ранги оқарган ва титраганча кириб келди.

— Сенга нима бўлди? Нима содир бўлди? Жек ниманидир билган эканми?

Грег унинг қаерга кетганини дарҳол англаганди. У Мэддини бу аҳволда сира кўрмаганди. Ранги-рўйи мурдадек оҳарган ва гўё ҳозир кўнгли айнаётгандай кўринарди.

Йўқ, билмаган, — деди у зўрға.

Уч таблетка аспирин олиб, қахва билан ютиб юборди.

Ун дақиқадан сўнг остонада анча жиддий қиёфада бош режиссёр пайдо бўлди. Икковига гумонсираб қараб олди.

- Бугун кечқурун, эфирга чиқишингиздан олдин матнингизни текшириб кўришим учун менга берасизлар. Агар ўзингиздан бирор гап қўшадиган бўлсангиз, шу захоти тўхтатиб, рекламани қўйиб юборишади. Тушунарлими?
 - Тушунарли, деб жавоб берди Грег.

У ҳам, Мэдди ҳам шамол ҳай тарафдан эсаётганини дарҳол англашди. Гарчи Грег Мэддининг эри билан нима ҳаҳида

гаплашганини аниқ билмаса-да, деярли ҳаммасини унинг чеҳрасидан уқиб олди. У режиссёр чиқиб кетишини кутиб турди-ю, Мэддига ўгирилди:

— Демак, у ҳаммасини билган. Агар хоҳламасанг, ҳеч нарса

айтмаслигинг мумкин.

У Грегга нигохини узок тикиб турди. Нихоят, бош силкиди:

— Хеч нарсани исбот қилолмайман. Шу боис тўполон кўтариш

бефойда. Бу ишга алоқадор кишилар хаммасидан тонадилар.

— Мэд, биз бунга аралашмаганимиз маъкул деб ўйлайман. Куйиб қолишимиз ҳеч гапмас. Бунга тишимиз ўтмайди. Агар улар билишган бўлса, демак айбини яширадиган суянчиқлари борлигига ишонч ҳосил ҳилишинг мумкин. Бу ерда, ҳойнаҳой, ҳаммасини катта мансабдорлар ҳал ҳилишгандир.

Жек Хантер ҳам ҳозир улар орасида. Грег Мэддининг эри президент таянчи ва маслаҳатгўйи бўлиб ҳолганини бир неча бор эшитганди.

Жек Хантер энди олий лигада ўйнаяпти, шекилли.

— Агар бу мавзуни қўзғатсам, у мени ҳайдаб юборишини айтди. Тупураман. Одамларга ёлғон гапиришни ёмон кўраман.

— Гохида тўгри келади... Агар мен хам буни ёмон кўраман. Катта

мансабдорлар бизни кукун қилиб эзиб ташлашади.

— Жекнинг айтишича, мени турмага қамашар эмиш. Ёки шунга ўхшашроқ.

Нима, у эсини йўқотганми?

Мэдди бехосдан кулиб юборди. Лекин ўша захоти Жек унинг кўлини кескин ушлаб, силталаганини эслади. Унинг афти башарасини эслади. У эрини хеч қачон бундай ғазабланган ва қўрққанини кўрмаганди.

Режиссёр кечки эфир матнини дикқат билан кўриб чикди ва уни тахрир қилиб қайтариб берди. Ҳаво ҳалокати ҳақида бор-йўги бир неча жумла ҳолган эди холос. Бунга илова этилган кўрсатмада асосан ҳалокат содир бўлган жойдан олинган видеоматериалдан фойдаланиш кераклиги айтилганди.

Улар студияда эфирга тайёрланиб, жойларини эгалладилар. Сонияларни санаш бошланди.

— Эхтиёт бўл, Мэд, — шивирлади Грег.

У Мэддини ҳаддан зиёд яхши биларди. У камикадзе сингари хавфли зонага ташланиб қолиши мумкин. Ҳақиқат учун таниқли курашувчи.

Мэдди икки юз олтмиш учинчи рейс бортидаги портлаш ҳақидаги материални ўкиди. Бир жойида унинг овози салгина билинарли титраб кетди. Ғамгин овозда ҳалок бўлганлар, шу жумладан, бортда болалар ҳам бўлгани ҳақида маълум ҳилди. Кетма-кет кўрсатилган видеотасвир ҳалокат ҳаҳида тасаввурларни фаҳат кучайтирди. Улар сўнги кадрларни ҳамда ҳандайдир ҳаваскор Лонг-Айленддан портлашни тасвирга туширган плёнкани кўрсатишди. Эфирни тугаллашга тайёрланаётгандилар. Тўсатдан Мэдди ҳўлларини столга ҳўйди, бармоҳларини бирлаштирди ва матнли монитордан юзини ўгирди.

— Мэдди... керак эмас... — овоз чикармасдан, факат лаблари билан

гапирди Грег.

Лекин Мэдди уни энди кўрмасди. У тўгри камерага, ўз юртдошларининг юзларига қарарди, улар юрагига кириб боришга уринарди.

— Бугунги ҳалокат ҳақида анча миш-мишлар юрибди, — эҳтиёткорлик билан гап бошлади у. — Айримлари анча хавотирли.

Аппаратхонада пульт олдида ўтирган режиссёр сапчиб ўрнидан туриб

кетди. Унинг кўзлари қўрқувдан олайиб кетди. Бироқ у Мэддини ўчириб қўймади.

— Миш-мишларга қараганда, Кеннеди аэропортидан учадиган рейслардан бирида портлаш тайёрланаётгани ҳақида компания раҳбариятини аввалдан огоҳлантиришган экан. Бу маълумотлар ҳайд ҳам этилмади ва уларга ҳарши раддия ҳам билдирилмади. Биз тўрт юз ўн икки киши нобуд бўлганини биламиз, холос. Биз фаҳат тахминан айтишимиз мумкин, агар ростдан ҳам самолёт портлатишга тайёрланаёттанига гумон бўлса ва бу маълумот халҳҳа ошкор этилганида нима бўларди. — Грег нафасини ичига ютди. Мэд хатарли чизиҳҳа борганди... Лекин ундан ҳатлаб ўтмади. — Биз, телестудиядагиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлганларнинг ҳариндошлари ва дўстларига таъзия билдирамиз. Бу даҳшатли ҳалокатнинг ҳиёси йўҳ. Омон бўлинг. Бу Мэдди Хантер эди.

Зумда реклама қуйилди. Мэдди қулоқларидаги мосламани ечди.

Ранги мурдадек оқариб кетган Грег нафасини ростлади.

—Шайтон, одамни қурқитиб юбординг-ку! Хамма уйлаётганларингни

хозир айтворасанми, деб ўйлагандим.

— Нимани айтиш мумкин бўлса, шуни айтдим. — Жуда ҳам кам нарсани, дея хаёлидан ўтказди у ва ўрнидан турди. Остонада эри билан гаплашаётган режиссёрни кўрди.

Ўша захотиёқ Жек унинг ёнига келди:

— Сен хатарли чизиккача етгандинг, Мэдди. Биз сени истаган

лахзада ўчиришга тайёр турардик.

У энди ғазабланган кўринишда эмасди. Хархолда у эрини сотиб кўймади, гарчи шундай қилиши мумкин бўлса ҳам. Аниқроғи, уриниб кўриши мумкин эди.

Биламан, — совуккина жавоб берди у.

Унинг кўзлари мовий ранг муз парчалари каби чакнарди. Йўк, улар орасида бугун содир бўлганни у хеч қачон унутолмайди.

— Хурсандмисан? — сўради у муздек охангда.

Мени эмас, ўзингни асрадинг.

Режиссёр чикиб кетганди, Грег ўз хонасига қайтганди, шу боис уларни хеч ким эшита олмасди.

Одамларни алдадинглар.

— Кеннеди аэропортида барча учишларни тўхтатганимизда, улар

хаммани бурда-бурда қилиб ташлашған бўларди.

- Хўш, жуда соз, яхши ҳам уларнинг жаҳлини чиҳармабсизлар. Икки юз олтмиш учинчи рейсдагилар ҳам, эҳтимол, жуда мамнундирлар. Одамларнинг жаҳлини чиҳаргандан кўра ўлдириб ҳўя ҳолган яхшироҳ. Шундайми?
 - Хаддингдан ошма, Мэдди.

У бошқа бир сўз ҳам демади. Эрининг ёнидан ўтиб, хонасига кетди. Грег шу лаҳзада у ердан чиҳаётганди.

Тузукмисан, ишқилиб? — шивирлаб сўради у: Жек студияда

колганди.

— Унчамас. Менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Дилим огрияпти. Мен хоинлик ҳилдим, Грег.

У кўз ёшларини базўр тутиб турарди. Шу дакикада у ўзини кўрарга

кўзи йўқ эди.

- Сенинг танлайдиган ўзга йўлинг йўқ эди. Унут. Барибир бир ўзинг ҳеч нарса ҳилолмасдинг. Жек ҳалай? Қаттиҳ аччиҳланяптими? Жаҳли чиҳмасаям бўларди. Ахир шунаҳа зўр гапириб ҳўйдингҳи.
- Чамаси, уни боплаб қўрқитиб юборганга ўхшайман. Мэдди ёшли кўзлари билан жилмайди.

— Уни қуйсанг-чи, худо жазосини берсин. Мени қанчалик қурқитворганингни-чи. Битта-яримта сени улдириб қуймасидан бурун оғзингни ёпиб қуйишга туғри келармикан, деб уйладим. Уларнинг шундай қилиши хеч гапмас. Асабларинг қақшаб, бир неча ой давомида қаттиқ таҳликада яшаганинг, томинг кетиб, психиатрда даволанганингни, улар эса қулдан келган барча чораларни қуллашганини айтишарди-қуйишарди. Бу тентакликни содир этмаганингдан бағоят хурсандман.

У жавоб беришга улгурмади. Хонага Жек кириб келди.

Отлан, кетяпмиз.

Хотинининг ҳамкасбига ҳатто назар ҳам ташлаб қуймади. Грегнинг рейтинглари жуда қониқарли булса ҳам, Жек уни ёқтирмасди ва буни сира яширмасди. У Мэдди билан худди барча буйруқларини бажаришга мажбур хизматкоридай гаплашарди. Мэдди уларнинг аввалги муносабатлари тугаганини сезди. Уларнинг ҳар бири бошқаси унга хоинлик қилди, деб ҳисобларди.

У бир сўз хам айтмасдан, сумкасини олди ва чикиб кетди. Улар жимгина лифтга чикишди, индамасдан пастга тушишди. Жек факат

машинада гапирди:

— Бугун сенинг хизмат мавкеинг ҳалокатдан ҳилдек нарида эди, буни тушунасанми?

— Сен ва дўстларинг тўрт юз ўн икки кишини ўлдирдиларинг! Бундай ҳалокат айбдори нималарни ўзидан ўтказиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам ҳилолмайман. Бу билан таҳҳослаганда хизмат мавҳеим ҳеч ҳандай аҳамиятсиз.

— Буни тушунганингдан жуда хурсандман. Бугун ўт билан ўйнашдинг. Сенга матнни ўкиш ва бошка хеч нарса демаслик хакида

аниқ кўрсатма берилган эди.

— Менга тўрт юз ўн икки инсоннинг халокати хеч бўлмаса, қисқа шарх бериш учун арзийдигандек туюлганди. Сен қаршилик

билдиришингга лойиқ ҳеч нима деганим йўқ.

Ўртага яна оғир сукунат чўкди. Фақат уйга етганларидагина ўзининг қандай ярамаслигини яна бир бор кўрсатишни хохлаган каби хотинига нафратомуз қараб деди:

— Нарсаларни йигиштир, Мэд. Эртага жўнаб кетяпмиз.

Қаёққа? — сўради у ҳеч қандай қизиқиш билдирмай.

— Европага.

Хар доимгидек, ҳеч ҳандай тафсилотлар йўҳ. У ҳатто хотинидан ҳеч нимани сўрамади ҳам.

Мен бормайман.

— Сендан сўраётганим йўқ. Шунчаки маълум қиляпман. Сен эфирдан икки ҳафтага чиҳарилдинг. Яна микрофон ҳаршисига ўтиришдан олдин ҳовурингдан тушиб, асосий ҳоидаларни эслаб олишинг даркор бўлади. Ўрнингда Элизабет Ваттс ишлайди. Агар истасанг, у бутунлай ҳолиши ҳам мумкин.

Демак, бу ҳазил эмас. Элизабет Ваттс Мэдди келгунига ҳадар унинг ўрнида ишлаганди. Ҳозир ҳам таътилдалигида унинг ўрнида ишлаб турарди. Бу унинг шартномасида ҳайд этилган. Шундай бўлса-да, у ҳалбининг тубида эфирдан маҳрум этгани учун Мэддини кечиролмас эди.

— Бу мени хозир чиндан хам хавотирга солмайди, Жек. Агар ишдан

бўшатмоқчи бўлсанг, мархамат.

Бу сўзларни айтаётиб, уни вахм босди. Гарчи Жек унга хеч качон жисмоний огрик етказмаган бўлса хам, у эридан қўрқарди. Ундан хар доим уфуриб турадиган хукмронлик ва кучлилик хиссиёти нафақат бошқаларга, балки хотинига хам таъсир ўтказарди.

— Агар сени ишдан бўшатиб юборсам, аллақайси тешикда идиштовоқ ювиб юришингга тўгри келади. Огзингни очишдан олдин бу хакда ўйлаб кўр. Мен билан жўнайсан. Биз жанубий Францияга, Парижга ва Лондонга кетяпмиз. Агар жомадонларингни йигиштирмасанг, бу ишни ўрнингга мен бажараман. Сени бу ердан олиб кетмоқ зарур. Хеч қандай шарҳлар, ҳеч қандай интервьюлар, умуман, битта ҳам сўз ҳам керакмас. Айтгандай, ҳозир сен расмий таътилда ҳисобланасан.

— Бу кимга тегишли гоя, президентгами ё сенгами?

— Менинг гоям. Бу ерда мен буйруқ бераман. Сен менинг қул остимда ишлайсан. Сен хотинимсан. Сен менга тегишлисан, — дея шундай қурқинчли оҳанг билан қушимча қилдики, хотинининг нафаси ичига тушиб кетди.

— Мен сенга тегишли эмасман! Тўгри, қўлингда ишлайман, хотинингман, аммо сенга тегишли буюм эмасман. — Бу гапларни у секин, бирок қатьий гапирди. Шундай бўлса-да, қўрқув ҳисси уни тарк этмаганди. У болалигидан бери ҳар хил уруш ва жанжаллардан безор эди.

— Хўш, буюмларингни ўзинг йигиштирасанми ёки бу иш билан

мен шуғулланайми?

Бир неча дақиқа иккиланиб тургач, у ётоқхонаси орқали ўз кийимлар хонасига ўтди. Унинг кўзлари ёшга тўлганди. Хеч нарсани кўрмасдан, жомадонга майка, шорти, чўмилиш кийимлари, кроссовкаларини ташлайверди. Ахир хеч нима ўзгаргани йўқ-ку... Бобби Жо уни зинадан итариб юбора оларди, Жек эса бугун, гарчи бармогининг учини теккизмаган бўлса-да, тахминан худди шундай иш қилди. Эркакларда унга ўз мулки сингари қарашга ундайдиган бирор-бир жиҳати бормикан? У шундай эркакни танлармикан ёки ўзида бирор нима мужассаммикан?

У тўртта кўйлаги ва уч жуфт баланд пошнали туфлисини жойлади. Йигирма дақиқадан сўнг жомадонни ёпди ва ювиниш учун кетди.

Жек ўзининг хаммомхонасида буюмларини жойлаштирарди.

Қай маҳалда жўнаб кетамиз? — сўради у эридан ётоҳхонасида.

— Уйдан соат еттида чикиб кетамиз. Парижга учамиз.

Унга бошқа ҳеч нима демади. Лекин унга барибир эди. Эри оилада ким бош хўжайин эканини унга билдириб қўйди ва у буни ҳабул ҳилди.

Унинг шартта айтган дадил гапларига қарамасдан, у ростдан хам эрига тегишли эканини ҳам ўзига, ҳам эрига кўрсатди. Худди буюм каби.

- Шахсий самолётга эга бўлишнинг, ҳар қалай, бир ортик жиҳати бор, деди у тиши орасидан сўзлаб, ўрнига ётаркан.
 - Қандай?
- У ерда бомба йўқлигига ишончинг комил бўлади. Бу, албатта, катта плюс.

У эридан нарироққа сурилиб, унга орқасини ўгириб олди. Жек ҳеч нима деб жавоб бермади. Чироқни ўчирди. Бу тун у хотинига қўлини теккизишга уринмади.

ЕТТИНЧИ БОБ

Улар Парижга ўртачаевропа вақти билан кеч соат ўнда учиб келдилар. Аэропортда уларни автомобил кутарди. Кечки илиқ ҳаво ажойиб эди. Улар соат ўн бирда «Ритц» меҳмонхонасига етиб боришди. Вандом майдони чироқлар нурида ярқирарди. Эшик оғаси уларни дарҳол таниди. Лекин бу кеч Мэддини ҳеч нарса қувонтирмасди. Кўп йиллардан бери биринчи марта у ўзини тутқунликдаги чўридай ҳис қиларди. Жек чегарадан чиҳиб кетди. Бир оғиз ҳам гапирмай, деярли ҳеч нимани сезмай, у эрининг изидан меҳмонхонага кирди.

Одатда, у Парижга эри билан бирга хурсанд бўлиб борарди. Бироқ ҳозир ҳалбида совуҳлик ва огриҳ ҳис ҳиларди. Кўп йиллар давомида унинг ҳўлларини биринчи марта ҳайирдилар. У хотинини урмади, лекин... ургандан ҳам баттар ҳилди. Ахир бундай ҳодиса биринчи бор бўлаётгани йўҳ. Эри уни турли баҳоналар билан тез-тез камситиб турарди. У эса бунга ҳатто ҳарши чиҳмасди ҳам. Бунинг устига, илгарилари бу ҳаҳда ўйлаб ҡўришни ҳам ўзига эп кўрмасди. Энди эса тўсатдан Ноксвиллда Бобби Жонинг калтакларидан кейин ўзини ҳандай ҳис ҳилган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ҳиссиётлар гирдобидалигини англади. Ўтган тунда Жекнинг: «менга тегишлисан» деган сўзлари унинг ҳулогида ҳамон жарангларди... Ва у барибир эри билан бирга жўнаб кетиб, буни тасдиҳлади.

Уларнинг «Ритц» меҳмонхонасидаги жойи ҳар ҳачонгидек бағоят соз эди. Меҳмонлар хонаси, ётоҳ хонаси, иккита ҳаммомхона бор. Деразалари Вандом майдонига ҳараган. Ҳаммаёҳ оч-сариҳ рангдаги атлас билан ҳопланган. Учта гулдон сариҳ банди узун атиргуллар билан тулдирилган. Қалбидаги симиллаётган оғриҳ булмаганда, у бу ерда

ўзини бахтиёр сезиши мумкин эди.

Жек қадахға шампан шаробидан қуйиб, унга узатди.

— Бизнинг бу ердалигимизнинг ўзига хос қандайдир сабаби борми? — сўради ҳиссиз овозда Мэдди. — Ёки буларнинг барчаси фақат мени эфирдан олиб ташлаш учунми?

— Дам олишимиз фурсати етди, деб қарор қилдим. Парижни қанчалик ёқтиришингни биламан, шу боис, бу ерда кўнгилхушлик

қилишимиз мумкинлигини ўйладим.

У эрининг қўлидан шампан шаробили қадаҳни шунчаки, ҳеч бўлмаса, қайсидир йўл билан огриқни камайтириш учун олди. У ичишни умуман хоҳламаётган эди.

— Сўнгги икки кунда менга гапирганларингдан кейинми?!

У билан... «кўнгилхушлик қилиш»... тўгрисидаги фикрнинг ўзи

Мэддига аклга сиғмас — бемаънилик бўлиб кўринди.

— Ўтган ишга салавот, ҳаммасини унутайлик. Миллий хавфсизлик ишларига аралашишга журъат этдинг. Бу сенга мумкин эмас. Сени ҳимоя ҳилмоҳчи эдим, Мэдди.

Хаммаси бўлмаган гап!

У шаробдан бир қултум ютди. У эри айтган сўзларини, унинг қўрқитишларини, хотинини ўз буюми деб атаганини ҳали кечира олмасди. Лекин ҳозир эри билан баҳслашишга ҳам тоҳати ҳолмаганди. Ўзини ҳаддан ортиҳ эзилган ва хўрлангандай сезарди.

Хаммасини унутиб, шунчаки Париждан баҳра олсак

бўлмайдими? Иккаламиз ҳам дам олишимиз керак.

Унга лоботомия... ёки бошқа эр керак, деган фикр тўсатдан Мэддининг хаёлига келди. У биргаликда кечган бутун ҳаёти давомида ҳеч ҳачон бунчалик сотҳинлик туйгусини сезмаганди. Улар аввалги муносабатларини тиклаши амримаҳол эди.

Жек унга жуда яқин келди. Кеча шунчалик қаттиқ силталаган қулини бугун оҳиста силарди. Мэдди ҳали ҳам кечаги сезгиларини

унутмаганди ва эхтимол, хеч қачон унутолмаса керак.

Сени севаман, Мэд.

- Бунга қандай жавоб беришни ҳам билмайман. Менинг дилим оғрияпти, сендан хафаман... ва ҳатто бироз қўрҳаман. Бўлиб ўтган воҳеаларни унутолмайман. У эрига ҳар доим ростини айтарди, эридан фарҳли равишда, у анча ростгўй ва ҳалол эди.
- Шу боис ҳам бу ердамиз, Мэд. Ишни, муаммоларимиз ва келишмовчиликларимизни унутиш учун. У ҳадахни Людовик XV

урфидаги столчага қўйди. — Бу ерга ишқдан лаззатланиш учун келдик. Кел, шунчаки севишганлардай бўлайлик.

Лекин Мэдди Жек билан ишқдан лаззатланишга ҳеч ҳандай истак сезмасди. У бирон жойга беркиниб олиб, жароҳатларини силашни истарди. Ёлгиз ҳолишни, ўз ҳисларини тиниҳлаштириб олишни хоҳларди. Бироҳ эри бунга ҳам йўл ҳўймади. Эри энди ундан бўса оларди. Хотинига сездирмай, кўйлагининг ичига ҳўлини киритиб, сийнабандининг илмогини ечди.

- Илтимос, Жек... кераги йўқ... мени шоширма... мен бундай килолмайман.
 - Қиласан.

У хотининиг оғзини бўса билан шундай беркитдики, худди уни ютиб юборгиси келарди. Унинг лаблари пастроққа, сийналари томонга силжиди. Бир сониядан кейин Мэддининг кўйлаги ички кийимлари билан қаёққадир учиб кетди. Жек хотинини тинмай ўпар, суяр, силабсийпалар, шундай эҳтирос билан қўзғатардики, у қаршилик кўрсатолмасди. Бир неча сониядан кейин эса у ҳайрону лол қолиб, буни ўзи ҳам хоҳлаётганини сезиб қолди. Жек уни полдаёқ эгаллади. Кутилмаганда шунчалик тез ва кучли бу жимоъдан Мэддининг ҳатто нафаси қайтаёзди. У эрининг бағрида нафаси бўғилганча ётаркан, ҳеч нарсани тушунмасди. У яна эрига тегишли эди. Бу қандай рўй берди? Нима учун? Уларнинг қўшилиши шунчаки ҳиссий бир жимоъ эди. Унинг вужуди бўйлаб кучли тўлқин думалаб ўтгандай бўлди. Бироқ бу ерда муҳаббатнинг иси ҳам келмасди. Уларнинг қўшилуви унинг эрига тегишли эканининг яна бир далили эди...

— Демак, бу дам олишни бошлаш усулларидан бири, — деди Мэдди ва унинг сўзлари галати чиққанини ўзи ҳам сезди. У эрига қарши туролмайди... — Бу қандай юз берганини ўзим ҳам билолмай қолдим.

— Агар хоҳласанг, кўрсатишим мумкин. Яна озроқ шампан

шаробидан қуяйми? Бу ёрдам беради.

Жек тирсагига тиралиб, кўтарилди. Хотинига жилмайиб қараб турарди. Энди унинг ўзи ҳам эрини ёмон кўрадими, йўқми, тушунолмасди. Барибир у ниҳоятда чиройли-да. У ҳеч ҳачон эрига ҳаршилик кўрсатолмасди. Эри бунга изн бермаган. Мэдди эрига гамгин ҳараб турарди. Эри унга умуман ичгиси келмаётган шаробли ҳадаҳни узатди. Шунга ҳарамай, у ҳадаҳни эрининг ҳўлидан олди ва бир ҳултум ичди.

— Кеча сени кўргани кўзим қолмаганди. Илгари буни сира

сезмагандим.

Бу тан олиш, афтидан, эрини заррача ҳаяжонга солмади.

— Биламан. Сен хавфли ўйинга киришдинг. Ўзинг учун сабоқ олдинг, деб умид қиламан.

Ие, бу яна пўписа, шекилли...

- Сенингча бундан қандай сабоқ олишим керак экан?
- Бурнингни нокерак ерга суқмаслик. Ақлли бўлиш. Сендан фақат бир нарса талаб этилади янгиликларни ўқиш. Уларни муҳокама қилишга сенинг ақлинг етмайди.
 - Хали шунақами...

Медди кайфи ошаётганини сезарди. Бирок бу хиссиётга карши эмасди.

- Ха, шунақа, сенинг ишинг мафтункор кўриниш ҳамда монитордаги ёзувни ўқишдан иборат. Матн у ерга ҳандай тушгани ва унда айнан нималар айтилаётгани тўгрисида ўзгалар ҳайгурсин.
 - Жуда жўн эшитиляпти.

ЖАХОН АДАБИЁТИ

Ўзи кутмаган ҳолда у хохолаб кулиб юборди, аммо кейинги сониядаёқ томогида титроқ сезди. Афтидан, унинг нафақат лавозимини пасайтиришди, балки ерга уришаётганга ҳам ўхшайди.

— Бу ростдан ҳам жўн, Медди. Орамиздаги муносабат ҳам оддий. Сени яхши кўраман. Сен менинг хотинимсан. Жанжаллашиб нима ҳиламиз? Бошҳа бундай ҳилишга мени мажбур ҳилма. Менга ваъда бер.

— Ундай қилолмайман, Жек.

Гарчи хар қандай қаршилик кўрсатишни ёмон кўрса хам, у алдашни хохламасди.

- Кеча гап касб одоби ва ахлоқи ҳақида борганди. Мени томоша қилаётган ва тинглаётган одамларга нисбатан масъулият ҳиссини сезаман.
 - Сен фақат менга нисбатан масъулият сезишинг керак!

Меддини қандайдир лаҳза яна қаттиқ қурқув босди. Ҳозир Жек ҳеч қурқитаётгандек куринмасди. Аксинча, у хотинини яна шундай эркалаб, сийпалашни бошладики, унинг бошидаги уйлари чалкашиб кетди.

— Сенга нимани хоҳлашимни айтдим. Гапимга кирадиган қиз булишга менга ваъда бер.

Гап орасида унинг лаблари хотини баданининг энг нозик жойларини ялаб-юлқарди ҳамда бу уни ҳамма фикрларидан чалғитарди.

— Шундай ҳам гапга қулоқ соладиган қизман. — У яна ногоҳ

кулиб юборди.

— Йўқ, Мэд... кеча ўзингни жуда ёмон тутдинг. Агар яна бир марта шундай қилишга журъат этсанг, сени жазолашимга тўгри келади. Балки сени ҳозироқ жазолаганим маъқулдир? Лекин сени жазолашни хоҳламайман, Мэд, сенга лаззат багишлашни истайман.

У ҳақиҳатдан ҳам хотинига лаззат бахш этишга уринарди, ҳатто ҳаддидан ҳам ошиб кетарди. Бироҳ эрини туҳтатиш учун узида куч тополмасди. Жуда чарчаган, саросимага тушган, бунинг устига шампан шароби ҳам... Ундаги барча фикрлар чалкашиб кетяпти. Шундай буҳлсада, у ҳозир озгина мастлигидан ҳафа эмасди. Энди осонроҳ.

— Ха... менга лаззат бағишлаяпсан...

Бир лаҳзада эридан ранжиётганини унутди. Бу аввал бўлганди, ҳозир эса улар Парижда. У эрини ёмон кўргани, унинг сотҳинлик ҳилганини, ундан ҳўрҳҳанини ҳозир эслаши ҳийин эди. Ҳаммасини эслашга уриниб кўрди-ю... лекин уддасидан чиҳмади. Жек хотинини ўзига бўйсундирарди. Унинг вужуди ҳизирди. Эрининг эркалашлари деярли азобли ёҳимли эди.

Хўш, гапимга кирадиган қиз бўласанми? Сўз берасанми?

Сўз бераман,
 деди у нафаси қайтиб.

Яна бир марта айт. Уз ваъдангни такрорла.

— Ваъда бераман... ваъда бераман... ваъда бераман. Онт ичаман. ўзимни яхши тутаман.

Хозир у фақат бир нарсани — эрига маъқул келишни хоҳларди. Кўнглининг бир чеккасида бунинг учун ўзидан нафратланиб кетди. У яна сотилди. Ўзини яна эрига бағишлади. Эри ниҳоятда кучли, ҳаддан ортиқ сўзини ўтказувчан, унга сира бас келолмайди.

— Кимга тегишлисан, Мэд? Кимни яхши кўрасан? Ким сени яхши кўради? Сен меникисан... Сени севаман... Айт... Буни такрорла, Мэдди.

Сени севаман. Мен сеникиман.

У чин маънода хотинининг астар-аврасини ағдарарди. Мэдди бу сўзларни айтаётган чогида эри шундай куч билан ҳаракатланардики, у огрикдан ҳичҳириб юборди. У эридан ўзини олиб ҳочишга уринарди-ю,

лекин устига чикиб, танасининг бутун огирлигини ташлаган эри уни полга михлаб қуйган каби ётқизганча, уша куч ва эхтирос билан харакатини давом эттирарди. Мэдди жони огриётганини базўр ғўлдиради, аммо эри сира тўхтамасди. Мэдди яна нимадир демокчи бўлганди, эри кучли бўса билан оғзини ёпиб, гапиртирмади. Ахийри бутун вужудидан жимирлаш тўлқини ўтиб, Жек энг юқори нуқтага етди. Тўсатдан эрининг оғзи хотининиг сийнаси томонга интилди ва тишларини маммасининг учига қаттиқ ботирди ҳамда оғритиб тишлади. Мэддининг күкрагидан кон сиза бошлади. Мэдди шу даражада саросимага тушгандики, хатто йиглай олмасди хам. У нима рўй берганини тушунмасди. Эри уни севадими ёки ёмон кўрадими? Уни жазоламоқчи бўлдими ёки кучли эхтиросга берилиб, уни шунчалик хохлаганидан азоб бераётганини сезмай қолдими? Унинг ўзи хам эрига нисбатан қандай хиссиётдалигини билмасди. Муҳаббатми, истакми, нафратми?

— Сени огритиб қуйдимми? — хавотирланиб суради Жек. — Эй, худо, Мэд... Сендан қон оқяпти-ку!

Кўкрагининг тишланган жойидан қон сизиб оқарди. Мэддининг назарида унинг ичак-чавоги агдариб ташлангандек туюларди. Ўзи хам шундай эди. Балки жазолаш ҳақида гапирганида эри шуни назарда тутгандир... Бироқ Жек хотинига шундай мехр билан қарардики... У столдан нам салфетка олиб, қон оқаётган жойга босди.

— Кечир, жоним. Сени жуда қаттиқ хоҳлагандим. Шунчаки калламни йўқотиб қўйдим.

Хечқиси йўқ...

Унинг боши янада қаттиқроқ айланди. Фикру ўйлари бутунлай чалкашиб кетди. Жек унинг ўрнидан туришга ёрдамлашди-да, кийимларини ерда қолдирганча, ётоқхонасига етаклади. Мэдди хозир фақат бир нарсани — ўринга ётиб ухлашни хоҳларди. Ҳатто ювинишга ҳам ҳоли йўқ эди. У ўзидан кетиб қолиши мумкинлигини сезарди. Эри уни тўшакка шу қадар авайлаб ётқиздики, боши чирпирак бўлиб айланиб кетди.

— Сени севаман, Мэдди.

Унинг кўз ўнгида хона янада тезроқ айланарди.

— Мен ҳам сени севаман, Жек, — ҳийналиб айтолди у. Бир даҳиҳадан сўнг, у ухлаб ҳолди. Жек чироҳни ўчирди. Нариги хонага ўтди, ўзига стаканни тўлдириб виски қуйди-да, охиригача ичиб юборди. Дераза ёнига бориб, Вандом майдонига қаради. Ха, у ўзидан мамнун бўлиши мумкин. Мэдди яхши сабок олди. Жуда зўр сабок.

Давоми бор

Жалолиддин РУМИЙ

Fазаллар

илимнинг дардини ҳаргиз ҳувайдо айлаюб бўлмас, Бу кўксим ичра бир сир бор, ки пайдо айлаюб бўлмас.

Сенинг хуснинг бизим кўзларга токи тола нур бермас, Жамолинг богида асло тамошо айлаюб бўлмас.

Сени то сўйламаскан тил, умрлар ўтса хамки бил, Сенинг лаъли лабингдан бир таманно айлаюб бўлмас.

Бу оламда фақат танҳо сенга юз бурмагунча то, Сенинг чеҳранг билан дилни мусаффо айлаюб бўлмас.

Мехр нуринг қилиб ифшо, киши заррангга етмас то, Масихо дахрининг таркини асло айлаюб булмас.

Бутун олам тиниқ кўзгу, ки ишқ майхонасидир бу Маю ишқ мастлигин бир жойда барпо айлаюб бўлмас.

Агар ошиқ дилидан ким хабарсиздир, шуни билким, У шайдоликни билмайдур ва шайдо айлаюб булмас.

Бу олам узра гар Ийсо чиқиб келмас экандир то, Бу гумбаз узра бир сайру тамошо айлаюб бўлмас.

Лабининг бодасидиниким қуйибдир Шамс қалбига, Бу кун бир қатрасини ҳам ҳувайдо айлаюб бўлмас.

Кел эй, жонимга жононим, уйинг қайда, уйинг қайда? Кел эй, дардимга дармоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Ўзинг манзурсану нозир, ўзинг пинхону хам хозир, Сен эй, пайдою пинхоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Мени маҳжур этурсан ёр, ғам ичра йиғлаюрсан зор, Сен эй, сен моҳитобоним, уйинг ҳайда, уйинг ҳайда?

Ўзинг жонсан, ўзинг жонон, ўзинг хусн ахлига султон, Сени дерман, сени жоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

ЖАХОН АДАБИЁТИ

Мусалсал¹ зулфларинг, ҳайҳот, дилимни айлади барбод. Узинг шох бирла султоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Кел эй, сен Шамси Табрезий, тун окшом ё сахар кези, Даф айла фитна бурхоним, уйинг қайда, уйинг қайда?

Қара, арш томига кетдим, сенинг завқинг хадис этдим, Узинг жон бирла жононим, уйинг қайда, уйинг қайда?

* * *

Fазал айт ёрга, эй мутриб, ки эй ёр, тавбалар килдим, Агар хар гулки уздим, тилди бир хор, тавбалар килдим.

Ишимдин гохи маст бўлдим, хуморидин гахи ўлдим, Гахида зор бўлдим, гохи безор, тавбалар килдим.

Манинг бўйнумгача бошдин оёгим тавбадин тўлди, Килинган тавбалардин қайта минг бор тавбалар қилдим.

Кел эй сен, майфуруш келким, қўлимга соғаринг берким, Кечибмен, ору номус хам на даркор, тавбалар килдим.

Чунон мастдирману бехуш, на тил бордир, на аклу хуш, Сиз эй, иссиқ билан совуқ, суву қор, тавбалар қилдим.

Дилимни поралар қилдим ғамимга чоралар истаб, Fамимга чорасизлик чора, ночор тавбалар қилдим.

Тўлин ойнинг жамолидин қаро кечамни хуш айла, Гунохларни бу завкдин мўлу бисёр тавбалар қилдим.

Дедимки тавба вақтидир, менга бир хор киши айтди: Ки мен бир кўхна тоибман, умр бор — тавбалар килдим.

Салохиддин улушидин келиб мункир сўрар ишқдин: Бу ишдин қил мени соқит, қил инкор, тавбалар қилдим.

Лабинг шахрига бир кунга мени мир айласанг эрди, Лабингнинг лаълидин жонимга такрир⁴ айласанг эрди.

Паришон зулфларингни тушда кўрган кечадин бошлаб, Паришондирману хайрон, таъбир айласанг эрди.

Жахон оқилларини зулфларинг девоналар қилди, Ушал зулфларни бир бор менга занжир айласанг эрди.

Fамингдин кўзларим икки тифлдай¹ онча йигларким, Сен, эй сен, тошбағир, бағрингни тақдир айласанг эрди.

 $^{^{1}}$ М у с а л с а л (араб.) — занжир-занжир, ҳалҳа-ҳалҳа соч.

² Бур хон (араб.) — далил, хужжат, гувох. ³ Тоиб (араб.) — тавба қилувчи. ⁴ Тақрир (араб.) — қарор бериш. ⁵ Тифл (араб.) — гудак, ёш бола.

Чиройинг Каъбаси йўлида эхром бойламишман, кўр, Неча талбия айтдим, бир такбир айласанг эрди.

Дилим кексайди, эй хушбахт сарв, дарду гаминг бирла, Анга эргашмадинг ҳаргиз, ани пир айласанг эрди.

Сенинг ғамзанг ўқидин бежароҳат қолмади бир дил, Мени ҳам ул арода барчага бир айласанг эрди.

Ки хуснинг оятидин бори аклим ҳам тамом ўлди, Карам айлаб ул оятдин тафсир айласанг эрди.

Неча жонларни олдингу неча жонларни зор этдинг, Бу ишда, эй санам, раҳму карам бир айласанг эрди.

Мени ўлдиргали етдингу мухлат бермадинг бир он, Туганмас нолаю зоримни охир айласанг эрди.

Сенинг ишқингни ўтида куйиб бўлди дилим буткул, Бу дардимнинг давосига табошир¹ айласанг эрди.

Fаму ҳажринг билан охир бу кун мен ўлгали етдим, Менингдек хастага, эй ёр, тадбир айласанг эрди.

Юзинг офтоби бирла бирлашибдир ул Зухал зулфинг, Қилибдир неча қирғинларки, таъсир айласанг эрди.

Юзимни остонингга суриб бир нолалар қилдим, Бу хижрон қиссасидин қисса тахрир айласанг эрди.

На ҳам дердим, сенинг бир эскидан ҳолган ҳулингдирман, Мени ҡўнгил уйингда ҳайта тасвир айласанг эрди.

* * *

Эй жахон, эзди мени савдоларинг, савдоларинг, Килди талх умримни бу халволаринг, халволаринг.

Марвариду дуру лаълдин тўладир чарх этаги, Сенга бергай борини — савголаринг, савголаринг.

Сел бўлиб кетмоқдадир ошиқларининг жонлари, Чорлагайдир ул сенинг дарёларинг, дарёларинг.

Кеча берган майларингдан мен бу кундирман хароб, Эрта нелар кургизур даъволаринг, даъволаринг?

Мен ўзимнинг содда жонимга туриб боқсам бу кун, Рангини қилмиш сариқ сафроларинг, сафроларинг.

Гавҳарингнинг завҳин истаб айладим дилдан назар, Ойда кўринди сенинг сиймоларинг, сиймоларинг.

 $^{^{\}text{!}}.$ Т а б о ш и р (форс.) — Хайзарон номли ҳинд ҳамишидан олинадиган оҳ доривор модда.

Мен сени ой деб хато қилдим, ғалат айтдим сухан, Сен киму ой ким — бўлур ҳамроларинг, ҳамроларинг?

Шамси Табрезий шунинг-чун айтур ўз номинг билан, Эй мудом кўнглим аро ғавғоларинг, ғавғоларинг.

Тебранур ҳар битта шох, лек ўзга шохдин меваси, ҳар киши бир ўзга майдин маст бўлиб тебрангуси.

Парда ичра икки юз хотин юзин йиртар, валек Хар бири гар бир аёлдир, ўзга жуфтнинг беваси.

Хар балиқнинг танглайи сайёд қармоғиндадир, Янграюр гоҳ ул балиқ, гоҳ бул балиқнинг ноласи.

Мутриби ишқ аҳлини, эй Шамси Табрезий сени, Ҳеч қачон йиғлатмасин чархнинг ажиб бу шеваси.

* * *

Эй кўнгил, жонон томон кетмокдасан, Ким назарлардан нихон кетмокдасан.

Ой мисол чок айлабон кўйлакларинг, Офтоб, осмон томон кетмокдасан.

Эй заминда ўлтирурсан, аслида Етти ул айвон томон кетмокдасан.

Суратингдир бунда меҳмонлар билан, Энг буюк мезбон томон кетмоқдасан.

Энг буюк наққошдадир ул мўйқалам, Нақшу сурат ичра жон кетмоқдасан.

Сувдайин кетмоқдасан тупроққа сен, Эй хаёт, бўстон томон кетмокдасан.

Бу жахондан ғам чекиб оламжахон, Чарх уриб, рақс айлабон кетмоқдасан.

Қанча эл ғафлатда ётгай ноаён, Барча элдан ноаён кетмоқдасан.

Холимизни кўргилу еткиз хабар, Ким буюк султон томон кетмокдасан.

«ДЕВОНИ КАБИР»ДАН * * *

Эй юзимни дахр аро мисли қамар қилган ўзинг, Банд-бандим сўйлатиб, ахли назар қилган кўзинг.

ЖАХОН АДАБИЁТИ

Эй шамолингдан дарахтим рақс айлаб, ўйнаган, Номинг айтсам, оғзими шаҳду шакар қилган сўзинг. Сен билурсанки дарахтим не учун рақс айлагай, Барг бердингми самар ё бесамар қилган ўзинг? Баргидин ҳам бир нишон йўқ, мевасидин — бир нишон, Эй дарахтим сабрини зеру забар қилган ўзинг.

Гул каби гулшан томон кетмоқдасан, Сендаман мен, сен қаён кетмоқдасан? Лолу гунг бўлди сени савсан кўриб, Гулрухим, савсан томон кетмоқдасан. Майфуруш икки лабингдин, эй санам, Бергали мастларга жон, кетмоқдасан. Дилраболар ортингда юлдуз мисол, Сен тўлин ойсан, жаҳон кетмоқдасан. Ўзга бир оташ ёқурсан ҳар кима, Тошми темирдил — ниҳон кетмоқдасан. Мен сенинг зарранг бўлиб рақс айлагум, Эй қуёш, равзан томон кетмоқдасан. Сурма янглиг кўзга солгайман сени, Эй дил, эй дил, беомон кетмоқдасан.

Бир сонияда мени гулистон қиладир, Бир сонияда яна зимистон қиладир. Бир сонияда фозилу устод айлар, Ёш бола мисоли яна нодон қиладир. Бирпасда уриб тош, мени синдирадир, Бирпасда яна мисоли султон қиладир. Бирпасда офтоб била тенг айлар, Бирпасда қаро туну шабистон қиладир. Тутдим этагидин икки қўлим бирлан, Токи кўройин деб, не достон қиладир. Хуш дардининг майига менман қадах, Гарчи мени мастларга хон қиладир. Шул-чун шакаридан оладирман тун-кун, Токи лақабимни шакаристон қиладир.

Дилбарим қилгай вафо андаккина, Чиқди хуш айлаб садо андаккина. Менга бир кулди кеча ул навбаҳор, Бўлди рўзгорим зиё андаккина. Оқ атиргул чиқди хандон айлабон, Бўлди боғим хушнаво андаккина. Ул нафис тонгим манга берди нафас, Шул нафасдин мен адо андаккина. Оқ булутим қўнди дарё бўйига, Хок бўлгил, мен — само андаккина. Мен ёғай ёмғир бўлиб, гуллар очиб, Бўлки, мен бергум сафо андаккина.

ЖАХОН АДАБИЁТИ

Менга муҳлат бергил, ўздин кетмагил, Сабр айлай, дилрабо, андаккина. Кофир ўлгайман, анинг ишҳида гар Сабр ҳилсам, эй Худо, андаккина.

* * *

Бу хилват уйда биз бирлан бу кеч дилдор тебрангай, Дилим кўксимда ракс айлар, эшик, девор тебрангай. Бу шодлик гул-гули зўрким, бу ошик ахлини кўрким, Агар минг наъра уйгонгай, бу дил бир бор тебрангай. Хақиқатдир, буни кўрким, бу ишрат мажлиси ичра Шахидлар бор — ётгайлар, шахидлар бор — тебрангай. Унинг акси жамоли гар кўринса тўққиз айвондин, Замин гардун мисоли айланур, даввор тебрангай. Тошиб ўйнайди дарёлар унинг шавки жамолидин, Адирлар, тоглару тошлар қилиб изҳор, тебрангай. Бу кўнгил мисли гул япрок, анга бир ел солур титрок, Бу холат бирла гуфтордин бўлиб хуштор, тебрангай. Бу дунё халкини кўргил, дили кар хам дили кўрдир, Шунинг-чун зохиду обид била асрор тебрангай. Fалат айтдим бу маънидин, ки зохид бирла обидмас, Бу мажлис ичра ул рохиб ила зуннор тебрангай. Тилимни тийдим, эй дўстлар, бу гап бир жойга етгай гар, Бу шахру кент, борлиқ – барча мажнунвор тебрангай.

* * *

Кетгуси ақлу хушу тан бирла жон, сен кетмагил, Менга мендин сен азизрок, сен ишон, сен кетмагил. Офтоб бирлан фалак – бори сенинг соянгдадир, Кетса гар бул офтобу осмон, сен кетмагил. Эй каломинг пок хам табъи латифдин хам латиф, Кетса гар оғзимда тил, табъи равон, сен кетмагил. Жумла иймон ахлининг энг сўнгги дамдин хавфи бор, Кетмагил, эй бори иймон, қол омон, сен кетмагил. Кетмагил, кетсанг, менинг жонимни хам ол биргаким, Сен агар менсиз кетурсан – хеч қачон сен кетмагил. Бог билан бўстон эрур сен бирла бу рўйи жахон, Бўлса гар бул богу бўстонлар хазон, сен кетмагил. Тош дилимни мен куйиб сув айладим, хажринг била Тошга айланди Бадахшон лаъли, кон, сен кетмагил. Заррадир гар кимса, айтур: кетмагил, эй офтоб, Банда бўлса, айтур ул, эй султон, сен кетмагил. Лек сен оби хаётсан, бори халклардир балик, Эй камолу рахмату, эй эхсон, сен кетмагил. Бу менинг кўнгил туморим мангуликдин ҳам узун, Сен ўзинг ёздинг уни, қилдинг баён, сен кетмагил. Сен ўзинг юз мингта байт, юз минг газалдин хам баланд, Ун саккиз минг оламу юз минг жахон, сен кетмагил. Шамси Табрезий сенинг лаъли лабинг бирла ҳаёт, Эй хаёт, мен бирла қол, эй жонга жон, сен кетмагил.

> Форсийдан Сирожиддин САЙЙИД таржималари

Чжан ЖУН

Ёввойи оққушлар

Хужжатли қисса

Ушбу китобнинг чиқишигача яшай олмаган бувим ва отам хотирасига бағишлайман.

ГЕНЕРАЛНИНГ ЖОРИЯСИ

(1909-1933)

Бувим ўн беш ёшида генералнинг жорияси бўлди. Генерал ўша пайтда Хитойнинг лиқиллаб турган ҳукуматида полиция вазири эди. 1924 йил бошланган, мамлакатда бошбошдоқлик ҳукм сурарди. Мамлакатнинг бувим яшаган қарийб барча ҳудудларида, Манжурияни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, генераллар ҳокимияти ўрнатилганди. Бувимнинг унаштирилиши вилоятнинг Исян шаҳарчасида полиция амалдори бўлиб ишлаган отасининг саъйҳаракатлари туфайли амалга оширилди. Бу шаҳарча Манжуриянинг жанубий ғарбида, Буюк Хитой деворидан юз эллик километр шимолда ва Пекиндан тўрт юз километр шимоли-шарқда жойлашган эди.

Хитойнинг кўпгина шаҳарлари сингари Исян ҳам қалъа сифатида қурилган эди. Шаҳарчани Тан (618-907 йиллар) даврида тикланган қалинлиги ўн икки фут, баландлиги ўттиз фут бўлган кунгурадор девор ўраб турарди. Девор устида, оралиги бир хил масофада ўн олти соқчи минораси тикланганди. Миноралар шунақа кенг эдики, унинг юқори қисмида бемалол от чоптирса ҳам бўларди. Шаҳарчага тўрт дарвоза орқали — шарқ, ғарб, жануб ва шимол томондан кириларди. Дарвозаларни яна биттадан ташқи дарвоза ҳимоя қиларди. Қўргон девори атрофи бўйлаб чуқур чоҳ қазилганди.

Шаҳарнинг энг диҳҳатга сазовор жойларидан бири—VI асрда жигарранг гиштдан ҳурилиб, чиройли наҳшлар билан безатилган баланд минора ҳисобланарди. У бу ўлкаларга буддизм кириб келган пайтларда тикланганди. Кечалари минорада ҳўнгироҳ товушлари та-

Русчадан Файзи ШОХИСМОИЛ таржимаси

Чжан Жун 1952 йилда Хитойнинг Сичуан вилоятида тугилди. 1978 йили ўкиш учун Англияга борди. 1982 йилда ХХР фукароларидан биринчи бўлиб Англия университетида докторлик диссертациясини ёклади. Ёзувчининг адибалик йўли жуда омадли бўлди. Унинг «Ёввойи оккушлар» асари 1993 йили Англияда «Йилнинг энг яхши китоби» деб эълон килинди.

ЖАХОН **АДАБИЁТИ** 79 раларди. Вақтни шу тариқа маълум қилишарди, баъзан ёнғин ва сув тошқинидан занг чалиб огоҳлантиришарди. Исян гуллаб-яшнаётган савдо-сотиқ шаҳри эди. Яқин атрофдаги текисликларда пахта, мак-кажўхори, қўноқ, соя, кунжут, нок, олма ва узум етиштириларди. Шаҳарнинг ғарб томонидаги яйлов ва қир-адирларда деҳқонлар қорамол, қўй, эчки боқишарди.

Бувимнинг отаси Ян Жушан Хитой императори ҳали Пекинда яшаётган пайтда, 1894 йилда туғилган. Ҳокимиятни 1644 йили Хитойни босиб олган манжурлар бошҳарардилар. Бизнинг аждодларимиз ханлар, яъни хитойлардан булиб, улар бир ваҳтлар яхши ҳаёт илинжида Хитой деворининг шимолига кучиб утишган экан.

Ян Жушан оилада ягона ўгил бўлган, шу боисдан ота-онаси уни алохида эътибор ва мехр билан тарбиялашган. Зеро, факат ўғилгина аждодлари номини сақлаб қолиши мумкин эди. Бувамни ўқиши учун яхши мактабга беришган. Натижада у амалдорлик лавозими учун имтихон топшириши керак эди. Уша пайтларда бу — кўпчилик хитой эркакларининг энг катта орзуси бўлган. Лавозим хокимиятга йўл очар, хокимият эса пул топишга имкон берарди. Хокимиятсиз ва пулсиз амалдорлар зулмидан кутулиб бўлмасди. Мамлакатда конунсизлик хукм сурарди: суд адолатсиз, шафқатсизлик одат тусига кирган, жабрзулмнинг чеки-чегараси йўқ эди. Хокимиятга эга бўлган амалдор қонунни ўзича ифодаларди. Фақат мандарин даражасига эришган оддий оиладан чиккан одамгина адолатсизлик ва куркув чангалидан халос бўлиши мумкин эди. Яннинг отаси ўглининг ўзига ўхшаб кигиз босувчи бўлиб қолмаслиги учун меросхўрини жиддий тарбиялашга қарор қилди. Бутун оила уйга иш олиб, мехнат қилди, ёлғиз ўғилни емай едирди, киймай кийдирди.

Одатга кўра, бувамнинг отасини ўн тўрт ёшида ўзидан олти ёш катта аёлга уйлантирдилар. Эрини тарбия қилиш аёлнинг мажбуриятига кирарди.

Унинг хотини — менинг катта бувимнинг қисмати одатий бир хол эди, чунки ўша пайтларда миллионлаб хитой аёллари шундай яшашарди. У номдор кўнчилар уругидан эди. Уларнинг оиласи саводсиз, ижтимоий келиб чикиши хам пастрок табакадан эди, шундай шароитда туғилган қиз бечорага исм ҳам қуйишмаганди. Оилада иккинчи қиз фарзанд бўлгани учун уни оддийгина қилиб «иккинчи қиз» деб аташарди. Отаси ёшлигида ўлиб кетгани учун қизча амакисининг уйида катта бўлди. Бир куни, ўшанда у олти ёшда эди, амакиси улфати билан овқатланиб ўтирган эди; ўртогининг хотини хомиладор экан. Икки ошна тушлик пайти агар хомиладор аёл ўғил туғса уни жиянига — шу сухбат пайтида олти ёшга тўлган қизчага уйлантиришга ахд қилишди. Тўйга қадар икки ёш бир-бирини умуман кўрмаганди. Севги уят саналар, оила учун шармандалик хисобланарди. Иўқ, йўқ, севги тақиқлангани учун эмас, ахир, Хитойда асрлар оша муқаддас романтик муҳаббат анъаналари давом этиб келарди, балки қиз билан йигит бир-бирини севиб қолиш имконига эга бўлмасди, никохгача учрашиш ахлоксизлик хисобланар, турмуш қуришга бурч, икки оила иттифоки сифатида қараларди. Ешлар тўйдан кейин, агар омад кулиб боқса, севишишлари мумкин эди.

Тўрт девор ичида ўсган катта бувам ўн тўрт ёшида ҳали бола эди. Биринчи никоҳ кечаси у чимилдиҳҳа киришни истамади, ёстиҳдошининг тўшагида ётмади. Онасининг ёнида уҳлаб ҳолди. Уни келин-

¹ М а н д а р и н—Хитойда инқилобдан олдин катта амалдор.

нинг ётоқхонасига уйқусида олиб келиб ётқизишди. Гарчи у эркалатиб юборилган, кийинишни ўзи эплолмаса хам, хотинининг гапига караганда, «бола экиш»ни яхши биларди. Түйдан бир йил утгач, бешинчи ойнинг бешинчи кунида, 1909 йил ёзининг бошланишида бувим тугилади. Онасига нисбатан унинг омади чопди, чунки унга Юйфан деган исм беришди. Юй, яъни «Яшма» — чипор тош — бувимлар авлодининг насл-насаб фамилияси эди, «фан» эса «хушбўй» маъносини англатарди.

Юйфан туғилиб, кўз очган дунё тахликали холатда эди, эртага нима бўлишини хеч ким билмасди. Хитойни 260 йилдан ортик вакт давомида бошқарган манжурлар сулоласи ўз таъсирини йўқота бошлаганди. XIX асрнинг 1894-1895 йилларида Япония Хитойга қақшатқич зарба берди ва Манжуриянинг бир қисмини босиб олди. 1900 йилда саккизта хорижий давлат боксчиларнинг миллий исёни ни бостириб, ўз қушинларининг бир қисмини Манжурияда, бир қисмини Хитой девори ёнида қолдирганлар. 1904-1905 йилларда Манжурия кенгликларида Япония билан Россия ўртасида шафқатсиз уруш бўлиб ўтади. Шу урушда эришилган ғалаба Японияни минтақанинг асосий жанговор кучига айлантирди. 1911 йилда император Пу И тахтдан ағдарилди ва Хитой республика бўлди. Бу республикага қисқа вақт мобайнида Сун Ятсен бошчилик қилди.

Янги республика хукумати тез орада кулади ва мамлакат парчаланиб кетди. Манжурияда, сўнгги сулола ортида республикага қарши кайфият кучайди. Хорижий давлатлар, айниқса, Япония, очиқданочик Манжурия ерларига даъвогарлик кила бошлади. Натижада барча ижтимоий тизимлар пароканда бўлди, бошбошдоклик бошланди, одамлар ахлоқий эътиқодларини йўқотдилар. Кўплар пора ёрдамида хизмат мартабасидан юқорилашга уриндилар — маҳаллий амалдорларга қимматбаҳо совғалар: олтин, кумуш, зебу зийнатларини бера бошладилар. Менинг катта бувам унчалик бой эмасди, катта шахарда ўзига иссиккина жой сотиб ололмади. Уттиз ёшларида ўзи тугилиб ўсган овлок Исяндаги полиция махкамасида бир амалга илинган эди. Лекин унинг келажак учун катта режалари бор эди. Айникса, чинакам хазина — қизидан умиди катта эди.

Бувим жуда чиройли эди, юзи чўзинчок, ёноклари кирмизи, топтоза териси нур сочиб тургандек эди. Битта қилиб ўрилган сочлари белигача тушиб турарди. У ўзини жуда одми, хотиржам тутарди, лекин ўта шиддатли феъли бор эди. Бўйи унча баланд эмасди. Бўйни,

елкалари, қомати уни жуда назокатли қилиб кўрсатарди.

Унинг энг катта бойлиги жимитдеккина оёкчалари эди. Бундай нозик оёклар Хитойда жуда қадрланарди. Эрта бахорда кукара бошлаган тол куртакларини эслатувчи бундай оёкчалар сохибаси юрганда шабадада тебранувчи навнихолни эслатарди. Нозик оёкчаларда солланиб юрувчи аёл кўриниши эса эркакларда эҳтирос уйготади, зеро, у аёлнинг нозиклиги эркакда уни химоя қилиш истагини туғдирарди. Бувижонимнинг оёқчаларини икки ёшлигидаёқ ўраб-чирмаб ташлашди. Кичкина-кичкина оёкчаларда пилдираб юрадиган унинг онаси бувимнинг оёқларини олти метрлик бўз тасмаси билан танғиб боғлади. Бош бармоғидан ташқари хамма бармоқларини қайириб ташлаб, оёги дўнгсасига тош қўшиб тангиди. Оёги суягини синдириш учун атайлаб шундай қилди. Оғриқдан бувим бечора чинқириб йиғ-

¹ Бу исёнга ажнабийлар шундай ном беришган. Икэтуан исёни деб аталган бу кўзгалонни бостиришда Германия, Япония, Буюк Британия, Россия, Италия, АҚШ, Франция ва Австро-Венгрия қушинлари қатнашганлар.

ларди, қийнаманг, деб онасига ялинарди, шунда онаси унинг оғзига латта тиқарди. Бундай азобларга чидай олмай бир неча бор ҳушдан кетган экан.

Бу жараён бир неча йил давом этди. Оёкнинг синган дўнгсасини кечаю кундуз боглаб туриш керак экан, акс холда суяк ўсар экан. Бувим бечора йиллар давомида ана шундай огриклардан кийналиб яшаган экан. Бувим ёшлигида бу азоблардан кутулиш учун тангиб богланган оёгидаги латталарни ечиб ташлашни сўраб ялиниб-ёлворганда, онаси йиглаб: «Тангиб богланмаган оёк сени бахтсиз килади,

бу сенинг фойданг учун қилиняпти» дер экан.

Ўша пайтлар, қизлар турмушга чиқаётганда, куёвнинг оиласи томонидан келган совчилар, энг аввало, келиннинг оёгини текшириб кўришаркан. Оёги катта қизлар оила шаънига дог ҳисобланаркан. Қайнона келиннинг этагини кўтариб, оёгини кўздан кечираркан. Агар бўлажак келиннинг оёқ дўнгсаси тўрт бармоқ энлигидан узунроқ бўлса, нафрат билан қизнинг этагини йиртиб, бир чеккага чиқиб тураркан, келин шўрлик келган совчиларнинг таънаю дашномлари остида нима қиларини билмай қоларкан. Баъзан она, қизига раҳми келиб, унинг оёқларидан латтасини ечиб ташларкан, бунинг натижасида жамиятнинг қаҳрига учраб, кўнгилчанлиги учун ўзини айблар экан.

Ривоятларга қараганда, оёқларни танғиб боғлаш минг йил бурун император жорияларидан бири томонидан жорий этилган экан. Гап фақат аёлларнинг кичкинагина оёқчада оқсоқланиб юриши эркакларга ёқишидагина эмас, балки улар дока ўралган оёғига шойи матодан тикилган пойабзалда рақсга тушишини жуда хуш кўришаркан. Аёллар улғайганда ҳам оёғидан дока ўрамини ечиб ташлай олмас эканлар, чунки оёғининг товон суяги ўсаркан. Фақат кечаси дока ўрами сал бўшатилиб, юмшоқ пошнали туфли кийиб ётилар экан. Эркаклар аёллар оёғини камдан-кам кўришаркан, улар одатда латта ўраб юришаркан, агар оёғини ечса, ёмон ҳид келаркан. Мен болалигимдан яхши эслайман, бувим оғриқдан жуда азобланар эдилар. Одатда, биз бозор-ўчар қилиб қайтгач, бувим дарҳол оёқларини иссиқҳа солиб роҳатланардилар.

Тақдир тақозоси билан бувимнинг оёқларини танғиб боғлашганда бу одат унутила бошлаганди. 1917 йилда туғилган унинг синглиси

бундай азобларни кўрмади.

Шунга қарамай, бувим ҳали ёш қизча экан, Исян сингари кичик шаҳарчада оёғи кичик бўлмаган қизнинг омади чопмайди деб ҳисоблашарди. Лекин бу ҳали бошланиши эди — отаси қизини олийҳиммат хоним қилиб тарбиялашни ўйларди. Ўша пайтда ҳукм сурган паст табаҳадан чиҳҳан аёл саводли бўлиши шарт эмас, деган аҳидага ҳарамай, бувимни 1905 йилда очилган шаҳар мактабига жойлашди. Бувим мактабда хитой шахмати, мацзян¹ ва шашка ўйинларини ўрганди, расм чизиш ва кашта тикишдан ҳам сабоҳлар олди.

Бувим шаҳарда энг чиройли қизлардан саналарди. Маҳаллий аҳоли уни «товуқлар орасидаги турна» деб атарди. 1924 йили у ўн беш ёшга кирди, отаси унинг ёши ўтиб кетишидан хавфсирарди. Худди шу пайт шаҳримизда генерал Сюэ Чжихэн пайдо бўлди. У Пекин ҳарбий ҳуку-

матида пойтахт полициясининг бош назоратчиси эди.

Сюэ Чжихэн 1876 йили Лулун уездида тугилган эди. Пекиндан юз эллик километр шаркда бўлган бу уезд Буюк Хитой деворидан жануброкда эди. У қишлоқ ўқитувчисининг тўрт ўглидан тўнгичи эди.

¹ Мацзян — қиморнинг бир тури.

Сюэ Чжихэн қадди-қомати келишган, хушсурат киши бўлиб, у билан учрашган ҳар қандай кишида яхши таассурот қолдирарди. Бир неча сўқир башоратчи унинг юзини пайпаслаб кўриб, баланд мартабаларга эришувини айтишганди. У иқтидорли хаттот бўлиб, жуда қадрланарди. 1908 йили Лулунга ҳарбий диктатор Ван Хуайцин ташриф буюрди. У шаҳарнинг асосий қасрига кираверишда илиб қўйилган ажойиб лавҳани кўриб, уни ёзган одам билан учрашишни истаб қолди. Ўттиз икки ёшли Сюэ диктаторга ёқиб қолди ва генерал уни ўзига адъютантликка¹ олди.

Сюэ ажойиб қобилиятини намоён қилгач, тез орада интендант² қилиб тайинланди. Хизмат юзасидан тинимсиз юрар экан, у йўл-йўла-кай Лулун теварагида ва Буюк деворнинг нариги томони — Манжурияда хусусий озиқ-овқат дўконлари очди. Ички Монголиядаги исённи бостиришда Ван кўрсатган ёрдамидан сўнг унинг обрў-этибори янада ошди. Катта бойлик тўплагач, Лулунда ўз режаси бўйича ҳашаматли қаср тиклади. Муҳташам бинода саксон битта хона бор эди.

Империя инқирозидан кейин ўтган ўн йиллар давомида ҳеч ҳайси ҳукумат ўз таъсирини мамлакатнинг бутун ҳудудларига ёя олмади. Ғарбий диктаторлар марказий Пекин ҳукумати устидан назорат ўрнатиш учун кураш бошладилар. 20-йилларнинг бошларида бу ҳукуматда асосий ролни генерал У Пейфу гуруҳи ўйнарди. Сюэ ҳам ана шу гуруҳда эди. 1922 йилда Сюэ Марказий полицияда бош назоратчи ва Пекиндаги жамоатчилик ишлари департаменти бошлиқларидан бирига айланди. Буюк деворнинг ҳар икки томонидаги йигирмата вилоят ҳамда ўн мингдан зиёд отлиқ ва пиёда полициячи унга бўйсунарди. Полициядаги лавозим унга ҳокимиятни, жамоатчилик ишлари департаментидаги вазифаси эса олий ҳомийликни таъминларди.

Бироқ ўша пайтларда тобелик садоқати ҳақида гапиришга ҳожат йуқ эди. 1923 йилнинг май ойида генерал Сюэнинг гуруҳи бир йил бурун ўзи ҳокимият тепасига олиб чиқҳан президент Ли Юанхунни ағдариб ташлади. Сюэ Фэн Юйсян деган насроний генерал билан бирлашиб, ўн минг кишилик армияни сафарбар этди ва ҳукуматнинг асосий биносини ўраб олиб, аскарларнинг берилмаган хизмат ҳаҳини тулашни талаб ҳилди. Бу талабдан асосий маҳсад президент Лини таҳҳирлаб, уни истеъфога чиҳишга мажбур этиш эди. Президент бу талабни рад этди. Шунда Сюэ ўз одамларига президент саройига сув ҳамда электр ҳуввати беришни туҳтатишни буюрди. Бир неча кундан сунг у ерда яшашнинг иложи буҳмай ҳолди, натижада 13 июн кечаси президент Ли ўз ҳароргоҳидан 70 километр жанубишарҳда жойлашган порт шаҳри Тяньцзянга куҳиб ўтди.

Хитойда лавозимдаги шахснинг ваколати мухрдан фойдаланиш хукукидан ажралмас эди. Президент имзо чеккан ҳар ҳандай ҳужжат тегишли муҳр билан тасдиҳланмаган бўлмаса ҳаҳиҳий ҳисобланмасди. Муҳрсиз ҳеч ким президент бўлолмаслигини яхши билган президент Ли муҳрларни ўша пайтда француз миссионерлари томонидан ташкил этилган Пекиндаги касалхонада ётган ўз жорияларидан бирида яшириб ҳолдирганди.

Президент Ли Тяньцзянга яқинлашганда қуролланган полициячилар унинг поездини тўхтатишди ва мухрни беришни буюришди. Аввалига у мухрлар қаерда яширилганини тан олмади, лекин орадан

 $^{^{1}}$ A д ъ ю т а н т — харбий рахбар ёки мухим топширикларни бажарувчи зобит. 2 И н т е н д а н т — армияда моддий таъминот хизматини бажарувчи харбий ходим.

бир неча соат ўтгач, айтишга мажбур бўлди. Кечаси соат учда генерал Сюэ касалхонага бориб, мухрларни олди.

Шундан сўнг тўрт ой давомида Сюэ ва унинг полициячилари қўлларидан келган барча ишни қилдилар. Натижада, ўтказилган сайловда унинг партияси вакили Цао Кун ғалаба қозонди. Энди парламентнинг саккиз юз тўрт депутатини сотиб олиш керак эди. Сюэ билан генерал Фэн парламент биносига ўз соқчиларини қўйишди ва «ким тўгри овоз берса» яхшигина мукофот олади деб ваъдалар килишди. Бунинг оқибатида кўплаб депутатлар вилоятлардан қайтиб келишди. Сайлов учун хамма нарса тахт бўлган пайтга келиб, парламентнинг 555 аъзоси Пекинга қайтишди. Овоз беришга тўрт күн қолганда, узок тортишувдан сўнг уларнинг хар бири беш минг кумуш юандан олишга муваффақ бўлишди. Бу эса каттагина пул эди. 1923 йилнинг 5 октябрида Цао Кун тўрт юз саксон овоз олиб, галаба қозонди ва Хитой президенти қилиб сайланди. Бунга жавобан Сюэ тулиқ генерал унвони билан такдирланди. Ун еттита «алохида маслахатчи» — турли диктатор ва генералларнинг ўйнашлари ва жориялари хам мукофотга сазовор бўлдилар. Бу вокеа Хитой тарихида машъум сахналаштирилган сайлов сифатида мухрланиб қолди. Хитойга демократия зиддир, деб хисобловчилар ўша сайловни хамон эслаб юришади.

Кейинги йилнинг ёз фасли бошларида генерал Сюэ Исян шахрига ташриф буюрди. Чунки шахар кичик бўлса ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Айнан шу шаҳарда Пекин ҳукуматининг ҳокимияти тугади ва қудратли шимоли-шарқий диктатор Чжан Цзолин таъсир доираси кенгая бошлади. Бу одам Кекса Маршал номи билан машҳур эди. Шаҳарда генерал Сюэнинг дўконлари ва дон омборлари бор эди.

Генерал ўз тасарруфидаги масканларини текшириш учун айланиб юрган чогларида катта бувам ҳамроҳлик ҳилди. Шунда унинг ҳизини генералга узатиш нияти тугилди. Бу борада у хотини билан маслаҳатлашмади ҳам, хабардор ҳилиб ҳўйди, холос. Ўша пайтда одат шунаҳа эди, лекин гап фаҳат одатнинг ўзидагина эмасди, катта бувам хотинини менсимасди. Шунинг учун бу гапни эшитган бувим йиглади, лекин ҳеч нарса дея олмади. Эри:- Ҳизингга бу ҳаҳда «гинг демайсан», деб буюрди. Ҳизнинг розилиги ҳаҳида сўраб ҡўриш ҳаҳида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бундай ишлар «олди-сотди» асосида амалга ошириларди. Ҳиз бу борада тўй куни белгилангандан кейингина хабар топарди.

Катта бувам зимдан иш олиб бориш кераклигини яхши тушунарди. Қизининг қулини туғридан-туғри таклиф этиш молнинг нархини тушириб юборарди, рад жавобини олиш ҳам мумкин эди. Шунинг учун генерал Сюэга ҳандай хазина таклиф этилаётганини намойиш ҳила билиш керак эди. Уша пайтларда нуфузли аёл бегона эркак билан учрашиш имконига эга эмасди, шу боисдан Ян ўз ҳизини генералга кўрсатиш учун нима ҳилиши кераклигини ўйлаб кўриши лозим эди. Учрашув тасодифий юз бергандек тасаввур ҳолдириши шарт эди.

Исянда тўққиз юз йиллик ҳашамдор Будда ибодатхонаси бўларди. У қимматбаҳо ёгочдан жуда баланд қилиб қурилганди. Ибодатхона ажойиб жойда, икки квадрат километр майдонни эгалловчи арчазорда ҳад ростлаганди. Унинг ичида чиройли нақшлар билан безатилган тўққиз метрли Будда ҳайкали бор эди. Ибодатхона деворлари унинг ҳаёти ҳақида ҳикоя ҳилувчи расмлар билан безатилганди. Ян, албатта, олий мартабали меҳмонни бу ерга олиб келмаслиги мумкин эмасди. Ибодатхона эса одобли аёллар камдан-кам ёлгиз ўзи бора оладиган жой хисобланарди.

Белгиланган бир куни бувимга ўша ибодатхонага бориб, ибодат қилиб кел, дейишди. Бувим ҳам Будда олдида ўзининг олижаноблигини намойиш қилиш учун ясаниб-тусаниб, атир-упалардан сепиб, ибодатхонага борди. Қасрга кирар экан, у улкан Будда ҳайкали олдида тиз чўкди. Унга бир неча бор таъзим бажо келтириб, тиз чўкканича, қўлларини кўксига қўйиб, дуо ўқий бошлади.

Отаси Ян генерал Сюэ билан уни худди шу ҳолатда кўрдилар. Улар ҳизга ғира-шира йўлакдан ҳараб турардилар. Катта бувамнинг режаси амалга ошди. Генерал Сюэ ҳизни яхшилаб томоша ҳилди. У ҳизнинг каштали ипак чолворинигина эмас, атлас туфли кийган оёҳча-

ларини ҳам кўрди.

Бувим дуо ўқиб бўлгач, ерга теккудай эгилиб, Буддага уч бора, таъзим қилди. Ўрнидан тураётиб сал қалқиб кетди. Бу жуда табиий кўринди — тангиб боглаб ташланган оёқчаларда тик туришнинг ўзи бўлмайди, у оқсоч қизнинг қўлига суянди. Худди шу пайтда генерал Сюэ ва бувимнинг отаси унга қараб юришди. Бувим қип-қизариб кетди, бошини эгиб, орқага бурилди-да, қочиб қолишга уринди. Бироқ отаси олдинга бир қадам ташлади-да, қизининг йўлини тўсиб, уни генералга таништирди. У бошини кўтармасдан таъзим қилди.

Шундай мартабадаги одамга хос холда генерал бу учрашувни Ян билан мухокама қилиб ўтирмади, зеро уни ўзининг тенги эмас, балки оддий югурдак деб хисобларди. Лекин Ян генералнинг ўз қизига мафтун бўлиб қолганини хис этди. Энди гап бўш келмасликда қолганди. Орадан икки кун ўтиб, Ян катта чиқимларга қарамай, шаҳардаги энг яхши театрни ижарага олди, опера буюртма қилди ва фахрли меҳмон — генерал Сюэни у ерга таклиф этди. Ян театрда қизини шундай жойга ўтқаздики, у генералга яққол кўриниб турарди. Генерал томошага умуман қарагани йўқ.

Томошадан сўнг хитойча анъанавий ўйин — фонарлар ёрдамида топишмоқлар топиш бошланди. Залларнинг бирида эркаклар, иккинчисида аёллар ўйнарди. ҳар бир хонада моҳирона ясалган ўнлаб қоғоз фонарлар осиб қўйилган бўлиб, уларга шеърий топишмоқлар ёпиштирилганди, топишмоқларга ким кўпроқ тўгри жавоб берса, ўша соврин соҳиби бўларди. Эркаклар орасида, албатта, генерал Сюэ ютиб чиққан эди. Аёллар ўртасида эса бувим голиб бўлганди.

Ян генералга ўз қизининг гўзаллиги ва ақлу фаросатини баҳолаш имконини берганди. Энди иқтидорини намойиш қилиш керак эди. Икки кундан сўнг у генерални уйига таклиф қилди. Ажойиб ойдин ва илиқ кеча эди. Тўлин ой ёругида бўлиб ўтган суҳбатлар генерал-

нинг хисларини жунбушга келтирди.

Ўша оқшом у бувимнинг қўлини сўради, ўзидан эмас, албатта, отасидан. Генерал унга уйланиши ҳақида гапирмади, балки бувимни ўзига жазманликка сўради. Ян бундан бошқача таклифни кутмаганди ҳам. Генерал сингари одам ўйнаш тутишига у шубҳаланмасди. Зеро, хотин унга эрмак учун керакмасди. Бу мақсадга ўйнашлар хизмат қиларди. Жазманлар ҳам ҳандайдир ҳокимиятта эга бўлардилар, албатта. Лекин уларнинг ижтимоий маҳоми хотин мавҳеидан тубдан фарҳ ҳиларди. Сурайё ўзига хос ҳонуний ўйнаш бўлиб, уни истаган пайтда олар ва ташлаб кетишарди.

Бувим бўлажак вокеа ҳақида илк бор унга бир неча кун қолганда онасидан эшитди. Бувим бошини хам қилганича йиглашга тушди. Биргина «ўйнаш» деган сўзнинг ўзи унга даҳшатли эшитиларди. Лекин отаси шундай қарорга келган, ота-онасига қарши чиқиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ота-она қарорига эътироз билди-

риш «хурматсизлик» ҳисобланар, ҳурматсизлик эса хиёнат саналарди. Рози бўлмаслик, «йўқ» дейишнинг ягона йўли — ўзини ўлдириш эди. Бувим лабини тишлаганича, нафасини ичига ютиб қолаверди.

Кизининг бунчалик куюнаёттанини кўрган онаси: «Бизнинг ахволимизда бу энг яхши йўл, бундан тузукрогини орзу килиш ҳам кийин» деб юпата бошлади. Ян генералнинг жуда кудратли эканини тушунтира бошлади: «Пекинда айтишларига караганда, генерал Сюэ ер тепинса, бутун шаҳар ларзага келармиш». Генералнинг ҳарбий киёфаси кизда жиддий таассурот қолдирганди. Уни мақтайверишиб, шўрлик бувимнинг қўйнини пуч ёнгоққа тўлдиришди. Шаҳарда ҳеч ким генерал Сюэ билан тенглаша олмайди деб қулогига қуйишди. Энди ўн беш ёшга кирган бувим ўйнаш ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди, шунинг учун ҳам унинг севгисини қозониб, бахтли бўларман деган умид илинжида эди.

 – Қиз Исянда қолиши мумкин, деди генерал, – мен унинг учун махсус үй сотиб оламан...

Бу эса қизнинг оиласига яқин жойда яшашини билдирарди. Муҳими, у генералнинг данғиллама уйига кўчиб бормайди, демак, унинг хотини ва бошқа жазманларига қарам бўлмайди, чунки мақомига кўра, уларнинг ҳаммаси бувимдан юқори эди. Генерал Сюэ сингари арбобнинг уйида аёллар асиралардай яшашар, кунлари нуқул урушжанжал билан ўтарди. Жанжал эса эрни ўзига оғдириб олишга уринишдан келиб чиқарди. Шунинг учун алоҳида уй, бунинг устига генерал ваъда қилган тўй маросими бувим учун жуда муҳим эди. Бу, қиз ва унинг бутун оиласи каттагина нуфузга эришишини билдирарди. Ниҳоят, қиз отасининг кўнгли жойига тушиб, онасига нисбатан яхшироқ муносабатда бўлади, деб умид қиларди.

Гап шундаки, Ян хоним тутқаноқ касалидан азоб чекарди ва шу боисдан ўзини эрига нолойиқ деб ҳисобларди. Хоним ҳамиша эрига бўйсунарди, Ян эса хотинига нисбатан ёмон муносабатда бўлиб, унинг соғлиғи тўгрисида сира ҳайгурмасди. У кўп йиллар давомида менга ўгил тугиб бермадинг деб таъна ҳиларди. Бувим тугилгандан кейин, катта бувимнинг кетма-кет боласи тушган экан, 1917 йилда иккинчи фарзанди ҳам ҳиз тугилди.

Нихоят, тўй куни жуда дабдабали ўтибди. Жазман — келин ўзига атаб махсус қурилган кенг ва данғиллама уйга йўл олибди. Уйда уни

махаллий амалдорлар куршовида генерал Сюэ кутиб олибди.

Генерал уч кунгача уйдан чиқмабди. Бувим бахтли эканлар. Чунки генерални севаман деб ўйларканлар. У бўлса бувимга қўпол муносабатда экан. Бир ҳафтадан кейин у тўсатдан кетаман деб қолибди. Қаёқҳа боришини айтмабди. Бувим ҳам ҳаёҳҳалигини сўрашни лозим топмабди. У жазманининг ҳайтиб келишини кутиши керак эди.

Шундай қилиб, уни олти йил кутишга тўгри келибди.

1924 йилнинг сентябрида Шимолий Хитойнинг икки асосий ҳарбий гуруҳи ўртасида кураш бошланди. Генерал Сюэ Пекин гарнизони бош қумондонининг ўринбосари булди. Лекин орадан бир неча ҳафта ўтиб, унинг аввалги иттифокдоши генерал Фэн, диктаторнасроний, раҳиб томонга ўтиб кетди. Бир йил олдин генераллар Сюэ билан Фэн президент таҳтига ўтҳазган Цао Кун 3 ноябрда истеъфо беришга мажбур булди. Уша куниёҳ Пекин гарнизони, икки кундан кейин эса, Пекин полицияси тарҳатиб юборилди. Генерал Сюэ шошилинч равишда пойтаҳтни тарҳ этди. У Тяньцзинда даҳлсизлиҳ маҳомига эга булган француз концессияси ҳудудидаги ўз уйига яшириниб олди. Генерал Сюэ президент саройидан ҳайдаб юборган президент Ли айнан шу ерга беркинган эди.

Исянда яшаётган бувим янгидан авж олган уруш гирдобида қолди. Мухолиф диктаторларнинг армиялари шимоли-шарқ устидан назорат ўрнатиш учун жанг олиб борардилар. Бу урушда Исян сингари темир йўл бўйида жойлашган, айниқса, транспорт узелига эга бўлган шаҳарлар алоҳида аҳамият касб этарди. Генерал Сюэ кетганидан сўнг уруш шаҳар дарвозаларигача етиб келди. Ҳамма жойда ур-йиқит, талон-тарож бошланди. Италиянинг қурол-ярог ишлаб чиҳарувчи фирмаларидан бири, боши берк кўчага кириб қолган генералларга ҳарзлар эвазига «ўлжа олинган ҳишлоҳлар»ни ҳабул ҳилиш истагини билдирди. Аёлларни зўрлаш одат тусига кирди. Кўпгина бошҳа аёллар сингари бувимнинг ҳам юзига ҳоракуя суришига тўгри келди. Ифлос ва бадбашара кўриниш учун у шундай ҳилди. Хайриятки, бу сафар Исян анча енгил ҳутулди. Жанглар аста-секин жанубга сурилди ва шаҳар одатий ҳаётга ҳайтди.

Ёш жазман бўлган бувим жуда катта хашаматли уйда яшарди. Шунга қарамай, у ўзини бахтсиз ва ёлгиз сезарди. Унинг хизматкорлари бор эди: эшик оғаси – дарбон, ошпаз ва иккита оқсоч. Уларнинг вазифаси фақат уй юмушларини бажаришдангина иборат булмай, уй бекасини кузатиб юриш ҳам эди. Дарбонга бекани уйдан ёлгиз чиҳармаслик буюрилганди. Генерал жўнаб кетиш олдидан ўйнашига огохлантириш тариқасида ўз жазмани билан боғлиқ бир воқеани гапириб берганди. Уша ўйнашининг хизматкори билан дон олишиб юрганини билиб қолган генерал, аёлини каравотга боғлашни ва оғзига латта тиқишни буюрибди, кейин ўша латтага сув қўшилмаган спиртдан томиза бошлашибди. Аёл аста-секин бўгилиб, ўлибди. «Албатта, мен унга дархол ўтмишни раво кўра олмасдим, кийналиб ўлишини маъқул кўрдим. Аёл учун эрига хиёнат қилишдан баттар пасткашлик йўқ, деди генерал. – Эркакни эса отиб ташладим». Бувим бу вокеа чиндан содир бўлганмиди ёки йўкми, билолмади. Лекин бундай хикоя ўн бещ ёшли аёлни ўлгудай қўрқитиб юборганди.

Ўша пайтдан бошлаб, бувим доимий қурқувда яшаган, эшикка чиқишга имкони булмай, турт девор ичида кун курарди. У хизмат-корларига сахийлик билан совғалар улашиб турарди. Бувим пулдан қийналмасди. Генерал унга мунтазам маблағ юбориб турарди. Тувакда гул устирар, олтин қафасда боқилаётган мушук билан овунарди. Баъзида ота-онасиникига бориб келишга рухсат тегарди. Отаси генерал Сюэ билан қариндош булгани учун полиция бошлиғининг уринбосари лавозимини эгаллади, хусусий ерга эга булди. Қизи узининг бахтсизлиги ҳақида гап очса, отаси уни жеркиб ташларди. Ота қизига тез-тез: "Агар эринг хуроз булса, хурозга қулоқ сол, агар куппакка теккан булсанг, куппакни тингла" деган хитой мақолини эслатиб турарди.

Орадан олти йил ўтди. Дастлаб бир неча хат келди, кейин хат-хабар бўлмади. Бувим эрини интизорлик билан кутарди. Гарчи у генералнинг кўплаб жорияларидан бири эканини тушунса-да, уни жуда согинарди. Кунлар ҳафтага, ҳафталар ойга, ойлар йилга айланарди. Вақт ўтган сари унинг согинчи ҳам хира тортиб борарди. Бувим астасекин ўзининг генерал учун бир ўйинчоҳ эканини тушуна бошлади. Шўрлик аламини кимдан олишни ҳам билмай, тишини тишига босиб яшарди. Лекин баъзи-баъзида ҳис-туйгуси жўш уриб кетар ва у нима ҳилишини билмай ҳоларди. Баъзан ҳушидан кетиб, ўзини ташлаб юборарди. Бундай ҳушдан кетишлар кейинчалик умрининг охиригача давом этди.

ЖАХОН АДАБИЁТИ

Кунларнинг бирида генерал қайтиб келди. Бувим уни ўзи ўйлаганидек чексиз соғинч, бағрига отилиб эмас, оддийгина кутиб олди. Эллик ёшдан ошган генерал унинг кўзига анчайин юмшоқ ва бўшашгандек кўринди. У хушторидан қаерда эдингиз, мунча узоқ қолиб кетдингиз деб сўрамади хам.

Аслида эса шунча вақт мобайнида генерал унча узоқ жойда эмасди. Истеъфога чиққан бой амалдор сифатида тинч ҳаёт кечирарди. Буш вақтларини гоҳ Тяньцзиндаги уйида, гоҳ Лулундаги қасрида ўтказарди. У ҳаёт гаштини суриб, қандини урган кунлари ўтмишда қолди. Хитойнинг катта қисми ягона куч — Чан Кайши бошчилигидаги Гоминдан, яъни миллатчилар томонидан бошқариларди. Ўтмишдаги бошбошдоқликни тугатиб, янги, барқарор ҳаёт бошланганини исботлаш учун Гоминдан пойтахтни Пекиндан Нанкинга кучирди. 1928 йилда минтақада анча фаоллашиб қолган японлар Манжурия ҳокими Чжан Цзолин — Кекса Маршални ўлдирдилар. Кекса Маршалнинг ўгли Чжан Сюэлян (у Ёш Маршал номи билан маълум эди) Гоминданга қушилди ва Манжурияни Хитойнинг қолган қисми билан бирлаштирди. Аслида Гоминдан Манжурияда ҳокимиятни ўз қулига ололмаганди.

Генерал Сюэ бувимнинг уйида унча узоқ қолгани йўқ. Худди аввалгидек, тўсатдан кетаман деб қолди. Кетиш олдидан кечаси у бувимдан ўзи билан Лулунга боришини сўради. Бувимнинг юраги уришдан тўхтаб қолгандай бўлди. Агар боришга мажбур қилганида, бу унинг хотини ва жазманлари билан бир уйда ҳамиша яшашга маҳқум этилишини англатарди. Бувим шошиб қолди. Унинг оёгини уқалар экан, генералдан ўзининг Исянда қолишга рухсат беришини сўради. Унга меҳрибонлиги учун миннатдорчилик билдириб, онасининг соғлиги ёмонлашганини айтди. Эртасига у ёлгиз кетди.

Тез орада бувим ўзининг хомиладор эканини англади. 1931 йилнинг бахорида, учинчи ойнинг ўн еттинчи куни у киз — менинг онамни тугди. Бу хакда у генерал Сюэга хат ёзди. Ундан кизнинг исмини Баоцин кўй ва уни Лулунга олиб кел, деган жавоб олди.

Бувимнинг қувончдан боши осмонга етди, ахир энди унинг боласи бор эди. У бутун меҳри ва куч-қувватини қизига бағишлади. Бир йил у жуда бахтли яшади. Генерал Сюэ бир неча бор Лулунга кел деб хат ёзди. У ҳар сафар ҳар хил баҳоналар қилиб бормасликка ҳаракат қиларди. Кейин 1932 йилнинг ёзи ўрталарида "генерал Сюэ қаттиқ бетоб, қизчани олиб тезда етиб кел" деган мазмунда телеграмма олди. Бувимнинг Лулунга боришдан бошқа иложи йўқ эди.

Лулунгача бўлган масофа икки юз милдан ошиқ эди, ҳеч ҳаерга бориб кўрмаган бувим учун бу жуда узоҳ йўл эди. Оёҳчалари танғиб боғлаб ташлангани ҳўшимча ҳийинчилик туғдирарди: бувим юҳ ҡўтара олмасди, бунинг устига ҳўлида чаҳалоғи бор эди. У синглисини ўзи билан олиб кетишга ҳарор ҳилди. Синглиси — ўн тўрт яшар Юйланни оддийгина ҳилиб Лан деб аташарди.

Сафар жуда хавфли эди. Хитой яна уруш исканжасида эди. 1931 йилнинг сентябрида Япония минтакада ўз таъсир доирасини кенгайтира бориб, Манжурияга хужум килди ва 1932 йилнинг 6 январида япон кушинлари Исянни эгаллади. Орадан икки ой ўтгач, японлар Манжоу-го (манжурлар мамлакати) деб аталган давлат тузилганини эълон килдилар. Бу мамлакат Шимоли-шаркий Хитойнинг катта кисмини эгаллар эди: унинг худуди Франция билан Германияга тенг эди. Японлар Манжоу-го мустакил мамлакат деб таъкидлашарди, лекин уни аслида Токиодан туриб бошкаришарди. Давлат тепасига Хитойнинг сунгги императори Пу Ини ўтказиб куйишди, бу асли гудак-

лигидан тахтдан маҳрум этилган подшо эди. Дастлаб у ҳукумат раҳбари деб аталди. 1934 йилда уни император деб эълон қилинди. Бу воқеаларнинг бувим учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди, зеро, ташқи дунёдан унинг алоҳаси бутунлай узилган эди. Аҳолининг кўпчилиги атроф-теваракда юз бераётган воҳеаларга таҳдир шундай деб ишонар, чунки ҳеч нарсани ўзгартиришга кучи етмасди. Кўпчиликнинг назарида Пу И ҳонуний ҳукмдор ва Осмон Фарзанди ҳисобланарди. Республика инҳилобидан сўнг йигирма йил ўтса-да, мамлакатда жамият шаҳлланганича йўҳ эди.

1937 йилнинг жазирама ёз кунларининг бирида бувим, унинг синглиси ва менинг онам Исянда поездга ўтириб, жанубга йўл олишди. Буюк Хитой деворини ортда колдириб, Чанли шахрига етиб келишди. Генерал Сюэ ундан йигирма милчалик масофадаги Янхэин шахарчасида яшарди. Бувим арава ёллаб, йўлга тушди. Янхэин бир вақтлар йирик ҳарбийлар манзилгоҳи эди ва манжур императорлари ўз аъёнлари билан бу ерда тез-тез бўлиб туришарди. Шу боисдан унга элтувчи йўл Император йўли деган улугвор ном билан аталарди. Йўлнинг икки четида тераклар бўй чўзган бўлиб, уларнинг оқ-яшил япроклари куёшда ялтирарди. Ундан кейин шафтолизор далалар бошланди. Бирок ўта чарчаган бувим бундай ажойиб манзарадан завклана олмасди.

Улар етиб борган данғиллама уй улуғворлиги билан бувимни лол қолдирди. Улкан дарвоза олдида қуролланған қуриқчилар турарди. Қотиб турган шер ҳайкаллари бинога алоҳида салобат бағишларди. От боғлаш учун мулжалланған саккизта устун турарди: уларнинг турттаси фил, турттаси маймун шаклида эди. Бу жониворларнинг танланиши бежиз эмасди: хитой тилида «фил» ва «олий лавозим» (сян); «маймун» ва «оқсуяк» (хоу) сузлари бир хил жаранғлайди.

Бувим катта дарвозадан киргач, ховлида қуруқ деворни кўрди. Деворнинг нарирогида иккинчи дарвоза бор эди. Ховли мумтоз хитой усулида курилганди: девор никоб ролини бажарарди. У бегоналарнинг бировлар ховлисига мўралашга, душманга эса олд дарвозадан туриб ўқ узишга имкон бермасди. Бувим ички дарвозадан кириши билан унинг ёнида оксоч пайдо бўлди ва чакалокни кўлидан олди. Иккинчи бир хизматкор аёл бувимни зина орқали юқорига олиб чикиб, генерал Сюэ хотинининг мехмонхонасига бошлаб борди. Хонага кирган бувим тиз чўкиб, бошини ерга текказди-да: «Ассалому алайкум, хоним» деди. Зеро, русум шуни тақозо этарди. Бувимнинг синглисини ичкари киритишмади, оксоч сингари ташқарида кутиб туришини буюришди. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ эди, чунки жазманнинг қариндошлари оила аъзоси хисобланмасди. Бувим бир неча бор таъзим бажо келтиргач, генералнинг хотини унга ўрнидан туришга изн берди. Хоним унга оила ақидасига кўра, бувимнинг макоми кичик сурайё эканини тушунтирди. Бу маком генералнинг аёлидан кўра, имтиёзли хизматкорга якинроқ эди.

Генералнинг хотини бувимга ўтиришни амр этди. Бувим тезда қарор қилиши лозим эди. Анъанавий хитой уйида ҳар кимнинг ўтирадиган жойи унинг мақомига ҳараб белгиланади. Генерал Сюэнинг завжаси хонанинг чап томонида ўтирарди. Унинг ёнида столча турарди, столчанинг нариги томонида яна стулча бор бўлиб, у ҳам жанубга ҳаратиб ҳўйилганди. У генералнинг жойи эди. Девор бўйлаб ҳатор стуллар ҳўйилган, улар турли маҳомдаги кишиларга мўлжалланганди. Бувим орҳага бурилди-да, эшикка яҳинроҳ стуллардан бирига ўтирди. Бубилан ўзининг бўйсунишини билдирмоҳчи эди. Шунда хоним унга

яқинроқ ўтиришни кўрсатди. Бу билан у ҳам ўзининг олижаноблигини намойиш ҳилмоҳчи эди.

Бувим ўтиргач, хоним:

— Қизинг энди генералнинг қонуний хотини сифатида менинг шахсий болам каби тарбияланади, - деди. — Энди у ўз онасини эмас, мени она деб чақиради. Сен эса болага кичик сурайё сифатида муносабатда бўласан.

Хизматкор аёлни чақириб, болани олиб кетишни буюришди. Бувимнинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди. У ўз хонасига киргачгина ҳўнграб йиглаб юборди. Уни генерал Сюэнинг иккинчи сурайёсига олиб киришганида йигидан кўзлари қизариб кетганди. Генералнинг севимлиси, хўжалик бошқарувчиси бўлган бу аёл жуда гўзал эди. Унинг ҳамдардлик билан муносабатда бўлиши бувимни ҳайратга солди. Унинг олдида тўйиб-тўйиб йиглаб олгиси келди-ю, яна эҳтиёт бўлди.

Эхтиёткорликка не етсин...

Ўша куниёқ уни «эри» билан кўришишга олиб боришди. Боласини ҳам ўзи билан олиб боришга рухсат беришди. Генерал «кан»да ётарди. Кан-Шимолий Хитойда кенг тарҳалган баландлиги икки ярим фут келадиган тўгри тўрт бурчакли гиштли ётоҳ-каравот бўлиб остидан иситиларди. Чалҳанча чўзилган генералнинг атрофида иккита ўйнашми ёки хизматкорми, тиз чўкиб унинг оёҳлари ва ҳорнини уҳалашарди. Сюэнинг кўзлари юмуҳ, бадани тупроҳ рангда эди. Бувим кан узра энгашиб, уни мулойимгина чаҳирди. У кўзини очиб, зўрға жилмайди. Бувим ҳизчани унинг ёнига ўтҳазиб:

— Бу Баоцин, – деди.

Генерал зўрма-зўраки қизчанинг бошини силаб:

— Баоцин сенга ўхшайди. У жуда аломат,—деди ва кўзларини юмди. Бувим уни чақирди, лекин у кўзини очмади. Бувим унинг огир касал эканини сезди, балки ўлаётгандир. У қизчасини қўлига олдида, маҳкам багрига босди, лекин бир сонияга, холос: сал нарида турган генералнинг аёли унинг енгидан тортди. Эшикдан чиққач, бувимни огоҳлантирди:

— Хўжайинни ҳадеб безовта ҳилаверма, - деди. - Умуман, ёнига келмасанг ҳам бўлаверади. То сени чаҳиришмагунча, ўз хонангда

ўтирганинг маъкул...

Қурқувдан бувимнинг юраги ҳаприқиб кетди. У уйнаш эди, унинг ҳам, қизининг ҳам ҳаётига катта, эҳтимол, улим хавфи соя солиб турарди. У ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмасди. Агар генерал улса, унинг тақдири бош хотиннинг иродасига боғлиқ булади. У яшаши керакми ёки улиши керакми, хоним ҳал қиларди. Уша хоним уни истаган куйга сола оларди. Хоҳласа уни бирор бой одамга сотиб юборарди, истаса фоҳишахонага. Уша пайтда бу одат тусига кирганди. У ҳолда бувим уз қизини умуман куролмасди. Имкон булди дегунча болани олиб қочиб қолиши кераклигини жуда яхши тушунарди.

Хонасига қайтиб кирган бувим ўзини босиб олишга уринди-қочиб қолиш режасини тузиши керак эди. Фикрини сал бир жойга тўплай деса, бошига қон қуйилиб келарди. Оёғи қалтираганидан мебелларга суянибгина юра оларди. У чидай олмай яна йиглашга тушди. Тақдир бунчалар бешафқат бўлмаса, дея нолирди у. Бундай вазиятдан қандай чиқиб кетишнинг йўлини тополмагани баттар алам қиларди. Энг ёмон томони шунда эдики, генерал бирдан ўлиб қолиши ва уни

тузоқ ичида қолдириб кетиши мумкин эди.

У аста-секин ўзини қўлга олди, фикрлари тиниқлашди. Унга тузоқ бўлиб қолган бу ҳашаматли қасрни қадам-бақадам кўздан кечирди. Бино кўплаб ҳовличаларга бўлинган, каттагина майдонни эгаллаб турар, баланд девор билан ўраб олинган эди. Ҳатто бог ҳам бўлиб-бўлиб ташланганди. Дид билан кўриниши учун эмас, балки хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай қилинганди, албатта. Богда бир нечта сарв, ҳайин ва олхўри дарахтлари ўсганди, лекин ҳаммаси девордан анча олис эди. Бирорта ўгри ёки ҳотил яшириниши мумкин бўлмасин деб буталар ҳам экилмаганди. Богдан олиб чиҳадиган иккита дарвозага осма ҳулф илинган, ташҳи дарвозада туну кун ҳуролли ҳоровуллар турарди.

Бувимнинг тўсиб қўйилган майдондан чиқишга ҳаққи йўқ эди. Унга ҳар куни генерални бориб кўришга рухсат бериларди, лекин бошқа аёллар билан бирга. У навбати билан эрининг каравотига яқинлашар ва зўрга эшитилар-эшитилмас: «Ассалому алайкум, жаноб»

дерди.

Вақт ўтиши билан у уйдаги вазиятни яхши тушунадиган бўлиб қолди. Аёллар орасида генералнинг хотинидан ташқари иккинчи сурайё ҳам анча нуфузга эга эди. Бувим тушунди: генералнинг ўша иккинчи ўйнаши мулозимларга ўзига нисбатан яхши муносабатда бўлишни тайинлади, натижада унинг ҳаёти жуда ҳам енгиллашди. Бундай уйларда мулозимларнинг муносабати улар кимга бириктириб қўйилган бўлса, ўшанинг мақомига ҳараб белгиланарди: улар ҳомийси борлар олдида ялтоқланишар, ғазабга учраганларга эса менсимай ҳарашарди. Бунинг устига иккинчи сурайёнинг ҳизи бўлиб, у онамдан сал каттароҳ эди. Худди шу нарса икки аёлни бир-бирига боғлаб турарди. Бу эса ўз навбатида генерал Сюэнинг иккинчи сурайёсига эътиборни оширарди, чунки онамни ҳисобга олмаганда унинг бошҳа фарзанди йўҳ эди.

Бир ойдан сўнг, боласи бор икки аёл дугона бўлиб олишгач, бувим генералнинг хотини хузурига кириб, уйга бориши зарурлигини айтди. Баъзи кийимларини олиб келиши учун хоним розилик билдирди.

Шунда бувим:

– Қизимни олиб кетсам, буваси ва бувиси билан хайрлашиб келарди, – деди.

Хоним рад этди.

— Йўқ, томирида Сюэлар авлоди қони оқаётган ҳеч ким бу уйни тарк этмайди, - деди у.

Шундай қилиб, бувим бир ўзи Чанлига жўнаб кетди. У ерда извошчи уни станцияда қолдириб, ўзи орқага қайтиб кетди. Бувим сўрабсуриштириб иккита отлиқ йигитни топди. Улар бувимга ёрдам беришга рози бўлишди. Улар кеч киришини кутиб, қоронғуда йўлга тушишди ва қисқа йўлдан от қўйиб Лулунга қайтиб келишди. Отлиқлардан бири бувимни бедовга миндириб, ўзи жиловдан етаклаганча йўл босишди.

Данғиллама бинога етгач, бувим орқадаги дарвозага яқинлашди ва келишилган сигнални берди. Бир неча дақиқадан сўнг дарвоза очилиб, ундан бувимнинг синглиси югуриб чикди. Унинг қўлида менинг бўлажак онам — бувимнинг қизи бор эди. Бувим билан келишиб олган иккинчи сурайё панжарани очиқ қолдирган экан. Эшикни бузиб киришди деб ўйлашсин дея дарвозага болта билан бир неча бор урган ҳам ўша аёл экан.

Бувим онамни эркалашга ҳам улгурмабди, уйготгиси ҳам келмабди, агар ҳизча чинҳириб юборса, ҳоровуллар эътиборини торта-

ди деб ўйлабди. Бувим синглиси билан бирга отларга минибдилар-да, тун қоронғисида ғойиб бўлибдилар. Отлиқларга яхшигина пул тўлашибди, улар арғумоқларни тез ҳайдашибди. Қочоқлар тонг отар маҳали Чанлига етиб келишибди ва катта уйда ҳали тўполон бошланмай туриб, поездга ўтириб, шимолга йўл олишибди. Ниҳоят, эртаси кун кечқурун поезд Исянга етиб келибди, бувим ўзини ерга ташлаб узоқ ётибди, унинг қимирлашга ҳам мажоли йўк экан.

Лулундан икки юз мил узокда у ўзини анча хавфсиз деб ўйларди. Бирок кизини ўзи билан олиб кололмади, чунки хизматкорлардан хайикарди. Шу боисдан мактабдош дугонасидан уни яширишни илтимос килди. Дугонаси кайнотнасиникида яшарди. У Ся фамилияли манжур дўхтири эди. Дўхтир дўстлардан жонини аямайдиган садокатли инсон сифатида ном козонган одам эди.

Шу нарса аниқ эдики, Сюэ оиласи оддий сурайёни таъқиб этиш ниятида эмасдилар, уларни менинг онам — Сюэнинг қизчаси қизиқтирарди. Бувим Лулунга телеграмма юбориб, поездда чақалоқ шамоллаб, ўлиб қолганини хабар қилди. Бунга ишонган генералнинг оиласи бувимни тинч қуйишди. Бувим қизи билан Исяндаги уйида яшай бошлади. Энди хизматкорларга ҳам эътибор бермай қуйди, чунки «эри» келолмаслигини яхши биларди. Бир йил давомида Лулундан ҳеч ҳандай хабар булмади. 1933 йилнинг куз кунларидан бирида бувим телеграмма олди: «Генерал Сюэ вафот этди, дафн маросимида ҳатнашиш учун Лулунга етиб кел».

Генерал Тянцзинда сентябр ойида вафот этди. Унинг жасадини лакланган тобутда Лулунга олиб келишди. Унинг ёнида яна иккита тобут бор эди. Улардан бирининг устига генералнинг тобути сингари қизил кимхоб ёпилган, ёгочи лакланганди. Унга генерал сурайёларидан бирининг жасади қўйилганди. Бу аёл «эри»ни у дунёга кузатиб бориш учун захар ичганди. Бу эрига садокатнинг олий чўққиси хисобланарди. Кейинчалик генерал Сюэнинг қасрида ўша аёл шаънига номи ёзилган лавха ўрнатилди, ўта оддий ишланган учинчи тобутда генералнинг бошқа бир ўйнашининг хоки қўйилганди. Бу аёл икки йил бурун тиф касалидан ўлганди. Одатга кўра, унинг қолдиқларини генерал Сюэнинг ёнига қўйиш учун қабридан кавлаб олинганди. Бу аёл хокини оддий ёгоч тобутга солишганди, чунки дахшатли касалликдан ўлиш мудхиш такдир хисобланарди. Хар бир тобутга жасадни чиришдан асраш учун — симоб ва писта кумир куйишди, мархумлар оғзига марваридлар жойланганди.

Генерал Сюэ ва унинг сурайёлари битта қабрга дафн этилди. Унинг хотини ва бошқа сурайёлари вақти билан шу лаҳадга кумилиши керак эди. Дафн маросимида марҳумнинг руҳига илтижолар русуми унинг ӯғли томонидан бажарилиши лозим эди. Генералнинг ӯғли бӯлмагани учун унинг рафиқаси бу вазифани генералнинг ӯн яшар жияни зиммасига юклади.

Бувим дафн маросимига бормади. Бу ҳаҳда ҳабар олмагандек тутди ўзини. Натижада уни пул билан таъминлаб турадиган ғазна вакили уникига ҳатнамай ҳўйди. Дафн маросимидан бир ҳафта ўтгач, бувимнинг ота-онаси генерал Сюэнинг хотинидан ҳат олишди. Хатда генерал бувимга эрк бергани айтилганди.

Йигирма тўрт ёшида бувим эркка эришди.

«ШИРИН БУЛОК СУВИ»

(1933-1938)

... Генерал Сюэ хотинининг мактубида бувимнинг ота-онасига «қизингизни қайтариб олиб кетинг» деган илтимос ҳам бор эди. Гарчи илтимос анъанавий — мулойим оҳангда ёзилган булса ҳам, бувим «уйни бушатиб қуйиш» ҳақида буйруқ эканини яхши тушунарди.

Отаси уни истамайгина, ноиложликдан уйга олиб кетди. У болажон оила соҳиби бўлиб кўринишдан аллақачон воз кечганди. Генерал Сюэ билан қариндош бўлиб олгач, бирданига мартабаси кўтарилди. Полиция бошлигининг ўринбосари лавозимини эгаллаб, яхши алоқаларга эга бўлган кишилар доирасига киргач, каттагина бойлик орт-

тирди, ер сотиб олди ва нашавандликка берилди.

У янги жойга тайинланиши биланоқ битта сурайё-жория орттирди. Мўғул аёли бўлган бу ўйнашни унга ўзининг бошлиги тортиқ қилди. Бу хизмат мартабасида кўтарилиб бораётган ҳамкасбига одатдаги бир совга эди. Маҳаллий полиция бошлиги генерал Сюэнинг ҳимоясидаги одамнинг кўнглини кўтармоқ учун ҳилди бу ишни. Бироқ орадан кўп ўтмай, катта бувам янги сурайё орттириш ҳаҳида ўйлай бошлади. Чунки унаҳанги мартабадаги одамлар кўпроқ ўйнаш тутишлари керак эди, зеро бу унинг олий маҳомидан далолат берарди. Узоқ излашга ҳожат ҳолмади: унинг мўгул сурайёсининг синглиси бор эди.

Ота-онасининг уйидаги вазият ўн йил олдинги аҳволдан кескин фарқ қиларди. Сурайёлардан бири қиз туғди, у менинг онам билан тенгқур эди. Бувимнинг синглиси Лан ҳали эрга тегмаганди. Ҳолбуки ёши «анча» (ўн олти ёш)га бориб қолганди. Бу нарса катта бувам-

нинг ғазабини қўзғатарди.

Бувим шўрлик бир илон уясидан қутулиб бошқасига тутилди. Унинг ўзи ҳам, онаси ҳам катта бувамнинг жаҳлини чиҳарарди. Хотинининг ўзи унинг ғашига тегарди, ёҳимли сурайёлар соҳиби бўлгач, у баттар қўрслашди. Сурайёлари билан бир дастурхонда ёнма-ён ўтириб овҳатланар, хотинини ҳайдаб, алоҳида тамадди ҳилишга мажбур этарди. Соҳибининг уйидан ҳайтиб келгани учун ҳизини ҳам кўргани кўзи йўҳ эди.

Бунинг устига у ўзига қизининг касри тегишидан қўрқарди. Чунки қизининг «эри» ўлганди. Ўша кунларда бева аёл ирими уни дахшатга соларди: қизини эрининг ўлимига жавобгар хисоблашарди. Катта бувам қизининг унга кўзи тегишидан, омадини қочиришидан хавфсирарди, бева қизининг бу уйдан тезроқ гумдон бўлишини хоҳларди.

Тағин сурайёлари ҳам уни қизига ҳарши ҳайрашарди. Унгача уйда сурайёлар хоҳлаган ишини ҳилишарди. Катта бувим юмшоҳ табиатли, ҳатто ожиз аёл эди. Гарчи сурайёларга нисбатан унинг маҳоми расман юҳори бўлса-да, амалда ҳамма нарса уларнинг инжиҳликларига боғлиҳ эди. 1930 йилда катта бувим ўғил фарзанд кўрди. Юйлиннинг дунёга келиши сурайёларнинг ҳафсаласини пир ҳилди, улар эртанги кундан умидини уздилар, Чунки оила бошлиғининг ўлимидан сўнг, унинг бутун мол-мулки ўғлига ўтарди. Ян ўз ўғилчасига сал-пал мурувват билан ҳараса ҳам сурайёларнинг жаҳли чиҳарди. Юйлин туғилганидан бошлаб, катта бувимни уйдан чиҳариб юбориш учун зўр бериб хуруж бошладилар. Эри эса ўғли туғилганидан кейин ҳам уни ҳўллаб-ҳувватламади.

Бувим феъл-атворига кўра, онасига нисбатан анча кучли эди. Ўн йил ичида кўрган азоб-укубатлари уни тоблади. Ундан отаси хам хайикарди. У энди отасига бўйсунмасликка ва ўзи хамда онасини химоя

қилишга онт ичди. Бувим бор экан сурайёлар ўзларини тийишга мажбур эдилар.

Менинг онам ана шундай бир вазиятда икки ёшидан тўрт ёшигача яшади. Бу инсон шахси шаклланадиган йиллар эди. Айни ўша дамлар бувим йигирма ёшдан ошган, навкирон ва гўзал аёл эди. У кўпгина фазилатларга эга эди. Шу боис бир неча одам совчи кўйди. Лекин у генералга сурайё бўлганлиги туфайли бувимга уйланишни хоҳлаганлар камбағаллар эдилар. Бу эса жаноб Янни асло қониқтирмасди. Сурайёлар дунёси билан яхши таниш бўлган бувим бундай ҳаётни асло хоҳламасди. Унинг бирдан-бир истаги — тинчгина яшаб, қизини тарбиялаш эди.

Отаси, ҳадеб бўйнимда ўтираверасанми, эрга тег, деб қистарди. Бувим қаерга бош уришни билмасди. Яшайдиган жойи ҳам, ишлайдиган ери хам йўк эди. Бу хол уни рухий тушкунликка олиб келди, асаблари таранглашиб, мазаси қочиб қолди. Дўхтирни чақиришди. Уни кўргани дўхтир Ся келди. У бувимнинг дугонасининг қайнотаси эди, генерал Сюэ уйидан қочгач, менинг онамни ўшаларнинг уйида яширишган эди. Бувим унинг келини билан яқин дугона булса-да, духтир Ся уни сира кўрмаганди. Уйга кириб, бувимни кўргач, дўхтир ўзини йўқотиб қўйди, унинг гўзаллигидан ақли шошганди. У уйдан қайтиб чикди ва мазам қочди деб қуя қолди. Нихоят, у узига келди ва утириб, бувим билан бамайлихотир гаплашди. Дўхтир бувим дард-хасратларини тўкиб солган биринчи одам эди. У хам бувимга илик ва самимий муносабатда бўлди: бувим уни тушунишаётганини илк бора хис этди. Тез орада улар бир-бирини севиб қолишди ва дўхтир бувимнинг қулини суради. У яна қушимча қилиб, бувимга расмий уйланмоқчи ва онамни ўз қизидай ўстирмоқчи эканини ҳам айтди. Бувим рози бўлиб, қувончидан йиглаб юборди. Отаси хам бу никохни маъқуллади, фақат қизига қушиб сеп беролмаслигини таъкидлади.

— Бунинг ахамияти йўк, — деди дўхтир Ся.

Сянинг Исянда яхшигина обрў-эътибори бор эди. У Ян оиласи сингари Хитойнинг аксарият ахолиси бўлган хан миллатига мансуб эмасди. Шу атрофда қадимдан яшаб келаётган халқ орасидан чиққан манжур эди. Унинг аждодлари манжур императорлари саройларида табиб бўлиб хизмат қилишганди.

Дўхтир Ся ажойиб шифокор сифатидагина эмас, камбағалларни бепул даволовчи яхши одам сифатида хам шухрат қозонганди. У гавдали одам эди, бўйи олти фут келарди. Чаққон ва ҳаракатчан эди. Ся анъанавий узун кийим ва нимча кийиб юрарди. Мўйлов ва соқол кўйган, қўй кўзларидан меҳрибонлик ёгилиб турарди.

Дўхтир бувимнинг қўлини сўраганида анча ёшга бориб қолганди. У олтмиш беш ёшга тўлган, уйланган уч ўгли ва турмуш қурган бир қизи бор тул эркак эди. Ўгиллари у билан бирга яшарди. Тўнгич ўгли уйни ва оилавий фермани бошқарарди. Ўртанчаси дўхтир бўлиб отаси билан ишларди, кенжаси — бувимнинг дугонасининг эри эса муаллимлик қиларди. Уч ўгилнинг саккизта фарзандлари бўлиб, улардан бири уйланган ва боласи бор эди.

Дўхтир Ся ўгилларини хонасига чақириб, режасини маълум қилди. Ўгиллар ишонқирамай, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Орага огир жимлик чўкди.

Кейин тўнгич ўгли:

Ота, сиз уни сурайё қилиб олсангиз керак деб ўйлайман,— дея сўради.

 $^{^{1}}$ Ф у т — 30,48 сантиметр.

— Йўқ, — эътироз билдирди дўхтир, — унга уйланмоқчиман.

Бу катта ахамиятга эга эди, чунки бувим унинг ўгилларига ўгай она бўлиб қоларди ва Сянинг рафикаси сингари эътиборга лойик бўларди.

Оиланинг барча аъзолари йигилиб, юз берган вокеани мухокама киларканлар, қаттиқ ҳаяжонландилар. Ҳатто келин, бувимнинг дугонаси ҳам жуда хафа бўлди, чунки ҳайнотасининг уйланиши унинг синфдоши билан муносабатларини тубдан ўзгартирарди. Келин бундан буёгига дугонаси билан бир дастурхонда овҳатланиш у ёҳда турсин, бирга ўтиришга ҳам ҳаҳҳи бўлмай ҳоларди, у бувимнинг ҳар бир истагини сўзсиз бажаришга, унга ергача эгилиб таъзим ҳилишига тўгри келарди.

Барча қариндошлар — ўғиллар, келинлар, неваралар, ҳатто эвараси ҳам навбат билан дўхтир ҳузурига кирдилар ва «яҳинларингиз туйғуларини ҳаҳшатманг» деб ялиндилар. Ҳаммаси унинг олдида тиз чўкиб, таъзим бажо келтиришиб, йиғладилар. Улар дўхтир Сяга ялиниб, ўзининг манжур эканини, ҳадимий манжур урф-одатига кўра, унинг мавҳеидаги одам хитой аёлига уйлана олмаслигини таъхидлардилар.

- Бу қоида бекор қилинганига анча бўлди, —деди дўхтир Ся.
- Агар сиз ҳақиқатан манжур бўлсангиз, унга амал қилишингиз керак, дейишди болалари.
 - Ахир сиз ундан қарийб уч баробар каттасиз, дейишди унга.
- Қари эркакнинг ёш хотини бошқа эркакнинг ҳасми булди,- деб кесатди қариндошларидан бири.

Фарзандлари ҳар ҳанча уринишмасин дўхтирни аҳдидан ҳайтара олишмади.

Дўхтир Ся бадавлат одам эди. Исян атрофида унинг икки минг акр¹ ери бор эди, Буюк Хитой девори жанубидаги анча-мунча майдоннинг соҳиби эди. Шаҳарда у бўз ғиштдан каттагина иморат солдирганди. Дори-дармон дўкони бор эди.

Дўхтирнинг гапга кирмаёттанини кўрган оила аъзолари бувимга тазйиқ килишга ўтишди. Бир сафар унинг хузурига чолнинг келини — бувимнинг дугонаси ташриф буюрди. Чой-пой ичиб, нари-беридан гаплашиб ўтирганларидан сўнг, мактабдош дугонаси нима мақсадда келганини айтди-қўйди. Бувим кўзига ёш олиб, дугонасининг қўлларидан тутди:

— Менинг ўрнимда сен бўлганингда нима қилардинг? — дея сўради ундан.

Дугонаси индамаганини кўриб, давом этди:

— Сен жория нима эканлигини яхши биласан. Ўзингга шундай тақдирни раво кўрармидинг? Биласанми, Конфуцийда шундай бир ҳикматли ибора бор: «Цзян синь би син!» Баъзан суҳбатдошингни юксак ҳиссиётга даъват этиб, устоз ўгитини эслатиш тўгридан-тўгри рад этишдан яхшидир.

Дугонаси ўзини айбдордай ҳис ҳилиб уйига ҳайтди ва ташрифи муваффаҳиятсиз чиҳҳанини айтди. Шунингдек, дўхтир Сянинг иҳкинчи ўӻли Дэгуй сиймосида ўз маслакдошини топган аёлга босим ҳилишга уриниб кўрганини ҳам таъкидлади. Дэгуй отаси билан бирга дўхтир бўлиб ишларди ва ака-укаларига нисбатан отасига яҳин эди. У бу никоҳга халаҳит берманглар, деб айтди. Кенжа ўғил ҳам унга ён босди. Ҳаммадан кўра, тўнғич ўғил билан унинг рафиҳаси норози эдилар. Бошҳалар ўзларини орҳага ташлаганларини кўриб, у эрига шундай деди:

 $^{^{1}}$ A к р — 0, 4047 м 2 га тенг.

² «Тасаввур қил, менинг юрагим -сеники!».

— Албатта, уларга барибир. Уларнинг хунарлари бор. Бу аёл улар қўлидан хунарини тортиб ололмайди. Лекин сизда нима бор? Сиз бор-йўги чолнинг мол-мулкини бошқарасиз — буларнинг ҳаммаси ўша аёл ва унинг ҳизига ўтиб кетади. Мен бечора нима ҳиламан, шўрлик болаларимнинг аҳволи нима кечади? Бошимизни ҳаёҳҳа урамиз? Балки ҳаммамиз ўлишимиз кераҳдир?! Балки отанг шуни хоҳлаётгандир?! Нима, улар иккаласи тинч яшаши учун мен ўзимни ўлдиришим керакми?

 $\hat{\mathbf{y}}$ шундай деркан, йиглаб, дод-вой солди. Хаяжонланиб кетган эри:

Менга эртагача муҳлат бер, — деди.

Эртаси куни уйқудан уйғонган духтир Ся эшиги олдида бутун оиласи — ўн беш кишини курди. Улар орасида Дэгуй йуқ эди. Чол ташқари чиқиши билан тунғич уғли ҳайқирди:

Таъзим!

Хамма бараварига тиз чўкиб таъзим қилди.

Ўгли титроқ овозда эълон қилди:

- Ота, ўгилларингиз ва бутун оилангиз шу ерда қолиб, то ўлмагунларича таъзимда бўладилар, токи сиз биз ҳақимизда, яқинларингиз ҳақида, ҳаммадан кўра, ўзингиз ҳақингизда ўйлаб кўрмагунингизча шундай тураверадилар.
 - Дўхтир Ся ғазабдан титраб кетди.

— Туринглар ўрнингиздан! —деб бақирди.

— Йук, ота,— деди тунгич угил хитоб килиб.— Биз урнимиздан турмаймиз, агар туйни тухтатмасангиз!

Дўхтир Ся унга тушунтиришга уриниб кўрди, бироқ у эътироз

билдиравериб чолнинг ғазабини жунбушга келтирди.

— Сизлар нима ҳақда ўйлаётганларингни мен жуда яхши биламан, — деди у ниҳоят, — умрим кўп қолгани йўқ. Сизлар бўлажак ўгай онангиздан қўрқаяпсизлар. Лекин у сизларга жуда яхши муносабатда бўлишига шубҳа қилмайман. Мен унинг поклигини жуда яхши биламан. У ўта фазилатли аёл...

«Фазилатли» сўзини эшитиб тўнгич ўгил пишқирди:

— Жорияда "фазилат" нима қилади! Аввалам бор яхши аёл жорияликка борармиди?!

У шундай деб бувимни хақорат қилакетди.

Дўхтир Ся ўзини тутиб туролмади. Ҳассасини кўтариб, ўғлини савалай кетди. У умр бўйи хотиржамлик ва ўзини тутишнинг намунаси бўлиб келганди. Бу аҳволни кўрган ва ҳамон тиз чўкиб турган оила аъзолари ҳангу манг бўлиб ҳолдилар. Чевара чинҳираб йиглаб юборди. Тўнгич ўгил бир зумга жим бўлиб ҳолди, сўнг яна баҳиришга тушди. Энди у фаҳат огриҳдангина эмас, гурури таҳ-ҳирланганидан ҳам дагдаға ҳила бошлади. Ахир, оиласи кўз ўнгида уни калтаҳлашди-я! Дўхтир Ся газабдан нафаси ҳисилиб, тўхтаб ҳолди. Ўгли яна бувимни ҳаҳоратлай бошлади. Отаси ўзини йўҳотиб, «овозингни ўчир» деб таёги билан шундай туширдики, ҳассаси синиб ҳолди.

Уғил таҳқир ва оғриқдан бир зумга қотиб қолди. Кейин туппон-

часмни чиқарди-да, отасининг юзига қаради:

— Садоқатли фуқаро императорга садоқатини ўз ўлими билан исботлайди. Эхтиромли фарзанд ҳам отасига нисбатан шундай ҳилади.

Мен жон берибгина сизни ишонтиришим мумкин.

Ўқ гумбурлади. Ўғил бир чайқалди-ю ерга қулади. У қорнига қараб ўқ узганди. Уни дарҳол яқин атрофдаги шифохонага жўнатишди. Кейинги куни у ўша ерда жон берди. Эҳтимол у ўзини ўлдирмоқчи бўлмагандир, отасининг қаршилигини енгиш учун томоша кўрсатмоқчи бўлгандир.

Ўғлининг ўлими дўхтир Сяни қаттиқ қайғуга солди. Лекин у хотиржамдек кўринарди. Атрофдагилар унинг ғамдан ич-ичидан зил кетаётганини сезиб туришарди. У маъюс бўлиб колганди.

Исян қайнарди: одамлар ғазабга тўлиб-тошди, бемаъни миш-мишлар тарқалди. Бўлиб ўтган воқеа учун бутун айбни дўхтир Ся ва бувимга қуйишарди. Аммо духтир уни хеч нарса тухтата олмаслигини кўрсатиб, уйланишга қарор қилди. Дафн маросими ўтгач, у тўй кунини белгилади. У болаларини булажак оналарига етарли даражада эхтиром кўрсатишлари керак деб огохлантирди ва шахарнинг эътиборли кишиларига таклифнома жўнатди. Дўхтир бувимга тўй маросимига яхшилаб тайёрланишни тайинлади. Бувим эса айбловлар дўхтир иккаласининг муносабатларига таъсир кўрсатишидан хавотирда эди. Лекин унинг асосий фазилати журъатлилиги эди. У ўзини айбдор эмаслигига ишонтиришга уринарди. Шу боисдан тантанали маросимга розилик берди. Тўй куни бувим ота уйини тарк этиб, тахтиравонда, муғаннийлар кузатувида йўлга чиқди. Манжурлар одатига кўра, унинг оиласи тахтиравон ёллади ва келинни куёвнинг уйигача бўлган йўлнинг ярмига олиб бориб қўйди. Куёв бўлса бошқа тахтиравон юборди ва келин йўлининг қолган қисмини унда босиб ўтиши керак эди. Келин иккинчи тахтиравонга ўтирадиган жойда унинг беш яшар укаси Юйлин энгашиб турди. Бу билан у онасини дўхтир Сянинг тахтиравонига елкасида олиб ўтаётганини ифодалади. Улар дўхтирнинг уйига етиб келишганда ҳам Юйлин шу вазиятни такрорлади.

Шундан сўнг келиннинг иккита дугонаси уни маросим ўтадиган уйга бошлаб кирдилар. Дўхтир Ся қизил кимхоб ёпилган стол ёнида турарди, стол устига Осмон, Ер, Император, Аждодлар ва Устознинг рамзий белгилари кўйилган эди. Куёв манжурларнинг анъанавий кийимида эди. У тиз чўкиб, рамзий белгиларга беш марта таъзим қилди-да, никох хонасига кирди.

Кейин бувим икки дугонаси кузатувида, беш марта тавозе билан тиз чўкиб таъзим бажо келтирди. Сўнг дўхтирнинг ортидан никох хонасига кирди. Дўхтир унинг устидан оғир ёпингичини ечиб олди. Келиннинг дугоналари уларга кади шаклидаги кўралар такдим этишди. Келин-куёв бу гулдон идишларни ўзаро алмашишди, дугоналар чиқиб кетишди. Духтир Ся билан бувим сукут сақлаганча бироз ёнмаён ўтиришди ва куёв қариндошлари ҳамда меҳмонлар ҳузурига чиқди. Бувим ўриндик устида ёлгиз бир неча соат кимир этмай ўтирди. У қизил қоғоз билан ёзилиб, деразага ёпиштирилган йирик иероглифда битилган «Қушалоқ бахт» сузидан куз узмасди. Меҳмонлар кетгач, дўхтир Сянинг ёш бир қариндоши кириб, бувимнинг енгидан уч марта тортди. У ўрнидан энди туриши мумкин эди. Бувим икки оксоч кумагида каштали кийимини ечиб, оддий кизил куйлак ва қирмизи лозим кийиб олди. Қимматбаҳо тошлар қадалған каттакон бош кийимини ечиб қуйди ва сочини халқалар билан қулоқлари орқасига турмаклаб қўйди.

Шундай қилиб, 1935 йилда менинг тўрт ёшли онам ва йигирма олти ёшга кирган бувим дўхтир Сянинг кенг ва ҳашаматли уйига кўчиб ўтдилар. Бу уй улкан меъморий мажмуа эди: унинг ички қисмида яшайдиган уйлар жойлашганди, ташқи томонда кўчага қараб амбулатория ва дорихона эгаллаганди. Одатда, иши юришган шифокорларнинг хусусий дори-дармон дўконлари бўларди. Уйнинг пештоқи чиройли қилиб безатилганди. Пештоқ марказига тилларанг иероглифлар билан ёзилган «Ся хонадони» деган

лавҳа осилганди.

Ўғли ўлганидан сўнг, дўхтир Ся қариндошларининг кўзларида таъна-дашномларини ҳис қилиб турарди. Лекин бувим билан гаплашганда, у асло ўз дардини айтмасди: хитой эркагининг шикоят қилишга ҳаққи йўқ эди. Албатта, бувим унинг азоб чекаётганини биларди, у билан бирга қайғурарди. Унга мулойим муносабатда бўлар, унинг барча истагини бажо келтиришга ҳаракат қиларди.

Бувим оила аъзолари билан тукнаш келиб қолганда ҳамиша жилмаярди, улар эса нафратини намойиш қилиш-ла жавоб ҳайтаришарди. Ҳатто собиҳ мактабдоши булган дугонаси ҳам ундан узини олиб ҳочарди. Бувим эса, тунгич угилнинг улимида уни айбдор ҳисоблашаётганидан азобланарди. Унинг бутун турмуш тарзи манжурчасига тус олди. У бир хонада ҳизи билан, духтир Ся эса алоҳида ётарди. Уйдагилардан фаҳат биргина «хайрли тонг» деган иборани эшитарди.

Байрам ёки бошқа тантанали маросимлар муносабати билан бутун оила аъзолари унга таъзим қилиб, илтифот кўрсатишлари керак эди. Бунга жавобан бувим ўрнидан туриб, стол ёнида қад ростлаши лозим бўларди. Бу билан уларнинг мархум оналари ўрнини бўшатиб бераётганини исботларди. Манжур урф-одатлари гўё бувим билан дўхтир Сяни бир-биридан узокрокда тутиб туриш учун атайлаб яратилгандек эди. Улар ҳатто бирга овқатланишлари ҳам мумкин эмасди. Бувим тамадди қилаётганда унга хизмат қилувчи келинлардан биттаси, албатта, орқасида пойлаб турарди.

Дўхтир менинг онамга яхши муносабатда бўлди ва ўз қизидай ўстирди. Онам уни «ота» деб чақирарди, дўхтир эса унга ўз фамилиясини берди. Онам ҳанузгача Ся фамилияси билан аталади. Исмини эса Дэхун қўйишди. Бу сўз икки рамздан иборат бўлиб, хун — ёввойи

гоз¹, дэ − саховатли маъносини билдирарди.

Духтир Сянинг оиласи бувимни ошкора ҳаҳорат ҳилишга ботинолмасди. Бу уз «оналари»га хоинликдай буларди. Лекин бувимнинг ҳизи — бошҳа гап. У онасининг эркалашларини яхши эслайди, айни пайтда Ся оиласида болаларнинг унга ўтказган зуғумларини ҳам унутгани йуҳ. У йигламасликка ҳаракат ҳилар, ҳизарган ва куҳарган жойларини курсатмасликка уринарди. Лекин бувим нималар булаётганини яхши биларди. Онам жанжал чиҳмасин ва кайфияти бузилмасин деб дуҳтирга айтмасди. Дардини ичига ютиб юрарди.

Онамнинг энг яхши дўстлари — уй ҳайвонлари: бойўгли, бир неча ҳисҳа жумланигина айта оладиган чугурчиҳ, лочин, мушуҳ, оҳ сичҳонлар эди. Одамлардан эса ўз онаси, яъни бувимдан ташҳари, дўхтир Сянинг араваҳаши — Катта Ли онамнинг энг яҳин одами эди. Ба-

қувват бу одам Хинган тоғлари томонларидан эди.

Катта Ли онамга жониворларнинг қилиқлари тўгрисида гапириб берарди. Ўша пайтлар Шимолий Манжурия тогларида кўп учрайдиган йўлбарслар ювош, агар хавфни сезмасалар, улар одамга тегмайди. У йўлбарсларни яхши кўрарди. Айиқлар бошқа гап: улар ваҳший бўлади. Айиқлардан узоқроқ юриш керак. Агар айиққа дуч келсанг, у бошини туширмагунча қимир этмай турганинг маъқул. Унинг пешонасида ёли бўлади. Бошини эгса ёли кўзига тушиб, қарашга халақит беради. Бўрини кўриб қолсанг, бурилиб қоча кўрма, чунки ундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Тўхтаб, гўё қўрқмаётгандай унинг кўзига тик қарашинг лозим. Кейин аста-секин чекинишинг мумкин. Йиллар ўтиб, Катта Лининг маслаҳати онамнинг ҳаётини сақлаб қолганди.

¹ Хитой фольклорида «ёввойи «гоз» атамаси олис юртдан келувчи хабарнинг анъанавий рамзидир. Муаллиф европалик ўкувчи онгига яқин бўлсин деган маънода гоз эмас, балки оққуш образидан фойдаланган.

Бир сафар онам беш ёшдалигида ўз жониворлари билан богда ўйнаб юрган эди. Дўхтир Сянинг набиралари онамни ўраб олишди, уни туртиб, ҳақорат қилиб, кейин у ёқдан-бу ёққа судраб ура бошлашди. Улар онамни богнинг бир бурчагига қисиб боришди, у ерда суви қуриган бир қудуқ бор эди, уни итариб юборишди. Қудуқ чуқур эди, онам унинг тубидаги тошга қаттиқ урилди. Ниҳоят, кимдир онамнинг чинҳиригини эшитиб, Катта Лини чаҳирди. У нарвон кўтариб югуриб келди. Ўша пайтда ўзини йўҳотганча бувим ҳам келиб ҳолди. Бир неча даҳиҳалардан сўнг Катта Ли онамни қудуҳдан ҳушсиз ҳолда олиб чиҳди. Бувим уни уйга олиб кирди, дўхтир Ся онамни кўздан кечириб, сон суягидан бири синганини аниҳлади. Онам шўрлик умр бўйи оҳсоҳ бўлиб ҳолди.

Дўхтир Ся «нима бўлди?» деб онамдан сўраганда, у набираси Олтинчи итариб юборганини айтди. Дўхтирнинг кайфиятига жуда сезгир бўлган бувим онамнинг гапини бўлди, чунки Олтинчи унинг севимли набираси эди. Дўхтир хонадан чиққач, бувим онамга шикоят қилмасликни тайинлади, акс холда у киши хафа бўлади, деди. Кейин оёги сингани туфайли бувим анча вақтгача кўчага чиқолмади. Колган болалар ундан бутунлай юз ўгиришди.

Ана шу воқеадан сўнг дўхтир Ся уйда кўринмай қолди. У бир неча кунлар келмай қоларди. Дўхтир йигирма мил жанубда бўлган Цзиньчжоу шахрига қатнаб иш қидирарди. Уйдаги вазият чидаб бўлмас даражада эди, сал бўлмаса онамнинг ўлиб кетишига сабаб бўлай деган

вокеа эса уни кўчиб кетиш зарурлигига ишонтирди.

Бу жуда жиддий қарор эди. Хитойда катта оила соҳиби бўлиш буюк шараф ҳисобланарди. Бир неча авлоднинг бирга яшаши жуда эъзозланарди. Бундай катта оиланинг парчаланиши эса фожиа саналарди. Шунга қарамай, дўхтир Ся бунга жазм этди. Бу бувимга ҳам маъқул эди. Таънаю дашномлар, таҳқирлашлар унинг жонига тегиб кетди. Бувим енгил нафас олгандай бўлди.

Дўхтир Ся ўз мулкини қариндошларига бўлиб берди. Манжур императорлари томонидан аждодларига берилган буюмларнигина ўзига олиб қолди. Тўнгич ўглининг бевасига ернинг ҳаммасини берди. Ўртанча ўгил дорихонага эга бўлди. Кенжасига уй тегди. Дўхтир Катта Ли ва бошқа хизматкорларига ҳам ғамхўрлик ҳилди. У бувимдан: «Қашшоҳликдан ҳўрҳмайсанми?» деб сўраганида:

— Менинг бахтим учун қизим ва сиз бўлсангиз бас, — дебди бувим. — Муҳаббат билан ҳатто оддий булоқ суви ҳам ширин бўлади...

1936 йилнинг совук декабр кунида бутун оила уларни кузатиш учун марказий дарвоза олдида тўпланди. Отасининг уйланишига қарши чиқмаган ўгли Дегуйдан бошқа хеч кимнинг кўзида ёш кўринмасди. Катта Ли уларни станцияга олиб чиқди, онам у билан йиглаб хайрлашди. Бироқ поездни кўрганда жудаям кувониб кетди. Илк бор у поездга бир ёшида чиққанди, хозир эса вагон ойнасидан атрофни завкланиб кузатиб борарди.

Цзиньчжоу, қарийб ўн минг ахолиси бўлган йирик шахар эди. У мамлакатдаги тўққиз вилоятдан бири — Маньчжоу-чонинг бош кенти эди. Шахар денгиздан ўн мил масофада, Манжурия Буюк Хитой деворига туташган ерда жойлашган. Исян сингари қалъа девори билан ўраб олинган бу шахар жуда тез ўсди ва девор ташқарисида ҳам анча кенгайди. Шаҳарда бир неча фабрика, иккита нефтни қайта ишлаш заводи бор эди. У катта темир йўл чорраҳасида жойлашган, ҳатто ўз аэропортига ҳам эга эди.

Японлар бу шаҳарни 1932 йилнинг январида оғир жанглардан сўнг эгалладилар. Стратегия жиҳатдан муҳим бўлган бу аҳоли манзилини босиб олиш Манжуриянинг енгилишида ҳал ҳилувчи роль ўйнади ва Япония билан Қўшма Штатлар ўртасида жиддий дипломатик низолар туғдирди. Айнан шу низолар ҳатор воҳеаларга сабаб бўлди ҳамда ўн йилдан кейин Пёрл-Харбор ҳодисасига олиб келди.

1931 йилда японлар Манжурияга хужум бошлаганда, Ёш Маршал Чжан Сюэлян ўз пойтахти Мукден¹ни уларга топширишга мажбур бўлди. У икки юз минг кишилик қўшин билан Цзиньчжоу шахрига кириб, ўзининг янги қароргоҳини ташкил этди. Шаҳарни осмондан бомбардимон қилган японлар, бу, тарихда илк бомбалар ҳужумидан бири эди, Цзиньчжоуни эгалладилар ва ваҳшийлик қила бошладилар.

Олтмиш олти ёшга кирган дўхтир Сяга айнан шу Цзиньчжоу шахрида хамма нарсани янгидан бошлашга тўгри келди. Дўхтирнинг маблаги энг камбагал махаллалардан бирида лойдан ясалган хароб кулбани сотиб олишга зўрга етди. Дарё сувини тўсиш учун тикланган тўгон ёнида курилган бу кулба атрофи қишда музлар, ёзда чивинлар кўзни очирмасди. Тез-тез бўлиб турадиган тошқинлар хаётни баттар огирлаштирарди. Совуқ одамнинг эт-этидан ўтиб кетарди, на электр куввати, на сув кувури ўтказилмаганди.

Шу кулбанинг шундоққина рўпарасида Қуёш Тангрисига атаб курилган нақшинкор ибодатхона бор эди. Ибодат қилгани келганлар отларини Ся кулбаси олдига боглаб қўярдилар. Ҳаво исиган кунлари дўхтир Ся кечкурунлари онамни етаклаб дарё соҳилида сайр қилар ва мумтоз шеърлардан ўқиб берарди. Бувим улар билан сайрга чиқмасди: эр-хотиннинг бирга юришини ғайритабиий қабул қилишар, бунинг устига танғиб богланган оёқлар бувимни сайр қилиб юриш завқидан маҳрум этганди.

Улар оч-нахор яшашга мажбур эдилар. Исянда оилани озиқ-овқат билан дўхтир Ся ери таъминларди. Гарчи японлар улар донининг анчасини тортиб олган бўлсалар-да, уйда ҳамиша гуруч топиларди. Энди даромад анча камайди, японлар эса бож-хирож улушини тағин оширдилар. Бу ерда етиштирилган кўп нарсаларни Японияга олиб кетиларди. Улкан япон армияси Манжурияда гуруч ва бугдойни бутунлай олиб қўяр, маҳаллий аҳоли маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари билан кун кўрарди. Кўпинча улар ҳам етишмасди.

Бувим бунақа камбағалликни сира кўрмаганди. Лекин, барибир, бу унинг ҳаётидаги энг бахтли дамлари эди. Дўхтир Ся уни жондан яхши кўрарди, ҳизи ҳамиша ёнида эди. Оғир манжур урф-одатларини бажариш азобидан ҳутулганди. Лойсувоҳ ҳулбада тез-тез ҡулги жаранглайдиган бўлиб ҳолди. Баъзан бувим билан дўхтир карта ўйнашарди. Агар дўхтир ютҳазса, бувим унинг пешонасига уч марта чертарди. Борди-ю, бувим ютҳазса, дўхтир уни учта ўпиш билан мукофотларди.

Бувимнинг қўшнилари орасида дугоналари пайдо бўлди. Бу ҳам янгилик эди. Уни камбағал бўлса ҳам дўхтирнинг хотини сифатида ҳурмат қилишарди. Кўп йиллик таҳқирлашлардан сўнг бувим, ниҳоят, ўзини эркин ҳис эта бошлади.

Улар дугоналари билан тез-тез томоша кўрсатишарди: эски манжур халқ кўшикларини куйлашар, раксга тушишарди. Бувим бундай кечаларни ёктирарди ва уларга олдиндан тайёргарлик кўрарди. Доира чалиб, кўшик айтарди, унинг сўзларини кўпинча ўзи тўкирди. Ле-

¹ М у к д е н— хозирги Шиньян.

кин атрофдаги ҳаёт оғир эди. Ҳар бир кун яшаш учун курашга айланиб борарди. Гуруч ва буғдойни чайқов бозоридагина топиш мумкин эди. Бувим генерал Сюэ совга килган кимматли буюмларини сота бошлади. Буни сезиб қолған дўхтир эътироз билдирди.

 Мен қариб қолдим, — деди у, — ўлиб-нетиб қолсам, сени ана шу қимматбаҳо буюмлар боқади. Очликдан ўлиб кетишингга йўл

Дўхтир бошқа бир шифокорнинг дори-дармон дўконида хизмат қиларди. Уз истеъдодини намоён қилишга имкони йўқ эди. Лекин тинимсиз ишларди, шу туфайли аста-секин донг таратди. Тез орада уни биринчи мижозга чақириб қолишди. Ўша оқшом у қуруқ қайтмади:

– Қани топинглар-чи, ушбу тугилган матода нима бор? — деди

бувим билан онамга.

Онам тугунчадан кузини узолмасди, у «буғирсоқ» деб қичқиришга улгурмай тугунчани ечишга киришди. Қувончдан ёноқлари ёниб, бошини кўтариб дўхтирга қаради. Сянинг кўзлари порлаб турарди. $\bar{\mathrm{Y}}$ шандан бери эллик йилдан ошиқ вақт ўтди, лекин онам ўша бахтли нигохни хали-хали эслайди ва хануз: «Умримда бунақанги ширин бўғирсоқ емагандим. Буғдой унидан пиширилган бўғирсоқлар бирам ширин эдики!" – дейишдан чарчамайди.

Дўхтирни уйга чақириш Ся учун жуда мухим эди, чунки мижозлар пулни унинг хужайинига эмас, ўзига тулардилар. Агар мижознинг кўнгли тўлса ёки бадавлат бўлса, дўхтир хизмат ҳақига яхшигина бўнак оларди. Миннатдор мижозлар унга Янги йил ёхуд байрам кунлари совга-саломлар хам хадя этишарди. Ана шундай бир неча

чақириқлардан сўнг дўхтирнинг иши анча юришиб кетди.

Унинг довруги ортиб борарди. Бир сафар вилоят губернаторининг хотини хушидан кетиб қолганда дўхтир уни хушига келтирди. Буни худди ўликни тирилтиришдек қабул қилишди. Губернатор ёрлиқ буюртириб, унга ўз қўли билан: «Одамларга ҳаёт бағишловчи дўхтир Ся» деб ёзиб қуйди. Кейин уша ёрлиқ лавхани махсус вакиллар куза-

тувида бутун шахар бўйлаб олиб ўтишни амр этди.

Кўп ўтмай губернатор унга бошқа бир хусусда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унинг хотини ва ўн икки нафар жорияси бор эди, лекин уларнинг хеч бири туғмаганди. Губернатор дўхтир Ся пуштсизликни даволашга уста эканини эшитиб қолиб, уни чақиртирди. Дўхтир губернаторга ва унинг ўн уч аёлига дамлама ёзиб берди. Уни ичган хонимлардан бир нечтаси хомиладор бўлди. Аслида хамма гап губернаторнинг ўзида эди. Бироқ дўхтир Ся устомонлик билан иш тутиб, губернаторни, хотинини ва аёлларини биргаликда даволаган эди. Хурсандлигидан эсанкираб қолган губернатор дўхтир Ся ҳақида: «Гуаньинь тимсоли» деган янада каттароқ ёрлиқ ёзиб берди. Янги ёрлиқни дўхтирнинг уйига катта дабдаба билан олиб боришди. Шундан кейин дўхтир хузурига одамлар тўрт юз мил шимолда жойлашган Харбиндан хам кела бошлашди. Дўхтир Сянинг номи Маньчжоу-годаги тўрт «тиббий дахо»лардан бири сифатида машхур бўлиб кетди.

1937 йилнинг охирида Цзиньчжоуга келганидан бир йил ўтгач, дўхтир Ся кенгрок уйга кўчиб ўтди. Бу уй шахарнинг эски дарвозасидан ташқарида эди. У дарё бўйидаги кулбадан анча яхши эди: пахсадан эмас, балки қизил ғиштдан тикланган, бир эмас, учта ётоқхонаси бор эди. Дўхтир Сяда яна амалиёт билан шуғулланиш имкони туғилди. Мижозларни у ўз мехмонхонасида қабул қиларди. Турмуш-

¹ Г у а н ь и н ь— фарзанд ато этувчи Будда шафқат маъбудаси.

Чжан	Жун .								 Ёввойи	оққушлар		
			_		п		1		,			

лари изига тушиб кетди. Лекин улар фарзанд кўришмади. Бувим ёш бўлсалар-да, дўхтир Ся олтмиш бешдан ошган эди...

«МАНЬЧЖОУ-ГОДА ЯШАШ ҚАНДАЙ ЯХШИ»

(1938-1945)

1938 йил кирди, онам етти ёшда эди. У ақлли қиз бўлиб, ўқишни жуда-жуда истарди. Ота-онаси янги ўкув йили бошланиши билан у мактабга боради, деб ҳисоблашарди. Ўқиш хитой Янги йилидан кейиноқ бошланарди.

Японлар таълим сохасини, айникса, мактабда ўтиладиган тарих ва ахлок-одоб дарсларини каттик назорат килардилар. Давлат тили хитой тили эмас, япон тили эди. Бошлангич мактабнинг тўртинчи синфидан кейин хамма дарслар япон тилида олиб бориларди. Укитувчиларнинг аксарияти японлар эди.

1939 йилнинг ўн биринчи сентябрида Цзиньчжоу шахрига Маньчжоу-го императори Пу И рафикаси билан келди. Иператор аёлига гуллар тутишни бошлангич мактабнинг иккинчи синф ўкувчиси бўлган онамга ишониб топширишди. Минбарга Маньчжоу-гонинг сарик байрогини кўтарган кўплаб одамлар тўпланганди. Онамга катта гулдаста бердилар. У оркестр ва олий мартабали шахслар ёнида магрур турарди. Унинг ёнида худди ўшандай ёшдаги бола Пу Ига бериладиган гулдастани кўтариб олганди. Император ва унинг рафикаси кўриниши билан оркестр Маньчжоу-го мадхиясини чала кетди. Хамма тик котиб турарди. Онам олдинга чикди ва таъзим бажо келтирди. Император хоними оппок кўйлакда, тирсагигача ок кўлкоп кийганди. Жуда гўзал экан, деб ўйлади онам. У кўз кири билан харбий кийимдаги император Пу Ига караб кўйди. Кўзойнакнинг калин ойнаси ортида онам «чўчка» кўзларини хис этди.

Онам аъло баҳоларга ўқирди, лекин фақат аъло ўқигани учунгина ҳазрати олияларига гул тутгани йўқ. У манжур қизи бўлгани учун ҳам гул тутди. Чунки у барча ҳужжатларда ўзини дўхтир Сянинг қизи деб кўрсатарди. Ўша пайтда Маньчжоу-го манжурларнинг мустақил давлати деб ўйлашарди. Император Пу И японлар учун жуда қўл келарди, чунки одамларнинг кўпчилиги уларни манжур императори бошқараяпти деб ўйлашарди. Дўхтир Ся ўзини унинг содиқ фуҳароси деб ҳисобларди, бувим ҳам шу фикрга қўшиларди.

Мактабда онамни у Маньчжоу-го мамлакатида яшаяпти деб ўкитишарди. Унга қушни булган икки мамлакатдан бири— душман, уни Чан Кайши бошқарарди, иккинчиси— дуст, унда Ван Цзинвей хукмдор. У таркибида Манжурия хам булган Хитойни сира тасаввур килолмасди.

Мактаб ўқувчиларини Маньчжоу-го давлатининг фуқаролари сифатида тарбиялардилар. Онам ёдлаган дастлабки қушиқлардан бири шундай эди:

Қип-қизил болалар, ям-яшил қизлар Шодон боришмоқда кўчалар бўйлаб. Маньчжоу-года яшаш қандай яхши, Дея юришибди ҳаммаси сўйлаб. Кишилар яшайди осойишта, шод, Ишлашар қайғудан ва ғамдан озод...

 $^{^{1}}$ В а н Ц з и н в е й — Хитойнинг шимоли-шарқий вилоятининг қўгирчоқ хукмдори.

Ўқитувчилар Маньчжоу-го — бу ер юзидаги жаннат деб таъкидлардилар. Лекин ҳатто онам ҳам ёш бўлишига ҳарамай, агар бу жаннат бўлса, фаҳат японлар учун эканлигини яхши тушунарди. Япон болалари иссиҳ ва яхши жиҳозланган алоҳида мактабларга боришарди. Маҳаллий болалар тўкилай деб турган мактабларда ўҳишарди. Синфхоналари иситилмасди. Ҳиш пайтлари ўҳувчилар исиниб олиш учун, мактаб биносини айланиб чопардилар.

Япон муаллимлари маҳаллий ўқувчиларни таҳқирлар, урардилар, қор устида узоқ вақт тиз чўктириб жазолардилар. Маҳаллий болалар японни кўрса бош эгиб таъзим қилиши, у ҳатто ўзидан кичкина бўлса ҳам йўл бериши керак эди. Ҳатто катталар ҳам японларга эгилиб таъзим қилардилар. 1940 йилда Цзиньчжоуда ўн беш мингта яҳин япон яшарди. Японлар қушни уйда яшашарди, бувим уларга дустона муносабатда буларди. Оила бошлиги амалдор эди. Ҳар куни эрталаб ўз идорасига рикша¹да кетар экан, хотини ва учта боласи уни таъзим билан кузатиб ҳоларди.

Япон аёли эрини қарийб кўрмасди ва ўзини ёлгиз ҳис этарди. У тез-тез бувимникига кириб турар ва ўзи билан саке² олиб келарди. Бувим газак учун у-бу тайёрларди. Бувим бир оз японча гапирар, япон хоним эса сал-пал хитойча. Улар гаплашиб ўтиришар, қўшиқ айтишар, биргаликда йиглашарди. Баъзи-баъзида богда бир-бирига кўмаклашишарди. Онам ҳам уларнинг богига чиҳиб, ўйнаб турарди.

Лекин японларнинг қилаёттан ишлари бувимнинг оиласига ҳам етиб келарди. Шимолий Манжуриянинг бепоён кенгликларида японлар қишлоқларга ўт қўяр, тирик қолган одамларни «стратегик жойларга» ҳайдашарди. Аҳолининг олтидан бир қисми, беш миллиондан зиёд киши бошпанасиз қолди, ўн минглаб одамлар ҳалок бўлдилар. Ишчилар шахталарда ўлардилар. Улар Японияга жўнатиш учун кўмир қазирдилар. Манжурия ер ости қазилмаларига жуда бой эди. Уларда ишловчилар оч-наҳор яшашар, касалга чалиниб, қочиб кетишга ҳам мажоллари етмасди.

Дўхтир Ся кўпдан бери: «Император японларнинг шафқатсизлиги ҳақида билмайди», деб таъкидларди. Чунки унинг ўзини уларнинг қўлида тутқин деб ҳисобларди. Лекин Пу И Японияни аввалгидай «дўстона қўшни давлат» деб эмас, балки «катта оға — давлат», кейин эса «қардош давлат» атай бошлагач, дўхтир Ся мушти билан столга уриб, уни «калтафаҳм қўрқоқ» дея сўкина бошлади. Сўнгра унинг оиласида иккита қайғули воқеа содир бўлди.

1941 йилнинг охирларида дўхтир Сянинг хонасига нотаниш бир киши кириб келди. Жулдур кийимдаги бу одам озиб-тўзиб кетган, қаддини кўтаролмасди. У темир йўлда ҳаммол бўлиб ишлашини, қорнида ҳаттиҳ огриҳ азоб бераётганини айтди. Ишда у йилига уч юз олтмиш беш кун огир юк таширкан. Ҳаммол:

— Агар ишламасам хотиним билан янги тугилган боламни қандай боқаман, — деб нолиди.

— Бу одамнинг меъдаси дағал озуқани хазм қилолмайди, — деб

тушунтирди дўхтир.

1939 йилнинг 1 июнидан хукуматнинг қарори билан гуруч заҳиралари японларга топшириладиган бўлди. Аҳолининг кўпчилиги эман дарахтининг меваси — чўчҳаёнғоҳ ва гаолян билан озиҳланарди. Уларни ҳазм ҳилиб бўлмасди. Дўхтир Ся ўша одамга бепул дори берди ва бувимдан унга бир тўрвада гуруч бериб юборишини тайинлади. Бу гуруч маъмурлардан яширинча, чайҳов бозоридан сотиб олинган эди.

¹ Р и к ш а — одам тортади (хайдайди)ган извош.

² С а к е — японлар ароғи.

Кўп ўтмай дўхтирга ҳалиги одамнинг концлагерда ўлганини хабар ҳилишди. Шифохонадан ҳайтиб келган ҳаммол гуруч овҳатини еб, ишга чиҳибди. Ишда у ҳайт ҳилибди. Назоратчи унинг ҳусуғида гуруч борлигини кўриб, ҳаммолни ҳибсга олиб, уни «иҳтисодий жиноятчи» сифатида лагерга жўнатибди. Лагерда у бир неча кунгина яшабди. Эрининг ўлганини эшитган аёли боласи билан ўзини сувга ташлаб ҳалоҳ бўлибди.

Бу вокеа дўхтир билан бувимни қаттиқ қайғуга солди. Улар хаммолнинг ўлими учун ўзларини айблашарди. «Ха, — деди дўхтир, — гуруч қутқариши билан бирга ўлдиради хам! Кичкина тўрва уч умрга зомин бўлди!» Пу Ини энди у «Мустабид» деб атай бошлади.

Кўп ўтмай яна бир кулфат юз берди. Дўхтир Сянинг кенжа ўгли Исянда ўкитувчи бўлиб ишларди. Маньчжоу-гонинг барча мактабларида бўлгани сингари директор — японнинг хонасида Пу Ининг каттакон расми осиглик турарди. Хонага кирувчилар расмга таъзим бажо келтиришлари шарт эди. Бир сафар Сянинг ўгли таъзим килишни эсидан чикарди. Директор: «Дарҳол таъзим кил!» дея бақирди ва унинг юзига шундай урдики, ўкитувчи йикилишига сал қолди. У газаб билан:

— Нега мен ҳар куни икки букилишим керак? Қаддимни бир зумга бўлса-да, тик тутишга ҳақҳим йўҳми? Эрталабки мажлисда унга эгилиб таъзим ҳилдим-ку?!» — деб жавоб берди.

Директор унга яна шапалоқ туширди ва тўнгиллади:

— Бу сизнинг императорингиз! Сиз, манжурларни оддий одобахлоққа ҳам ўргатиш керак!

— Буни қаранг-а! Бу оддий қоғоз-ку, ахир?

Маҳаллий ўқитувчилардан иккитаси уни бошқа хатти-ҳаракатидан зўрга тутиб қолишди. У сал сергак тортиб, таъзим бажо келтирди-да чиқиб кетди.

Кечқурун унинг уйига дўсти келиб, уни «мафкуравий жиноятчи» деб эълон қилишганини айтди. Демак, унга қамоқ ёки ўлим жазоси хавф солаётганди. У қочиб кетди, ўшандан бери оиласи ўқитувчи ҳақида ҳеч қандай хабар эшитмади. Эҳтимол, уни ушлаб қамаб қуйишгандир ёки лагерга ташлашгандир ва у ўша ерда ўлиб кетгандир. Бу воқеа дўхтир Сяга жуда огир таъсир қилди ва у ўша ваҳтдан эътиборан Маньжоу-го ҳамда Пу Ининг ашаддий душманига айланди.

Кўргиликлар шу билан тугамади. Маҳаллий гангстерлар¹ дўхтирнинг тирик қолган ягона ўғли Дегуйни таъқиб қила бошладилар. Сени «ҳимоя» қилаяпмиз дея пул талаб қила бошладилар. У пул бериб турди, лекин таъмагирлар яна кўпроқ талаб қила бошлашди. Ниҳоят, у дўконини сотиб, Исяндан кетишга мажбур бўлди. У Мукденга бориб, янги дўкон очди.

Дўхтир Сянинг ишлари юришиб борарди. У маҳаллий аҳоли билан бирга японларни ҳам даволарди. У олий мартабали япон офицерларига нафрат билан қараса-да, ҳамма мижозларга бирдек муносабатда буларди. Уша пайтларда бувим ўз онаси—катта бувимни Цзиньчжоуга олиб келди. Бувим дўхтир Сяга турмушга чиқиб, уйни тарк этганда, онаси унга нафрат-ла қаровчи эри ва икки мўгул-жория билан қолганди, улар катта бувимни ёмон кўришарди. Унда жориялар катта бувимни ва кичкина Юйлинни заҳарлашмоқчи деган шубҳа тугилди. У ҳамиша кумуш таёқчалардан фойдаланарди, чунки хитойлар кумуш заҳардан қорайишига ишонардилар. Шу боисдан у таомни ку-

 $^{^{1}}$ Γ а о л я н— манжур қўноги.

² Гангстерлар—босқинчи, қароқчилар.

чукка едириб кўрмасдан олдин на ўзи татиб кўрарди, на ўғлига йўл кўярди. Бир куни бувим кетганидан кейин кучук ўлиб қолди. Катта бувим биринчи бор эри билан жанжаллашди. Қайнонаси — кекса Ян хоним ёрдамида Юйлинни ҳам олиб, ижарага олинган уйга кўчиб ўтди. Кекса Ян хоним ўғлидан шундай ғазабландики, келини билан кетиб колди.

Дастлабки уч йил Ян уларга истар-истамас ёрдам бериб турди. 1939 йилнинг бошларидан ёрдам бермай қуйди. Энди духтир Ся билан бувим уларнинг учаласига қарашиб туриши керак эди. 1942 йилда кекса Ян хоним вафот этгач, катта бувим Юйлин билан бирга Цзиньчжоуга, дўхтир Сянинг уйига кўчиб келишди. Бувим ҳам севимли синглиси Ланни чақириб олди. Исянда Лан турмушга чиққан эди. Эри бесоколбоз экан. У хотинини бой амакисига таклиф этди. Узи шу амакисининг ёг тозалаш заводида ишларди. Тўнгиз қўпкур амаки уйида бир неча аёлни, шу жумладан, набирасини хам зўрлаган эди. У оиланинг бошлиги булгани учун чекланмаган хокимиятга эга эди. Лан қаршилик кўрсатишга ботина олмади. Лекин эри уни амакисининг корчалон шеригига тавсия этганида, Лан чидаб туролмади. Бош кўтарди. Бувим синглисини эридан қайтариб олиш учун пул тўлади, чунки аёл киши ажралиш ҳақида ариза беришга ҳаққи йўқ эди. Бувим Ланни Цзиньчжоуга олиб келди ва Пэй-о деган одамга эрга берди.

Пэй-о қамоқхонада назоратчи бўлиб хизмат қиларди. Эр-хотин бувимникига келиб туришарди. Пэй-онинг гапларини эшитган онамнинг сочлари тикка бўлиб кетарди. Қамоқхона сиёсий махбуслар билан тўлиб кетганди. Пэй-о тез-тез уларнинг жасорати ҳақида гапириб берарди. Маҳбусларни қийноқларга солишаётганда ҳам улар мардона туриб японларни ланъатлардилар. Қийноқлар мунтазам ўтказилиб туриларди, маҳбусларни ҳеч ким даволамасди. Йиринг боғлаётган яраларга ҳеч ким эътибор бермасди.

Дўхтир Ся маҳбусларни даволашга рози бўлди. Қамоқхонага касал ва ярадорларни даволаш учун илк бор борганида Пэй-о дўхтирни дўсти Дун деган кишига таништирди. Дун қамоқхонада бўғувчи жаллод бўлиб ишларкан. У жазоланаётган маҳбусни стулга боғларканда, бўйнига арқон солиб аста-секин торта бошларкан. Жазолановчи жуда секин, қийналиб жон таслим қиларкан.

Дўхтир божасидан Дун виждонан азоб чекаётганини билиб олибди. У одамни бўгишдан олдин ичиб оларкан. Ся уни уйига таклиф этди ва у-бу нарсалар ҳадя ҳилди. Гап асносида дўхтир Ся жаллод Дунга «балки арҳонини охиргача тортиш шарт эмасдир» деб шипшиб ҳўйди.

Уйлаб кўраман, — деди Дун.

Одатда қатл этиш пайтида япон соқчиси ёки ишонч қозонган коллаборационист ҳозир бўларди. Лекин, баъзан жазоланаётган маҳбус унчалик муҳим шахс бўлмаса, японлар иштирок этмасди. Баъзан эса қатл этилувчи ўлиб бўлмасдан кетиб қолишарди. Шундай пайтда, деб ўйлади Дун, бўгишни тўхтатса ҳам бўлади.

Қатлдан сўнг маҳбуснинг жасадини ёғоч қутига солиб, аравада олис харобазорга олиб боришарди. Жанубий тепалик деб аталувчи бу жойдаги жарликда мурдалар билан озиқланувчи ёввойи кўппаклар изғиб юрарди. Мазкур жарликка янги туғилган ва қариндошлари томонидан ўлдирилган қиз-чақалоқлар ҳам ташланарди.

¹ Коллаборационист— хоин, душман томонга ўтиб ишлаётган соткин.

Дўхтир Ся кекса аравакаш билан алоқа боглаб, унга пул берди. Баъзида аравакаш дўхтирнинг хонасига кириб, ўзича нималардир деб мингирларди: кейин қабристон ҳақида гапириб қоларди: «Мен ўлганлар руҳига айтдим, бу дунёни тарк этганларингда менинг айбим йўқ, деб. Сизларга яхшилик қилишни истадим, дедим». Руҳлар, кейинги йили яна учиб келинглар, бир йилликларингни нишонлашга. Борди-ю, ўзларингта яхшироқ жасадни танлаб олмоқчи бўлсаларинг, бошларинг қаратилган томонга учиб боринглар. Тўгри йўл шу». Дун билан аравакаш нима қилганлари ҳақида ўзаро сира гаплашмасдилар. Дўхтир Ся улар ҳанча одамни қутқаргани ҳақида билолмади ҳам. Урушдан кейин қутқарилган «мурдалар» пул йигиб, Дун учун томорқаси бор уй сотиб олиб бердилар. Бу пайтда аравакаш ҳаётдан кўз юмганди.

Хаёти қутқариб қолинганлар орасида бувимнинг узоқ қариндоши, қаршилик кўрсатиш ҳаракатида муҳим роль ўйнаган Хань-чэн деган киши ҳам бор эди. Цзинь-чжоу шаҳри Буюк Хитой деворидан шимолдаги асосий темирйўл тармоги бўлгани учун японлар Хитойга ҳужум қилиш ниятида қўшинларини шу жойга тўплай бошлаганди. Бу 1937 йилнинг июлида рўй берди. Хавфсизлик чоралари жуда шаф-қатсиз эди, Хань-чэннинг ташкилотига айгоқчи киритиб, бутун гуруҳни ҳибсга олишди. Ҳаммани ҳийноҳҳа солишди. Аввало, уларнинг бурунларига ҳалампир аралаштирилган сув ҳуйишди, кейин тагига мих ҳадалган этик билан юзларига тепишди. Кўпчилигини ҳатл этишди. Ся узоҳ ваҳт Хань-чэн тирик бўлмаса керак деб ўйлаб юрди. Бир куни Пэй-о унинг тириклигини ва тез орада ҳатл этажакларини айтди. Дўхтир Ся дарҳол Дун билан богланди.

Қатл кечаси дўхтир Ся билан бувим аравада Жанубий тепаликка боришди. Улар дарахтлар ортида тўхтаб, кута бошлашди. Жарлик атрофида ёввойи кўппаклар изғиб юришганини кўришди. Сасиган мурдалар хидидан кўнгил айнирди. Ана, арава кўринди. Улар аравакашнинг ёгоч кутилардан жасадларни агдараётганини кўришди. Аравакаш жўнаб кетгач, улар жарлик ёнига келишди. Мурдалар орасидан кидириб Хань-чэннинг жасадини топишди, лекин у тирикми, ўликми билишолмади. Нихоят, унинг нафас олаётганини сезишди, лекин у юролмасди. Жуда қаттиқ қийнашган экан. Бир амаллаб аравага ортиб, уйга олиб келишди.

Уша пайтда онам ўн уч ёшда эди. Ота-онаси уни огохлантирмаса хам, Хань-чэннинг уйларида яшаётганини хеч кимга айтмаслик кераклигини онам яхши биларди. У ёшликдан эхтиёткорликка ўрганганди. Бувим Хань-чэнни даволаб оёкка тургизди. Уч ойдан сўнг у кувватга кириб, йўлга чикадиган холга келди. Хайрлашув жуда хаяжонли ўтди.

 Катта опа, катта оға, — деди у, — ҳаётимни сақлаб қолдинглар, сизларни ҳеч қачон унутмайман...

Орадан уч йил ўтиб, у сўзининг устидан чикди.

Онам ва унинг дугонаси Япониянинг ҳарбий муваффақиятларидан ҳабардор бўлиб туришлари шарт эди, бу мактаб дастурига кирарди. Японлар ўз шафқатсизликларидан ор қилмасдилар, аксинча, кишиларга даҳшат солишлари билан фахрланардилар. Фильмларда япон аскарлари одамларни иккига бўлиб ташлашларини, қозиққа боғланган маҳбусларни итлар қандай бурдалашларини намойиш қилишарди.

1942 йилда жабҳалари Хитой, жануби-шарқий Осиё ва Тинч океан соҳили бўйлаб чўзилган японлар ишчи қўллари етишмаслигини ҳис ҳила бошладилар. Онамларнинг бутун синфини япон болалари билан биргаликда тўҳимачилик фабрикасида ишлашга жўнатишди. Маҳаллий аҳоли ҳизлари ҳар куни тўрт милга яҳин йўлни икки марта пиё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да босиб ўтишлари керак эди, япон болаларини юк машинасида олиб боришарди...

Японларнинг кундан-кунга қахри қаттиқлашиб борарди. Бир куни онамнинг дугонаси тақиқланган хитой ёзувчисининг китобини топиб олди. Тинчроқ жой излаб, кимсасиз сайхонликка бориб қолди, у ерда қандайдир горга кўзи тушди. Бомбадан қочиб яшириниладиган бошпана деб ўйлади. Деворни пайпаслаётганда қўли нимагадир тегиб кетди. Қаттиқ увуллаш эшитилди. У сиренани улаб юборган экан. Бу қуролярог омбори эди. Қизнинг оёқлари қочишга уринди, бироқ уч юз метрлар чамаси боришга улгурмай уни япон аскарлари ушлаб олишди.

Орадан икки кун ўтгач, мактабнинг барча ўкувчиларини қор билан қопланган далага ҳайдаб чиқишди. У шаҳарнинг ғарбий дарвозасидан ташқарида, Сяолин дарёси соҳилида эди. Маҳаллий аҳолини

хам ўша ерга хайдаб боришди.

— Хозир сизларга Буюк Японияга қўл кўтарган ёвузни қандай

жазолашни кўрсатамиз, — дейишди болаларга.

Онамнинг кўзи бирдан дугонасига тушди. Япон қамоқхоначилари уни шундоққина онамнинг рўпарасига тургазиб кўйишди. Қизнинг кўлоёгини кишанлаб, судрай бошладилар. Қийноклардан сўнг қизнинг юзи шундай шишиб кетдики, уни таниб бўлмасди. Кейин аскарлар милтикларини кўтариб, қизни нишонга олдилар. У эса нимадир демокчи бўлди, лекин овоз чиқара олмади. Ўк овозлари эшитилди, қиз ерга кулади, қор усти қизил қонга бўялди. Эшак лақабли япон директори газаб билан қон тўлган кўзларини ўкувчилар сафига қадади.

Онамнинг қулогига кимнингдир ҳўнграб йиглагани чалинди. Йиглаётган ёш япон муаллимаси — Танака хоним эди. Онам уни жуда яхши кўрарди. Кўз очиб-юмгунча Эшак Танака хонимга ташланди. Кетма-кет туширилган муштдан кейин Танака хоним йикилди. Хоним Эшакнинг этигига чап беришга уринар, у бўлса, қутуриб теп-

килашда давом этар ва:

— Сен япон миллатини сотдинг, — деб бақирарди Эшак. Ниҳоят, у чарчаб, тепишдан туҳтади. Кейин уҳувчиларга ҳаради-да:

— Тарқалинглар, — деб бўкирди.

Онам ерда букчайиб ётган муаллимага ва жонсиз дугонасига сўнгги бор қаради-да, қалбида нафрат аланга ола бошлаганини ҳис этди.

ВАТАНИ ЙЎҚ ҚУЛЛАР

(1945-1947)

Ўн беш ёшга чиққан онам бўйи етиб қолган қиз эди. Ташқи кўриниши ёқимли, истараси иссиқ, мактабда энг яхши ўқувчилардан бири эди. Хатто бир неча зобит унинг кўлини сўрашганди. Лекин ота-онасига улардан ҳеч қайси бири ўзига ёқмаслигини айтди. Унга совчи қўйган йигитлардан бири — штаб бошлиги:

— Агар фахрли таклифимни рад этсангизлар, жория сингари унга тахтиравон юбораман, — деб дўқ қилди. Эшик орқасида бундай тахдидни эшитиб турган онам, хонага отилиб кирди-да:

 Агар шундай қилсангиз, ўша тахтиравонда ўзимни ўлдираман, — деди.

Яхшиямки, ўша зобит кўп ўтмай шахарни тарк этиш хакида буйрук олли.

Онам эрни ўзи танлашга қарор қилди. У жориячилик удумидан нафратланарди. Ота-онаси ҳам унинг бу фикрини маъқулларди, ле-

ЖАХОН АДАБИЁТИ

кин зобитлардан хавфсираб, куёвларни газаблантирмаслик учун қизнинг қулини сураганларга устомонлик билан баҳона қилиб «йуқ»

демасликка харакат қилишарди.

Лю фамилияли муаллима онамни жуда самимий севарди. Хитойда сизни ёктирган киши, албатта, қариндош бўлишга ҳаракат қилади. Ўша кунларда йигитлар билан қизлар орасида баланд девор бўлмасада, ўзаро мулокот учун имконият жуда кам учрарди. Шунинг учун ўзини ота-онаси унаштиришни истамаган ёшлар дугонаси ёки дўстининг акаси ёхуд синглиси билан танишишга ҳаракат қиларди. Бу — ўзига жуфт топишнинг бир усули эди. Муаллима Лю онамни ўзининг укаси билан таништирди. Аммо уларнинг танишувини биринчи галда жаноб ва хоним Люлар маъкуллаши керак эди.

1946 йилда хитойча Янги йилни кутиб олиш учун онамни Люлар хонадонининг мухташам уйига таклиф килишди. Жаноб Лю Цзиньчжоудаги дўконларнинг энг йирик сохибларидан бири эди. Унинг ўн тўккиз яшар ўгли кишиларда оксуякларга хос таассурот колдирарди. У кора яшил костюм кийиб, кўкрак чўнтагига дастрўмол солиб юрарди. Ёш Лю Пекин университетларидан бирида рус тили ва адабиётидан тахсил оларди. У онамда катта таассурот колдирди, онам хам унинг оиласига маъкул тушди. Тез орада улар дўхтир Сяга совчи юборишди,

қиз ҳақида ҳеч нима дейишмади.

Купчилик эркаклар нисбатан анча либерал булган духтир Ся, онамнинг фикрини суради. Онам ёш жаноб Люнинг «дусти» булишга розилик берди. Уша йилларда йигит ва киз одамлар орасида бир-бири билан гаплашишлари учун хеч булмаганда никохланган булишлари шарт эди. Онам булса хурсандчилик ва эркка ташна эди, эркаклар билан узига никох мажбуриятини олмасдан мулокотда булишни хохларди. Онамнинг бу феълини билган духтир Ся ва бувим Люларга эхтиёткорона муомала килдилар, улар юборган совгаларни рад этдилар. Хитой анъаналарига биноан, келиннинг оиласи никох таклифига дархол рози булмасди. Кизларини беришдан манфаатдор эканлар деб уйлашмасликлари учун шундай килишарди. Совгани кабул килиш розиликни билдирарди. Духтир Ся ва бувим англашилмовчилик юз беришидан хавфсирардилар.

Онам маълум муддат ёш Лю билан учрашиб юрди. Унга йигитнинг яхши хулқи ёқарди. Барча қариндошлар, таниш-билишлар, қушнилар йигит қизга муносиб дер эдилар. Духтир Ся билан бувим иккови жуда муносиб жуфтлик деб уйлашар, узларича йигитни уз куёвлари ҳисоблашарди. Лекин онам йигитнинг юзаки тийнат соҳиби эканини ҳис қиларди. Онам унинг Пекинга сира бормаслигини, шаҳарда санқиб юришини, ишининг тайини йуҳ одамдек таралабедод, ҳою ҳавасга берилганлигини сезди. Бир сафар у йигитнинг XVIII асрнинг машҳур мумтоз хитой романи «Қизил кушкдаги туш»ни ҳам уҳимаганини билиб ҳолди. Ахир, бу роман ҳар ҳандай саводли одамга маълум эди-ку! Онам ундан ҳафсаласи пир булганини айтди, йигит булса парво ҳилмай, хитой мумтоз адабиётини хуш курмаслигини, унга купроҳ хорижий адабиёт ёҳишини айтди. У узининг ус-

тунлигини намойиш қилиш учун қушиб қуйди:

— Сен «Бовари хоним»ни ўқиганмисан? Бу — мен севган энг яхши китоб. Менимча, Мопассан ёзган асарлар ичида энг зўри шу.

Онам «Бовари хоним»ни ўқиган эди. Уни Мопассан эмас, Флобер ёзганини биларди. Унинг ўзбилармонлиги онамнинг гашига тегди. Лекин индамай кўяколди.

Лю кўнгилочар, қимор ўйинларини яхши кўрарди. Бундай ўйинлар онамни зериктирарди. Бир оқшом, юқоридаги суҳбатдан кейин, ўйин чоғи бир оқсоч кирди-да:

— Жанобларга каравотда қайси қиз хизмат қилади? —деб сўради.

У бепарвогина:

Фалончи...— деб қўяқолди.

Онам уятдан титраб кетди, лекин Лю кошини чимириб, унга ҳайрат билан ҳаради. Кейин калондимоглик билан:

— Бу кенг тарқалған японча одат, — деди. — Хамма шундай қила-

ди. Бу си-цинь, яъни «хизматли каравот» дейилади.

У онамни ўзини рашкчи қишлоқидек ҳис этишга мажбур ҳилишга уринди. Рашк эса Хитойда аёлнинг энг ёмон айби саналарди — эр бундай хотиндан воз кечишга ҳаҳли эди. Онам яна индамади. Ҳолбуки, ҳалби ғазабдан аланга олганди.

У ёстикдоши билан бахтли бўлмаслигини яхши тушунди. Чунки бўлажак эр кайф-сафо ва никохсиз шахватни «ҳақиқий эркак» ҳаётининг табиий эҳтиёжи деб ҳисобларди. Онам ўзини севадиган, бемаъни қилиқлар билан озор бермайдиган одамни учратишни орзу қиларди. У куёв билан алоқани узди.

Бир неча кундан кейин жаноб Лю-катта тўсатдан ўлиб қолди. Ўша кунларда дабдабали дафн маросимига, айникса, мархум оила бошлиғи бўлса, катта эътибор бериларди. Агар дафн маросими қариндош-уруғлар ҳамда жамият кутганидек ўтказилмаса, марҳумнинг яқинларига дог тушарди. Лю хонадони дафн маросимини барча тартиб-қоидалари билан, жуда дабдабали қилиб ўтказишни хоҳларди. Шундай ўтказилди ҳам.

Лю вафотининг қирқ иккинчи куни нозик ўйма нақш туширилган сандал тобут ховлида тикланган чодирга қўйилди. Дафн этишгача, давом этадиган етти кечанинг ҳар бирида марҳум у дунёда баланд тоққа кўтарилиб, ўз оиласига назар ташлайди; агар унинг ҳамма яқинлари жойида бўлса қувонади. Акс ҳолда у ҳеч қаерда ором тополмас экан. Унинг оиласи онамнинг келин сифатида дафн маросимида қатнашишини истади.

Лекин у рад этди. Кекса жаноб Люга онам хар қанча ачинмасин, маросимда иштирок этолмасди. Агар қатнашса мархумнинг ўглига тегиши керак бўларди. Сянинг уйига Лю оиласидан элчилар кела бошлали

— Шундай дақиқаларда никоҳни бузиш жаноб Лю-катта руҳига ҳурматсизликдир, — деди дўхтир Ся онамга. — Бу эса ахлоқсизликдир...

Бувим қизининг фикрига қушиларди. Бироқ гоминдан зобитлари совчи юборавериб уни тинч қуймасликларидан чучирди.

- Бу совчи юборганларнинг биттасига, иккитасига рад жавоби беришимиз мумкин, деди бувим онамга, лекин ҳаммасига эмас. Люга чиҳмасанг, барибир, Чжанга тегишингга тўгри келади. Яхшилаб ўйлаб кўр, ахир Лю бошҳаларга нисбатан анча яхши эмасми? Агар сен унинг хотини бўлсанг, ҳеч бир зобит сени безовта ҳилолмайди. Эртаю кеч сен ҳаҳингда ўйлайман. Бирор нарса бўлмасайди деб ҳўрҳаман. Бирортасига тегиб, уйни тарк этмагунингча хотиржам яшолмайман...
- Менга бахт ва муҳаббат беролмайдиган кишига эрга текканимдан кура улганим афзал, деди онам.
- Ся номига дог туширдинг, деди дўхтир, шарманда қилдинг... Бундай қизнинг менга кераги йўқ!

— Жуда соз! — деди онам унга тик қараб. — Демак, сизнинг ундай қизингиз булмайди. Мен кетаман...

У шундай деди-да, ўрнидан туриб хонадан отилиб чикди. Буюмла-

рини йигиштирди-да, уйни тарк этди.

Онам ўқиган мактабда педагогика бўлими ҳам бор эди. Бўлим ушбу мактабда камида уч синфни битирган қизларни ҳабул ҳилар, бепул бошпана билан таъминлар, ўҳитарди. Унга ҳабул ҳилинувчиларга кириш имтиҳонидан ташҳари битта шарт ҳўйиларди: битирувчилар ўҳитувчи бўлишлари керак эди. Онам шу бўлимга ўҳишга кирди. У аълочи ўҳувчи бўлгани учун жон-жон деб ҳабул ҳилишди. Буни эшитиб бувим югуриб келди, уйга ҳайт, деб ялинди. Онам ярашишганидан ҳурсанд эди.

— Уйга тез-тез бориб тураман, ётишга хам қоламан, — деди.

Шу мактабда Кан деган ёш ўқитувчи бор эди. У хитой адабиётидан дарс берарди. Ўқитувчи ақллилиги, билим доирасининг кенглиги билан ажралиб турарди. Онам унга катта ҳурмат билан ҳарарди. У онамга ва яна иккита ҳизга Хитойнинг жанубий гарбидаги Куньмин шаҳрида гоминданларга ҳарши ҳаракатда ҳатнашганини сўзлаб берди. Намойиш пайтида граната портлашидан унинг дўсти ҳалок бўлган экан. Унинг комунистик руҳдаги маърузалари онамда катта таассу-

рот қолдирарди.

1947 йил бошларида бир куни эрталаб мактаб дарвозаси олдида онамни кекса назоратчи тўхтатди. У онамга бир нима тутқазиб, Кан кетганлигини айтди. Гоминдан разведкасининг айрим айгоқчилари коммунистларга ишлардилар — улар Канни хавфдан огох этгандилар. Буни онам билмасди. Уша пайтда онам коммунистлар ҳақида тасаввурга эга эмасди. Кан ўшалардан бири эканлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг севимли устози ҳибсга олинмаслиги учун яширинганини тушунди, холос. У қолдирган номада биргина сўз ёзилганди: «Сукут сақлаш». Бу пайтда онам ўқувчилар орасида анча обрў қозонганди. Номани олган куни мактабга янги директор хонимни юборишгани маълум бўлди. У Гоминдан миллий съездининг делегати эди. Айтишларича, у махфий хизмат билан боглиқ экан. Директор хоним ўзи билан разведка хизмати ходимлари гуруҳини ҳам олиб келди. Улар орасида Яохан ҳам бор эди. Мактабнинг сиёсий раҳбари бўлган бу шахс талабалар ортидан пойлоқчилик қилиш билан ҳам шуғулланарди.

Онамнинг энг яқин дўстларидан бири узоқ қариндоши эди. Онам уни Ака Ху деб чақирарди. Унинг отаси Цзиньчжоу, Мукден ва Харбиндаги бир қанча дўконларнинг сохиби эди. Унинг хотини, иккита жорияси бор эди. Хотини унга ўгил тугиб берди. Жорияларининг эса фарзанди йўқ эди. Шу боисдан улар сохибнинг хотинини кўролмасдилар. Бир куни эрларининг йўклигида жориялар беканинг овкатига аллакандай ўсимлик дамламаси аралаштирдилар. Еш қаролнинг емагига хам ўша дамламадан қўшдилар. Улар хушларидан кетгач, икковини бир каравотга ётқизиб қуйдилар. Жаноб Ху ишдан қайтгач, хотини билан қаролини бирга ётганини кўрди. Газабидан эс-хушини йўкотган Ху хотинини уйнинг бир бурчагидаги хилват хонага қамаб қўйди. Ўғлига онаси билан кўришишни тақиқлади. Унда бу ишни жориялар уюштирган деган шубҳа бор эди. Шу боис хотинидан воз кечмади ва кучага ҳайдаб юбормади. У жориялар ўглига хам зарар етказишларидан қўрқиб, уни Цзиньчжоудаги пансионга жўнатди. Онам Ака Ху билан ўша ерда танишди. Ушанда онам еттида, у ўн икки ёшда эди. Ака Хунинг онаси тез орада ақлдан озди.

Ака Ху улғайди ва камгап, ҳиссиётли ўсмир бўлиб етишди. У юз берган воқеадан сира ўзига келолмасди ва бу ҳақда онамга гапириб берарди. Бу воқеа онамга унинг ўз оиласидаги барбод қилинган аёллар тақдирини, оналар, қизлар, хотинлар ва жорияларнинг фожиаларини эслатди. Аёлларнинг ҳуқуқсизлиги, асрий одатларнинг ваҳшийлиги унинг ғазабини қўзғарди. Яҳшилик томон сал-пал ўзгаришлар ҳам ҳаддан ташқари кучайиб кетган ҳурофотлар соясида қолиб кетарди. Онам янада қатъийроқ ўзгаришлар бўлишини кутарди.

У ҳаётини тубдан ўзгартириш ҳақида фақат битта сиёсий куч — коммунистлар ваъда беришаётганини мактабда эшитди. Буни онамнинг яқин дугонаси, ўн саккиз яшар Шу айтди. Шу оиласидан воз кечиб, мактабда яшарди. Чунки отаси уни ўн икки яшар болага турмушга чиқишга мажбурлади. Бир куни Шу онам билан хайрлашибди. Севган йигити билан коммунистларча қочиб кетибди. Қизнинг хайрлашув сўзи: «Улар — бизнинг умидимиз» деган нидо бўлибди.

Тахминан ўша пайтларда онам Ака Ху билан жуда яқинлашган экан. Ху қизни ёш Люга рашк қилиб, уни севишини тушунибди. Онамнинг куёв бола билан орани очиқ қилганидан севинибди. Уни

кўргани тез-тез келадиган бўлибди.

1947 йилнинг мартида биргаликда кинога боришибди. Кинотеатрда икки хил чипта бўларди: бири ўтириб кўришга, иккинчиси тик туриб кўришга. Ака Ху онамга ўринли чипта олибди, ўзига эса тик туриб кўришга. Буни у пулим етмай қолди деб тушунтирибди. Бу нарса онамга галати туюлибди, вақт-вақти билан у томонга қараб қўя бошлабди. Тахминан фильмнинг ўрталарига етганда, онам яхшигина кийинган ёш аёлнинг Ху томонга бораётганини сезиб қолибди. Аёл унинг ёнидан ўтаётганда иккаласининг қўли бир зумга туташибди. Онам шу заҳоти ўрнидан туриб:

— Бу ерда бир дақиқа хам қололмайман, —дебди.

Улар кўчага чиккач, онам нега бундай бўлганини тушунтириб беришни сўрабди. Аввалига Ака Ху хаммасини рад этишга уринибди.

Бу гапларингизга ишонмайман, — дебди онам.

— Кейин ҳаммасини тушунтириб бераман, — дебди Ху. — Баъзи нарсаларни тушунишга ҳали ёшсиз...

Улар онамнинг уйига яқинлашганда у йигитни киритмади. У бир

неча кун келишда давом этди, лекин онам учрашувга чиқмади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, онам унинг кечиримини қабул қилишга, юз берган воқеани унутишга тайёр эди. У дарвоза олдида кўринмаятимикин, деб қараб қўярди. Қаттиқ қор ёққан кунларнинг бирида онам унинг аллаким билан ховлига кирганини кўрибди. Лекин йигит унга томон эмас, шу ҳовлида яшовчи Юй-унинг эшигига қараб юрибди. Ўша заҳоти қайтиб чиқиб, тез одимлаб унинг йўлагига кирибди. Хонага кирибди-да, шошганча:

- Мен Цзиньчжоудан дархол чиқиб кетишим керак, дебди. Чунки изимдан полиция қувиб келаяпти.
 - Нега?
- Мен коммунистман, деди у ва тунги бўронда кўздан гойиб бўлди.

Шунда унинг миясида бирдан: «Ака Ху, балки махфий топширикни бажаргандир» деган фикр ялт этди. Юраги ҳаприҳиб кетди, лекин ваҳт ўтганди. Уларнинг уйида яшовчи Юй-у ҳам коммунист эканини шунда тушунди. Шу оҳшомгача бу икки эркакнинг учрашганини сира кўрмаганди. Улар учрашишгач, Хунинг бу ерда ҳолиши мумкин эмаслигини тушунишди. Чунки онам билан Хунинг муно-

сабатларини ҳамма биларди. Уни бу ерда ҳидираётиб, Юй-уни ҳам ҡўлга олишлари мумкин эди. Уша кечаси Ака Ху коммунистлар назорат ҳилиб турган туманга ўтиб олишга уринди. У ер шаҳардан йигирма милча нарида эди. Орадан бир оз ваҳт ўтиб, дарахтлар куртак ёзганда, Юй-у: «Йўлда Хуни ушлаб олишди, кузатиб борувчини эса отиб ташлашди» деган хабар олди. Кейинчалик уни «ҳатл этишди» деган гап тарҳалди.

Онамда Гоминданга нисбатан чексиз нафрат уйгонди. У комму-

нист бўлишга қарор қилди.

«СЕВГИ ХАКИДА СУХБАТ» — ИНКИЛОБИЙ НИКОХ (1948—1949)

(Кўп ўтмай Ся Дэхун — ёзувчининг онаси —талабаларнинг норозилик намойишини уюштирди ва қамоққа тушди. У қўрқитишлар, дўқ-пўписалардан ҳайиқмади, ўзининг яширин алоқаларини ошкор қилмади ва кўп ўтмай коммунистлар ва дўхтир Сянинг саъй-ҳаракатлари билан озодликка чиқди. Сўнгра уни севиб қолган ёш гоминдан зобити Хуэйганинг беихтиёр ёрдами туфайли қурол-ярог омборини портлатишга муваффақ бўлди. 1948 йилнинг октябрида коммунистлар Цзиньчжоу шахрини эгалладилар. Партия Ся Дэхунни ўртоқ Ван Ю билан учрашишга йўллади. Ван Ю Цзиньчжоуда ёшлар билан ишлаш бўйича масъул эди).

Озғин, орзуманд бу одамни онам ўша октябр тонгида тиш тозалаётганида учратди. Партизанлар орасида у «тозавой» лақаби билан маш-хур эди. У ҳар куни тишини тозаларди. Тозаликка ҳаддан ташқари эътибор берарди. Билимдонлиги билан танилган бу одам мумтоз шеъриятнинг бир неча томини ҳамиша ёнида олиб юрарди.

Онам «қидирилмоқда» деган эълонни биринчи бор ўқиганида ва қариндошларидан бу хавфли «каллакесар» ҳақида эшитганида ундан фахрланишларини ҳам, айни пайтда қўрқишларини ҳам тушунган эди. Мана, ҳозир ўша афсонавий партизан унчалик жангари эмаслигини кўриб, ажабланмади ҳам.

У онамнинг жасурлиги ҳақида эшитганди, ўн етти яшар бу қизнинг эркакларга буйруқ қилаётганидан хабардор эди. У онамнинг таҳсинга лойиқ, ҳур фикрли аёл ва албатта, қўпол кимса сифатида тасаввур қиларди. Буни қарангки, у яхшигина, назокатли, ҳатто нозкарашмали бўлиб чиқди. У хотиржам, ишонч билан ва хитойлар учун жуда кам учрайдиган ҳол — аниқ гапирарди. Онамнинг бу фазилатини отам жуда қадрларди.

Ся Дэхун шуни сездики, партизанликда суяги қотган бу одам куп куларкан, тишлари оппоқ, ялтираб турибди. Купчилик партизанларникига ухшаб сарғайиб, чириб кетган эмас. У кишида маълумотли одам сифатида таассурот қолдирарди. Флобер билан Мопассанни чалкаштирадиган одамга сира ухшамайди.

Онам талабалар уюшмасининг иши ҳақида ахборот бергани келганини айтганда у ёшлар қанақа китобларни ўқиётганини суриштирди. Онам каттагина рўйхатни ўқиб берди, сўнгра марксча фалсафа ва тарихдан маърузалар қила оласизми, деб сўради. У рози бўлди, кейин унинг мактабида қанча одам ўқиши ҳамда ўқувчиларнинг қанчаси уни қўллаб-қувватлаши билан қизиқди.

Бир неча кундан кейин у биринчи маъруза ўқигани келди. У Маонинг ишлари ҳаҳида ҳисҳагина гапириб берди. Тингловчиларга

унинг таълимотининг асосий йўналишларини тушунтирди. Отам ажойиб нотик эди, дархол кизларнинг, шу жумладан, онамнинг хам юрагидан урди.

Бир куни у тингловчиларга партия Манжурия шимолидаги коммунистларнинг муваққат пойтахти Харбинга саёҳат ташкил қилаёт-ганини маълум қилди. Харбин асосан руслар томонидан қурилган бўлиб, кенг хиёбонлари, шинам уйлари, ҳашаматли дўконлари ва Европа таъбидаги қаҳвахоналари туфайли уни «Шарқ Парижи» деб аташарди. Саёҳат учун сараланган юз етмиш киши орасида онам ва унинг бир неча танишлари ҳам бор эди.

Ноябрнинг охирларида онам поездга ўтириб шимолга йўл олди. Унинг қалби ёрқин умидларга тўла эди. Ота-онам Харбинда бирбирини севиб қолишибди. Отам ойижонимга атаб ажойиб шеърлар ёзарди. У онам ва дугонасини Янги йилни кутиш учун ўзи турган меҳмонхонага таклиф қилди. Бунгача онамнинг синфдошлари унинг ишқий саргузаштларидан хабардор эдилар. Талабалар ташкилотини бошқараётган онам узундан-узоқ ахборотлар бергани отамнинг олдига тез-тез бориб турар ва жуда кеч қайтарди. Ниҳоят, отам юқори партия ташкилотидан уйланишга розилик сўради. Онам ҳам уйдагиларга хат ёзиб турмуш қуришдан хабардор қилди. Партия отамга онам билан «севги ҳақида суҳбат» қуришга ҳаққи борлигини билдирди...

Улар Цзиньчжоуга қайтдилар. Отамни Цзиньчжоу тарғибот бўлимининг бошлиги этиб тайинлашди. Бир неча кундан кейин онам оиладагилар билан таништиргани отамни уйга бошлаб келди. У уйга кирганида бувим саломига алик олмай тескари ўгирилди. Отам бугдойранг, жуда озғин эди, қирқ ёшдан ошгандек кўринди. Бувим унинг аллақачон уйланган бўлиши кераклигига сира шубҳаланмасди. Дўхтир Ся ўзини мулойим, лекин сипо тутиб турарди.

Отам тезда кетди. Шунда бувим кўз ёшларига эрк берди.

— Амалдордан нима яхшилик кутиш мумкин, — деб йигларди бувим.

Бироқ дўхтир Ся отамнинг хатти-ҳаракати ва онамнинг сўзларига ҳараб, коммунистлар ўз одамларини жуда ҳаттиҳ назорат ҳилишларини ва шундай лавозимдаги киши алдай олмаслигини яхши тушунди. Бувимни бу нарса унчалик ишонтира олмади:

— Ахир, у Сичуандан экан, — дерди бувим. — Шундай олис жойдан келган бу одамни коммунистлар қаёқдан билади!

Бувим сира хотиржам булолмади ва хадеб шубха билдираверди, лекин оиланинг бошка аъзолари отамга яхши муносабатда бўлдилар. Дўхтир Ся у билан тил топишиб кетди, соатлаб гаплашиб ўтиришарди. Юйлин билан хотини ҳам уни ёқтириб қолишди. Юйлиннинг рафиқаси жуда камбағал ва бахтсиз оиладан эди. Унинг онасини буваси картада ютқазган одамга зўрлаб беришганди. Акаси японлар қўлига тушиб, уч йил қийнаб ишлатилди ва соғлигини йўқотди. Юйлинга турмушга чиққач, келин ҳар куни эрталаб соат учда туриб, егулик тайёрларди. Уйдаги хамма ишни бувим бошқарарди. Юйлиннинг хотини у билан бир авлод вакили булса-да, ўзини бувимдан паст тутарди. Чунки у эри билан ўзини Ся оиласига қарам деб хисобларди. Отам унга ўзи билан тенгдай мурожаат қилган биринчи одам бўлди. Бу эса хитой анъаналарига бутунлай зид эди. У бир неча бор эр-хотинга кинога чипта хадя қилди, бу уларга ҳаётида камдан-кам учрайдиган хурсандчилик бағишларди. Улар умрларида ўзини калондимог тутмаган амалдорни биринчи марта кўрдилар. Юйлиннинг хотини эса коммунистлар аввалги барча амалдорлардан минг чандон яхши деб хисобларди.

Харбиндан қайтганларидан сўнг орадан икки ой ўтгач, ота-онам никохдан ўтишга ариза бердилар. Анъана нуктаи назаридан, никох икки оила ўртасидаги шартномадан иборат эди— на фукаролик рўйхатидан ўтиш, на никох хакида гувохнома мавжуд эмасди. Лекин эндиликда «инкилобда иштирок этганлар» учун партия оила бошлиги ролини бажарарди. Партия томонидан ўрнатилган қоида: «28-7 полк-1» кўринишда эди. Бу эркак 28 ёшдан кам бўлмаслиги керак, партия сафида камида 7 йил хизмат қилган, камида полковник унвонига эга бўлиши лозим; бир раками эса аёлга бўлган ягона талабни билдирарди. Демак аёл партия фойдасига камида бир йил ишлаган бўлиши керак эди. Отам йигирма саккиз ёшда эди. Партия сафига кирганига ўн йилдан ошяпти. Лавозими эса командир ўринбосарига мос келарди. Онам партия аъзоси бўлмаса хам унинг яширин ишларидаги фаолиятини хисобга олишди. Харбиндан қайтгач эса, Хотин-қизлар федерациясида ишлади. Бу ташкилотда онам жорияларни озод килиш, фохишахоналарни ёпиш билан шуғулланди; аёлларни армия учун кийим-кечак тикишга, ўкишга ва ишга жойлашишга даъват этди.

Энди Хотин-қизлар федерацияси онамнинг иш жойи ҳисобланарди. Партия ана шу ташкилот орқали аҳоли устидан тўла назорат ўрнат-ганди. Шаҳарликларни шундай ташкилотларга бириктирардилар. Улар худди армиядаги сингари ҳар бир хизматчининг ҳаётини йўналтириб турарди. Онам федерация ҳудудида яшарди ва никоҳ учун ундан рух-сат олиши керак эди. Федерация бу масалани отамнинг раҳбариятига ҳолдирди. Чунки отам анча юҳори лавозимда эди. Цзиньчжоу шаҳар кумитаси дарҳол ёзма равишда ижозат берди. Лекин отамнинг лавозими туфайли Гарбий Ляонин вилоятининг партия ҳумитасидан ижозат тасдиҳланиши шарт эди. Ота-онам бошҳа тусиҳлар булмаса керак деб ҳисоблаб, туйни 4 майга, онамнинг ўн саккиз ёшга тулиш кунига белгилашди.

Онам бўлажак эрининг, яъни отамнинг уйига кўчиб ўтиш учун кийим-кечагини чойшабга тугди. Яхши кўрган оқиш-зангори кўйлагини кийиб, оқ ипак шарфини ўради. Буни кўриб, бувимнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди.

— Бу нима деган гап, келин куёвнинг уйига ўз оёги билан борадими?!

Аслида куёв уни олиб келиш учун тахтиравон юбориши керак эди. Агар келин ўз оёги билан борадиган бўлса, бу куёв уни қадрламаслигини билдирарди, демак, келинга эҳтёжи йўқ.

— Бу бемаъни нарсани ҳозир ким ўйлаб ўтирибди, — деди онам бўғчасини тугаркан.

Лекин «наҳотки қизим анъанавий тантанали туйсиз узатилса», деган уй бувимга тинчлик бермасди. Қиз бола туғилганидан бошлаб ҳар бир она унга сеп йиға бошлайди. Бироқ анъанавий урф-одатлар ёшларга эскилик сарқити булиб туюларди. Икки инқилобчи учун энг муҳими муҳаббат эди.

Онам бўгчасини елкасига ташлаб, отамнинг уйига йўл олди. Барча партия хизматчилари сингари отам иш жойида, яъни шаҳар партия қўмитаси ҳудудида яшарди. Қоронғи тушиб, келин-куёв энди кўрпа-га кирганларида эшик тақиллаб қолди. Ташқарида турган одам вилоят партия қўмитасидан хат олиб келганди. Хатда улар ҳозирча никоҳдан ўтишлари мумкин эмаслиги айтилганди. Онамнинг қимтиниб турган лабларидан унинг наҳадар бахтсиз эканини тушуниш мумкин эди. У бош ирғади, нарсаларни йиғиштирди-да, «Хайр» деб, жўнаб қолди. На кўз ёши, на эътирозлар. Бу манзара отамнинг хотирасига

бир умрга мухрланиб қолди. Мен болалигимда отамдан: «Замон қанчалар ўзгариб кетди? Сен онангга сира ўхшамайсан! Сен ҳеч бунаҳа ҳилмасдинг, тиз чўкиб эркакнинг пойабзалини ечмасдинг!» — деган гапларни кўп эшитардим.

Май ойининг охирларида никоҳга рухсат келди. Онам ўша куни Хотин-қизлар федерацияси мажлисида ўтирганди. Бирдан кимдир унинг қўлига шаҳар қўмитаси раиси Лин Сяосянинг хатини тутқазди. У олий бош қўмондон Лин Бяонинг жияни эди. Айнан шу олий бош қўмондон Манжурияни қўлга киритганди. Номада: «Вилоят бошлиги розилик берди. Мажлисда унчалик ўтиргингиз келмаётгандир. Тезроқ бориб никоҳдан ўтинглар!» деб ёзилганди. Онам шошилмасдан мажлисга раислик қилувчининг олдига борди ва хатни кўрсатди. У бош иргиб қўйди ва унга жавоб берди. Онам отамнинг уйигача югуриб борди. Эшикни очса унинг хонасида Лин Сяося ва бошқа партия раҳбарлари, шахсий соқчилари билан тўпланиб туришибди.

- Дўхтир Сяга улов юбордим,— деди отам.
- Қайнонанг-чи? сўради Лин.
- —Отам индамади.
- Бунақаси кетмайди, деди Лин ва бувимга ҳам улов юборишни буюрди. Шу тариҳа отам билан онамнинг туйи оддийгина утди. Унда бир неча кишигина ҳатнашди. Кейин духтир Ся ҳам келди. Шаҳар ҳумитаси янги овлаб келинган ҳраб тортиҳ этди ушани тановул ҳилишди. Коммунистлар туйни арзонроҳ утказишга интилишарди, чунки анъана буйича унга ҡуп пул сарфланарди. Катта туй берган оилалар тез-тез хонавайрон булиб туришарди.

На бувим, на дўхтир Ся уларни тўйга чақиришганини билишмасди. Буни кейин сезиб қолишди. Улар келиши билан Хотин-қизлар федерациясидан келган аёллар орқа эшикдан чиқиб кетишди. Отам — куёв ҳам жўнаб қолди. Бувимнинг ҳаҳри келди, йиглаб юборишига сал ҳолди.

Онам коммунистларнинг тўйга муносабатини яшириб, «куёв ишга кетди», деб қўя қолди.

— Коммунистларда никохдан янги ўтганлар ишдан озод қилинмайдилар, — деди онам. — Мен ҳам ҳадемай федерацияга кетаман...

Коммунистларнинг тўй сингари мухим маросимга бунақанги муносабати бувимни ҳайрон қолдирди. "Улар жуда кўп анъаналарни буздилар, балки ҳайрон қолишнинг ҳожати ҳам йўқдир», ўйлади у.

Уша пайтларда онамнинг мажбуриятига тукимачилик фабрикасидаги ишчиларни укитиш ва ёзишни ургатиш кирарди. У аёллар ва эркаклар тенг хукукли экани ҳақида ташвикот олиб бориши керак эди. Фабрика ҳали хусусий эди ва усталардан бири аёлларни калтакларди, онам уни ишдан бушатишга эришди ва ишчиларга узларига аёллардан бирини уста қилиб сайлашларига эришди. Лекин бу иши учун у Федерациядан ҳеч қандай мақтов эшитмади.

Гап шундаки, хотин-қизлар федерациясининг энг мухим вазифаси шиппаклар тикишдан иборат эди. Онам шиппак тикишни билмасди ва бу ишни онаси ва холаларига топширарди. Чунки уларни бу ишга ёшликдан ўргатишганди. Онам Федерацияга олиб келган шиппаклар мўлжалдагидан анча кўп эди, шунга қарамай, уни мақташ ўрнига, ёш қизчадай танбех беришди. Федерациядагилар деҳқон аёллар орасида шиппак тиколмайдиган аёл борлигини тасаввур қилолмасдилар. Улар учун бу «мен овқат ейишни билмайман» дегандай гап эди. Мажлисда уни «буржуача инқироз» учун танқид қилишди.

Онамнинг айрим бошлиқ аёллар билан муносабатлари ҳам унча яхши эмасди. Бу деҳқон аёлларнинг ёшлари каттароқ, анча консер-

ватив эдилар, йиллаб партизан отрядларида курашгандилар, шу боис хушрўй, саводли шаҳар қизларини хуш кўрмасдилар, коммунист эркакларни бир зумда ўзларига оғдириб оладиган бундай соҳибжамоллар уларнинг ғашини келтирарди. Онам партия сафига кириш учун ариза берди, лекин лойиқ эмас, деб рад этишди.

Онам уйга кетаётганда, ҳар сафар уни танҳид ҳилишарди. Уни «оиласига ҳаддан ташҳари боғланиб ҳолган», бу «буржуазияга хос одат» деб айблашар ва танбеҳ беришарди, натижада у онасини борган

сари камрок кўрадиган бўлиб борарди.

Уша пайтларда ёзилмаган бир қоида бор эди. Ана шу тартибга биноан, инқилобчининг иш жойини ташлаб кетишга ҳаққи йўқ эди. Фақат шанба кунигина рухсатнома беришарди. Онамнинг каравоти Хотинқизлар федерацияси биносида эди, уни отам яшайдиган уйдан пастаккина пахса девор ажратиб турарди. Онам кечаси ўша девордан ошиб тушарди-да, кичик богдан ўтиб, отамнинг хонасига кириб борарди. Саҳар пайти ўз хонасига қайтиб келарди. Тез орада буни сезиб қолишдида, отам икковини фирқа мажлисида роса танқид қилишди. Коммунистлар фақат ижтимоий тартибни эмас, кишиларнинг шахсий хаётини, айниқса, «инқилоб иштирокчилари» ҳаётини ўзгартиришга уринардилар. «Шахсий иш — сиёсий иш» ҳисобланарди, аслида эса шахсий ҳаёт йўқҳа чиҳариларди. Ҳар ҳандай майда-чуйда гапни «сиёсий онглилик» билан боглаб, мажлисларда коммунистларни «дўппослашарди».

Отам ўзини огзаки, онам эса ёзма танқид қилишларига тўгри келди. Онамни «севгини биринчи ўринга қўйганликда» айблашди. Холбуки, устуворликни инқилобга бериш керак эди. Онам ўзини адолатсиз хафа қилишди деб хис этди. У кечани ўз эри билан ўтказган бўлса, бундан инқилобга қандай зарар етади? Атрофда партизанлар уруши кетаётган бўлса ҳам майли эди, ҳозир бунинг нима зарурати бор эди? Онам ўзини танқид қилиб ёзишни истамади ва бу ҳақда эрига айтди. Лекин эри уришиб берди.

— Инкилоб ҳали ғалаба қилгани йўқ, — деди у. — Уруш давом этаяпти. Биз қоидани буздик ва ўз хатоимизни тан олишимиз лозим. Инкилоб темир интизомни талаб қилади. Сен партияга бўйсунишинг керак. Унинг қарорини тушунмасанг ёки унга рози бўлмасанг ҳам шундай қилишинг шарт.

Тез орада бахтсизлик юз берди. Бян деган шоир ўз жонига қасд қилишга уринди. У Харбинга борган эди ва онам билан яхши таниш бўлиб қолганди. Бян «Янги чиққан ой» шеърий мактабининг издоши эди. Мактабни Гоминдан хукмронлиги пайтида АҚШда элчи бўлган Ху Ши бошқарарди. Мазкур адабий окимда шакл нафосатига алохида эътибор берилади. Унда Китснинг таъсири сезилиб турарди. Уруш пайтида Бян коммунистлар фиркасига кирди, лекин унинг шеъриятини ўринсиз деб хисоблашаётганини сезиб қолди: инкилоб шоирнинг ўз гоясини ифодалашини эмас, ташвикотни талаб қиларди. Бундан чексиз изтиробга тушган шоир ўзини ўлдиришга уринганди.

Унинг ўз жонига суикасд килишга уриниши фиркани ларзага солди. Мактаб партия ташкилоти тергов ишлари олиб борди-да, кутилмаган хулоса чикарди, гўё шоир Бян онамга бўлган бахтсиз мухаббати туфайли ўз жонига касд килган эмиш. Мажлисда федерациянинг хотин-кизлари онамни айблашди. Недирки, онам шоирни умидвор килиб, отамга теккан эмиш... Онам исбот талаб килди. Афсуски, далиллар келтирилмади.

Бу вокеада отам онамнинг ёнини олди. Харбинга борганларида у онамнинг шоир билан учрашиб, шеърларни тинглаганидан хабари бор эди. Учрашувга ўзи билан чикканини хам биларди. Лекин на отам,

на онам ғийбатларни тўхтата олмасдилар. Айниқса, Федерациядаги аёллар тилга эрк берардилар.

Онам эндигина ўн саккизга тўлган, эндигина турмуш қурган, янги ҳаётдан умидвор бўлиб яшар эди. Лекин негадир ўзини йўқотиб қўйгандек, ёлгиздек ҳис қиларди. У партияни ҳам, инқилобни ҳам айблай олмасди. Федерациядаги аёлларни ҳам айблай олмасди. Чунки улар онамнинг дугоналари эдилар, партия сиёсатини тўгри олиб бордилар. Онамнинг бутун нафрати эрига қаратилди. Чунки онам кундалик турмушида шахсий ҳаёт учун ҳам ўрин қолдирганди, отам эса — йўқ. Цзиньчжоудаги муҳит онам учун чидаб бўлмас даражага етди. У эрига бу ердан тезда кетиш керак деб айтди. У рози бўлди, ҳолбуки, мартабасининг ошишини кутаётганди. Шунга ҳарамай, шаҳар қўмитасига мурожаат қилди. Она шаҳри Ибинга кетгиси келаётганини баҳона ҳилди. Қўмитадагилар ҳайрон бўлишди, чунки у яҳиндагина айнан ўша ерда ишлашни хоҳламайман деганди.

1949 йилнинг ёзида коммунистлар Жанубга шиддатли юриш бошладилар. Улар Чан Кайшининг пойтахти Нанкинни эгалладилар, эртаиндин Сичуанга кирадигандай бўлиб қолдилар. Партия отамнинг янги жойга ўтказилишини тасдиклади. Тўйдан сўнг икки ой ўтгач, ота-

онам Цзиньчжоуни тарк этдилар.

ОНАМНИНГ БУЮК ЮРИШИ

(1949 - 1950)

Цзиньчжоудан жўнаб кетиш олдидан онамни вақтинча синов муддати билан партияга қабул қилдилар. Шаҳар қумитасидагилар янги иш жойида бу унга асқотади деган қарорга келдилар.

Ота-онам бошқа коммунистлар билан бирга — юздан ошиқроқ одам — Сичуанга қараб юрдилар. Бу гуруҳнинг эркакларини асосан жанубий ғарбда туғилган коммунист- раҳбарлар ташкил ҳиларди. Аёллар озчилик — асосан сичуанликларга эрга теккан манжурия аҳолиси эди. Йўлда уларни отрядларга бўлдилар ва яшил армия кийими бердилар. Бу гуруҳлар фуҳаролар уруши ҳизиб турган ҳудудни кесиб ўтишлари керак эди. Сичуан ҳамон Гоминдан ҳўлида эди. Онам ўзини ҳафасдан ҳутулган ҳушдек озод сезса-да, азиз юртидан, онасидан узоҳлашиб кетаётганидан юраги ғаш эди. Унга эри далда бериб турди. Бардам бўлиш, ҳар ҳандай ҳийинчиликларга, синовларга бардош бериш кераклигини уҳтирарди отам.

Тяньцзинда, тахминан икки юз эллик километр жануби ғарбда поезд тўхтади — темир йўл шу ерда тугарди... Бу ёгига пиёда юришга

тўгри келарди.

Бир сафар тог довонидан ошиб ўтишгач, улар бир неча чуқур ва тез оқар сойларга рўпара келиб қолдилар. Сув онамнинг белидан келарди, у оёгида зўрга турарди. Дарёчанинг ўртасига борганида оёги сирганиб кетди, агар ёнидаги эркак уни ушлаб қолмаганида онамни сув оқизиб кетиши ҳеч гап эмасди. Онам йиглаб юборишига сал қолди. Айниқса, бошқа бир аёлнинг эри уни сувдан қутқариб ўтаётганини кўрганда, унга алам қилди. Ҳалиги эркак, гарчи юқори лавозимда, машинада юришга ҳаққи бўлса-да, хотини билан бирга юриш учун бу имтиёзлардан воз кечганди.

Отам эса онамни кутариб олмаганди. Уни жипда шахсий сокчиси билан бирга олиб юришарди. Отамнинг лавозими унинг жип-машинада ёки отда юришига имкон берарди. Онам эри уни ёнига олар, хеч

бўлмаса юкини машинага ортар деб умид қиларди. Лекин умидлари пучга чиқди. Онам дарёга чўкиб кетишига сал қолган ўша куни кечкурун отам билан муносабатларини аниқлик киритишга жазм этди. Бу жуда расво кун эди. Шунча қийинчиликлардан ташқари, онамнинг ҳадеб қусгиси келаверарди. Наҳотки, баъзида у хотинини машинага чиҳармаса?

Йуқ, — деди у қатъий. — Ахир машинага ҳақҳинг йуҳ.

Отам қариндошларга ҳомийлик қилишдек асрий хитой анъанасига қарши курашишга қарор қилганди. Бунинг устига онам бу қийинчиликларни енгиб ўтиши керак эди. Онам, унинг дугонасини сувдан эри қўлда кўтариб ўтганини айтиб эътироз билдирганди.

Бу бутунлай бошқа нарса, — деди отам.

— Ахир, дугонанг эски коммунистлардан. 30-йилларда у кейинчалик Шимолий Кореяга бошчилик қилган ва шимоли шарқда японларга қарши курашган Ким Ир Сен билан партизанлар отрядига командир эди. Бу курашда у жуда кўп нарса йўқотган. Биринчи эридан жудо бўлган. Уни Сталиннинг амри билан қатл этишган. Сен ёш талаба бўлсанг, нега ўзингни бу аёл билан тенглаштирасан? Агар атрофдагилар сенга ёрдам бераёттанимни кўришса, балога қоласан. Бу сенга фойда эмас, зарар келтиради. Партияга ҳали доимий аъзо қилиб олинганинг йўқ. Танлаб ол: ё машинага ўтирасан, ёки партияга кирасан...

Бир куни онам бошчилик қилаёттан гурух елкасида бутун ашқолдашқоли билан бир неча мил — республика асосчиси Сун Ятсен қабригача чопиб бориши керак эди. Югуриб бориб қайтиб келгач, онам қорнининг пастида огриқ сеза бошлади. Уша куни кечқурун шаҳарнинг қарама-қарши томонида Пекин операси қуйилаёттан эди, бош ролда хитой юлдузларидан бири уйнарди. Пекин операсига эҳтиросни бувимдан мерос қилиб олган онам спектаклни сабрсизлик билан кутарди.

Кечқурун онам ўртоклари билан опера қуйиладиган ерга беш мил масофани босиб ўтди. Отам автомобилда борди. Йулда онамнинг огриги зўрайди ва у орқасига қайтмоқчи ҳам булди. Лекин йулнинг охиригача чидади. Спектаклнинг ўрталарида онамнинг аҳволи огирлашди. У отамдан машинада уйга олиб бориб қуйишни илтимос қилди. Тугри, у узининг аҳволи тугрисида унга ҳеч нима демади. Отам огзи очилганича опера томоша қилаётган ҳайдовчисини курсатиб, деди:

— Кўраяпсанми, шундай завқ билан спектакл томоша қилаётган одамга нега халақит беришим керак? Хотиним кетгиси келиб қолгани учунми?!

Онам унга дардини тушунтириб ўтирмади, шартта орқасига бурилди-да, жўнаб қолди.

У тунайдиган жойларига зўрга, бир амаллаб етиб олди. Йўл жудаям чўзилиб кетди, сира тугамайдиганга ўхшарди. Гох юриб, гох судралиб келди. Зўр-базўр уйга кириб борди. Сокчилардан бошқа хеч ким йўк, ҳамма опера томоша қилгани кетганди. Бир амаллаб каравотига етиб олди. Чирок ёругида ўзига қарарди, не кўз билан қарасинки, иштони қон... У ҳушидан кетди... У биринчи боласини шундай йўқотди.

Бир оз кейинроқ эри пайдо бўлди. Машинада казармага у биринчилардан бўлиб етиб келди. Хотинининг каравотда чўзилиб ётганини кўриб, толиққан бўлса керак деб ўйлади. Қонга кўзи тушгач эса, хотини хушсиз ётганини тушунди. Шошилиб дўхтирга югурди.

Онамнинг ўлишига бир бахя қолганди. Унга қон қуйишди, тиббий ёрдам кўрсатишди. Амалиётдан сўнг, кўзини очган онам ёнида эрини кўрди. Онамнинг биринчи гапи: «Мен ажралишни истайман» деган сўзи бўлди. Отам роса ялинди, кечирим сўради. У хотини хомиладор эканини хаёлига хам келтирмаганди, буни онамнинг ўзи хам билмасди. Отам ўзи тан олганидек, бола тушиши нималигини билмасди. У хотинига муносабатини ўзгартириш ҳаҳида ваъда берди, севаман деб ҳайта-ҳайта онт ичди.

Онам ҳали ўрнидан туролмас экан, отам унинг ҳон теккан кийимларини ювди. Хитой эркаги учун бу жуда ғайриоддий иш эди. Ваҳт ўтиши билан онам ажрим талаб ҳилмай ҳўйди, лекин Манжурияга ҳайтаман, деб туриб олди.

— Бориб табобат билан шуғулланаман, — деди онам. — Ахир, ҳар ҳанча уриниб кўрмайин, инҳилоб талабига мос тушолмайман. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир ҳадамим танҳидга учрамоҳда. Яхшиси, четга чиҳиб турганим маъҳул.

— Асло бундай қила кўрма, — эътироз билдирди отам.— Бу қийинчиликлар олдида эсанкираш, дахшатта тушиш деб талқин қилиниши мумкин. Сени қочоқ деб аташади, келажагинг барбод бўлади. Бордию, сени университетта қабул қилишса ҳам яхши иш беришмайди...

1 октябрда радио орқали жуда мухим хабар эшиттирилади, деб ҳаммани огоҳлантиришганда онам касалхонада ётарди. У радиодан эшитди. Мао Самовий Хотиржамлик дарвозаси (Тяньаньмэнь) майдонида Хитой Халқ Республикасига айланганлигини эълон қилди. Онам болаларга ўхшаб йиглаб юборди. Ниҳоят, у орзу қилган ва курашган Хитой ташкил топди. Бу мамлакат учун у жонини фидо қилишга тайёр эди.

3 октябр куни отряд шаҳарни тарк этди. Коммунистларнинг кучлари Сичуанга яҳинлашиб келарди. Онамни яна бир ойга касалхонада ҳолдиришди. Кейин бир оз тузалгач, уни Гоминданнинг собиҳ бош ғазначиси Х.Х. Кун (Кун Сянси)га тегишли бўлган ҳашамдор бинога жойлаштиришди. Х.Х. Кун Чан Кайшининг божаси эди. Январнинг охирида онамга касаллиги туфайли шаҳарда ҳолганлар учун пароходда жой борлигини маълум ҳилишди.

Пароходда Янцзининг уч дараси деган, дарё анча торайган ва Сичуан бошланган ергача сузиб боргач, иккита кичик кемачага ўтиришди. Кемаларнинг бирига ҳарбий юкларни ортиб, соҳчилар ҳўйиш-

ди, иккинчисига йўловчиларни ўтқазишди.

Янцзи дарасини «Жаҳаннам дарвозаси» деб аташарди. Дарёнинг икки соҳилидаги қоялар даҳшатли кўринарди. Худди ҳозир кемани босиб тушадиганга ўхшарди. Лекин манзараси шунаҳа чиройли эдики, онамнинг кўзлари яйраб, юраги ҳаприҳиб кетди. Ўша куни хитой янги йили арафасида улар Ибин шаҳрига етиб келишди. Кема тўхташ жойига яҳинлашганда онам кўзлари билан отамни ҳидира бошлади. Ниҳоят кўрди, ана у, ёҳаси очиҳ ҳарбий пальтода, орҳасида ҳўриҳчиси.

Кема сохилга ёндашиб тўхтади. Харбий хизматчи кўприкни улади. Шунда отамнинг шахсий сокчиси келиб онамнинг кўлидан юкларини олди. Онам кўприкчадан ўтаётганда отам унга кўлини чўзди. Онам

ўзини бахтиёр хис этди.

УЙГА ҚАЙТИШ

(1949-1952)

Янанда бошқа кўплар қатори отам ҳам ўзига ҳарбий тахаллус олди. Уни Ван Юй деб чақиришарди. Бу — «ҳаддан ташқари беғараз» дегани. Она шаҳрига келгач, ҳақиқий фамилияси Чжанни қўллай бошлади.

Лекин ўз исмига тахаллусини ҳам қўшиб Чжан Шоуюй деб атала бошлади. У ўн йил муқаддам уйини камбағал, ҳашшоҳ ишчи ҳолда ташлаб кетганди. Энди бўлса, ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмасдан, ҳудратли бир киши бўлиб ҳайтиб келди. Оиладагилари у билан фахрланардилар.

Отамнинг онаси шаҳарнинг бир чеккасида марҳум эридан қолган эски уйда яшарди. Бу уй онамга жуда ёқиб қолди. Бу жуда муҳим воқеа эди. Хитой анъанасига кўра, эрга теккан аёл бутунлай ҳайнонасига бўйсунарди. У ҳайнона бўлгач, ўзи ҳам келинига шундай зуғум ўтказарди. Аёлларга эрк бериш — коммунистлар сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобларнарди. Коммунист келинлар — ҳайноналарга азоб берувчи «ёвуз фурия» дир деган гап юрарди. Отамнинг оиласидагилари ёш келин ўзини ҳандай тутишини сабрсизлик билан кутардилар.

Ўша куни катта оила аъзоларининг ҳаммаси уйга тўпланишди. Онам ҳовли панжарасига яқинлашиши билан: «Келаяпти, келаяпти» деган шивир-шивир бошланди. Катталар болаларни тинчитишга уринар, шумтакалар бўлса олис шимолдан келган бу галати коммунист ке-

линни бир кўриб қолайлик, деб сакрашар эди.

Онам отам билан меҳмонлар кутиладиган хонага кирганида, қайнонаси энг тўрда ўтирарди. Эр-хотин унинг ҳузурига яҳинлашдилар. Қайнонанинг юзи жуда хотиржам эди. У ўтирган стул олдида улар тўхтаб ҳолишди. Шунда онам тиз чўҳди ва бошини уч марта ерга текказди. Удумга кўра, келин айнан шундай ҳилиши керак эди.

Тўпланганларнинг хаммаси енгил тортди. Қариндошлар хурсанд

бўлиб кетган бекасига шивирлаб қолишди:

— Қандай ажойиб келин! Шундай олижаноб, гўзал, эхтиромли!

Ойижон, роса омадингиз бор экан!

Онам ўзининг кичкинагина галабасидан фахрланиб кетди. Улар отам билан нима қилиш кераклиги тўгрисида узок гаплашдилар. Коммунистлар таъзим қилиб ерга бош уриш одатини йўкотишга даъват этардилар, чунки буни инсон қадрини ерга уриш деб ҳисоблардилар. Онам бу сафар истисно тариқасида шундай қилгиси келди. Отам рози бўлди. У онасини ҳам, хотинини ҳам хафа қилгиси келмади. Лекин ўзи шундай қилишини кутишларига қарамай таъзим этмади...

Тез орада онамга иш беришди. У Ибин уезди хукумати маъмуриятининг ташвикот бўлимида хизмат кила бошлади. У иш жойида кам ўтирарди. Асосий вазифаси ахолини тўйдириши керак эди. Бу эса борган сари мушкуллашиб борарди. Коммунистлар кишлокларга куролланган озик-овкат отрядлари жўнатишди. Отрядлар хизматчилар ва харбийлардан ташкил топганди. Қарийб ҳаммани сафарбар килишди. Маъмурият биносида иккитагина аёл колганди, биттаси қабулхонада ўтирар, иккинчиси эндигина фарзанд кўрганди.

Учинчи экспедиция пайтида онам ўзини ёмон ҳис ҳила бошлади. Кусгиси келар, боши айланарди. У ҳомиладор бўлиб ҳолганди, Ибинга ҳолдан тойган тарзда ҳайтди. Лекин дам олишга имкони йўҳ, дарҳол янги юришга бориши керак эди. у билан бирга яна бир ҳомиладор аёл экспедицияга отланди. Экпедиция пайтида улар бир ташландиҳ ҳовлида тушлиҳ ҳилмоҳчи бўлишди. Ошпаз гуруч ҳайнатаёттан пайтда остонада ўрта яшар эрҳаҳ пайдо бўлди. Кўринишидан у деҳҳонга ўхшарди.

— Эхтиёт бўлинглар, — деди у. — Изингиздан каллакесарлар тўдаси кувиб келаяпти. Улар орангиздаги икки аёлни кўлга олишмокчи. Улар юкори мартабали коммунист бошликларнинг аёллари...

 $[\]overline{\ }^{1}$ Φ у р и я — Рим мифологиясида қасос олувчи маъбудалардан бири.

Келган одам оддий деҳқон эмасди. Гоминдан ҳукмронлиги пайтида у бир неча қишлоқни бирлаштириб вилоятнинг оқсоқоли булиб хизмат қиларди. Ҳозир отряд ана шу қишлоқларнинг бирида жойлашганди. Туда собиқ оқсоқолнинг кумагидан фойдаланмоқчи булди. Оқсоқол булса туда аъзоларига ёрдам бериш ниқоби остида узини ҳимоя қилишни ҳам унутмади. Шунинг учун у булажак ҳужумдан коммунистларни огоҳлантириб, қочиб яширинишни маслаҳат берди.

Отряддаги коммунистлар дархол қочиб қолишди. Лекин онам билан иккинчи хомиладор аёл қочиша олмади. Шунинг учун оқсо- қол уларни девордаги туйнук орқали олиб чиқиб, яқинроқдаги пичан ғарамида яширинишларига ёрдамлашди. Ошпаз ўчоқбошида нарсаларини йигиштираман деб ушланиб қолди. Иккита аскар унга ёрдамлашгани ошхонада қолди. Лекин улар қочишга улгуришмади. Эшикдан бостириб кирган каллакесарлар тўдаси уларни қувиб етиб, пичоқлар билан чавақлаб ташлашди. Пичан ғарамига яширинганларни эса сезмай қолишди.

Тез орада тўдани қўлга олишди. Оқсоқолни ҳам ушлашди. Унинг тўда етакчиларидан бири экани маълум бўлди. Ўша давр қонунига кўра, унга ўлим жазоси берилиши керак эди. Лекин айнан ўша одам озиқ-овқат отрядини хавфдан огоҳ қилди ва икки аёлни ўлимдан сақлаб қолди. Ўша пайтлар ўлим жазоси учликнинг қарори билан тасдиқланарди. Буни қарангки, ўша учликнинг бошлиги отам, аъзоларидан бири ҳалиги қутқарилган ҳомиладор аёлнинг эри, учинчиси маҳаллий полиция бошлиги эди.

Трибунал: иккитага қарши битта бўлиб қолди. Онамнинг танишининг эри оқсоқолнинг ҳаётини сақлаб қолишга овоз берди. Отам билан полиция бошлиғи уни ўлимга ҳукм этишни ёқлаб чиқишди. Онам уларга роса ялинди, лекин отам сўзида қаттиқ туриб олди. Оқсоқолни қатл этишди. Бу қилмиши учун онам отамни сира кечира олмасди. Шунча одам ҳаётини қутқариб қолган кишини ҳандай ҳилиб ҳатл этиш мумкин? Отам уни аввал ҳам ҳаттиҳ ранжитган эди. Демак, у онамни сира ҳадрламас экан-да!

Бу пайтда бувим Цзиньчжоуда қизи учун ташвишда эди. Қизидан Ибинга етиб боришгани ҳақида хат олиши билан, бувим ўша ёқҳа йўл олишга ва ҳизининг аҳволи ҳандай эканлигини кўришга ҳарор ҳилди. 1950 йил март ойида у ўзининг шахсий «буюк юриши»га ёлгиз отланди.

У улкан мамлакатнинг олис ерлари ҳаҳида ҳеч нарса билмасди. Бувим, Сичуанни Хитойнинг ҳолган ҳисми билан тоғлар ажратиб турадигина эмас, балки у ерда ҳаёт учун зарур нарсанинг ўзи йўҳ деб тасаввур ҳиларди. У ўзи билан энг зарур нарсалардан ҡўпроҳ олмоҳчи бўлди. Лекин ҳамма жойда уруш кетарди. Бувим бу нарсаларни ўзи ҡўтариши ва узоҳ пиёда юришга тўғри келишини яхши тушунарди. Оёғи дока билан ўраб тортилган аёл учун бу жуда оғир эди. Ниҳоят, кичик бир тугунча олиб кетишга мажбур бўлди.

У дўхтир Сяга турмушга чиққандан бери оёқлари анча ўсди. Анъанага кўра, манжур аёллари оёгини ўраб юришмасди. Шунинг учун бувим докаларни ечиб ташлади. Лекин юрганда барибир оёқлари огрирди. Синган суяклари, албатта, битиб кетмасди. Оёклари тўгри кўриниши учун у туфлисига пахта тиқиб олганди.

Бувим йўлга чиқишдан олдин уни отам билан онамнинг тўйига олиб келган Лин Сяося деган киши қоғоз ёзиб берди. Бу қоғозда бувим инқилобчининг онаси эканлиги айтилганди. Ана шу қоғоз туфайли партия ташкилотлари уни сафари давомида озиқ-овқат, бошпана ва пул билан таъминлашлари шарт эди. Бувим ҳам ота-онам

юрган йўл билан борди. Унга поездда, машинада, пиёда юришга тўгри келди. Бир сафар у очик юк машинасида борарди, ёнида коммунистлар оиласидан бўлган аёллар ва болалар бор эди. Кичкинтойларнинг ёзилгиси келиб қолди, машина тўхтар-тўхтамас, уни ўққа тутиб қолишди. Бувим дарахтлар орасига ичкарирок кириб, ўтириб олди. Унинг тепасидан ўклар чийиллаб ўтди. Машинадагиларни кўриклаб бораётган ҳарбийлар пулемётдан жавоб ўти очишди. Ҳужум қилувчиларнинг овози ўчди. Булар гоминданчилар қўшинларининг қолдиқлари эди. Бувимга ҳеч нарса қилмади, лекин бир неча бола ва қўриқчилар ҳалок бўлди.

Бувим йўлнинг учдан икки кисмини босиб ўтиб, Марказий Хитойдаги катта шахар Уханга етганида, унга йўлнинг колган кисми— Янцзи бўйлаб юкорига сузиш хам анча хавфли эканини айтишди. Вазият сал осойишта бўлишини пойлаб бир ой кутишди. Шунга қара-

май, кемани бир неча бор қирғоқдан туриб ўққа тутишди.

Ичандан у кичикроқ кемага ўтирди. Уч дарани босиб ўтгач, хурмо барглари билан ёпилган қайиққа миниб, Ибинга қараб сузди. Манзилга майнинг ўрталарида етиб келди. Саёхат икки ойдан кўпрок вақтни олди. Узини ёмон ҳис этаётган онам бувимни кўриб жудаям суюнди. Отам унчалик хурсанд эмасди. Ибинда у илк бор хотини билан нисбатан тинч вазиятда яшади. У ўзи билан рафикаси ўртасидаги ришта она билан қиз ўртасидаги риштадан анча маҳкам эканини яхши тушунарди. Бувим онамнинг кўзи ёришигача қолиш ниятида эди. Онам ҳам шуни умид қиларди. Лекин отам бунга эътироз билдирди. Онам қаттиқ хафа бўлди:

— У мен хақимда ўйламайди, мени севмайди, — деди нихоят. Бувим жўнаб кетди. Онам эса бунинг учун эрини кечиролмади.

Хамиша ишда банд бўлган отам сафардалигида 8 ноябрда хотини унга биринчи фарзанд — қиз туғиб берди. Дўхтир Ся онамга Дэхун деб исм қўйганди. У икки иероглиф — ёввойи оққуш (хун) ва авлодлар номи ахлок (дэ) дан ташкил топганди. Отам қизининг исмини Сяохун қўйди. Бу онасига ўхшади (сяо) деган маънони англатарди. Сяохун туғилганидан етти кун ўтгач, аммаси Цзюньин иккита ҳаммолни ёллаб, уни ва чақалоғини бамбук замбилда касалхонадан Чжанлар уйига олиб келтирди. Бир неча ҳафтадан сўнг уйга келган отам:

Коммунист сифатида буни ўзингта эп кўрмаслигинг керак эди, — деди онамга.

Ички туйгулари ларзага келган онам партияда қолишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билолмай қолди. Ўз ғазабини на партияга, на отамга сочиш имконияти бўлмаган онам, ўз бахтсизлиги учун янги тугилган қизчасини айблай бошлади. Касалхонадан чиққанларидан сўнг сингилчам тўрт кечаю тўрт кундуз тинимсиз йиглади. Онамнинг сабрбардоши тугади, чақалоққа бақирди ва урди. Қўшни хонада ётган Цзюньин аммам югуриб чикди.

— Сен жудаям чарчадинг, — деди, — энди унга мен қараб тураман. Шундан сўнг онамга аммам қарайдиган бўлди. Бир неча ҳафтадан сўнг онам ишга чиққач, опам Дэхун Цзюньин аммамларнинг уйида қолди.

Хали ханузгача онам ўша кунларни алам билан эслайди. Кейинчалик онам уни кўргани борганда, қизалоқ яширинадиган бўлди. Шундан сўнг у қизи Сяохунга ўзини она деб аташга рухсат бермади.

Аммам қизча учун эмизувчи энага топди. Ҳар бир хизматчи учун ёлланган энагага давлат пул тўларди. У мунтазам тиббий кўрик билан таъминланарди. Энага ҳам давлат хизматчиси ҳисобланарди. Улар хизматкор эмас, ҳатто чаҳалоҳнинг тагликларини ҳам ювмасди. Дав-

лат бундай катта харажатларга рози эди, чунки партиянинг «инқилобчилар»га доир қоидасига биноан, никохдан ўтишга юқори лавозимдагиларгагина изн берарди, бундай оилаларда фарзанд кам тугиларди.

Энага эндигина йигирма ёшга кирганди, ўзининг боласи ўлик тугилган эди. У ер эгасининг ўглига эрга текканди. Улар эса ердан олинадиган даромаддан айрилишди. Аёл далада ишлашни хоҳламади, у шаҳарда яшашни истарди, чунки эри шу ерда ўҳитувчилик ҳиларди. У таниш-билишлар орҳали аммамни топди ва эри иккаласи Чжанлар уйига жойлашишди.

Онам аста-секин ўзига кела бошлади. Туққанидан сўнг ўттиз кунлик таътил олди ва вақтини қайнонасиникида ва Цзюньин аммамникида ўтказди. Хизматга қайтгач эса, район қайта тузилгани учун комсомол ишига ўтди. Етти ярим минг квадрат мил майдонга эга бўлган Ибин районида икки миллиондан зиёда аҳоли яшарди, унинг таркибида шаҳардан ташқари тўққизта қишлоқ уезди ҳам бор эди. Отам бутун районни бошқарувчи, тўрт кишидан иборат қўмита аъзоси ҳамда район ташвиқот бўлимининг бошлиги бўлди.

Онамнинг бошлиги Чжан Ситин деган аёл эди. Улар эри билан 1950 йилда Тибетни олиш учун юборилган ҳарбий ҳисмларда хизмат ҳилишарди. Сичуан Тибетга бориш йўлидаги асосий ҳўналға эди. Эрхотин армиядан бўшатишларини сўрашганда уларни Ибинга юборишди. Эрининг исми Лю Цзетин. У эски исмини Цзетин ("Тин билан боглиҳ") деб ўзгартирди. Бу билан у рафиҳасини ҳанчалик ҳадрлашини ҡўрсатмоҳчи эди. Шундан сўнг эр-хотинни «икки тин» деб атай бошлашди.

Баҳорда онам комсомол құмитасининг бошлиғи бұлди. Бу ҳали йигирма ёшга тұлмаган аёл учун жуда катта лавозим эди. У яна аввалги куч-қудрат билан ишлай бошлади. 1951 йилнинг июнида менга ҳаёт ато этилганди.

ХОКИМНИНГ ОШИГИ ОЛЧИ БЎЛДИ

(1951 - 1953)

Онамнинг асосий вазифаларидан бири фабрика ишчилари орасида янги хукуматни қўллаб-қувватлашни таъминлаш эди. 1951 йилнинг бошларида у фабрикаларга қатнар, нутқ сўзлар, ишчиларнинг шико-ятларини тинглар, турли-туман масалаларни ҳал ҳиларди. Ёш ишчиларга коммунизм нималигини тушунтириб бериш, уларни комсомол ва партияга даъват этиш ҳам унинг вазифасига кирарди. У гоҳ бир фабрикада, гоҳ иккинчисида узоҳ яшаб ҳоларди: онам коммунистлар «ишчи ва деҳҳонлар орасида яшаши керак» деган ҳоидага ҳаттиҳ амал ҳиларди. Ана шу жараёнда у оғир сил касаллигини бошидан кечирди...

Мен 1952 йилнинг 25 мартида туғилдим. Бу хабарни эшитган дўхтир Ся:

Мана, яна битта ёввойи оққуш туғилди! — деди қувониб.

Менинг исмимни Эрхун деб аташди. Бу «иккинчи ёввойи оққуш» дегани. Менга шу исмни берган дўхтир Ся ўз ҳаётидаги сўнгги ишни бажо келтирди. У саксон тўрт ёшида вафот этди. Каравотда ўтириб сут ичаётган жойида финжони қўлидан тушиб кетди. Унинг кўзлари абадий юмилган эди.

Дўхтир Сяни Ибиннинг бир чеккасида, Янцзи дарёси соҳилидаги қабристонга дафн этишди. Унинг мозори узра сершох қарағай, сарв дарахтлари ўсарди. У Ибинда унча узоқ яшамаган бўлса-да, катта обрў-эътибор қозонганди.

Чжан Жун ______ Ёввойи оққушлар

ОТА АЗИЗ, ОНА АЗИЗ, РАИС МАО АЗИЗРОК

(1964 - 1965)

1964 йилнинг кузидан ўрта босқич мактабига қатнай бошладим. Шундан эътиборан сиёсат менинг ҳаётимга сингий бошлади. Мактабга борганимизнинг биринчи куниёқ, Раис Мао туфайли бизни ўқишга олишганини айтишди. Чунки бизни танлашда «синфий ёндашишибди». Мао мактаблар ва университетларни кўплаб буржуа болаларини ўқишга ҳабул ҳилишда айблади. Энди, — деб таълим берди у,— келиб чиҳиши яхши бўлган болаларга имтиёз берилиши керак. Бу — отаси ишчи, деҳҳон, аскар ёки партия ходими бўлган болалар ўҳишга олиниши керак деган маънони билдирарди. Зиёлилар «ишончсиз унсур» бўлгани учун уларнинг болаларини олишдан кўра, партия ходимларининг фарзандларини ҳабул ҳилишарди. Менинг синфимдаги болаларнинг ярми ана шундай болалар эди.

Мен борган Марказий 4-ўрта мактаб бутун Сичуандан кириш имтихонларида энг яхши натижаларга эришган ўкувчиларни қабул қилганди. Авваллари фақат баҳолар ҳисобга олинарди. Лекин мен кирган йилдан бошлаб имтиҳон натижалари ва ҳандай оиладан эканлиги ҳам бирдек муҳим эди. Мактаб эрамиздан олдинги 141 йилдан буён мавжуд эди. У Хитойда биринчи ўҳув юрти ҳисобланарди. Мактабнинг ҳадимий ва улуғвор биноси ҳам, ўҳитувчиларию ундаги муҳит

ҳам жуда ажойиб эди. Мен унга мафтун бўлиб қолгандим.

Аммо мактабимизда борган сари сиёсий ташвиқот кучайиб борарди. Эрталаблари саф торттириб, ўқувчиларга Мао таълимотидан сабоқ беришарди. Махсус йигилишлар ўтказилиб, партия хужжатлари ўргатиларди. Энди бизнинг хитой тили дарсликларимизда мумтоз адабиётдан кўра, таргибот матнлар кўпроқ бўларди. Сиёсий матнлар, асосан Маонинг ёзганлари ўкув дастурининг таркибий қисмига айланди.

Амалда ҳар қандай фаолият сиёсий аҳамият касб этди. Бир куни эрталаб сафланганимизда, директор куз учун машқлар утказишимизни айтди. Унинг гапига ҳараганда, Раис Мао куплаб уҳувчилар кузойнак таҳиб юрганини пайҳаб ҳолибди. Болалар кузларини чарчатиб ҡуҳётган эмиш. Раис Мао дарҳол бу аҳволни тузатишга амр ҳилибдилар. Биз унинг ғамхурлигидан жудаям таъсирланиб кетдик. Баъзи болалар бундай меҳрибонликдан миннатдор булиб куз ёши ҳилдилар. Биз ҳар куни эрталаб кузнинг чарчамаслиги учун ун беш даҳиҳалик машҳ утказа бошладик. Тиббиёт ходимлари томонидан ишлаб чиҳилган ҳаракатлар мусиҳа садолари остида утказиларди. Аввало кузларимиз атрофини уҳалаб чиҳардик, кейин синф деразаси ортидаги теракларга тикилиб утирардик — яшил ранг ором беради, деб ҳисобланарди. Машҳлар ҳилиш ва яшил япроҳлардан завҳланиб утирарканман, Мао ҳаҳида уйлардим ва узимча унга ҳасамёд ҳилардим.

Хамма нарсадан кўра, биз Хитойга рангини ўзгартиришга йўл кўяолмаслигимиз, яъни коммунизмдан капитализмга ўтаолмаслигимиз ҳаҳида гапириларди. Хитой билан Совет Иттифоҳи ўртасидаги ажралиш ҳаҳида аввалига индалмай келинди. Лекин 1963 йилда бу сир ошкор бўлиб ҳолди. Бизларга 1953 йили Сталин ўлганидан сўнг ҳокимият тепасига Хрушчёв келгач, Совет Иттифоҳи халҳаро капитализм исканжасига тушиб ҳолди, энди рус болалари ҳам Гоминдан пайтидаги хитой болалари каби ҳашшоҳлиҳда азоб чекмоҳдалар, деб тушунтиришарди. Бир куни мафкура бўйича ўҳитувчимиз совет йўлининг хавфли эканидан бизни йигирма бешинчи марта огоҳлантириб:

— Агар эхтиёт бўлмасанглар, мамлакатимиз аста-секин рангини ўзгартиради, — деб айтди. — Аввалига тўк-кизилдан оч-кизилга, сўнг

кул рангга, кейин эса қорага айланади.

Тасодифни қарангки, Сичуанча оч-қизил ифодаси (эр-хун) да худди менинг исмимдек жаранглайди. Бу сўздан синфдошларим пиқирлаб кулиб юборишди ва менга қарашди. Мен дархол бу исмдан воз кечишга қарор қилдим. Бир куни кечқурун отамдан менга бошқа исм қўйишни сўрадим. У Чжан исмини таклиф қилди. Бу сўз «наср» ва «эрта пишар» маъноларини англатади. Шу билан у ёшлигимданок яхши умид билдирди. Лекин бу ном менга ёкмади.

Иўк, харбийча жаранглашини хохлайман, дедим.

Шундай қилиб, менинг исмим унча маълум бўлмаган қадимий, «харбий» маъносини англатувчи «Жун» булди. Мактабга бориб янги исмимни айтганимда, айрим ўкитувчилар бу сўзга тегишли иероглифни билмасликларини айтиб, мени хайрон қолдиришди. Бу ерда отамнинг мумтоз адабиётини яхши билишлиги қул келди.

МЕН ҚАЛБИМНИ СОТМАЙМАН

(1967 - 1968)

(1966 йилда «маданий инкилоб» бошланди. Муаллифнинг отаси Чжан Шоуюй қалтис ишга қўл ураётганини билса ҳам, Маога хат ёзиб, «маданий инкилоб»ни танкид килди.)

Отам Маога хат жўнатганининг учинчи куни уйимиз эшигини тақиллатишди. Эшикни онам очди. Кук кийимдаги учта эркак кириб келди. Хитойда ҳамма шу рангдаги кийимда юрарди. Отам улардан бирини танирди: у отамнинг бўлимида фаррош бўлиб ишларди. У ашаддий жангари — цзаофанлардан бири эди. Келган баланд бўйли одам озғин юзида ғазаб билан:

- Биз полициядаги цзаофанлармиз, деди. Раис Мао жонига ва «маданий инкилоб» га суикасд килган аксилинкилобчини хибсга олишга келдик...
- Қани, юр-чи! деди улардан бири отамнинг қўлидан ушлаб. Улар на гувохнома кўрсатишди, на хибсга олиш учун буйрукнома. Уларнинг ваколатини отамнинг булимидаги унга таниш цзаофан тасдиклар эди.

Гарчи улар хат тўгрисида эслатмасалар хам, отам уни йўлдаёк кўлга туширганларини яхши тушунди. У ўзини хибсга олишларини кутарди, йўк, фақат Жаноби Олийларини хат орқали харакат қилгани учунгина эмас, балки хокимият тепасида эр-хотин Тинлар туришарди. Хибсга олишга улар рухсат беришган. Чунки Тин хоним отамни йўлдан урмоқчи бўлганда, оиламиз Чэнду шахрига кўчиб ўтганди. Отамни хибсга олишаётганда хеч нарса демади. Лекин асаби таранглашгани сезилиб турарди. Эшикдан чиқаётиб онамга тайинлади:

– Партиямизга кек сақлама. Ишон, улар ўз хатоларини тузатадилар. Мендан ажраш. Болаларимга айт, мен уларни яхши кўраман. Уларни қўрқитма...

 $ar{
m Y}$ ша куни мактабдан қайтганимда ота-онам уйда йўқ эди.

— Онанг Пекинга кетди, — деди бувим. — Отангнинг булимидаги цзаофанлар келиб уни олиб кетишганди. Онанг нега олиб кетишганини суриштириш учун кетди.

¹ Ц з а о ф а н (исёнкор), ишчи аёллар ва хунвэйбинлар отрядларининг қатнашчиси.

Бувим «полиция» сўзини ишлатмади, зеро бу сўз умидни бутун-

лай сўндирарди.

Онам Пекинга иккинчи даъфа бориши эди. Биринчи бор ҳеч ҳандай натижа чиҳмагач, Чжоу Эньлайга мурожаат ҳилиш хаёлига борди. Бошҳа ҳеч ким ёрдам беролмайди. Бошҳа раҳбарлар билан учрашиш отам ҳалокатини тезлаштирарди, унинг ўзига, яҳинларига хавф туғдирарди, холос. Лекин унинг ҳабулида бўлиш Оҳ уйга бориш ёки Рим папаси ҳузурига кириш билан баробар эди. Нима ҳилишни билмай, боши ҳотиб турган онамнинг ҡўзи бирдан катта лавҳага тушиб ҳолди. Унда: «Қизил Чэнду ҳайъати талабнома билан Пекинга бораяпти», деган сўзлар ёзилганди. Унинг атрофида икки юздан зиёд одам тўпланганди. Ҳаммаси йигирма ёш атрофидаги ёшлар эди. Поезд жўнашга шай турарди. Онам бир амаллаб чипта олди-да, вагонга ёпишди. Лекин ичкари кираётганда уни тўхтатишди.

— Сиз кимсиз? — деб бақирди талабалардан бири.— Ўттиз бешдан ошган онам талабага унча ўхшамасди. — Сиз бизнинг гурухдан эмас-

сиз. Тушинг пастга!

Онам бор кучи билан эшик дастасига ёпишди:

— Мен ҳам эр-хотин Тинлар устидан шикоят ҳилиб Пекинга кетаяпман, — баҳирди онам. — Мен уларни купдан бери биламан.

Талаба онамга ишонқирамай қаради. Орқада турган йигит билан қиз талабага ўшқиришди:

— Қуйиб юбор уни! Эшитайлик-чи, нима деркин!

Онам одам тиқилиб кетган купега суқилиб кириб олди-да, эркак билан аёлнинг ўртасига ўтирди. Улар «Қизил Чэнду» қароргохи зобитлари эканликларини айтишди. Эркакнинг исми — Юн, аёлники — Ян экан.

Уларнинг гапларидан онам шуни тушундики, талабалар эр-хотин Тинлар ҳақида унча яхши билишмас экан. У Ибинда «маданий инқилоб»гача ҳам одамларни ҳандай таъҳиб ҳилишгани ҳаҳида гапириб берди. Эр-хотин Тинлар отамни ҳибсга олишга буйруҳ беришганини тан олди.

— Чунки, — деди у, — отам Раис Маога хат ёзиб, Сичуанда бунақаларнинг рахбарлик қилишига ишониб бўлмаслигини айтганди.

Ян билан Юн онамга уни Чжоу Эньлай билан учрашувга олиб боришга ваъда беришди. Вокзалда уларни бош вазир кутиб олди. Хаммани хукумат мехмонхонасига олиб боришди ва Чжоу уларни эртага кечкурун қабул қилади деб огоҳлантиришди. Эртаси куни талабаларнинг йўқлигидан фойдаланган онам Чжоуга мурожаатнома ёзди. У билан гаплаша оладими, йўқми, хеч бўлмаса хатни тутқазиб юбориши мумкин-ку. Кечкурун соат тўққизда онам талабалар билан бирга Тяньанмэн майдонининг Халқ мажлиси уйига келди. Учрашув Сичуан залида ўтди. Бу зални безашда 1959 йилда отам ҳам қатнашган эди. Талабалар бошқа вазир олдида ярим давра қуриб ўтирардилар. Жой етишмасди, айримлар ерда, гилам устида чордона қурдилар. Онам орқа қаторда ўтирарди.

Бош вазир гапирмай, талабаларнинг гапларини тинглаб ўтирарди. Уларнинг фикрига қушилмасди ҳам, рад этмасди ҳам. Ҳар замон,

ҳар замонда:

— Раис Маонинг изидан бориш керак, жипслашиш зарур,— деб кўярди. Нихоят, у, — Яна қандай гаплар бор?— деди сўзини якунла-ётганлай.

Онам шошилиб қолди. Бошқа имкон бўлмайди, деб сапчиб ўрнидан турди:

— Бош вазир, менинг гапим бор...

Чжан	Жун

Ёввойи оққушлар

Референт гапларни ёзиб борарди.

Чжоу онамга қаради. Унинг талаба эмаслиги кўриниб турарди.

Сиз кимсиз? — сўради бош вазир.

Онам ўз исмини ва лавозимини айтди ва дархол сўзини улаб кетди:

— Эримни аксилинқилобчи деб ҳибсга олишди. Мен бу ерга адолат излаб келдим...

Шундан сўнг отамнинг исми ва лавозимини айтди.

Чжоу онамга диккат билан қаради. Отам мухим лавозимда эди.

- Талабалар кетиши мумкин, деди у, Сиз билан эса алоҳида гаплашаман.
- Бош вазир, талабаларга шу ерда қолиб, менинг гувоҳларим бўлишига ижозат берасизми? Шуни сўраркан онам мурожаатномани олдинда турган талабага чўзди, у Чжоуга узатди.

Бош вазир бош иргади:

- Майли, давом этинг.
- Эрим, Раис Маога хат ёзгани учун уни қамоққа олишди,— дея тез-тез гапира бошлади онам. Ўша хатда Чжан Шоуюй эр-хотин Тинларнинг Сичуанга янги рахбар бўлиб тайинланганларига рози эмаслигини ёзган эди. Чунки Ибинда улар қилган суиистеъмоллардан хабардор эди. Хатда «маданий инкилоб» га нотўгри бахо хам ўз ифодасини топганди. Менинг эрим айрим масалаларда адашса-да, ўз нуқтаи назарини сира ошкора айтмасди. Компартия низомига қатъий амал қилиб, ўз фикрларини Раис Мао билан ўртоклашгани ёзган эди. Низомга биноан, бу фирқа аъзосининг дахлсиз ҳуқуқидир. Хат уни ҳибсга олиш учун сабаб бўлолмайди. Мен бу ерга адолат излаб келдим...

Онам Чжоу Эньлайнинг кўзларидан «тушундим» деган маънони англади. У шикоятномани кўрди-да, оркада ўтирган референтга энгашиб ниманидир шивирлади. Зал жимжит эди. Хамманинг кўзи бош

вазирга қадалганди.

Референт Чжоуга Давлат кенгаши тамғали бир неча варақ қоғоз узатди. Чжоу зўрға ёза бошлади — кўп йиллар бурун Яньанда отдан йикилиб, қўлини синдирганди. Ёзувни тугатиб, қоғозни референтга

қайтарди. У овоз чиқариб ўқий бошлади:

«Биринчи: коммунистлар фиркасининг аъзоси сифатида Чжан Шоуюйнинг партия рахбариятига ёзишга ҳаққи бор. Унинг хатида ҳар қандай жиддий хато мавжуд бўлмасин, бу уни аксилинкилобий фаолиятда айбланишига асос бўлмайди. Иккинчи: тергов ўтказилиши шарт ва Сичуан вилояти пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари сифатида Чжан Шоуюйни халқ оммаси танқид қилиши керак. Учинчи: Чжан Шоуюй хусусида якунловчи ҳарор «маданий инкилоб» тугагандан кейингина ҳабул қилиниши мумкин. Чжоу Эньлай».

Кувончидан онамнинг тили калимага келмай қолди. Тилхат Сичуаннинг янги хужайинлари номига битилмаганди, шу боисдан, уни кимгадир бериши шарт эмасди. Демак, Чжоу онам хатни сақлаб юриши

ва лозим кўрган одамгагина кўрсатишини хохлаганди.

Вақт ўтиб борарди. Апрелда отам уйга қайтди. Қалбим енгил тортди, қувониб кетдим. Лекин кўп ўтмай бу қувонч қўрқувга айланди. Отамнинг кўзлари галати чақнаб турарди. У қаерда бўлгани ҳақида ҳеч нима демасди, агар бирор нарса гапирса ҳам сўзига сира тушунмасдим. У кечаси билан ухламас, туни билан хонада юриб чиҳар, ўзи билан гаплашарди. Бир куни у ҳаммамизни уйдан ташҳарига — ҳаттиҳ жала остига ҳайдади, «инҳилобий бўрондан ўтиш керак» деб таъкидларди. Бошҳа сафар маоши жойланган хат жилдини олиб оловга ташлади.

— Хусусий мулкдан бош тортаман,— деди у гезариб. Аччиқ ҳақиқат: у ақлдан озган эди. Бу телбаликнинг тиғи онам шўрликка қаратилганди: у онамга ташланар, «уятсиз», «кўркок» деб хўрларди, уни хоинликда айбларди.

Қайтиб келган биринчи күниёқ, онамга шубха билан қараб:

— Шунча вақтдан бери нима иш қилдинг, — деб сўради.

 Онам Пекинга бориб, уни озод қилишлари учун елиб-югурганини айтди. Отам ишонқирамай, бошини сарак-сарак қилди-да, «далили қани, кўрсат» деб талаб этди. Онам Чжоу Эньлайнинг хатини кўрсатмасликка карор килди. Унинг ўзида эмаслигини кўриб турар, хатни берсам, тинларнинг қўлига тутқазиб қўйиши мумкин деб ўйларди.

Отам қайта-қайта шу мавзуга қайтаверарди. Онамни ҳар куни сўроқ

қиларди. Баъзан қўл кўтаришгача бориб етарди.

Кейинчалик маълум бўлдики, қамоқхонада терговчилар «агар айбингга икрор бўлиб, имзо чекмасанг хотининг ва болаларинг сендан воз кечадилар» деб тахдид қилаверишибди. Лекин отам мен икрор бўладиган нарсам йўқ ва хеч нарсага қўл қўймайман деб рад этибди. Шундан сўнг терговчилар хотининг сендан воз кечди дейишибди. У билан кўришишга хам имкон беришмабди. Қамоқдан озод қилинганда, терговчилардан бири: «Уйда сени хотининг назорат қилади". Партия сени кузатиб юришни унга топширди. Энди уйинг иккинчи камокхона бўлди», дебди. У ўзининг бирданига озод килинишининг сабабини билмасди. Онам ҳам ҳамоҳхонада уни нима ҳилишганини билмасди.

Отам: «Мени нега қуйиб юборишди?» — деб сураганида онам нима дейишни билмасди. Онам унга Чжоу Эньлайнинг хати тўгрисида бир нарса дейишга ботинолмасди. Эр-хотин Тинларнинг ўнг қўли бўлган Чэн Мо хузурига борганини ҳам айтолмасди. Тинлардан бирор илинж кутганини эшитса, отам чидай олмасди.

Онам уни даволашга уринди. Вилоятнинг собик бошкармаси кошидаги клиникага, кейин рухий касалликлар шифохонасига мурожаат қилди. Отамнинг номини эшитишлари билан рад этишди. Маъмур-

ларнинг рухсатисиз кабул килолмаймиз дейишди.

Бир куни онам ётоқхонасида дам оларди, отам ўз хонасида севимли бамбук оромкурсисида ўтирарди. Бирдан у ўрнидан сакраб турдида, югуриб онамнинг хонасига кирди. Шовкинни эшитиб, биз хам унинг оркасидан югуриб кирдик. Қарасак, онамнинг томоғига ёпишиб бўғаяпти. Зўрға ажратиб олдик. У онамни силтаб ташлаб, чиқиб кетди. Ағдарилиб тушган онам зўрға ўрнига ўтирди. Ранги бўзариб кетган эди. Чап қўли билан қулогини ушлаб турарди. Отам унинг чаккасига мушт тушириб уйготган экан. У ҳўнграб йиглаётган бувимга ўгирилиб, хотиржамгина:

Вахима қилманглар, ҳеч нарса бўлгани йўқ...— деди.

Кейин бизларга мурожаат қилди:

— Отанглардан хабар олинглар, сўнгра хоналарингга киринглар... Бувим эрталабгача уларнинг эшиклари олдида ўтириб чикди. Мен хам эрталабгача ухлай олмадим.

Онамнинг чап қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди. У уйда қолиш хавфли эканини хис қилиб, эртасигаёқ бўлимига бориб, ётишга бошпана сўради. Цзаофанлар уни яхши кутиб олишди. Кичкинагина жой ажратиб беришди. Бу богнинг ичкарисидаги мўъжазгина хона эди. Унга стол билан каравот зўрга сигди. Уша кечаси биз халиги каталакда, онам, бувим, Сяофан — хаммамиз битта каравотда ётиб чикдик.

Кейинги бир неча кунлар давомида укам Цзиньмин отам билан қолди. Мен онам ёнида яшаб, уни парваришлашда бувимга кумаклашдим. Қушни хонада онам ишлайдиган жойдаги цзаофанларнинг ёш сардори яшарди. Мен унга салом бермасдим — балки «капитализм ҳамроҳи» оиласининг аъзоси унга мурожаат ҳилишни хоҳламас деб уйлардим. Лекин у бизлар билан одатдагидай саломлашганидан ҳайрон булдим. Онам билан жуда назокатли муомалада буларди.

Бир куни эрталаб онам эшик олдида ювинаётганда — уйда жой етишмасди, қушнимиз онамни чақириб, хоналаримизни алишмаймизми, деб суради. Унинг хонаси бизникидан икки баравар катта эди. Биз уша куниёқ унинг хонасига кучиб утдик. У иккинчи каравот топишга ёрдамлашди. Энди биз анча қулайликларга эга булиб, бема-

лол ухладик. Унинг ғамхўрлигидан жуда миннатдор эдик.

Кўзи гилай бўлган бу ёш йигитнинг чиройли ҳамроҳи бор эди. Бу ҳиз кечаси уникида ётиб ҳоларди (ўша пайтларда бунга ишониш ҳийин эди). Улар биздан тортинмасдилар. Эрталаблари ҳуюҳ саломлашардилар. Бахтли эканликлари ҡўриниб турарди. Мен одамлар бахтли бўлса, меҳрибон бўлишларини шунда тушуниб етдим.

Онам ўзини яхши ҳис қила бошлади, мен отамнинг ёнига қайтдим. Унинг хонаси аянчли бир аҳволда эди: дераза ойналари синдирилган, ёнган мебелларнинг парчалари, кийим-кечакнинг қолдиқлари сочилиб ётибди. Отам менинг уйдалигимга парво қилмасди, айлангани-айланган эди. Кечаси хонамни беркитиб ётардим, чунки у ухламас, узундан-узоқ суҳбатлари билан бошимни қотирарди. Унинг ёнида яшаш азоб эди. Бир неча бор онамнинг ёнига қочиб бормоқчи ҳам бўлдим, лекин уни қолдириб кетишга виждоним қийналарди.

Бир неча бор менга ташланиб, урди ҳам; кейин ҳаёҳҳадир ғойиб булди. Қурҳиб кетиб, уйдан югуриб чиҳдим. Йулда юҳори ҳаватда

яшовчи қўшнини учратиб қолдим:

— Отанг томнинг устига чиқишга уринаётганини кўрдим, — деди у. Уй беш қаватли эди, зина билан тепага қараб югурдим. Зинапоя майдонининг устида, чап томонда кичик туйнук бор эди, у тўрт қаватли қўшни уйнинг томига олиб чиқарди. Томнинг устига пастаккина тўсиқ панжара ўрнатилганди. Туйнукдан қарасам, отам черепицали томнинг чеккасида турибди. Менга у чап оёгини тўсикдан ошираётгандай бўлиб кўринди.

— Дада, — дедим титроқ овозда. У қўрқиб кетмасин деб хотиржам оҳангда гапиришга уриндим. Отам жойида қотиб қолди, кейин менга

ўгирилди.

Бу ерда нима қилаяпсиз?

— Дарвозадан ўтишимга ёрдам бериб юбор.

Бир амаллаб унинг қўлидан ушлаб олдим-да, зинапоя майдончасига ўтказдим. У мени пастга олиб тушди, ҳатто сочиҳни олиб кўз ёшларимни артди. Лекин бирдан яна жини ҳўзиди, менга ҳўл ҡўтарди.

Цзаофанлар отамнинг даволанишига имкон бериш ўрнига, уни калака қилар, жиннилиги устидан кулардилар. Улар «Чжан жиннининг ҳақиқий тарихи» деган мавзуда давомли «дацзибао» чиқарар эдилар. Унда ўзларининг собиқ ходимларини танқид қилардилар. Бу эса менда нафрат уйготарди.

Одамларни махлуққа айлантирган нима? Бунчалик шафқатсизлик нимага керак эди? Худди ана шунда менинг Маога бўлган эътиқодим дарз кетди. Авваллари, бошқаларни таъқиб қилишаётганини кўрганимда уларнинг тўла айбсиз эканликларига унча ишонмасдим. Лекин мен ўз ота-онамни яхши билардим. Қалбимда қандайдир шуб-

ҳа уйгона бошлади. Бунинг учун мен кўплаб бошқалар қатори унинг рафиқасини ва «маданий инқилоб» ишлари бўйича гуруҳни айблар эдим. Маонинг ўзи эса тенгсиз император сифатида шубҳа-гумонлардан устун бўлиб кўринарди.

Отам кундан-кунга руҳан ва жисмонан сўниб борарди. Онам яна Чэн Маога мурожаат қилди. У ёрдам қилишга ваъда берди. Лекин вақт ўтиб борар, ёрдамдан дарак йўқ эди. Демак, Тинлардан даволаш учун рухсат тегмаган. Нима қилишини билмай қолган онам жаҳл устида «Қизил Чэнду» қароргоҳи — Ян ва Юн ҳузурига борди.

Сичуан тиббиёт институтида етакчи мавке «Қизил Чэнду» гуруҳи кулида эди. Институт қошида руҳий касаллар шифохонаси бор эди. Агар «Қизил Чэнду» бир оғиз шипшитиб қуйса булди, отамни шифохонага ётқизишарди. Ян ва Юн онамнинг илтимосига ҳамдардлик билан ҳарашди, лекин бунинг учун уртоқларининг мадади кераклигини айтишди.

Мао инсонпарварликни «буржуазия мунофиклиги» деб эълон килди. «Синфий душман» га нисбатан ҳамдардлик ҳакида эса гапирмаса ҳам бўлади. Буни кечириб бўлмас ожизлик ҳисоблашарди. Ян билан Юн отамни даволаш зарурлигини сиёсий жиҳатдан асослаб беришлари шарт эди. Бундай асос топилди: у эр-хотин Тинлар таъкибининг қурбони эди. «Қизил Чэнду» кўлида шундай курол пайдо бўлдики, бу курол ёрдамида уларни ағдариб ташлаш ҳам мумкин эди. бу эса ўз навбатида «йигирма олтинчи август» 2 устидан ғалабани таъминлаши мумкин эди.

Бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Мао янги инқилобий қумиталар цзаофанлар ва ҳарбийлар билан бирга «инқилобий кадрлар» таркибига киришга чақирарди. «Қизил Чэнду» ҳам, «Йигирма олтинчи август» ҳам Сичуан инқилобий қумитасида уларнинг вакили була оладиган амалдорларни қидирардилар. Уларга тажрибали сиёсатчи-маслаҳатчилар керак эди. «Қизил Чэнду»да отамни энг муносиб номзод деб ҳисоблардилар ва даволанишга розилик бердилар.

«Қизил Чэнду»дагилар отамни Маони ва «маданий инқилоб»га туҳмат қилишда айблаётганларини ҳамда Мао хонимнинг ўзи қоралаганини яхши билишарди. Бироқ бу айбловларнинг бари дацзибаоларда олға суриларди ва бундай вараҳа шиорларида ҳаҳиҳат кўпинча ёлғон билан аралаштирилган бўларди. Табиийки, уларни тан олмаслик ҳам мумкин эди.

Отамни Сичуан тиббиёт институти қошидаги рухий касалликлар шифохонасига ётқизишди. У Чэнду шахрида жойлашганди. У ерга кириб боришнинг ўзи амри махол эди. Отамни олиб кетиш учун келган икки санитар (улар оқ халат кийишмаганди), уни навбатдаги «кураш митинги»га олиб борамиз, дейишди. Касалхонага етиб боришганда, отам уларнинг қўлидан қутулиб чиқишга уринди. Улар отамни бўш хонага судраб киришди ва ичидан беркитиб олишди. Унга зўрлаб тинчлантирувчи кўйлак кийдираётганларини онам билан мен кўрмаслигимиз учун шундай қилишди. Унга қандай қўпол муомалада бўлишаётганини кўриб юрагим ҳапқириб кетди, лекин нима қилай, бу унинг фойдаси учун қилинаётганини тушунардим.

Руҳшунос дўхтир Су, унга ташхис қўйиш учун бир ҳафта унинг хатти-ҳаракатини кузатишим керак, деди. Ҳафтанинг охирида шизофрения деган хулосага келди. Отамни электр тепкиси ва инсулин

¹ Дацзибао— шиор ёзилган лавҳалар.

² «Йигирма олтинчи август»— Чэнду музофотидаги цзаофанларнинг асосий гурухларидан бири.

эмлаш билан даволардилар. Бунинг учун уни каравотга боглаб қўярдилар. Бир неча кундан кейин унинг хуши ўзига кела бошлади. Отам кўзларида ёш билан онамга ялинар, дўхтирдан даволаш усулини ўзгартиришини сўрашини илтимос қиларди.

Шунақа оғрийдики, — дерди титраб-қақшаб, — бундан кўра

ўлганим яхши.

— Бу касални даволашнинг бошқа усули бўлмаса нима қилай-

лик?! — дерди дўхтир.

Мен кейинги сафар келганимда, отам каравотда онам билан гаплашиб ўтирарди. Ёнларида Ян ва Юн ҳам бор эди. Ҳаммаси жилмайишар, отам ҳатто кулиб қўярди. Кўриниши аввалгидан анча яхши эди.

Буни кўриб йиглаб юбордим.

«Қизил Чэнду» раҳбарларининг буйруғи билан отамга алоҳида овқат берардилар, ёнида кеча-кундуз ҳамшира навбатчилик ҳиларди. Ян ҳамда Юн отамнинг булимидаги бошҳа ходимлар билан уни кургани бориб туришарди. Улар отамга ҳамдардлик билдиргани учун уртоҳ Шао гуруҳининг таъҳибига учрадилар. Отам Ян билан Юнга яхши муносабатда эди.

Даволаш қирқ кунга яқин давом этди. Июлнинг ўрталарида отам анча тузалди ва уни шифохонадан чиқаришди. Отам билан онамга Чэнду университети ҳовлисидан уй беришди. Уларнинг эшигида қўриқчи талабалар турарди. Отамга тахаллус беришди ва ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ҳовлидан чиқмасликни тайинлашди. Кеч кириб, ҳоронғи тушиши билан отам иккимиз сайрга чиҳишга муяссар бўлардик.

Бир куни, 1967 йилнинг сентябр ойи охирларида кечаси отам билан онамни уйга олиб келиб қуйишди. Ян билан Юн уни бошқа ҳимоя ҳила олишмасди, эшиккача қузатиб қуйишди-да, хайрлашишди.

Ота-онам дархол эр-хотин Тинлар ва Шао гурухининг чангалига тушдилар. Тинлар хатти-ҳаракатлари билан шуни маълум қилдиларки, ходимларнинг келажаги улар энди отамга нисбатан қандай муносабатда бўлишларига боглиқ бўлади. Ўртоқ Шаога янги ташкил қилинган Сичуан инқилобий қўмитасида отамнинг лавозимига ўхшаш ўрин ваъда қилишди. Бунинг учун у отамнинг «боплаб адабини бериши» керак эди. Отамга ҳамдардлик билдирганларнинг ўзи энди ҳужумга дучор бўлар эдилар.

Бир куни Шао гуруҳидан иккита эркак келиб, отамни «митинг» га олиб кетишди. Анча вақт ўтганидан сўнг улар ҳайтиб келиб, бориб отамни уйга олиб келишни буюришди. Отам ўз бўлими ҳовлисида деворга суяниб ётарди, ўрнидан туришга урингани кўриниб турарди. Юзи калтакдан кўкариб кетганди, бошидан сочининг ярми ҳирҳиб ташланганди.

Аслида ҳеч қандай митинг бўлмаганди. Отам бориши билан уни бир хонага қамаб, бештача барзанги роса калтаклабди. Отам ҳушини йўқотибди. У ўзига келганда дўппословчилар гойиб бўлган экан. Уни ташналик қийнар экан, эмаклаб ҳовлига чиқибди. Урнидан туришга уриниб кўрибди, лекин оёққа туролмабди. Ҳовлида ўртоқ Шаонинг гуруҳи одамлари юришган экан, лекин унга ҳеч ким ёрдам бермабди.

«Зўравонлар» Чунциндаги «Йигирма олтинчи август» гурухидан экан. Бу шаҳар Чэндудан юз эллик мил олисда эди. У ерда шиддатли жанглар кетарди. Янцзи дарёси орҳали замбарак ўҳлари учиб ўтарди. «Йигирма олтинчи август»чиларни шаҳардан сиҳиб чиҳаришгандан сўнг, бу ташкилотнинг кўпчилик аъзолари Чэндуга ҳочиб келдилар, уларнинг айримлари бизнинг бинога жойлашдилар. Улар бекорчиликдан зерикиб, ўртоҳ Шаога нолиб ҳолдилар:

— Қўлимиз қичишаяпти, — дейишди улар, — бекор ўтираверамизми? Хадеб сабзавот, кўкат еяверамизми? Қон ва гўштдан ҳам татиб кўришимиз керак. Уларга отамни бирёкли қилишни таклиф этишди.

Шу пайтгача ҳар ҳандай калтак ва ҳийноҳларга ҳам инграмай, чидаб келган отам ўша кечаси ўкириб йиглади. Эрталаб ўн тўрт ёшли укам Цзиньмин югуриб келди: «Отамни касалхонага олиб бориш учун замбил бериб туринглар», деди. Ўн уч ёшли Сяохэй бўлса, устара сотиб олиб, отамнинг ҳолган сочларини ҳириб ташлади. Кўзгудан ўзининг ҳиртишланган бошини ҡўриб отам тиржайди:

— Бу жуда яхши бўлди. Навбатдаги митингда сочимдан тортиб,

судраб юришмайди...

Отамни замбилга ортиб, яқин атрофдаги травматология касалхонасига олиб бордик. Уни яхши қабул қилишди. Дабдаласи чиққан баданини кўриб, «дод» деб юборгим келди, томогимга алланима тиқилиб, овозим ҳам чиқмади.

1967 йилнинг охиридан 1969 йилнинг октябригача онамни бир неча бор қамаб, бир неча бор қуйиб юборишди. Қамоқда онамга ҳар хил муносабатда булишарди. Айрим назоратчилар уни аяшар, қулларидан келганча (уларни ҳеч ким курмаган пайтда, яширинча) ёрдам беришарди. Улардан бири — ҳарбий хизматчининг аёли дори-дармон топиб берарди. Эрининг хизмат ҳақидан ҳафтада бир марта тухум, сут ва товуқ гушти келтириб берарди.

Саховатли назоратчининг илтифоти туфайли онамни бир неча бор уйга қўйиб юборишди. Эр-хотин Тинлар буни билиб қолиб, назоратчини бошқаси билан алмаштиришди. Янги келган назоратчи аёл одамларни қийнашдан завқланарди. У онамни ховлида соатлаб букилиб туришга мажбур қиларди. Қиш пайти онам муздек сувда тиз чўкиб турарди, баъзан хушидан кетиб қоларди. Қахри қаттиқ бу аёл онамни икки марта «йўлбарс курсиси»да қийноққа солди. Бунда жазоланувчи тор курсига ўтириб, оёкларини олдинга узатиши керак эди. Унинг танасини устунга, сонларини курсига шундай боглашардики, махбус қимирлай олмасди. Товонлари тагига ғишт қўйишарди. Бу тизза косасини ёки сон суягини синдириш учун қулланиларди. Иигирма йил бурун онамни Гоминдан қамоқхонасида хам шу усулда қийнагандилар. Бу сафар «йўлбарс курсиси» кийногини охирига етказишолмади. Чунки онамнинг товонлари устига керакли микдордаги гиштни куйишга назоратчи аёлнинг кучи етмади, эркаклар эса унга ёрдам беришдан бош тортдилар. Кейинчалик ўша назоратчига «ақлдан озган» деган ташхис қуйишиб, рухий касалликлар шифохонасига жунатишди.

Онам кўп марталаб «капиталистик тараққиёт йўли»ни ёқлашини «тан олиб» икрорномага кўл қўйиб берди, лекин отамни ҳеч қачон сотгани йўқ, «жосуслик»да айбловларнинг барчасини рад этди.

Онам қамоқдалигида биз болаларга у билан кўришишга рухсат беришмасди, ҳатто унинг ҳаердалигини ҳам айтишмасди. Мен у ҳамоҳда бўлиши мумкин деб ўйлаган жойларни айланиб, онамни кўриб ҳолиш илинжида эдим.

Бир пайтлар онамни шаҳарнинг бош савдо кўчасидаги ташландиқ кинотеатр биносида сақлашарди. Баъзан назоратчи орқали унга у-бу нарса бериб юборишга муваффақ бўлардик, гоҳида онамни кўриб ҳам қолардик. 1968 йилнинг кузида мен онамга егулик олиб борганимни эслайман. Уни ҳабул ҳилишмади. Энди ҳеч нарса олиб келманглар, дейишди. Буни эшитиб бувим ҳушидан кетиб ҳолди, у ҳизим ўлибди, деб ўйлаган экан.

Нима қилишни билмай гаранг эдик. Чидай олмай, укамнинг қўлидан етакладим-да, кинотеатрга бордим. Укам Сяофан билан у ёкданбу ёққа юриб, иккинчи қават деразаларидан кўз узмасдик, «ойи, ойижон» деб чақирардик. Уни жудаям кўргим келарди. Укам йигларди. Лекин онам жавоб бермасди.

Йиллар ўтиб, онам ўшанда бизни эшитганини айтди. «Томи кет-ган» ҳалиги назоратчи, «болаларининг овози ҳаттиҳроҳ эшитилсин,

баттар қийналсин» деб деразани очиб қуйган экан.

Ўшанда:

— Агар эрингни сотсанг, ўзинг Гоминдан жосуси эканингни тан олсанг, болаларингни ичкари киритамиз, — деб шарт қўйган экан. — Акс холда сен бу ердан хеч қачон чиқиб кетмайсан...

Йук, — дебдилар онам ва йиглаб юбормаслик учун муштумини

шундай қисибдиларки, тирноқлари кафтига кириб кетибди.

* * *

Бувим олтмиш ёшга қараб борарди. Охир-оқибат оғриқлар унинг бардошидан устун келди. Бутун бадани зирқираб оғрирди, айниқса, қулоқлари азоб берарди. Мен уни Метеорит¹ кўчасидаги касалхонага олиб бордим.

Шахсий ҳайдовчиси бўлган автомобилларда юрган ҳаётнинг янги хўжайинлари оддий одамлар ташвиши билан ҳизиҳмасдилар. Чэндуга автобуслар юрмасди, инҳилоб учун бу муҳим эмасди; одамни одам эзмаслиги учун велорикшаларни таҳиҳлаб ҳўйдилар. Бувим юролмасди, уни велосипедга мингаштириб олиб боришга тўгри келарди. Ўша касалхонада «кураш митинглар»да майиб-мажруҳ ҳилинган кўплаб иштирокчиларни кўрган эдим.

Нихоят, бувим тузалди ва биз уни бир амаллаб уйга олиб кетдик.

* * *

Онам ҳамон ҳамоқда эди. Бувимнинг дарди оғирлашиб борарди. Бир куни у каравотдан туролмади. Дўхтирни уйга чаҳиришнинг имкони йўҳ эди. Бувимни опамнинг йигити орҳалаб касалхонага олиб борди. Бир неча бор шундай ҳилишга тўғри келди. Ниҳоят, унинг касалини топиша олмаётганини айтишди:

— Унга ёрдам беролмаймиз, — дейишди.

У каравотда ётганича ўлимини кутарди. Унинг ҳаёт шами астасекин сўниб борарди. Опам, укаларим бир неча бор онамнинг ҳамоҳхонасига боришди, уни уйга ҳўйишни сўраб ёлворишди, лекин ҳар сафар ҳуруҳ ҳайтиб келишарди. Бувим ҳимир этмас, лекин кўзи очиҳ ётарди.

Нихоят, онамни қуйиб юборишди. Онам икки кун бувим тушаги ёнидан жилмади. Бувим унинг қулоғига алланималарни пичирларди.

У онамга нега касал бўлиб қолганини айтиб бераётган экан.

Ўртоқ Шаонинг гуруҳига кирувчи қушнилар ҳовлида бувимга ҳарши «кураш митинги» утказишибди. Қандайдир хунвейбинлар уйга тинтув утказишга келиб, Кореядаги уруш йилларида давлатга топширган ҳимматбаҳо буюмлари учун берилган гувоҳномани мусодара ҳилишибди. Бувимни «эксплуататор синфнинг сассиҳ вакили» деб айтишибди, булмаса ҳимматбаҳо буюмларни ҳаердан олармиш. Кей-

 $^{^{1}}$ "Маданий инқилоб" йилларида муаллиф сургун қилинган Чэндуда бу кўчага метеорит тушгани учун шундай аталарди.

ин уни столчага ўтқазиб қўйишибди. Ер нотекис экан, столча лиқиллармиш, боши айланар, қўшнилар эса бақиришармиш. Укам Сяофаннинг қизини зўрлаганликда айблаётган аёл қўлидаги таёқ билан столнинг бир оёгига қаттиқ урибди. Мувозанатни йўқотган бувим ерга йиқилиб тушибди. Ўшанда ерга қаттиқ урилган белида пайдо бўлган кескин огриқ ҳамон давом этарди.

Орадан уч кун ўтиб, бувим вафот этди. Онам яна қамоқхонага

кайтди.

Ўшандан бери бувимни кўзимда ёш билан хотирлайман. Жуда ажойиб инсон эдилар бувим — ҳаракатчан, истеъдодли, ақлли. Афсуски, унинг қобилиятидан фойдаланилмади. Кичик бир шаҳарнинг манман деган полициячисининг қизи, генералнинг жорияси, катта оиланинг ўгай онаси, икки амалдор коммунистнинг она ва ҳайнонаси ҳеч ҳандай бахт кўрмай яшаб ўтди. Унинг дўхтир Ся билан турмушига ўтмиш соя ташлаб турарди. Эр-хотин жуда ҳашшоҳ яшашди, японлар босҳинини, фуҳаролар урушини бошдан кечиришди. Бувим ҳаётининг асосий ҳисмини ҳўрҳувда ўтказди, бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди. У кучли аёл эди, лекин бошига тушган бахтсизликлар, игво ва туҳмат тошлари унинг иродасини буҳди. Қизи чеккан азоблар, айниҳса, уни адойи тамом ҳилди. Ғам-андуҳ, дард-аламдан ўлиб кетди бечора бувим.

Албатта, бошқа оддий сабаблар ҳам бор эди, тиббий ёрдамнинг йуқлиги, қизини бир куришга зорлиги уни ҳолдан тойдирди. Бунинг барига сабаб «маданий инқилоб» эди. Одамларга шунчалик азоб-уқубат келтирган инқилобнинг нимаси яхши? — сурардим узимдан. «Маданий инқилоб»ни кургани кузим йуқ, нафратланаман, дердим ҳайтаҳайта. Лекин ҳеч нарса ҳилолмаганимдан, ҳулимдан ҳеч нарса келмаганидан жиғибийрон булардим.

Мен бувимга яхши қарай олмадим деб ўзимни койирдим. Бувим касалхонада ётган айни пайтда мен Бин ва Вэн билан танишган эдим; улар билан дўстлигим, мени бувимдан узоқлаштирди, унга бепарво бўлиб қолдим, унинг изтиробларини тушунмадим. Бувим ўлим тўшагида ётса-ю, мен қувончларга ғарқ бўлиб юрсам... Ўзимга алам қилиб кетди. Севилмасликка қарор қилдим. Шу йўл билан гуноҳимни ювмоқчи бўлдим.

Кейинги икки ойни мен Чэндуда, дугонам Нана хамда синглим билан ўтказдим. Зўр бериб бизни коммунага олишга рози бўладиган бирор «қариндош»ни топишга уриндик. Даладан хосил йигиштириб бўлинмасдан шундай одамни топиб улгуриш керак эди. Чунки пайлар шу пайтда тарқатилар эди, агар улгурмасак, келаси йилга ейдиган хеч нарсамиз бўлмасди. Чунки давлат берадиган ёрдам январдаёқ тугаган эди.

Бин мени кўргани келганда, уни совук кутиб олдим ва бошқа келмагин деб илтимос қилдим. У хат ёзиб турарди, мен уларни ўтга ташлардим. Ниннандан Вэн келиб қолди. Мен кўришишдан бош тортдим. У Ниннанга қайтиб кетди. 1970 йилнинг ёзида у яшаган қишлоқ ёнидаги ўрмонда ёнгин бошланди. У дўсти билан супурги олиб ўтни ўчиришга уринишибди. Қаттиқ шамол уларга олов пуркабди. Афт-башаралари таниб бўлмас даражада куйиб кетибди. Уларнинг иккаласи ҳам Ниннандан партизанлар уруши давом этаётган Лаосга қочиб кетишибди. Ўша пайтларда кўплаб йирик амалдорларнинг болалари яширинча Лаос ва Вьетнамга ўтиб кетардилар. Хукуматнинг тақиқлашларига қарамай, улар америкаликлар билан жанг қилгани борардилар. Бундай навқирон йигитлар «америка империализми» билан урушиб, ўзларига ёшлик гурурини қайтариб олиш мумкин деб ўйлардилар.

Бир куни, Лаосдалигида, Вэн америка самолётларининг хужуми тўгрисидаги огоҳлантириш сиренасини эшитиб, қўлидаги автомат билан олдинга ташланади, бироқ тажрибасизлиги туфайли, ўзининг ўртоҳлари қўйиб кетган минани босиб олади. Кучли портлаш уни тилка-пора қилиб ташлайди. Ундан менда хотира бўлиб, Чэнду кўчасидаги сўнгги учрашув — аламли боҳиши ҳолди.

Дэян¹ да бир йил яшаганимдан сўнг, ўзгариш юз берди. Шифокорлар сафига кирдим. Мен яшаёттан қишлоқ сафарбар қилинган қишлоқ хўжалик бригадаси ўз поликлиникасига эга эди. Унча мураккаб бўлмаган касалликлар шу ерда даволанарди. Поликлиникани қишлоқ билан бирга бригада таъминларди. Оддий даволашлар учун поликлиникага пул тўланмасди. Мазкур поликлиникада иккита шифокор ишларди. Улардан бири эллигинчи йиллари Дэян уездидаги тиббиёт институтини битириб, ўз қишлогига қайтиб келган йигит эди. Иккинчиси ўрта яшар соқолли киши бўлиб, анъанавий хитой табобатидан яхши хабардор киши эди. 1964 йили коммуна уни малака ошириш учун шу поликлиникага юборганди.

1971 йил бошларида коммуна рахбарияти поликлиникага ишга «ялангоёқ шифокор»ни олишга қарор қилди. Бу сўз шифокор деҳқонлар яшайдиган ерда истиқомат қилиши керак деган маънони билдирарди. Чунки қишлоқдаги деҳқонлар пойабзални аяб, далада ишлаётганда кийишмасди. Уша пайтларда «Ялангоёқ шифокор» шиори «маданий инқилоб»нинг кашфиёти сифатида кенг ташвиқот қилинарди. Қишлогимдагилар мендан қутулиш учун ана шу шиорга ёпишиб олдилар: агар мен поликлиникада ишласам ейиш, ичиш, кийинишим учун қишлоқ эмас, балки бригада пул тўлайдиган бўларди.

Мен эса шифокор бўлишни орзу қилардим. Яқинларимнинг касалга чалиниши, айникса, бувимнинг ўлими бу касбнинг мухимлигига мени ишонтирди. Дэянга келишдан олдин дугонамдан нина билан даволашни ўрганиб олдим. Бундан ташқари «ялангоёқ шифокорга қўлланма» китобини ёдлаб олдим.

«Ялангоёқ шифокор»ни тарғиб қилиш Маонинг сиёсий ўйинларидан бири эди. У «маданий инқилоб» гача бўлган Соғлиқни сақлаш вазирлигини деҳқонлар саломатлиги ҳақида қайғурмай, фаҳат шаҳарликлар, айниқса, партия ходимларига ғамхўрлик қилаётгани учун ҳаттиқ қоралади. Мао ҳишлоқҳа бориб ишлашни хоҳламаётган, айниқса, чекка жойларга эътибор бермаётган дўхтирларнинг пўстагини ҳоҳди. Лекин вазиятни яхшилаш учун у ҳеч ҳандай кўрсатма бермади. Шу тариҳа «маданий инҳилоб» йилларида тиббиёт ишлари ёмон аҳволга тушиб ҳолди. Деҳҳонлар орасидан дўхтирларни кўплаб етиштириш керак, деб таклиф ҳилди у, уларни институтларда ўҳитиш шарт эмас. Амалий иш ваҳтида малакасини оширса бўлгани... 1965 йилнинг 26 июнида у «ҳанча кўп ўҳисанг, шунча кўп аҳмоҳ бўласан» деган фикрни ўртага ташлади ва бу шиор Маони ҳамда соғлиҳни саҳлаш учун ҳаракат тамойилига айланди.

Мен ҳеч ҳандай тайёргарликсиз мажбуриятимни бажаришга киришдим. Поликлиника бир тепаликда жойлашган катта зал булиб, мен яшайдиган жойдан бир соатлик масофада эди. Унинг ёнида дукон ҳам бор эди. Дукон гугурт, туз ва соя ҳайласи билан савдо ҳиларди, буларнинг ҳаммаси махсус ҳоғоз билан бериларди. Мен эса поликлиникада ишлаётган духтирларга ёрдамлашар, катта китобга ҳараб деҳҳонларга дори-дармон олиш учун ҳоғоз ёзиб берардим.

¹ Чэндудан унча узоқ бўлмаган коммуна. Асар муаллифи ана шу коммунага кўчиб ўтишга муваффақ бўлганди.

САРСОН-САРГАРДОН

(1969-1972)

Чэндудан уч кунлик масофада — Шимолий Сичанда йўл иккига айрилади, бири Минга, отамнинг лагерига, иккинчиси Ниннанга онамнинг лагерига олиб борарди. 1969 йилнинг ноябрида онамнинг Ниннандаги лагерга жўнатишди. Улар беш юзтача киши бўлиб, ораларида собиқ амалдорлар, цзаофанлар ва «капитализм ҳамроҳлари» бор эди. Чэндудан уларни шошилинч жўнатишгани учун яшашга жой тайёрланмаганди. Бу ерда Чэндудан Юньан вилояти маркази Куньминга темир йўл ўтказилган ҳарбий муҳандислардан ҳолган бараклар бор эди. Ҳайдаб келинганлар ана шу баракларга, сиғмаганлар маҳаллий деҳҳонлар уйларига жойлаштирилди.

Бошқалар сингари онам ҳам чучқахона олдида навбатчилик қилар, жониворларни бурилардан қуриқларди. Похол ва пахса билан тикланган барак — кулбалар нарёгидан тог тизмалари бошланарди. У ерни Бури уяси деб аташарди. Маҳаллий аҳоли янги келганларга таъкидлаганидек бурилар жуда ақлли булишаркан. Чучқахонага кириб олган бури чучқанинг қулоги тагини қашиб, ялай бошларкан. Шунда у эриб кетиб, туполон қилмас, чийилламас экан. Кейин жониворнинг қулогидан тишлаб, ташқарига етаклаб чиқаркан, думи билан силабсийпаб узоқроққа олиб кетаркан. Чучқа эса узини севгилисининг огушида гумон қилиб, эргашиб кетавераркан. Анча жойга боргач, бури унга ташланиб, ғажиб ташларкан.

Деҳқонлар бўрилар, шунингдек, баъзан учраб турадиган қоплонлар ҳам оловдан қўрқади, деб шаҳарликларни огоҳлантиришганди. Шунинг учун чўчқахона ёнида ҳамиша гулхан ёқишарди. Онам гулхан ёнида ўтириб, кўплаб уйқусиз тунларни бўрилар увиллашини

тинглаб, кўкда юлдузлар учишини кузатиб ўтказарди.

Бир куни кечқурун унча катта бўлмаган кўл бўйида кир юваётган онам, сувнинг нариги томонида кўзлари ёниб турган бўрини кўриб қолди. У онамдан кўз узмай турарди. Ойимнинг юраги орқасига тортиб кетди. Лекин у болаликдаги дўсти — Катта Ли айтганларини эслади. У бўрига дуч келиб қолганда нима қилиш кераклигини ўргатганди: ваҳимага тушмасдан, орқага ўгирилиб қочмасдан, бўридан кўз узмаган ҳолда, тисланиб, аста-секин кейинга чекинган маъқул... онам у билан изма-из келаётган бўридан кўз узмай, орқасига тисарилиб, қишлоқ томон силжий бошлади. Қишлоқ чегарасига етганда бўри тўхтади, ёниб турган олов кўриниб, одам товушлари эшитила бошлаганди. Онам чаққонлик билан ортга бурилди-ю, ўзини қия очиқ турган эшикка урди.

Онам ерга тўшалган похол устида ётаркан болаларининг ёшлик пайтларини эсларди. Лекин хотиралари унча кўп эмасди. Чунки, биз ўсар эканмиз, онам уйда жуда кам бўларди. У иши деб оиласини курбон қилганди. Энди бўлса бундай бемаъни фидойиликдан қаттиқ афсусланарди. Болаларига бўлган соғинч, ҳасрат унга чексиз азоб берарди.

1970 йилнинг февралида, Хитой янги йилига ўн кун қолганда, онамнинг отряди коммунада уч ой яшагач, уларни лагер олдида саф торттиришди. Улар бу ерга қандайдир ташриф билан келаётган олий мартабали ҳарбийни кутиб олишлари керак эди. Узоқ кутишлардан сўнг, ҳув олисда, катта йўлдан айрилган сўқмокда бир қиёфа кўринди. Албатта, бу бошлиқ эмасди, каттакон бўлганда, машинада, тағин бош-

қалар кузатувида келган бўларди. Лекин маҳаллий деҳқонга ўхшамасди — бўйнига чиройли шарф ўраб олганди. Келаётган кимса — елкасига катта сават кўтариб олган қиз бола экан. Онам ҳалиги кимсанинг яҳинлашиб келишини юрак ютиб кутарди. Бир у келаётган мен бўлсам керак, деб ўйлар, бир «менга шундай туюлаяпти» деркан. «Қани энди бу Эрхун бўлса эди!» — деб ичида худога ялинаркан. Бирдан атрофдагилар онамни турта бошлашибди:

— Хой, қарасанг-чи, бу сенинг қизинг-ку! Эрхун келаяпти! Бу

Эрхун!

Худди бутун умрга чўзилган айриликдан сўнг, онам мени илк бор ана шундай кўрганди. Лагерга келган биринчи меҳмон мен бўлибман. Шундан бўлса керак мени ҳам ҳувонч, ҳам ҳасад билан кутиб олишди. Мен елкамда кўтариб келган катта сават колбаса, тухум, ширинликлар, пишириклар, шакар ва гўшт консервалари билан тўла эди. Биз — онамнинг беш боласи ва Кўзойнак — опамнинг эри бу озиқ-овҳатларни анча ваҳт давомида ўз улушларимиздан йиқҳан эдик.

Онамнинг лагерида ўн кунча бўлганимдан сўнг, янги йил тугаши билан отамнинг лагерига йўл олдим. Отам лагери баланд тоғда жойлашган экан. Каттакон лагерда минглаб маҳбуслар собиқ амалдорлар жазо муддатларини ўтаётган эканлар. Бир йилдан зиёд вақтдан бери кўрмаган отамга кўзим тушиши билан юрагим ғалати бўлиб кетди. Иккита халтани тўлдириб, инқиллаб ғишт ташиётган экан. Эгнидаги эски кўк пиджаги шалвираб турарди. Почаси қайрилган шимдан чиқиб турган қилтириқ оёқлари одамнинг рахмини келтирарди. Куёшда корайган юзини ажин босган, сочлари оқариб кетганди. Кўзи менга тушиб, шошиб қолди. Қўлидаги юкини ерга қўйди. Енига югуриб бордим. Хитой анъанасига кўра, ота қизига қўл теккиза олмайди, багрига босолмайди. Мени кўрганидан нақадар бахтли эканини кўзлари айтиб турарди. Мехр ва соғинч тўла кўзларини кўриб, кўнглим эриб кетди. Унинг дард-алам ва хасрат тўла кўзларида бошидан кечирган азоблари акс этиб турарди. Ундаги ёшлик гайрати кексалик довдираши билан алмашганди. Холбуки, у куч-қувватга тўлган ёшда эди, у эндигина қирқ саккизга кирганди. Томоғимга алланарса тикилиб қолгандай бүлди. Күзларига тикилиб, эси оғганлик аломатларини қидирардим. Иўқ, у телбага ўхшамасди. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

Бир хонада у билан бирга яна етти киши яшарди. Хаммаси унинг булимидан эди. Хонанинг биттагина кичик дарчаси бор эди, шунинг учун кундузи ёруг тушсин деб эшик очиб қуйиларди. Ҳамхоналар бир-бири билан қарийб гаплашишмасди. Мен билан ҳеч ким саломлашмади ҳам. Бу ердаги муҳит онам отрядидаги аҳволдан анча огир эканини ҳис этдим. Гап шундаки, бу лагер ту́гридан-ту́гри Сичуан инҳилобий қумитасига, яъни эр-хотин Тинларга буйсунарди. Бу ерда отамни таҳҳирлашлар, азоб беришлар, «кураш митинглари»га судрашлар ҳамон давом этарди.

Отамни ошхонага киритишмасди, «Маога тил теккизган» бу одам овқатни заҳарлаши мумкин, деб ҳисоблашарди. Бунга ҳеч ким ишонмаслиги муҳим эмасди. Мақсад уни таҳқирлаш эди.

Отам барча хўрлашларга мардона чидаб келди. Факат бир марта газабига эрк берди. У лагерга келган пайтида устига «Амалдаги аксилин-килобчи» деб ёзилган ок богични бериб, енгига боглашини буюрдилар. Отам богични газаб билан улоктириб ташлаб, бакириб берди. «Мени ўлгунимча калтаклашларинг мумкин. Лекин мен буни енгимга бог-

ламайман», деди. Цзаофанлар чекиндилар. Отам ҳазиллаш-маётганини улар яхши тушунишди. Уларга отамни ўлдириш ҳаҳида буйруҳ

берилмаганди...

1971 йилнинг охирида лагерга укам Цзиньмин келди. У отамнинг соғлигидан шундай ташвишга тушдики, баҳоргача шу ерда қолиб кетди. Кейин у ўзининг қишлоқ хўжалик бригадасидан дарҳол қайтиб бориши ҳақида буйруқ олди. Акс ҳолда, ҳосил йиғиб олингач, уни овҳатланиш рўйхатига киритмасликлари мумкин эди. Отам уни поездгача кузатиб қўйди. Йўлда улар индамасдан узоқ юрдилар. Отам бирдан нафас олмай қолди. Цзиньмин уни йўл четига ўтҳазди. Отам анчагача нафасини ростлашга уринди. Цзиньмин унинг гапларини зўрға эшитди:

Афтидан, кўп яшамасам керак,— деди отам. — Хаёт — туш экан.
 Цзиньмин отасининг ўлим ҳаҳида гапирганини ҳеч эшитмаганди.

Уни тинчитишга тушди. Лекин отаси секин гапирди:

— Мен ўлимдан қўрқаманми? — деб ўз-ўзимдан сўрайман. Йўқ, кўрқмайман деб ўйлайман. Менинг ҳаётим ўлимдан баттар. Бу азоблар сира тугамайдиганга ўхшайди. Баъзан кучсизлигим устун келади. Осойишта дарёси соҳилига бориб, ўйлайман: «Битта сакрасам ҳаммаси тамом бўлади». Кейин ўз-ўзимга «йўқ» дейман. Агар мен оқланмасдан ўлиб кетсам, сизлар бутун умр ҳийналасизлар... Кейинги пайтларда мен кўп ўйладим. Болалигим жуда огир ўтган. Ижтимоий тузум ўта адолатсиз эди. Мен уни тузатиш учун коммунист бўлдим. Бунинг учун кўп йил давомида анча ишлар ҳилдим. Лекин бу халҳ учун нима берди? Менинг ўзимга-чи? Нега энди охир-оҳибат мен ўз оилам учун жазога айландим? Ажру ҳасосга ишонувчи кишиларнинг айтишича, гуноҳи бор кишининг ҳоли, барибир, вой бўларкан. Мен ҳаётимда шундай гуноҳ ҳилганим ҳаҳида жуда кўп ўйладим. Ҳа, мен тушундим — ҳатл тўгрисида буйруҳлар берганман...

Отам Цзиньминга Чаоянда ер ислохоти пайтида ўлим хукмига имзо чекканини гапирди. Ибиндаги каллакесарлар тўдаларининг бош-

ликлари номини санади.

— Лекин улар одамларга шу қадар ёвузлик қилдиларки,—деди отам, — худоларнинг ўзлари ҳам уларни ўлдиришга амр этган бўларди. Унда мен нима қилдим, нега менга бунча зулм қилишяпти?

Отам узоқ жим қолди, сўнг қўшиб қўйди:

— Агар мен мана шу яшаганимдай ўлиб кетсам, коммунистлар партиясига бошқа ишонма...

УЧИШ УЧУН КАНОТ КЕРАК

(1972 - 1978)

(«Ялангоёқ шифокор», дехқон, дегрез, электрчи бўлиб ишлаб, кўплаб тўсиқларни енгиб ўтган муаллиф Сичуан университетининг инглиз тили факультетига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач, ўрнатилган қоидага қарамай ўзи ишлаган фабрикага бормайди, университетда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб қолади. Шу муносабат билан уни дархол қамоққа, бир йиллик «қайта тарбиялаш» курсига жўнатишади. Муаллифнинг иккинчи укаси Сяохэй мактабни битиргач, қишлоққа сургун қилинишдан қутулиб қолиш учун учувчилик билим юртига ўқишга киради).

... Хамма қатори Сяохэй ҳам партия сафига киришни истарди. Бу унинг учун ҳаёт-мамот масаласи эмасди. Одатда ҳарбий хизматни битирган деҳқон ҳишлоҳҳа ҳайтишга мажбур эди. Асҳар ҳаердан ча-

Чжан	Жун

қирилган бўлса ўша ерга қайтарди. Армияга Чэндудан кетган Сяохэй ҳар қандай вазиятда ҳам у ердан иш билан таъминланиши керак эди. лекин партияга аъзо бўлиш унинг истиқболига йўл очар, кенг имкониятлар берарди. Партия сафига кирмаслик эса шубҳа уйготарди. «Уни нега партияга олишмаган, нимасидир борга ўхшайди», деб ўйлашарди. Сяохэй марксизм классиклари ҳамда Мао Цзэдун таълимотини пухта ўрганиб, турли чигириклардан яхши ўтиб, зобит бўлди ва партия сафига ўтди.

* * *

Қишлоқ сафаридан қайтиб келсам, менинг факультетимга ғарбда таҳсил олиш учун битта стипендия берилибди. Бу стипендия ғарбнинг билим юртларида малака ошириш имконини берарди. Лекин у менга тегмади.

Бу хабарни мен профессор Ло хонимдан эшитдим. У етмишдан ошган бўлиб, ҳасса таяниб юрарди. Лекин жуда ҳаракатчан, фаол аёл эди. Инглизчани жуда тез гапирарди. У Қўшма Штатларда ўттиз йилча яшаган эди. Унинг отаси Гоминдан пайтида Олий суднинг аъзоси бўлганди. Қизига ғарбча маълумот беришни истаган отаси уни Америкага ўқишга юборганди. Ло хоним Америкада Люси номини олди ва америкалик Люк деган талабани севиб қолди. Улар турмуш қурмоқчи бўлишди ва режаларини йигитнинг онасига айтишди. У бўлса:

— Люси, сен менга жуда ёкасан. Лекин болаларингиз кимга ўхшаб

туғилади, —деди. — Ахир, бу оддий иш эмас...

Люси Люк билан алоқани узди. Ёқтирмаган оилага келин булишга унинг ғурури йул қуймасди. Эллигинчи йилларнинг бошларида коммунистларнинг ғалабасидан сунг, Люси ватанига қайтиб келди. У барибир Люкни унутмади ва турмушга жуда кеч чиқди. Эри хитойлик инглиз тили профессори эди. Уни севмасди ва доимо жанжаллашиб юрарди. «Маданий инқилоб» йилларида уларнинг уйини тортиб олишди. Профессорлар каталақдек уйда яшашга мажбур булишди.

Профессор Ло мени жуда яхши кўрарди. «Сенда ўзимни, ёшлигимни кўраман» дерди у. Эллигинчи йилларда ҳаётда бахтини топиш учун у ҳам исён кўтарганди. Бироҳ, бунга муваффаҳ бўлолмади. Шунинг учун менинг омадли бўлишимни истарди. Стипендия ҳаҳидаги ҳабарни ва чет элга сафарни эшитиб, ҳаттиҳ ҳаяжонланди. Чунки мен узоҳ ҳамоҳда эдим ва ўз манфаатимни ҳимоя ҳила олмасдим. Уринни ўртоҳ Ига беришибди. У мендан бир ёш катта эди ва партияга кириб улгурганди. «Маданий инҳилоб» йилларида университетни битирган И ва бошҳа ёш ўҳитувчилар инглиз тили курсига ҳатнардилар. Профессор Ло ана шу тингловчиларга инглиз тилидан сабоҳ берарди.

Фақат профессор Ло эмас, бошқа айрим профессорлар ҳам ғарбга ўртоқ И ўрнига менинг боришимни маъқул кўрардилар. Лекин ҳеч қандай таъсир кучига эга эмасдилар. Бу борада менга фақат онамгина ёрдам бериши мумкин эди. Онамнинг маслаҳати билан отамнинг собиқ ҳамкасбларига учрашдим. Улар ҳозир университетларга мутасадди эди

— Мен шикоят ёзмоқчиман, — дедим уларга. — Ўртоқ Дэн Сяопиннинг айтишича, университетларга бўлажак талабаларни қобилиятига қараб олиш керак. Чет элга малака ошириш учун борадиганларни ҳам шу тамойил бўйича танлаш ўринли бўларди. Бунинг учун ҳалол мусобақа ўтказиш, яъни имтиҳон ўтказиш лозим...

Шунда кутилмаганда Пекиндан буйруқ келиб қолди. 1949 йилдан бери илк бор ғарб мамлакатларида таҳсил олиш стипендияси ягона умумдавлат имтиҳони асосида тайинланадиган булди. Бундай имтиҳонлар Пекин, Шанҳай ва қадимги пойтаҳт — Сиан шаҳрида айни бир пайтда ўтказилиши режалаштирилганди.

Менинг факультетим Сианга учта номзодни юборадиган бўлди. Ўртоқ Ининг бориши ҳақидаги қарор бекор қилинди. Иккита номзод сайланди. Учинчи номзод эса ёзма ва огзаки имтиҳон топширадиган бўлди.

Имтихон топширган йигирмадан зиёд талабгор орасида мен хар икки фандан хам олий балл тупладим ва учинчи номзод булиб, имтихон топшириш учун Сианга боралиган булдим.

Йккита ўқитувчи ва партия котибининг ўринбосари билан биргаликда Сиангача поездда бир кеча кундуз йўл босдик. Йўл-йўлакай имтихонларга тайёрланиб бордим. Ёзмани ҳам, огзаки имтихонни ҳам аълога топширдим. Бу хабарни эшитган онам янада катта гайрат билан отамни оқлашга эришишга киришди. Чунки ота-онамнинг қоралангани уларнинг ўлимидан кейин ҳам болаларнинг келажагига таъсир қиларди. Отамнинг оқланганига доир дастлабки тавсифда ҳам «жиддий сиёсий хатолар» тўгрисида ёзилганди. Хитой эркин мамлакат бўлиб қолган тақдирда ҳам менга чет элга кетишга рухсат берилмаслигини яхши биларди.

Отамнинг ҳозирги пайтда оқланиб, вилоят маъмуриятларида ишлаётган собиқ ҳамкасбларига мурожаат қилган онам ўз аризасида Чжоу Эньлайнинг отамнинг Мао Цзэдунга хат ёзишга ҳақҳи борлиги ҳақида номасини далил сифатида кўрсатди. Шу номага асосан отамнинг ишини ҳайта кўриб чиҳишлари мумкин эди. Онам бу ҳужжатни авайлаб асраб юрарди. У Чжоу Эньлайнинг хатини ўн бир йилдан сўнг Чжоу Цзиян бошлиқ вилоят ҳокимларига топширишга карор килди.

Жуда қулай пайт эди: Маонинг таъсир кучи йўқола бошлаганди. Бу ўринда таъқибга учраганларни оқлаш билан шуғулланаётган Ху Яобон катта роль ўйнади. Бир куни Метеорит кўчасида масъул ходим пайдо бўлди. У отамнинг партиявий тавсифномасини олиб келганди. У онамга топширган бир варақ папирус қоғозидан отамнинг «яхши ходим ва партиянинг муносиб аъзоси» бўлганлиги ёзилганди. Бу отамнинг расмий равишда оқланганини билдирарди. Шундан кейин Пекин Маориф вазирлиги менинг стипендиямни тасдиқлади. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Мени қизғин табриклашди. Кўпчилик учун, айниқса, мен учун бу жуда катта вокеа эди.

Мени Пекинга, чет элга борувчилар учун махсус очилган курсга юборишди. Аввалига бир ой давомида миямизни «ювишди», кейин яна бир ойга бутун Хитой бўйлаб саёҳатга жўнатишди. Нима мақсадда? Ватанимизни гўзаллиги билан лол қолдириш, токи бизда Хитойни тарк этиш иддаоси бўлмасин. Кийим сотиб олиш учун пул ҳам беришди. Ажнабийлар ҳузурида тузукроқ кийинишимиз керак эди-да!

Пекиндан учиб кетарканман, самолёт ойнасидан қараб, кумуш қанотлар остидаги Ерни кўрдим. Она-Ер, туғилиб ўсган жойларим, Хитой мендан узоклашиб борарди. Мен яна бир бор ўтмиш ҳаётимни кўз ўнгимга келтирдим-да, нигоҳимни келажакка қаратдим. Шу онда бутун дунёни бағримга босгим келди.

ХОТИМА

Мен ўз уйим сифатида Лондонни танладим. Қарийб ўн йил давомида ортда қолдирганим Хитой ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилдим. Кейин, 1988 йилда онам Англияга келди. Шунда у менга оиламиз тарихини, ўзининг ва бувимнинг ҳаётини гапириб берди. У Чэндуга ҳайтиб кетди. Мен ўйларим ва хотираларим оғушида ҳолдим, ўтмишимизни йиглаб-йиглаб эсладим. Шундан кейин «Ёввойи оҳҳушлар»ни ёзишга ҳарор ҳилдим. Ўтмиш ҳаҳидаги эсдаликларим мени ҳийнамай ҳўйди, огриҳларим ортда ҳолди. Чунки мен муҳаббатга эришдим, оёгим остида мустаҳҳам заминни ҳис ҳилдим, осойишта яшай бошлалим.

Хитой мен чиқиб кетганимдан бери таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. 1978 йили коммунистик партия Маонинг «синфий кураш»ини ахлатхонага ағдарди. Синфий душманлар оқланди. Улар орасида 1955 йилда «аксилинқилобчилар» деб тамға босилган онамнинг манжуриялик дўстлари ҳам эркин нафас олдилар. Уларнинг оилаларини таъқиб этиш расмий тўхтатилди. Жисмоний огир меҳнатни ташлаб, яхши, енгилроқ ишларда хизмат қила бошладилар. Кўпларни партияга қайта тиклаб, давлат ишларига жалб этдилар. 1980 йилда амакиваччам Юйлин, рафиҳаси ва болалари ҳишлоҳдан Цзиньчжоуга кўчиб ўтишга рухсат олдилар.

Хитой эшиклари борган сари кенгроқ очилаверди. Укаларимдан учтаси ҳозир ғарбда яшаяпти. Цзиньмин ҳаттиҳ жисмлар физикаси буйича таниҳли мутахассис, Англияда, Саутгемптон университетида илмий тадҳиҳотлар олиб бораяпти. Сяофан Страсбург университетида халҳаро савдо магистри даражасини олиб, француз компанияларидан бирида ишламоҳда. Фаҳат синглим Сяохунгина Хитойда ҳолди. У Чэндудаги Хитой табобати институти бошҳармасида ишлаяпти. Унинг эри Кузойнак банк раҳбарларидан бири. 1983—1989 йиллар мобайнида ҳар йили онамни кургани Хитойга бориб турдим. Энди Мао давридаги қурҳувдан асар ҳам йуҳ...

«Иностранная литература» журналининг 2005 йил 9-сонидан жузъий қисқартиришлар билан олинди.

1991 йил, май.

Пиримкул КОДИРОВ

Буюк мувозанат

Бизнинг Ўзбекистон дунёнинг шундай бир минтақасида жойлашганки, бу ерда бутун ҳаёт, бутун маданият, бутун тарих инсон ва табиат орасидаги нозик мувозанатни изчил сақлаб яшашга асосланган. Бу мувозанат салгина бузилса, инсон ҳам, табиий мавжудот ҳам ҳанчалик зарар кўриши ҳуйидаги оддий мисолда кўзга ташланади.

Бизни ўраб турган бутун яшил олам, ариклардан сув ичадиган бог-роглар, экинзорлар ёз иссиклари сугориб парвариш қилинмаса ҳаммаси қуриб қолади. Инсон меҳнати ва ақл-заковати ҳар гал уларни ҳалокатдан қутқаради. Айни пайтда, инсоннинг ўзи ҳам шу бог-роглар ва экинзорларсиз кун кўролмайди.

Демак, бизнинг сугориладиган минтақамизда инсон билан табиат бирбирларидан нажот топиб яшайди. Бундай ҳаёт тарзи неча минг йиллик тарих давомида сайқал топиб, юксак бир мувозанат ва маданият даражасига кўтарилган.

Инсон иродасига бўйсуниб, ариғу анҳорлардан қишлоқ ва шаҳарларга оқиб бораётган сувни одамлар боғ-роғлар ва экинзорларга заргарона меъёр билан таратмасалар, ҳаммаёқни сув босиб, табиий офат юз бериши мумкин. Шундан сезиш мумкинки, табиатдаги оддий сув инсон аҳл-заковати ва суғориш маданияти билан бойитилгандан кейин нажоткор обиҳаётга айланади.

Минтақамиз халқлари Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мургоб ва бошқа дарёлар сувидан асрлар давомида табиий мувозанатни сақлаган ҳолда оқилона

фойдаланиб, жуда кўп обод манзиллар яратганлар.

Мана шу, нозик мувозанат қўпол равишда бузилса, қандай дахшатли экологик фожиа юз беришини биз биринчи марта тарихда бундан саккиз аср муқаддам мамлакатимизни вайронага айлантирган Чингизхон босқинчилиги даврида бошдан кечирганмиз. Умрида бир кўчат ҳам экмаган маданиятдан маҳрум кўчманчилар Сирдарё, Амударё, Мургоб ва бошқа дарёлар ўзанида қурилган тўгонларни буздириб, Хўжанд, Урганч, Марв каби обод шаҳарларни сувга бостирадилар. Бутун-бутун водийларда сувсизликдан хаёт сўнади, ариклар, анхорлар қурийди, миллионлаб одамлар қирилиб кетади. Тирик қолганлар бошқа минтақаларга қочиб кетади. Фақат орадан бир ярим аср ўтгандан кейин Амир Темур бошқарган халқ озодлик ҳаракати туфайли минтақамиз чингизийлар истилосидан халос бўлади. Мехнатсевар одамларимиз қадимги суғориш тизимларини қайта тиклайдилар. Тошкентда Солор ва Бузсув, Самарқанд яқинида Дарғом анхорлари яна сувга тўлиб оқа бошлайди. Амир Темур нафақат Марказий Осиёда, балки Афгонистонда ва Озарбайжон худудида хам катта шохариклар каздириб, сувсиз чўлларда обод манзиллар барпо эттиради. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" сида қайд этиладики, Амир Темур Озарбайжоннинг Мугон даштига обихаёт берадиган улкан анхор қаздирган ва унга "Барлос анхори" деб ном берган. Шунга ўхшаш шохарикни Сохибкирон Кобул яқинида ҳам қурдирган.Уттиз чақирим узунликдаги бу анҳорда балиқлар хам бемалол яшар эканлар. Шунинг учун бу шохарикни "Мохигир", яъни "балиқ олувчи" деб атаған эканлар.

Соҳибқирон отасининг ободончилик бобидаги бундай улкан ишларини Шоҳруҳ Мирзо қандай давом эттиргани Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъйи саъдайн" китобида батафсил ҳикоя қилинади.Ҳозир Туркманистон ҳудудида жойлашган қадимги Марв шаҳри ва унинг атрофидаги яшил воҳа асрлар давомида Мурғоб дарёсидан чиқарилган катта анҳорнинг суви билан

обод бўлган эди. 1230 йилда Чингизхоннинг ўғли Тўлуйхон Шургоб дарёсига курилган тўгонни буздириб ташлайди. Марвни сув босади. Унинг атрофидаги обод воха сувсиз колиб, барча дарахтлар ва экинлар ёз иссикларида бутунлай қуриб қолади. Кўп одамлар очдан ўлади, тирик қолганлар бу жойлардан бош олиб кетади. Шундан кейин 180 йил давомида Марв ва унинг атрофлари инсон яшай олмайдиган ўлик маконга айланади.

Нихоят, 1410 йилда Шохрух Мирзо ўгли Улугбек билан бирга Мургоб дарёсига қайтадан тўғон қурдиради. 180 йил давомида қумларга тўлиб бекилиб қолган анхор ўзанини ва бутун сугориш тизимини қайта тиклатади. Узунлиги 72 чақирим, эни 20 газ (14 метр), чуқурлиги беш газ (3 ярим метр) келадиган улкан анхор яна сувга тўлиб оқади. Натижада Марв шахри қайта тирилади, унинг атрофидаги юзлаб манзиллар обод бўлади.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида табиат билан мана шундай ҳамкорлик қилиш юксак маданият даражасига кўтарилади. Самарқанд қалъаси атрофларида Амир Темур томонидан ўн иккита улкан бог барпо этилади. Бу боглар илм-фан ва меъморчилик санъатининг ўша даврдаги ютукларига асосланганини уларга берилган номлардан хам сезиш мумкин. Яздий "Зафарнома" сида тарихий вокеа сифатида кайд этилган Самарканд богларидан бири "Боги дувоздах бурж", яъни осмоннинг ўн икки буржига мослаб барпо этилган улкан бог номини олади. Осмоннинг ўн икки буржи эса фалакиёт илмининг диққат марказида турадиган ўн икки юлдуз — қуёш тақвимида Хамал, Савр, Жавзо, Асад, Мезон ва бошқа наврузий номлар билан аталған юлдузларга қараб белгиланади.

Бу ўн икки юлдуздаги барқарорлик ва мувозанатни ер юзида хам жорий этишга интилган Амир Темур ўзи барпо этган давлатни хам ўн иккита тамойилга асосланиб идора этади, қул остидаги одамларни эса ун икки тоифага булиб

бошқарганини "Темур тузуклари"да махсус кўрсатиб ўтади.

Табиий мувозанатга бу даражада катта эътибор бериш ва табиат конунлари билан хисоблашиб яшаш туркий халкларнинг қадимий эътиқодлари ва тарихий тажрибалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Узоқ ўтмишда яшаб ўтган бобокалонларимиз табиатни муқаддас деб билганлар. Осмонни "Кук тангри", энг баланд тогни "Хон тангри" деб атаб, уларга сажда қилганлар. Туркий элларнинг бу эътиқодлари қуёш тимсолида нур ва оловни илохлаштирган Зардуштийлик динига жуда якин бўлган. "Авесто" дай улуг маънавият обидаси биз яшаётган заминда пайдо бўлганига мана шу якинликни энг мухим сабабларидан бири қилиб кўрсатиш мумкин.

Амир Темур ва унинг авлодлари яратиб кетган боглар энг нуфузли тарихий манбаларда алохида эътибор билан қаламга олинганига яна бир сабаб бор. Бу боғлар ер ва сув билан инсон хамкорлик қилиб яратган санъат асарлари хисобланган. Амир Темур гояси билан барпо этилган боглардан яна бири "Боги накши жахон" деб аталган. Чорбог усулида қурилган бу боғнинг маълум бир жойида дунёга донғи кетган мевали дарахтлар, бошқа ўринда энг гўзал гуллар, чаманзорлар, яна бошқа муносиб топилган жойда соя берадиган нодир дарахтлар ўстирилган. Нақшинкор кўшклар, мармар ховузлар, зилол сувли ариклар, шовуллаган фавворалар бу боғларни чиндан ҳам жаҳоннинг кўркига айлантиради.

Хиндистонлик олим М.Рандхаванинг "Асрларга татиган боглар" номли китоби инглиз ва рус тилларида юз минглаб нусхада чоп этилган. Бу китобда Амир Темурнинг Самарқандда бунёд этган "Боғи дилкушо" га махсус ўрин берилган. Чорбог усулида курилган бу боғнинг турт томонида туртта муҳташам дарвозахонаси, тоқ ва равоклари бўлган. Бог марказида ички деворларига рангли суратлар чизилган икки ошиёнлик кошинкор каср бўлган. Испаниядан Амир Темур саройига элчи бўлиб келган Клавихонинг гувохлик беришига қараганда, боғда нафақат анвойи гуллар ва дарахтлар ўстирилган, балки унинг ҳайвонот дунёсига мосланган ҳисмида гўзал кийиклар ва какликлар ҳам авайлаб боқилган. Бу соҳибқироннинг табиатни қанчалик эъзозлаганини кўрсатадиган яна бир ёркин мисолдир.

Табиатга бундай муносабат Улуғбекдан кейин тарих сахнасига чиққан Бобур Мирзо фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланади. Бобур ва унинг авлодлари Афгонистон, Хиндистон ва Покистонда бунёд этган боглар хакида инглиз олимаси К.М.Стюарт қизиқарли бир китоб ёзган. Бу китобда боғ меъморчилиги Бобур Мирзо ва унинг авлодлари томонидан юксак санъат даражасига кўтарилганлиги кўплаб далиллар ёрдамида исбот этилади. Бобур Мирзо Кобулнинг баланд бир жойида барпо этган кўркам бог "Боги Бобуршох" деб аталади. Бобур Мирзо бу боққа тогдаги чашмалардан ариқ қаздириб сув келтирган. Унда беш аср бурун экилган чинорлар хозир хам осмонга бўй чўзиб турибди. Тўгри, Афгонистонни хароб қилган шўро босқинчилиги ва ундан кейинги толиблар уруши Боги Бобурга хам катта зарар етказган экан. Матбуот хабарларига қараганда, сўнгги вақтларда Боги Бобурни қайтадан обод қилиш ва аслига келтириш учун кенг кўламдаги таъмир ишлари олиб борилмоқда. Энг мухими, Бобур Мирзонинг бу богдаги мармар мақбараси барча қиргин-баротлардан омон қолганлигидир.

Бобур Мирзо ўзи барпо этган богларни "Бобурнома"да севиб қаламга олади. Жамна бўйида ундан ёдгор бўлиб қолган "Боги ором", "Боги Зарафшон", "Боги Нилуфар", Кобулда бунёд бўлган "Боги бинафша" ва "Боги Наврўзий" шулар жумласидандир. Ёз пайтларида йўнгичқанинг нафармон гулига ва хушбўй ҳидига тўладиган яна бир боққа "Боги йўнгичқа" деб ном берилади.

Табиатдаги нодир ва гузал жониворларга эътибор нуқтаи назаридан қараганда, Бобур Мирзо Кобулда бунёд этган "Боги охухона" тарихда ёркин из қолдирган қодисалар қаторидан ўрин олади. Гузаллик туйгуси ва тирик жониворларга шафқати кучли булган Бобур Мирзо гузал охуларни овлаб отиб олишдан кура, тирик тутиб келиб катта богда парвариш қилишни афзал куради. Вақт утиши билан одамга ўрганган бу нодир жониворлар богда ёйилиб юрганда уларни яқиндан кузатиб томоша қилиш улуғ ижодкор сиймога қанчалик завқ берганини тасаввур этиш мумкин.

Амир Темурдан бошланган бу ажойиб анъанани Хиндистонда Акбаршох яхши давом эттиради. У камайиб бораёттан нодир жониворларни овлашни ман этадиган махсус фармон чиқаради. Агра яқинидаги Скандар деган жойда Акбаршох атрофи баланд девор билан ўралган юз эллик гектар катталикдаги махсус боққа "антилопа" деб аталадиган гўзал кийиклардан олиб келтиради ва уларни авайлаб-асрайди. Бу ходиса 1590 йилларда содир бўлади. Акбаршох вафот этганда уни охулар ёйилиб ўтлаб юрган мана шу улкан богнинг олд томонида курилган мақбарага дафн этадилар. Орадан асрлар ўтади, Хиндистон мустамлакага айланади, Акбар мақбараси эътиборсиз қолиб, богдаги кийиклар йўқ бўлади.

Хиндистон мустақиллиги даврида Жавоҳарлаъл Неру Акбар мақбарасига катта эътибор беради, уни ораста зиёратгоҳга айлантиради. Индира Ганди давлат бошлиғи булганда отаси бошлаган ишни давом эттириб, Акбаршоҳ боғига ута гузал антилопа кийиклардан катта бир тупини олиб келтиради ва авайлаб парвариш қилдиради. Мен 1983 йилда Акбар мақбарасини зиёрат қилишга борганимда, бу нодир жониворларнинг уттизга яқин катта тупи улкан боғда утлаб юрганини уз кузим билан курдим.

Шундан маълум бўладики, орадан асрлар ўтгандан кейин ҳам улуг аждодларнинг табиий мавжудотга муносабатдаги олижаноб ишларини мумтоз бир шаклда давом эттириш мумкин экан.

Афсуски, ўтган асрда бизнинг минтақамизда табиатга нисбатан беписандлик ва зўравонлик мустабид шўро тузумининг бошқа иллатларига қўшилиб, Орол фожиасини келтириб чиқарди. Мичуриннинг "Табиатдан эҳсон кутиш керак эмас, ундан борини олиш керак" деган ақидаси шўро даврида "покорение природы" ва "преоброзавание природы" ("табиатни бўйсундириш", "табиатни тубдан ўзгартириш") деган ҳовлиқма одамларга қўл келди. Ҳали Сталин тирик пайтида "Коммунизмнинг улуғ қурилишлари" лойиҳалари тузилган эди. Бу лойиҳалар орасида "Улуғ туркман канали" деб аталган ва Амударёни бўғиб, шундай катта дарёни Қорақум саҳроси орқали Каспий денгизига томон оқизишни мўлжаллаган режа матбуотда кўп тарғиб қилинар эди...

Сталиннинг ўлимидан кейин бу режанинг иктисодий жихатдан асосланмаган хомхаёл эканлиги маълум бўлди ва ундан воз кечилди. Аммо Амударёни тўсиб, унинг сувини Қорақум сахроси оркали Ашхабодга қаратиб

оқизиш режаси тузилди. Дарёнинг қумларга қумилиб ётган қадимий узани бор экан. Бу узан қум барханлари орасидан эгри-бугри жарликлар ясаб, Каспий денгизига томон борган экан. Ана шу узан зур экскаватор ва бульдозерлар ёрдамида наридан-бери тозаланади. Унинг таги ва қирғоқларини бетон билан мустаҳкамламасдан, Амударё сувини турон билан тусиб, чексиз қум саҳросига бурадилар.

1985 йилда Туркманистонда адабиёт кунлари бўлганда бир гурух ёзувчилар билан Қорақум канали бўйлаб "Ракета" деб аталадиган тезюрар кемада икки

соатча сузиб, Аму бўйидан Марвгача борганимиз ёдимда қолган.

Баҳайбат катта сув, бутун бир дарё қум барханларига, тупроғи тўкилиб турган жарликлар ва қамишзорларга сингиб ниҳоятда исроф бўлиб оқади. Марв воҳасига етгунча ўнлаб чақирим масофада бирорта боғ ва дарахтзор кўринмайди. Ҳар икки қирғоқда ҳам тагига сув кетиб чўкаётган қумтепалар ва жарликларни тўлдириб турган қамишзорлар кўзга ташланади. Орол денгизининг насибаси бўлган беҳисоб кўп дарё суви шундай шафқатсизларча исроф қилиниб, Ашхободгача олиб борилган экан. "Ашхобод денгизи" деб аталган катта сув ҳавзасини ҳам кўрдик. Бу сув ҳавзаси Ашхободдан баландроқда жойлашган экан. Шунинг учун сув қумлар орасидан сирқиб ўтиб, Ашхобод шаҳридаги кўпҳаватли биноларнинг ертўлаларини сув босади. Биноларнинг пойдеворлари нураб, фалокат ҳолати юз беради. Юзлаб одамлар энди ертўлаларга қувурлар ўрнатиб, биноларни Амударё сувининг тошқинидан қутҳаришга мажбур бўладилар.

Тўгри, Оролга оқиб бориши керак бўлган сувлар факат Туркманистон худудида эмас, Ўзбекистон ва Қозогистон худудида ҳам шўро даврида олиб борилган пахта яккаҳокимлиги ва табиий мувозанатнинг қўпол равишда бузилиши туфайли катта исрофгарчиликларга дучор бўлди. Бунга мисол қилиб, Қозогистонга қарашли Чордара сув омбори қурилиши пайтида ер тузилиши аниқ ҳисобга олинмагани натижасида олди тўсилган Сирдарёнинг жуда кўп суви Қизилқум саҳросига тошиб чиқиб кетади. Бу ерда бизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан Арнасой орқали оқиб чиққан сизот сувлари Чордарадан қочган сувларга қушилиб улкан бир кўлни ва катта майдонларни эгаллаган тўқайзорларни вужудга келтиради. Ҳайдаркўл номини олган бу ҳавзадаги юз миллионлаб кубаметр сув ҳам Оролга бориши керак эди. Оролнинг насибаси бу ерда ҳам аёвсиз увол қилингани сабабли Ҳайдаркўл ўрнидаги минглаб квадрат километрлик яйловлар сув остида қолиб нобуд бўлади, атроф-мухит эса ортикча сувлардан катта зарар кўради.

Табиий мавжудотга муносабатдаги энг зўр маънавий мезон биргина сўз билан ифодаланадиган «увол» тушунчасида кўзга ташланади. Ота-боболаримиз «Нонни увол қилма, уволи уради» дердилар. Худди шундай тоза ичимлик сув исроф килинса, «Сувни увол қилма, уволи уради» дейишарди. Мана шу маънавий мезон жуда катта микёсларда бузилди. Сувнинг уволи ургани Орол фожиасига

олиб келди.

Хеч бўлмаса энди кўзимизни каттарок очиб, табиат билан муносабатдаги мувозанатни саклашга етарлича эътибор беришимиз керак. Биздан авлодларга нима қолади?

«Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ» деган мақол ҳаётда кўп марта ўз исботини топган. Орол денгизининг илгариги мовий тўлқинлари ўрнини шўр босган тақирлар эгаллагани — табиатга ёмонлик қилганлардан қандай доғ қолишини

яққол кўрсатиб турибди.

Айни вақтда, Амир Темур ва Бобур Мирзо барпо этган боғлар неча асрлардан буён авлодлар хотирасида улуғ бир ибрат тарзида яшаб келаёттани — яхшилардан қоладиган боғлар унутилмас қадриятта айланишидан далолат беради. Истиқлол даврида халқимизнинг тарихий хотирасини қайта тиклаш ва уйғотишга жуда катта эътибор берилмоқда. Аждодларимизнинг минг йиллар давомида табиат билан ҳамкорлик қилиб, орттирган бой тажрибасини барча элдошларимизнинг онгига ва қалбига етказиб бериш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур. Бу борада сўнгги йилларда амалга оширилган ибратли ишлар келажакка ишонч билан қараш учун асос бўлади.

Пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган катта кўламли ободончилик ишлари, бог меъморчилигининг тарихий анъаналарини замонавий талаблар билан уйгунлаштириб барпо этилаётган Алишер Навоий номидаги Миллий

боғ, Бўзсув бўйларини улуғвор масканга айлантирган Шаҳидлар Боғи, барча вилоятларимизда пайдо бўлаёттан мустақиллик даврининг янги ва гўзал боғлари улуғ аждодларимизнинг табиий мувозанатни сақлашга оид энг яхши анъаналари ҳозирги авлодлар томонидан бугунги шароитларда ҳам ривожлантирилиши мумкинлигини кўрсатади.

Фақат бу улкан ишни тор доиралардан умумхалқ, умумжамият миқёсларига олиб чиқиш ва унга изчил ҳомийлик сифатини бериш керак. Чунки халқимиз яшаётган ҳамма ҳудудларда катта-кичик экологик муаммолар мавжуд. Сув ҳавзаларининг ифлосланиши, ерларнинг шўрланиши, ҳавода зарарли моддаларнинг кўпайиши, турли чиқитларнинг йигилиб ҳолиши каби ўнлаб муаммолар борки, уларни ўз жойида ҳал ҳилиш учун ҳар кун, ҳар соатда мунтазам иш олиб бориш талаб ҳилинади. Бунинг учун эса эртаю кеч шу соҳада ишлайдиган жуда кўп мутахассис кадрлар керак бўлади.

Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да инсон билан табиат ҳамкорлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу дастурда «Кадрларни табиат ва жамият тараққиёти ту́грисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар билан қуроллантириш» вазифаси олдинга сурилган. Дастурда барча босқичлардаги таълимнинг асосий тамойилларидан бири — «Инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйгунлаштириш» деб белгиланган.

Тарихимизда биринчи марта миллий қонун даражасига кўтарилган бу дастурни амалга ошириш барча таълим муассасаларида ўқиётган ва ишлаётган

авлодларнинг фукаролик бурчидир.

Узбекистон Миллий университетининг биология факультетида, Ирригация, Автойўллар институтларида эколог кадрлар тайёрлайдиган бўлимлар очилгани бу дастурни бажариш йўлида дастлабки қадамлар қўйилаётганидан далолат беради. Лекин бу ишларнинг кўлами экологик кадрларга бўлган катта эҳтиёжларни қондирадиган даражада эмас. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида барча босқичдаги таълим муассасалари ёшларни янги экологик билимлар билан қуроллантириши кераклиги долзарб вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифани бажарадиган мутахассислар ўрта ва олий мактабларда ҳам, лицей ва коллежларда ҳам ёшларга экологиядан чуқур таълим беришлари керак. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам экология мутахассислари етишмайди.

Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда барча соҳаларни экологик кадрлар билан таъмин этадиган коллежлар ёки махсус бир олий ўқув юрти очилиши ҳаётий заруратга айланмоқда.

Бундай ўқув юртларида фақат табиатни муҳофаза қиладиган кадрлар эмас, балки ер-сув билан ҳамкорликда янги обод манзиллар, тариҳда қоладиган улуғвор боғлар яратадиган ижодкор кадрлар ҳам етишиб чиҳиши керак.

Бундан 27 йил бурун "Олмос камар" романида "ландшафт архитектураси" деб аталадиган бог меъморчилиги муаммоларига жамоат фикрини жалб қилишга интилган эдик. Лекин афсуски, бу интилишлар шўро даврида ҳеч бир натижа бермади.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари бўлган Англияда, Америкада, Японияда, ҳатто Болгарияда ландшафт архитекторлари тайёрлайдиган махсус институт ва факультетлар кўпдан бери бог меъморчилиги бўйича кадрлар тайёрлаб келади.

Бизнинг сугориладиган минтақамизда табиат билан инсон ҳамкорлигини заргарона меъёрлар асосида санъат даражасига кўтарадиган мутахассис меъморларга эҳтиёж жуда катта. Умид ҳиламизки, ўрта ва олий таълим вазирликлари келгуси иш режаларида экология кадрлари ва ландшафт архитекторлари тайёрлаш масаласига янада каттароҳ эътибор берадилар.

Дорис ЛЕССИНГ

Африкада китоб қаҳатчилиги

2007 йил 10 декабр куни Стокгольмда Нобел мукофотининг топширилиш маросими бўлиб ўтди. 88 ёшли Дорис Лессингга Африка ҳаҳидаги романлари шуҳрат келтирган эди ва унинг адабиёт соҳасидаги меҳнатлари Нобел мукофотига муносиб эканлиги аниҳланди. Лессинг мукофот топшириш маросимида иштирок эта олмаса-да, Нобел маърузасини тайёрлади.

Мен эшик олдида туриб, кесилмай сақланиб қолған ўрмонлар тепасидағи булутлар оралаб эсаётған чанғли шамолларни кузатаман.

Кеча мен кесилган дарахтлар ёкалаб, олис масофани босиб ўтдим. 1956 йили бу ерларда улугвор ўрмонлар бўлган. Хозир эса улар йўк килинган. Каердадир одамлар бир бурда нонга мухтож, уларнинг ўчокларига хатто тутатки топиш амри махол.

Бу вокеа ўтган асрнинг 80-йилларида Зимбабвенинг шимоли-шарқида юз берган эди. Лондондаги ўрта мактаблардан бирида ўқитувчилик қилаётган дўстимни йўклаб борган эдим. Дўстим у жойларда қолиб кетаётганлиги сабабини шундай тушуниб келганман "Африкага ҳашар". У жуда хаёлпараст, юмшоқкўнгил инсон бўлганлиги оқибатида доимий рухий тўқнашувларни бошдан кечириб яшаган. Бу ўкув даргохи хам худди бошка мактаблар қатори хуррият йилларида барпо этилган. **Гишт** деворли тўртта хонадан иборат бино сертупрок ер устида қад ростлаб турибди. Бинонинг бошидан охиригача қурилган мана бу хона кутубхона. Мен сизга хикоя қилаёттан синф хоналарида доска бор, бўрни эса чўнтакда саклашади. Угирлаб кетишса, топилиши даргумон. Мактабда атлас, глобус, дарсликлар, хатто дафтар хам такчил.

Китоблар бор Америка университетининг қалин жилдлари, уларни ҳатто кўтариш осон эмас. Шунингдек, "Фелисити муҳаббатни қарши олаяпти" қабилидаги китобларга жавонлардан жой ажратилган. Мен дустим билан унинг иш хонасида утирар эканман, одамлар жимгина киришади ва китоб сурашади. "Илтимос, Лондонга қайтсангиз, бизга, албатта, китоб юборинг, бизни уқишга ургатишяпти, аммо уқийдиган китобнинг узи йуқ". У ерда кимни учратган булсам, ҳаммалари мендан китоб сурашар эди.

Мен китоб сўраётган кишилар хакида инглиз болаларига хикоя килиб бердим. Улар чанг-тўзон остидаги мактабни хам, сувсиз биёбонларни хам тасаввур кила олишмайди, дунёнинг бошка бир четида эса катта козонларда гўшт кайнатишади, домино ўйнашади...

Суҳбатлардан сўнг ўқитувчилардан кутубхоналардаги аҳволнинг қай даражада эканлиги, болаларнинг китоб ўқиётган-ўқимаётганликлари тўгрисида сўрадим. Бу каби имтиёзли мактабларда ҳар доим бир хил жавоб эшитиш мумкин: "Биласизми, кўпгина болалар умуман китоб ўқишмайди. Кутубхона эса бор кучи билан ишлаяпти."

Биз маданият парчаланаётган бир даврда яшаяпмиз. Бундан ўн йиллар олдин ҳамма нарса аниқ бўла туриб ҳам, одам ҳақидаги энг оддий ҳақиқатларни билишдан маҳрум бўтганмиз

оўлганмиз.

Хали яқин кунларда ҳатто унчалик саводи бўлмаган кишилар ҳам илмни

қадрлашади. Ҳа, ўша бахтли йилларда кўпгина кишилар ўзларини ўқиёт-гандек, илм-фанни ҳурмат қилади-гандек кўрсатишади.

Бу ғамгин тарихни кўпчилигимиз яхши биламиз. Бироқ унинг нима билан якунланиши ҳам биз учун мавҳум эмас. "Инсонни бойитади", дейишади, дарҳаҳиҳат, у инсондаги бўшлиҳларни зарур илмлар билан тўлдиради.

Яқинда дўстим Зимбабведаги қишлоқларда одамлар уч-тўрт кунлаб овқатсиз қолганлигини аммо шундай ночор аҳволда ҳам китоб ҳақида қайғуриб ҳаёт кечираётганликларини гапириб берди.

Зимбабведа ҳам Европадаги каби ҳар хил романлар, илмий-фантастик асарлар, детектив, шеър, пеьсалар ўҳишни исташади. Ҳатто Шекспирни ҳам.

Биз қаердаки мумкин бўлса, хамма жойда китобга етиша олишимиз мумкин, бироқ шуни айтиб ўтишим керакки, оддий қоғоз муқовали китобнинг бахоси бир ойлик иш хақига тўгри келади. Мугабеда қўпорувчилик харакатлари хукмронлик қилган даврларгача китоб нархи ана шундай эди. Хозир эса китоб нархи бир неча ойлик маошга тенг. Қишлоққа бир қути китоб келтириб кўринг, у китобларни одамлар кўзида ёш билан қарши олишади. Майли, у кутубхоналарда фақат доска турган бўлсин, хатто бўр хам бўлмасин. Бир хафта ўтгандан сўнг савод-сизликни тугатиш синфлари пайдо бўлса ажаб эмас.

Зимбабведа олтита асосий тил бор, бу тилларнинг ҳаммасида китоблар ёзиляпти. Дарғазаб бўлиш, зўравонлик ва энг қўрқинчли жиноят, нохуш жанжаллардан қотилликларгача бўлган турли мавзуларда асарлар яратиляпти. Кишиларнинг қилган меҳнатлари муносиб таҳдирланиши керак, дейишади. Бироҳ, бу Зимбабвега дахлсизлигича қолиб кетяпти, деб ўйлайман. Африкадаги китоб очарчиликлари Кениядан Яхши умид бурнигача бўлган ҳар бир гўшани эгаллаб олган.

Мен гувала лойдан қурилган кулбада катта бўлганман, аммо бу уй китоб билан лиқ тўла бўлган. У ерда ота-онамнинг Англиядан олиб келган китобларигина эмас, почта орқали буюртма қилиб қўлга киритилган

китоблар ҳам анчагина эди. Катта қутиларда, олис йўл босиб келган бу китоблар болалигимнинг мукаммал қувончларига айланган. Ҳозирги кунда ҳам чироқсиз, сув қувурларисиз, худди бизнинг гувала уйимиздек кулбаларда яшаётган одамлардан мактублар оламан: "Мен ҳам ёзувчи бўлмоқчиман. Чунки менинг айни пайтдаги яшаш тарзим сизникидан ҳеч ҳам фарқ қилмайди." Шу ўринда битта ҳақиҳатни эътироф этишни истайман: китоби бўлмаган уйлардан ҳеч ҳачон ёзувчи чиқмайди.

Узингизни аёвсиз кургокчиликлар "хукмрон"лиги даврида жанубий Африканинг қашшоқ гўшаларидан биридаги хинду дўкони олдида сувга навбатга турган одамлар ўрнида тасаввур қилишингизни хоҳлаган бўлар эдим. Кечаю кундузда уйига бир марта сув билан кириб келадиган бу аёллар катта идишларда обихаёт учун навбатда туришади. Сув сотувчи хинду қоратанли аёл қўлидаги қоғозларга кўз ташлайди булар китоб варақларидан йиртиб олинган қоғоз боғлами. Аёл лаблари пичирлаганда қоғоз боғлами – "Анна Каренина" ни ўқияпти. Китоб мураккабга ўхшайди. Аёлнинг оёклари ёнида этагидан махкам ушлаб олган икки боласи ўралашади. Хинду ғазабнок – навбат каттайиб борар, сув эса хаммага етмайди. У яна дарғазаб, негаки, булутлар ортида тўзонлар, одамлар эса халок бўлишяпти. Хинду қизиқсиниб аёлдан сўрайди:

Нима ўкияпсиз?

Бу Россия ҳақида,— жавоб беради аёл.

Сиз Россия қаердалигини биласизми? Аёл виқор билан тикилиб жавоб беради:

Мен синфимиздаги энг олд ўкувчилардан эдим. Харқалай, ўқитувчимиз шундай деган.

Биз ўзимизнинг адабий хазинамиз билан Миср, Рим ва қадимги грекларга таъсир кўрсатяпмиз. Адабий бойликларимиз эса қайта-қайта кашф қилинмоғи лозим, токи одамлар бахт билан дийдорлашишсин.

Хар биримизнинг ботинимизда оқин яшайди. У биз билан бирга яшаётган тарих ҳақида ҳикоя қилишга қодир. Майли, даҳшатли қирғинлар бошлансин, ёвузликлар кўпайсин,

шаҳар сув боссин, оқин эса денгиз қаъридан чиққан ғаввос каби яшайверади. Негаки, тасаввурларимиз бизни маълум бир шаклга солади, қайта яратади, яхшилик ва ёмонликлар учун асрайди. Чунки бизнинг оёқларимиз кесилса ҳам, мағлуб бўлсак ҳам, тарих бизга қайта жон ато этади. Оқин эзгулик ва афсоналар ижодкори, у мулойим ижодий қиёфада пайдо

бўлаверади. Сариқ қум оралаб дайдиёттан, фарзандлари учун муносиб улуш илинжида қайғураёттан ўша африкалик аёлдан афзалмиз, деб ким айтади сизга? Нимага музлатгичимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан тирбандлигини, шахсий буюмларимиз тўлиб-тошиб кетган кийим жавонимизни ҳаммадан устунлигимиз аломати деб ҳисоблаймиз? Нега?!...

Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржимаси

Мен буни кутмагандим

И нглиз адибаси Дорис Мей Тейлор Лессинг 1919 йилнинг 22 октябрида Эрондаги Кирмон шахрида туғилган. 1925 йили ота-онаси билан Жанубий Родезия (ҳозирги Зимбабве) га кўчиб кетади. Бу мамлакат ўша ваҳтда Англиянинг мустамлакаси эди. Африканинг энг чекка, ҳолоҳ ўлкасида ўтказилган болалик кейинчалик адиба учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлди.

1949 йили Дорис Лондонга кўчиб ўгди.

1950 йили Лессингнинг биринчи романи «Майсалар куйлайди» босилди. Бу асар Т.С. Элиотнинг «Унумсиз ер» достонидан илхом олиб ёзилган. Роман ирқчилик давридаги Родезия жамиятининг ўзига хос бадиий солномаси сифатида олқишга сазовор бўлди.

Шундан сўнг адиба «Зўравонлик фарзандлари» номли асарлар туркумини ёза бошлади. Бу туркумга «Марта Квест» (1952), «Муносиб никох» (1954), «Пўртанадан кейинги мавж» (1958), «Куруклик куршовида» (1966), «Тўрт дарвозали шаҳар» (1969) романлари кирган. «Олтин кундалик» (1962) романи ҳам адибага катта шуҳрат келтирди.

«Жаханнам учун йўрикнома» (1971) ва «Кунботар олдидаги ёз» (1973) романлари ўкувчини инсон калбининг теран нукталарига бошлаб киради. «Канопус Аргосда» туркуми келажак

ҳақидаги мажозий асарлардан иборат. «Шикаста» (1979), «Учинчи, тўртинчи, бешинчи зоналар ўртасида никоҳ» (1980), «Сириусдаги тажрибалар» (1981), «Саккизинчи сайёра учун вакиллар қўмитасини яратиш» (1982), «Волиен империя-сидаги сентиментал агентларга тегишли ҳужжатлар» (1983) романлари киради.

Адибанинг «Мулойим террорчи» (1985) романи лондонлик сиёсатбозлар ҳаҳида ҳикоя ҳилади. «Бешинчи фарзанд» (1988) ривожланишнинг ибтидоий даражасида турган бадбашара бола ҳаҳида. Ёзувчи саккиз йиллик танаффусдан кейин 1996 йилда «Яна муҳаббат», 1999 йилда «Мара ва Дэн» номли футурологик романларини эълон ҳилди.

Дорис Лессинг «Яхши қўшни аёлнинг кундалиги» (1983) ва «Қарилик уддалай олса эди» (1984) романларини Жейн Сомерс тахаллуси остида чоп эттирди.

Лессингнинг ҳикоялари, драмалари ва публицистик мақолалари ҳам машҳур.

1995 йилда Дорис Лессинг Гарвард университети доктори унвонига сазовор бўлди. 1999 йили унинг номи Фахрий кавалерлар орденига муносиб кишилар рўйхатига киритилди.

2007 йили Дорис Лессинг Нобел мукофоти билан такдирланди.

Қуйида адибанинг турли йиллардаги суҳбатларидан парчалар эълон ҳиламиз.

ХАЁТ – ОГИР ИШ

«Шпигел» журналига интервью. («Культура» газетаси, №1-2,2004).

Дорис Лессинг ҳозирда ҳаёт бўлган инглиз тилли ёзувчилардан энг машҳури ва ғаройиб тақдирли аёл ҳисобланади. У Эронда туғилган, Жанубий Родезиядаги кичкина фермада улғайди, ёшлигида коммунистларга қўшилди, ўттиз ёшида ўн икки яшар ўғли билан Англияга кўчиб ўтди. «Майсалар куйлайди» китоби адибани дунёга машҳур ҳилди, «Олтин кундалик» фелинистика аёллар ҳуқуҳини ҳимоя ҳилувчиларнинг севимли китоби бўлиб ҳолди, антиутопиялари эса замонавий фантастика мажмуаларидан жой олган.

Хозир адиба сўл харакатлар билан қизиққанига шубҳа билан қарайди, Англияда яшайди, илгаригидек унумли меҳнат қилади.

Лессинг хоним, сиз ўзингизга иккинчи турмуш ўртогингизнинг фамилиясини олгансиз. У билан эллигинчи йиллар арафасида ажрашган экансиз.

Фамилиям Донишманд (Wisdom) бўлса, яхшироқ бўларди деб ўйлайсизми? Бу биринчи эримнинг фамилияси. Ақли бор ва хотираси мустаҳкам биронта одам, агар ёзувчи бўлишни истаса, бунаҳа фамилия билан ҳолмасди. Бундан ташҳари, иккинчи турмуш ўртоғим Готфрид билан ўртамизда ўғлим бор, шунинг учун фамилиямни яна ўзгартиргим келмади. Лессинг — гўзал ном, буюк анъаналар билан боглиқ.

— Сиз немис романтик-ёзувчисини кўзда тутаяпсизми? Эрингиз у билан кариндошмиди?

- Йуқ. Готфрид Лессингнинг унга алоқаси йуқ. У коммунист эди, нацистлардан қочиб, аввал Англияга, кейин Жанубий Родезияга кетди. У ерда сул гурух тадбирларидан бирида танишиб қолдик. Уртамизда севги пайдо булди. 1944 йили турмуш курдик, акс ҳолда уни нияти бузуқ хорижий деб, мамлакатдан чиқариб юборишлари мумкин эди. Бу ерда ҳеч ҳандай романтика йуқ.
- Германия ҳаҳидаги биринчи таассуротларингиз нима билан боглиқ?
- Отамнинг хикоялари билан. У биринчи жаҳон урушида немисларга

қарши урушган. Яраланиб, бир оёгидан айрилди, руҳан мажруҳ бўлди. Лекин немисларга адовати йўҳ эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида мен немисга турмушга чиҳдим. Шунинг учун Германия билан ҳаттиҳ боғланиб ҳолганман.

— 50-йилларнинг бошларида Шарқий Берлинга сафар қилиб қайтганингиздан кейин: «Бу — ҳаётимдаги энг ёмон кечинмаларимдан бири» деб ёздингиз.

 Шарқий Берлин жуда жирканч эди. Ҳаммаёқ даҳшатли, яланғоч, совуқ эди. Бундан ташқари Готфрид билан учрашмоқчи эдим...

У ГДР га кўчиб ўтган эдими?

— Ҳа, у билан ўғлим ўртасидаги муносабатни тикламоқчи эдим. Лекин Готфрид коммунист амалдорга айланган, Маданий иттифокда ишлар эди. У мен билан учрашишни хоҳламади. Ўзидан қўрқди.

 Сиз уни «150 фоиз коммунист» деб атагансиз. Лекин кейинрок, у КГБ нинг айгокчиси деган миш-миш таркади.

—Xa, Жанубий Африка махфий полицияси ходимлари шундай дейишарди. Бирок хеч ким буни текширмаган.

 Сиз Африкада, кичкинагина, ташландик бир фермада улгайгансиз. Сизнинг бадиий ижодингизга ким ёки нима таъсир этган?

- Менинг кўп вақтим ёлгизликда ўтган. Хилват жойларда ов милтигини кўтариб соатлаб дайдир эдим. Хеч качон, хеч нимадан кўрқмаганман. Йлонлардан бошқасидан. Ажойиб болалик эди.
- Хемингуэй ҳам овни севган, бироқ ўқ отиш ёзиш иштиёқи билан боглиқ эмас. Ёки боглиқми?
- Нима, ҳамма ёзувчилар мўминтой ва хушмуомала бўлиши керак, деб ўйлайсизми? Мен яшаган ерларда ҳар бир деҳқон унча-мунча овҳат топиш учун ов ҳиларди. Ҳамма болалар милтиҳ отишни биларди. Айтишим керакки, мен яшаган жойларда овга ишҳибоз ҳиз ягона ўзим эдим. Бироҳ, эрмагим фаҳат ов бўлмаган, китоблар билан тўла ҳутиларим бор эди. Ҳамма таълим мана шулардан иборат бўлган.

Ўзингизда ёзиш истаги пайдо бўлганини качон сезгансиз?

– Мактабдош бир дугонамнинг айтишича, биз ўн бир яшар қизчалар интернат ётокхонасида ўтирганимизда, мен ёзувчи бўламан, деб айтган эканман. Буни эслолмадим, лекин ёшлигимда нималарнидир ёзиб юрганимни биламан. Биласизми, иккита роман ёзганман, дастхатим ёмонлигидан кейинчалик ўзим ҳам ўқиёлмаганман. Шунчалик бемаъни эди! Нима бўлгандаям, улар яхши эмасди.

— Уша қўлёзмалар сақланиб

колганми?

 Худога шукр, йўк! Акс ҳолда, кимдир улар ҳақида докторлик

диссертацияси ёзган бўларди.

– Америкалик ёзувчи Том Воллф: «Езувчилар шон-шухрат учун романлар ва хикоялар ёзишади. Пул бўлса-ку, яхши-я, лекин шон-шухрат ундан яхшироқ» деган экан.

– Мен пул учун ёзганман, шоншухрат ҳақида ҳеч ўйламаганман. Вольф шундай деган бўлса, демак,

унинг пули кўп экан.

— 1949 йили, ўн икки яшар ўглингиз билан Лондонга келганингизда, ночор ахволда колганингиздан, фохишалар билан бир хонада яшаган экансиз. Шу

тўгрими?

- Ха. Уша аёллардан бири жинсий алоқани ёмон кўрарди, тасодифан фохиша бўлиб қолган. Уни тўртта эркак боқарди, жуда яхши кийиниб юрарди. Менга хам иккитагина жентельмен орттиришни маслахат берган. «Бу – жуда зўр! – деганди у. – Сен ёзиб кун кўришни ташлаб, ташвишлардан қутуласан». Мен эса унга бундай ишларни хоҳламаслигимни уқдиришга тиришардим.
- Сиз инглиз тилида ёзадиган ва хозирда хаёт бўлган энг машхур ёзувчисиз. Бундай шон-шухратга қандай қарайсиз?
- Уз хаётим билан овораман, хеч ким менга эътибор қилмайди. Бироқ китобларимни таргиб килгудек бўлсам, бирпасда машхур бўлиб кетаман, ўзимни ҳам шунга яраша тутаман.
- Машхур кишилар ўзларини қандай тутадилар?
 - Фавкулодда яхши.
- Сизга «Британия империясининг хоними» деган унвон беришмоқчи бўлганда рад этгансиз. Нега?

- ёшлигим Британия – Бутун империясига қарши курашларда ўтган. Энди, тўсатдан: «О, рахмат! Мени тақдирлаганинглардан хурсандман» десам жуда хунук иш қилган бўлардим. ташқари Ундан «Британия империясининг хоними» деган сўз кулгили эшитилади.
- Еш аёл пайтингизда Жанубий Родезия коммунистларига кушилдингиз. Бир вақтлар, фақат «қизиллар»нинг китобини ўкиганман, дегандингиз.
- Биласизми, улар ҳам мен ўҳиган китобларни, масалан, рус классиклари асарларини ўқишган. Бундан хам аввал, улар мен каби, ирқий жамият яшаб қололмайди, ишонардилар. Уша одамлар мени озод бўлишимга ёрдам беришди.

– Хозир, «Ширин туш»даги Жонни - инкилоб гояларига муккасидан кетган кишининг карикатураси, дейишади.

- Бунақа одамлар кўп бўлган. Шу китобимни ўқиган танишларим собиқ ўртоқларим: «Ха, биз хақиқатда ҳам шундай эдик», деб менга ёзиб юборишди.

- Нима бўлгандаям, улар дунёни яхшиламокчи бўлишган.

- Нацистлар хам гояпараст (идеалист) бўлишган. 50-йилларда Совет Иттифокида ва Шаркий Европада хақиқий ахвол қандай эканлиги маълум бўлгач, Британия коммунистик партияси тарқалиб кетди.
 - Давлатни нима асраб қолади?
- Прагматизм. Сталин, Гитлер, Мао ва бошка диктаторлар мукаммал қураман, деб миллионлаб жамият одамларни ўлдириб юборишган.
- Демак, ҳеч қандай ҳавойи орзулар, утопиянинг кераги йўкми?

- Хеч қанақа!Узингиз инкилобчи булгансизку? Ўн тўрт ёшингизда уйингиздан чикиб кетгансиз. Биринчи турмуш ўртогингиз — зерикарли мансабдорни ташладингиз. 50-йилларда Лондонда ёлгиз она бўлиб юрдингиз.
- Бу идеализм эмас, прагматизм. Узимни қутқариб қолиш учун шундай қилишим лозим эди. Акс холда, пиёнистага айланган ёки ўзимга суиқасд қилиб, хаётдан кўз юмган бўлардим.
- Демак, сизнинг хатти-харакатларингиз аёлларнинг анъанавий мавқеига қарши курашдан иборат бўлмаган экан-да?

- Мен бундай ўйламаганман. Бундан ташқари, 50-йилларда менга ўхшаб, ҳеч кимга қарам бўлмаган аёллар ҳақида билардим.
- Сиз шундай мустақил аёлларни 1962 йили чиққан «Олтин кундалик» китобингизда ёзгансиз. У фавкулодда муваффақият қозонди ва феминисткаларнинг ҳақиқий Инжилига айланиб қолди..
- Мен буни кутмагандим. Бор-йўги бошимдан ўтганларни, аёллар нимани ўйлаганларию қандай яшаганларини ёздим, холос. Ҳали ҳам китобни, одамлар инкилоб қилишга уриниш, деб қабул қилишларига ҳайрон қоламан. Бирор ерда маъруза қиладиган бўлсам, баъзан олдимга учта аёл келади, ҳаммаси бир оиладан: буви, она ва қиз: учаласи «Олтин кундалик» ни ўқиган бўлади.
- Бу яхши-ку!. Шу китоб туфайли сиз дунёга машхур бўлдингиз,
- Менга «феминистка» деб тамға босиб қуйишди, бу эса менга ҳалал берди.

Хозиргача менга баъзи эркаклар китобларимни феминистик оқимнинг бир бўлаги ҳисоблаганлари учун ўқимаётганларини айтадилар. Мен — феминистка эмасман! Мен, табиий равишда, ҳар ҳандай сиёсий ҳаракатларни четлаб ўтишга ҳаракат ҳиламан!

 «Бувижонлар» китобингиз ҳисоб бўйича эллик учинчиси! Қандай қилиб ёзасиз?

 Механик ёзув машинкасида, ўнта бармоқни ишлатиб ёзаман. Баъзан асарларимни болаларимга кўрсатаман, уларга жуда кулгили туюлади.

— Тиниб-тинчиб, хотиржам ўтиришни ўйламаяпсизми?

— Умрим бўйи ёздим. Нега энди тўхташим керак? Хаёт, деганлари — оғир иш, шундай эмасми? Мени аслида йўқ нарсаларни бор қилиш жараёни тўлқинлантиради. Мен йўқ нарсадан воқеа ясайман. Ва шу воқеаларни ҳикоя қилиб беришдан ҳузур қиламан.

БИЗ «ФОЙДАЛИ ТЕНТАКЛАР» ЭДИК

(Манба: BBC Russian, Com, 22.10.2007)

Британиялик ёзувчи, 88 ёшли Дорис Лессинг Нобел мукофоти лауреати бўлгач, «Би-би-си»нинг Рус хизматига эксклюзив интервью берди.

Би-би-си: Сиз 1952 йили британиялик ва америкалик бир гурух адиблар билан бирга Совет Иттифокига боргансиз. Эсдаликларингизда ўша сафар чоги Сизга қаттиқ таъсир этган бир манзарани ёзгансиз.

Д.Л.: Бу – Хаётимда учратган энг мардонавор харакат эди. Биз – чет эллик беш кишини бир колхозга олиб боришди. Мехмонлардан бири илгари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, мен эса, фермада ўсганман, бир нималарни тушунаман. Расмий қабул маросими бўлди: нутклар, гуллар, қўл қисишлар. Шу орада кекса бир одам ёнимизда пайдо бўлиб, биз билан гаплашиш истагини билдирди. «Айтмоқчиманки, айтмоқчиманки... деб қайталайди, лекин таржимон гапиришга йўл бермайди. Бироқ, орамиздагилардан бири - шотландиялик Даглас Янг, русчани биларди, бизга таржима қилиб берди. Чолнинг гапи мана бундай эди: «Сизларга кўрсатилаётган нарсаларнинг хаммаси ёлгон. Хақиқий ҳаёт — ачинарли, даҳшатли. Расмий одамларнинг биронта гапига ишонманглар».

Албатта, уни ушлаб судраб кетишди, нима қилишди, билмайман. Мен ҳақиқатда ҳам буни камдан-кам учрайдиган мардлик деб баҳолайман. У пайт ҳанаҳа давр эканини биларсиз? Сталин ҳали ҳаёт эди.

Би-би-си: Шу воқеадан кейин коммунизмга шубҳа билан қарайдиган булдингизми?

Д.Л.: Йўқ. Шубҳаларим аввалдан бор эди. Чол воқеаси — бир кўриниш холос. Бизга кўрсатилаётган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақиқат эмаслигини билардим. Бироқ ҳозир ҳамма нарса ўзгариб кетди. Буларнинг ҳаммаси ҳанчалик бирбирига зид бўлганини тушунтириш ҳийин. Биз соддадил гўллар, Ленин айтганидек, фойдали тентаклар эдик. Бундан фахрланадиганлар бўлган, ҳозир тирик ҳолганлари кам, мен эса бундан фахрланмаганман.

Би-би-си: Коммунизмдан воз кечиш енгил булмагандур?

Д.Л.: Ҳа, бу оғир булган, чунки турмуш ўртоғим ўла-ўлгунича ашаддий коммунистлигича қолди. Коммунизмдан

воз кечиш учун битта шунинг ўзи кифоя эди. Дунёда битта мутаассиб бўлса, фақат шу киши эди. Яхши фазилатлари хам бор эди, лекин у мутаассибларча аҳмоқ эди. Ахир ўша эллигинчи йиллардаёқ Совет Иттифоқи ва бошқа коммунистик мамлакатлар қандай дахшатларни бошидан кечирганини гапириб берадиган одамлар чиққан эди. Бироқ бу осон иш бўлмаган, бугунги кунда одамлар партия билетини топширишаяпти. Шуни унутмангки, ўша вақтларда одамлар коммунистлар сафига дунё кираётиб, янги яратиш мумкинлигига астойдил ишонишган. Мана шундай хомхаёллардан воз кечиш ва янги дунё яратиб бўлмаслигини ёки яратмоқчи бўлганинг боридан хам бешбаттар бўлишини тушуниб етиш осон иш эмасди.

Би-би-Си: Бугунги Россия ҳақида қандай фикрдасиз?

Д.Л.: Одамлар: «Путин хавфли одам» деяётганларини эшитаман, лекин шу нарса аёнки, биз унинг, катта огиз ва кўпол деб аталаётган хислатларига Россияда ёмон қарашмас экан. Афтидан, Россиядагиларга шунақа одам ёкади. Нимага шунақа, билмайман, балки бу сизларнинг тарихингиз билан богликдир.

Би-би-си: Зимбабведа бўлаётган вокеаларни кузатиб турасизми?

Д.Л.: Бўлмасам-чи! Ахир, мен ўша ёкда улғайдим. У ердаги ахвол дахшатли.

Би-би-си: Сиз «Олтин кундалик»ни ёзганингиздан буён аёлларнинг жамиятдаги ахволи ўзгарди. Аёлларнинг ҳаётида нима енгиллашдию, нима қийинлашди?

Д.Л.: Бугун аёлларнинг имкониятлари кўп. Имкониятлар тенглиги, шубҳасиз, мислсиз ошди. Ҳамма ёқда. Ривожланган мамлакатларни кўзда тугаяпман. Шуларга қарамай, қайсидир соҳаларда ҳеч нима ўзгармади — кўп аёллар ҳар қандай имкониятлардан кўра, илгаригидек, бой эр қидиришни афзал кўрадилар, мен буни тушунолмайман. Буюк Британияда битта иш учун эркаклар ва аёлларга бир

хил ҳақ берадиган бўлганларидагина ҳақиқий тенглик юзага келади.

Би-би-си: Сизга таъсир ўтказган ёзувчилар орасида нима учун Булгаковни кўп тилга оласиз?

Д.Л.: Булгаков ижодини яхши кўраман. Биринчи марта унинг «Ёш шифокорнинг эсдаликлари»ни ўқиганман. Назаримда, бу китобда софлик ва жозиба бор эди, кейин булар аста йўқола бошлади.

«Оқ гвардия»ни ўқидим. «Уста ва Маргарита»сини севиб ўқиганман-у, лекин бошқа асарларидан кўра мундайроқ. Унинг илмий-фантастика деб аталадиган асарларига тақриз ёзганман, ҳатто «Касофат тухумлар» китобига сўз боши ёзганман.

Би-би-си: Қандай қилиб Сиз илмийфантастика жанрида ёзадиган бўлиб қолдингиз?

Д.Л.: «Илмий-фантастика» менга нисбатан жуда ноўрин ишлатиладиган тушунча! Одамлар, 1979 йилда чиққан «Шикаста» номли китобимдан бошлаб мени илмий-фантастика ёза бошлаган дейишади. Лекин унгача иккита роман: «Тирик қолған одамнинг хотиралари» ва «Жаханнам учун йўрикнома»ни ёзганман. Булар — реалистик асар эмас, фантастика ҳам эмас. Афсусуски, бизда хамма нарсага тамға босишади. Мана, «Шикаста»дан бошланган асарларим туркуми — менимча, асарлар ичида энг яхшиси; туркумга бешта, бир-биридан буткул фарқ қиладиган китоблар кирган; ҳаммасини кўтарасига «илмий фантастика» дейишади.

Би-би-си: Қайси китобингиз билан купроқ фахрланасиз?

Д.Л.: Ҳар қандай ёзувчи Сизга, адабий ижод, бу — ҳаракат, ривожланиш, деб айтади, булардан биттасини ажратиб кўрсатиш қийин. Кейинги ишларимдан энг яхши кўрганим «Мара ва Дан» номли саргузашт романим ва унинг давоми. Уларни ёзаёттанимда, қахрамонларнинг ҳаммаси қочоқлар — очарчилик, сув тошқини, фуҳаролар урушидан қочиб кетаёттан одамлар эканлигини сезмаганман.

Кудрат ДЎСТМУХАММАД, Интернет материаллари асосида тайёрлади

Умарали НОРМАТОВ, Хамидулла БОЛТАБОЕВ

Янги назарий тамойиллар

Хамидулла Болтабоев: Хаммамиз яхши биламизки, адабиёт назарияси минг йиллар давомида амалга оширилган қонуниятлар билан эмас, ҳаётни бадиий таҳлил қилиш асосида ривожланади. Амалда яратилган ҳар бир даҳо, ҳеч булмаса, оригинал асар назарий қоидаларни бойитибгина қолмай, аввалги эски қолипларни синдиради. Ундаги янгилик қуввати ҳам, охори тукилмаган белгилар ҳам мана шу назарий тамойилларни янгилашига ҳараб белгиланади. Шунинг учун ҳам адабиётшунослик классицизм эстетикасидан тезда воз кечиб, унинг рационал қолиплари ҳаршисига ҳиссий, туйғулар оҳимини қуйди. Табиийки, бу ҳараш адабиётнинг юрак ҳонига асослангани учун ҳам юзлаб "...изм"лар вужудга келганига ҳарамай, бадиий асар учун ҳиссий асос бирламчи булиб ҳолмоҳда. Менимча, дунё адабиётшунослиги XVIII асрнинг охиридаёҳ ана шу сиз айтган "деканонизациялашув" даврига кирган эди.

Бадиий асарни инсон каби тирик мавжудот сифатида билиш, уни ўрганишда, ана шу тириклик белгиларини эҳтиёт қилиб ёндашиш бадиият илмини имкон қадар ўнг ва сўлларга оғиб кетишдан сақлаб турибди. "Модерн" истилоҳи мана 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага кундай аён. Бу ҳолатни кўриб туриб билмаслик нафақат адабиёт назариясини, балки янги ва гўзал асарлар яратилишидек адабий жараён амалиётини ҳам торайишига олиб келиши мумкин. Ўзининг ажойиб асарлари билан соцреализм инерциясини рад этган устоз адибларнинг модерн адабиётини ҳушламаслиги ҳақидаги ёзувларини ижоддаги самимият белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди.

«Современная русская литература (1968-1986)» муаллифлари хам биз модернизм деб қабул қилаётган тушунча бағрида "мутация", ахлоқий максимализм, сокин лирика, маданий парадигма, рух экологияси, романтик, психологик ва карнавал гротески, интеллектуал тенденция, "стоицизм", тарихий хотира ва хотирасизлик, "трагифарс", "неоакмеизм", "мовизм", хаос метонимияси, "палисандрия" каби кулогимиз унчалик ўрганмаган истилохларни келтириш баробарида уларнинг хар бири назарий китобларда эмас, балки "70-йиллар" дея шартли ном берилган адабий жараёнда акс этганлигини англатадилар. Хар бир тушунчанинг истилохий мохиятини изохлабгина қолмай, уларни маъносига мос бадиий асарлар орқали асослаб кўрсатадилар. Бироқ, рус заминида вужудга келган ҳар қандай адабий ходисани (борингки, у модерн — замонавий бўлсин) ўзбек тупрогига тўгридантўгри кўчириб бўлмайди. Менимча, "шўро адабиёти" деган мужмал тушунчани таназзулга олиб келган унсурлардан бири хам шу бўлса керак. Шунинг учун хам адабиётимиз мафкура бўгувида қолганда хам айнан рус шўро адабиётига туйгудош бўлиш тажрибасида оксаганини кузатиш мумкин. Модернизм багрида ўсган ўнлаб тушунчаларни бизнинг адабиётимизда учрамаслиги хам табиий хол. Олайлик, ўзбек насридан "легал шўро сўллиги"га мос бир-икки асар топишимиз мумкиндир, "эмиграция ва ватан андеграунди" каби адабий ходисани ўзбек адабиётига тиқиштириб бўлмайди, чунки мухожирлик адабиёти бизда "русское зарубежье" каби тараққий этмаган. ХХ асрнинг 90-йилларида ўзбек матбуотида учраган айрим парчалар Войнович ёки Бродский асарлари даражасидан анча қуйида. Бизнинг муҳожирлик адабиёти ҳақидаги қарашларимиз ҳам, унинг айрим намуналари ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор истеҳзо ҳилганидай, "Туйтепадан нарига ўтмайди". Табиийки, карашларимиз канчалик ожиз бўлса, адабиётимиз хам шунга яраша бўлиши тан олинган хақиқат.

Умарали Норматов: Гапларингизга қўшиламан. XX аср рус адабиётида юз берган ходисаларнинг миллий адабиётимизда айнан такрорланмаслиги табиий хол. Айни пайтда биздаги миллий адабий харакат жахон адабиётидаги етакчи тамойиллардан, аникроги, модернизм окимидан бүтүнлай четда кечгани йүк. Шўро адабий сиёсати модернизмни хушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида 20-йиллардаёқ бу тамойил бўй кўрсата бошлади, бир оз нўноклик билан уч берган футуризм даврнинг суръатини, яратувчилик мехнатини олкишлаш тарзида социалистик гояларга уйгунлашган холда хийла кенг таркалди. Чукур миллий илдизга тасаввуф фалсафасига бориб тақаладиган «рамзчилик» замонавий символизм тажрибалари билан туташган холда эрк-озодлик туйгу-гояларини ифодаловчи жиддий адабий тамойилга айланди, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту, Ойбек шеърияти бунинг ёрқин далили. Илм-фанда, масалан, Фитрат, Абдураҳмон Саъдий асарларида модернистик истилохлар ва уларнинг шарх, талкинлари майдонга келди. Яна бир характерли жиҳат — янги миллий адабиётнинг етакчи намояндалари — Абдулла Қодирий 20-йиллар ўрталарида рус модернизмининг сардорларидан бири Брюсов асос солган адабиёт институтида таълим олди; «символист шоир» номини олган Чулпон бир неча йиллар Москвада уша даврнинг қизғин адабий-маданий мухити ичида яшаб ижод этди; Фитрат хам марказ об-хавосидан бахраманд бўлди; Ойбек Ленинградда ўкиб, Оврўпо маданий мухити рухида шеърлар битди; Абдулла Қаххор Тошкентда университетда рус тилида тахсил олиш баробарида замонавий жахон фалсафаси, рухшунослиги, адабиёти ва адабиётшунослиги янгиликлари билан танишди... Хеч иккиланмай дадил айтиш мумкинки, улар яратган асарларда замонавий жахон адабиёти, жумладан, модернистик тамойилларга охангдош жихатлар кўп. Хозирча бу хусусда узук-юлук гаплар айтилди, холос. Бу муаммо жиддий ечимини кутиб турибди.

Социалистик реализм совет адабиётининг расмий методи деб эълон этилган, модернизмнинг ҳар ҳандай куринишлари реакцион оҳим сифатида кескин рад этилган замонларда ҳам ё ихтиёрий, ёки беихтиёр ижодкор — онги ости шеваси тарзида модернистик тамойиллар турли куринишда давом этди. Миллий адабиётимизда бу гаройиб ҳодисанинг ажойиб намуналари сифатида Чулпоннинг «Кеча ва кундуз»ини, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи, ҳатор ҳикоялари ва «Утмишдан эртаклар» ҳиссаларини тилга олиш мумкин. Уларда модернистик адабиётга хос «онг оҳими», абсурд гояси ва туйгуси, экзистенциализм тамойиллари яҳҳол кузга ташланади. Бу адабий ҳодиса ҳам жиддий тадҳиҳотлар учун ажойиб мавзу була олади.

Хамидулла Болтабоев: Модерн атамаси нисбий тушунча. Фикрни бевосита назарий муаммолар ва хозирги жонли адабий жараёндан 20-йилларга кўчирадиган бўлсак, ўтган аср бошларида ўзбек шоири Чўлпон мумтоз шеъриятнинг "бир хиллиги" дан безиб, янги шакл ва вазн ахтариш натижасида ўзбек шеърияти бармоқ вазнини таомилга киритиб, сарбастни топган экан, бу имконият биргина янгилик илинжидан эмас, балки анъанавий шеъриятни чукур билиш натижасида амалга оширилган саъй-ҳаракат эди. Жадид адабиёти ўзигача бўлган мумтоз адабиётни чукур ўзлаштириш, жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялардан хабар топиш натижасидагина маданий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги каби бадииятда ҳам янгилик эҳтиёжини ҳис ҳилган ва бунга ўзларининг бутун ижодий кучларини ҳаратган эдилар.

Шунга ўхшаш 60-йиллардаги "илиқлик" шамоли янги "модернчи"ларни яратгани каби мустақиллик эпкинлари ҳам янги адабиётни яратиши шубҳасиз. Бироқ бугунги мустақиллик шароитидаги янгиланиш жараёни бизда ҳай даражада суст кечаётгани 16 йиллик даврнинг шиддатида сезилмаслиги мумкин. Аммо биз "мустаҳиллик даври адабиёти" деб атаётган бадиият намуналари чинакамига мустаҳил адабиёт бўлиши учун нималар етишмаётганини илғаш ва шунга кўра иш тутиш адабиёт назариячиларининг ҳам, адабий ҳаракатдаги мунаҳҳид ва адибларнинг ҳам бирдай зиммасида турибди.

мунаққид ва адибларнинг ҳам бирдай зиммасида турибди. Умарали Норматов: Менингча, 70-йилларнинг охири, саксонинчи йиллар бизда модернизм тамойилларининг янгидан жонланиш даври булди. Ижодкорлар орасида жаҳон модернистик адабиёти ва санъатига қизиқиш бениҳоя кучайди.

Нитше, Пруст, Кафка, Жойс, Камю, Сартр номлари ёшлар тилидан тушмайдиган бўлиб қолди, улар асарларидан таржималар қилинди. Ёшлар ижодида бу жараён таъсири яққол кўрина бошлади, Чўлпон, Қаҳҳор ижодида уч берган «онг оқими», абсурд гояси ва туйгуси, экзистенциализм тамойиллари янада ёрқинроқ, айни пайтда, ўзгачароқ бир тарзда намоён бўлди. Айни шу йилларга келиб хийла кескин тус олган мустабид тузум, коммунистик эътиқодлар инқирози бундай тамойилларнинг миллий адабиётимизда кенгроқ илдиз отиши учун қулай имкон — шароит яратди. Қатор ҳикоя, қиссалардан бошланган бу бадиий жараён «Лолазор», «Отамдан қолган далалар», «Тушда кечган умрлар», шунингдек, «Кўҳна дунё»дек тарихий роман орқали ўз интиҳосига етди. Миллий адабиётимизда айни шу тамойилларнинг бетакрор ва таъсирчан намуналари сифатида эътироф этилган Назар Эшонқулнинг қатор ҳикоя ва қиссалари ҳам шу оралиқда яратилди.

Бу мухим адабий ходисани хам биз хозирги жахон адабий-танқидий

тафаккури даражаси ва микёсида туриб ёрита олганимиз йўк.

Хамидулла Болтабоев: Бу асарларнинг ҳар бири бир дунё. Мен уларни бирор "...изм"га солиб кўришдан аввал улар мутолаасидан санъат асари сифатида завқ туяман, ҳар бирини бирор қолипга тортмасдан ўз ҳолича, ўзининг ички

табиатидан келиб чиқиб холис ўрганилиши тарафдориман...

Умарали Норматов: Мен хам шу фикрдаман... **М**иллий адабиётлар тарихидаги туб бурилиш паллаларида янгича адабий йўналишларнинг ижодий дастурини ижодкорларнинг ўзлари ишлаб чиққанлиги маълум. Бизда хам шундай бўлди. Чўлпон анъанавий шеъриятимиз дарғаларига чуқур эхтиром сақлаган холда «Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил!.. Кўнгил бошқа нарса янгилик қидирадир» деб ёзган бўлса, янги давр адабиёти, Оврўпо адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асар яратган Абдулла Қодирий илк миллий романининг илк жумласини «Модомики биз янги даврга оёк кўйдик, бас, биз хар бир йўсинда хам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз» сўзлари билан бошлайди. Чулпоннинг адабий-танкидий маколалари, такризларини куздан кечиринг. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг айни шундай мақолаларини эсга олиб кўринг. Уларда янги адабий ходисалар мохияти накадар теран идрок этилиб, қуллаб-қувватланган. «Тонг сирлари» тупламига Жулқунбой имзоси билан ёзилган мухтасаргина сўзбоши Мустақиллик йилларига қадар Чўлпон хақидаги энг одил, энг теран баходир. Афсуски, янги адабиёт билан бирга шакллана бошлаган адабий танкид, айрим холларни истисно этганда, янги адабий ходисаларни одилона, профессионал бахолай олмади. Бугина эмас, улар шўро адабий сиёсати босими остида сўз санъатида пайдо бўлган янги ходисаларни найза кўтариб қарши олди; шу тариқа чин адабиёт билан адабий танқид орасида темир девор қад кўтарди. Бу девор фақат XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Абдулла Қаххор мактабида тобланган икки забардаст мунаққид Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қушжоновлар илмий-ижодий шижоати туфайли орадан олиб ташланди... Ижодни, ижодкорни англаш, ижодкор қалбига йўл топа билиш орқали бадиий жараёнга таъсир кўрсатиш, танқидчиликнинг бахти, омади; чин ижодни, ижодкорни англай билмаслик эса мунаққиднинг бахтсизлиги, миллий адабиётнинг заволи эканлигини бир асрлик тарихий тажриба тўлатўкис исботлади. Озод домланинг сўнгги китоби «Ижодни англаш бахти» деб аталишида теран маъно – бир асрлик тарихий тажрибанинг ибратли сабоги

Шу ўринда гаройиб бир парадоксни эслатиб ўтсам дейман. О.Шарафиддинов, М.Кўшжонов ва уларнинг танқидчиликдаги издош-маслакдошлари танқидий реализм, соцреализм ва бошқа номлар билан аталишидан қатъи назар, миллий адабиётимизда реализм анъана тусини олган давр мунаққидлари эдилар. Уларнинг адабий-танқидий мезонлари асос-эътибори билан реализм эстетикаси ўзанида шаклланган, реализм йўналишига мансуб жорий миллий адабий жараённи, шунингдек, муайян сабабларга кўра ўз даврида танқидчиликда одилона бахосини ололмаган 20-50-йиллар адабиётини, хусусан, Чўлпон, Қодирий ижодий мероси қадрини тиклаш ва бахолашда улуғ ишларни адо этдилар. Истиқлол арафаси ва истиқлол йилларига келиб, бадиий тафаккур ва ижодда «модерн» номи билан

юритилган туб янгиланиш пайдо бўлди; бу жараённи англаш, идрок этишда ўз даврида хар қанча прогрессив — илғор қараш бўлишига қарамай, мавжуд адабий мезонлар билан янги жараёнлар мохиятини англаш, очиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Етакчи мунаққидларнинг аксарияти, О.Шарафиддинов, М. Қушжонов, шулар қатори биз каби шогирдлар ҳам, гарчи янги тамойилларга хайрихох муносабатда бўлсак-да, уларни англашда хийла қийналдик, янги ходиса поэтикасини хис этиш, илмий кашф этиш бобида ожизлигимиз панд берди. Буни тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб тан олган зот Озод Шарафиддиновнинг ўзлари бўлдилар. «Модернизм — жўн ходиса... эмас» сарлавҳали суҳбатида у киши шундай дейдилар: «Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айникса, юморга йўгрилган асарлар (Станислав Лем, Рэй Брэдбери)ни завк билан енгил ўкийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини эса ўқишда қийналаман. Хатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қуйган холларим хам булган. Лекин шунга қарамай, мен бу ёки бу каби бошқа ёзувчиларни хечам қораламайман. Эхтимол, гап ёзувчида эмас, балки менинг дидимда, савиямдадир. Хархолда фақат менга ёққани ёки ёқмаганига қараб бирор асарни рад этиш ёки улуғлаш мумкин эмас... Модернизм муносабати билан қилган гурунгларимиздан фақат битта хулоса чиқаргим келади — яшасин эркинлик, йўқолсин қолиплар!»

Нақадар самимий, мардона эътироф. Қани энди ўзини мунаққид, назариячи олим деб юрган кимсаларда ҳам шунақа адолат, шижоат туйғуси бўлса! Устоз гарчи «шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман» деган бўлса-да, бош мухаррир сифатида «Жахон адабиёти»да ўзбек ўқувчиларини «ХХ асрнинг етакчи услуби» — модернизмга оид фалсафа, рухшунослик, санъатшунослик, адабиётшунослик асарлари, жахон модерн адабиётининг сара намуналари билан таништиришда мислсиз савоб ишларни амалга оширди, хамкасбларининг бу мавзуга оид макола, сухбатларини мунтазам ёритиб борди. Танқидчилигимизда ҳам модерн асарларни ҳис этиш, англашга рагбат ортиб бормокда. Бу жихатдан Қ. Йўлдошевнинг «Ёниқ сўз», У. Хамдамнинг «Янгиланиш эхтиёжи» китобларидаги қатор мақола, сухбатларни эслатиш мумкин. Лекин, барибир, бу борада ҳам улоқ ҳамон ижодкорлар қулида. Назар Эшонқул, Хуршид Дустмухаммад, Бахром Рўзимухаммад каби модерн йўналишга мансуб носир, шоирларимизнинг адабийтанқидий мақола, сухбатлари тўпланиб китоб холига келтирилса, чиройли бир ўқув қўлланмасига айланиши тайин.

Хамидулла Болтабоев: Адабий жараён ва ундаги хар бир асар биз хозиргача ўзлаштириб олган назарий қоидалар қай даражада акс этганига қараб эмас, Оллох ато қилган ўз умрича яшайди. Хар бир асарга ёндашганда уни ижодкор истеъдоди табиатига асосланиб ўрганиш, асар бетакрорлигини ўша адибга Оллох берган буюк неъмат – истеъдод хосиласи деб қараш керакка ўхшайди. Қолаверса, бундай ўлмас асарларнинг умрзоклиги китобхонларимизнинг дид-фаросатларига хам боглик. Сиз тилга олган маколалар хам муаллифнинг бетакрор фитрати ва унинг асардаги аксини имкон қадар тушунишга харакат қилиб ёзилган. Қолаверса, истеъдод табиатини олимларга қараганда ижодкор аҳли яхшироқ танийди, айниқса, уларнинг ижодий қиёфаси ўзаро яқин бўлса. Шунинг учун хам бу маколаларни адабиётшунослик мажмуа (афсуски, бизда бундай мажмуалар яратиш ҳали йўлга қўйилмади)ларига киритиш, уларни ёш ижодкорлар мутолааси лозимлигини филологларга қайта ва қайта уқтиришимиз керак. Фахриёрнинг шоирлиги, модерн услубдаги ёки анъанавий фольклорча шеърларининг ўзи алохида адабий ходиса. Бирок шоирнинг интеллектуал дунёсининг накадар бой эканлиги Тимоти Ж. Уинтернинг "ХХІ асрда ислом" китобининг инглизчадан таржимаси орқали янада равшан куринади. ХХ аср сўнггига келиб постмодерн дунёнинг қиблани таниши урчиб бораётган имонсизлик қаршисидаги илмий-маънавий дастақдир. Эътиқодсизлик фожиасини кўрсаттан юзлаб асарлар бор, шу жумладан, "Сароб" ҳам. Бироқ имонсизликнинг қаёққа олиб боришини, унинг эртаси абсурд эканини илмий публицистик йўсинда англата олган шу биргина китоб таржимаси учун хам биз Фахриёрдан миннатдор бўлишимиз керак. Назар Эшонқулнинг қиссаларидаги интеллектуал

руҳ ўзини миллат фарзанди деб билган ҳар бир зиёлига кўчиши, ҳалбида аксланиши керак.

Умарали Йорматов: Нихоят, сухбатимиз энг мураккаб, масъулиятли ва чигал масала — постмодернизм жумбогига келиб тақалаётир. Постмодернизм башарият тараққиётидаги учинчи тўлқин — информатика ва глобаллашув босқичининг махсули, у фақат адабиёт, санъатгина эмас, фан ходисаси сифатида майдонга чикди, бугина эмас, сизу биз яшаётган хозирги давр постмодерн дунё деб аталадиган бўлди. Постмодерн дунёнинг мухим белгилари сифатида маънавият оламида кечаётган жараёнлар — хар қандай күринишдаги модерн янгиликларга сиғинишдан тийилиш, юксак ва оммавий маданиятни бир-бирига яқинлаштириш, фан билан дин ва санъатни муросага келтириш каби қолатлар тилга олинаётир; фан оламида методологик асос сифатида диалектика ўрнига синергетик тафаккур усули олдинга ўтди, эволюцион синергетик парадигма, жумладан, бадиий ижодиёт фанининг методологик асосига айланди. Реализм билан модернизм орасида муросасиз бахс, яъни «реалликда маъно бор» деган реализм ақидаси билан «реалликда маъно йўқ» деган модернистик қарашларни муросага келтириш мақсадида бу ҳаёт-мамот масаласи ўзгача тарзда қўйилмоқда инкор ёки тасдиқ этиш йўлидан бирини танлаш ўрнига, бу хил кескин саволларга аниқ жавобни очиқ қолдириб — бу борада ўзгача йўлни, яъни масала мохиятини, реалликнинг сир-синоатини тафтиш этиш, диккат-эътиборни ходиса каърига йўналтириш таклиф этилмокда. Айни шу жихат постмодернизмнинг энг асосий хусусияти деб қаралмоқда. Мохиятни очиш сари интилишда, хусусан, фан ва санъатда моддиюнча реалистик, диний-илохий ва мифологик тафаккур бирдек ахамиятга эга эканлигига ургу берилмокда.

Хамидулла Болтабоев: Соцреализм "хаётни ўз шаклида кўрсатишдан" "борлиқни ўз мохиятида кўрсатиш"га ўтиши муносабати билан унинг имкониятлари кенгайгани, очик система сифатида қабул қилингани ўз даврида Сиз ёзган китобларда ўринли қайд этилган эди. Илмий адабиётларда "постмодернизм" тушунчаси "постструктурализм"га синоним тарзида кулланилмокда (Ильин И. П. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. М.: Интрада, 1996). Хар икки холатда хам бу назарий тамойиллар энг янги адабий ақидалар сифатида талқин қилинаётгани билан ҳали адабийэстетик нуқтаи назардан янги «назарий парадигмалар» яратмади, деган қарашда маълум маънода жон борга ўхшайди. Албатта, илк модернизм давридан сўнгги модернистларнинг қарашлари тубдан фарқ қилади. Лекин жадид эстетикаси назарий жихатдан бадиий адабиётнинг санъат сифатидаги мохиятини англатишга қанчалар ахамият берган бўлмасин, амалда уларнинг эстетик мезонлари "юрт оёгидаги кишанга бориб тақалади", яъни ижтимоий ҳаёт талаблари назарий қоидалардан устунрок тургани учун улар бутун ижодини мана шу сиртмоққа қарши қаратганлар. Шунинг учун ҳам Чўлпоннинг энг гўзал шеърларида ҳам, "кўланка", "кишан" қайғуси унинг елкасидан босиб турган. Фитрат домла ҳам шеърий шаклларга сиғмаган туфонли уйларини санъат, адабиёт дарди деб эмас, "юрт қайғуси" ниятида битган. Демак, назарий тамойиллар хаёт хакикатига дуч келганда бир оз ўзгариши, ўзининг эстетик мохиятидан ижтимоийликка қараб бурилиши мумкин эканини жадид адабиёти тажрибаси англатиб турибди. Шундан кейин шуро истибдоди даврида адабиёт тўла-тўкис ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечирди. Бора-бора бу холат адабиётнинг қонуний "хусусияти" га айланиб қолдики, энди мустақиллик даврида ҳам мана шундай назарий тушовлардан озод бўлолганимиз йўк, — "Ўтмишдан эртаклар" даги қулфланмаган хужрада "қамалиб ўтирган" Бабар сингари. Биз кўп ўринда бадиий адабиётнинг жамият олдидаги вазифасини публицистик функцияда деб биламиз, яъни у янги фикр айтиши, жамият иллатларини фош қилиши, халқни тараққиётга бошлаши керак. Мана шу улуғвор вазифани маълум маънода кунига юзлаб номда нашр этилаётган газета ва журналларга юкласак-да, бадиий адабиётни "фикр айтиш воситаси" деб қараш ўрнига муддаони соф бадиият талабларига кўчирадиган бўлсак, бизнинг жуда кўп асарларимиз паришон холда қолади. Хатто XX аср миллий адабиётимизнинг "олтин фонди" дан ўрин олган асарлар хам. Постмодернизмнинг назарий тамойилларини тадқиқ этиш миллий адабиётшунослигимизда, Сиз тўгри қайд этганингиздагидек, ҳали изланиш йўлига ҳам киргани йўқ.

Умарали Норматов: Гарчи бу борада адабиётшунослик оқсаётган бўлса-да, миллий адабий жараён жим тургани йўқ. Шуниси муҳимки, постмодернизмнинг бу хил тамойиллари фақат Ғарб, тараққий этган мамлакатларгагина хос бўлмай, ҳозирги глобаллашув жараёнида узоқ йиллар «темир тўсиқлар» билан иҳота қилинган собиқ шўро тузуми ҳудудидаги халқлар адабиётида ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлган. «Ҳозирги рус адабиёти» китоби, шунингдек, рус постмодернизмига багишланган кўплаб тадқиқотларда бу жараён кенг ва ишонарли тарзда очиб берилган. 70-80-йиллар ўзбек адабиёти манзарасига синчиклаб назар ташланса, чунончи, «Руҳлар исёни», «Жаннатга йўл», «Ҳаққуш қичқириғи» каби асарлар, сон-саноқсиз ҳикоя ва қиссалар бу борада жиддий мушоҳада юритиш, тадқиқотлар олиб бориш учун етарли асос беради.

«Учинчи тўлқин» ёки «постмодерн» босқичига келиб анъанавий реализм ҳам жиддий янгиланиш жараёнини бошидан кечираётир. Биз юқорида тилга олган, бошқа яна кўплаб тадқиқотларда «постреализм», «модернизациялашган реализм», «янгиланган реализм» истилоҳлари кенг қўлланилмоқда. Ҳаттоки қатор тадқиқотларда «Соцреализмнинг янгиланиши» ҳодисаси хусусида қизиқарли мулоҳазалар ўртага ташланаётир. Чунончи, «Ҳозирги рус адабиёти» муаллифлари С. Давлатов, В. Катаев, Ч.Айтматов каби улкан адиблар ижодий тафаккури тадрижи мисолида, хусусан, «Бинафша», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» каби машҳур асарлар мисолида бу масалани теран таҳлил этиб берганлар.

О. Ёкубов, Асқад Мухтор каби жаҳондаги янги адабий жараёнлардан хабардор адибларимиз қатори 70-80 - йилларда миллий насримиз майдонига дадил кириб келган Тоғай Мурод, Х. Султонов, М. Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам каби адиблар ижодий тадрижида ҳам шунга яқин ҳодисаларни кузатиш мумкин. Биргина Одил Ёкубовнинг янги «Осий банда»си ёки Тоғай Муроднинг оддий меҳнат аҳли вакиллари бисотидаги юксак маънавий ҳадриятлар талҳинидан бошланган тамойиллар «Отамдан ҳолган далалар» ва «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романлари томон тадрижий йўли миллий адабиётимиз, хусусан, насримиздаги ноёб ҳодисадир. Анъанавий реализмдан постмодернизмга ҳараб бундай зафарли юриш ҳаҳида ўйлашнинг ўзи мароҳли!

Хамидулла Болтабоев: Кузатиш марокли туюлган анъанавий реализмдан постмодерн сари қадам ташланиши, менимча, бизнинг муаллифларимизнинг "зафарли юриши" эмас, балки жахон, хеч бўлмаса, шарк адабиётларида кузатилаётган, айрим ходисалар билан адибларимизнинг хамқадамлигида деб тушуниш мумкин. Бизга Гарб матбуоти (жумладан, рус оммавий ахборот воситалари ҳам) орҳали сингдирилишича, "ўз ички ҳобиғлари ичида" сиҳилиб қолган Эрон адабиётидаги янгиланишларни кузатайлик. Эронликларда ўз адабиёти даражасида туриб, назарий тадқиқотлар яратишдан кўра хорижда, айникса, Гарбда яратилган адабиёт назарияларни таржима килиш тамойили кучлироқ куринади. Инглиз олимлари Ричард Хардланднинг "Адабий-назарий фикр тарихи: Афлотундан Боротгача", Чарльз Брислернинг "Адабий танқид адабиёт назарияси аспектида", Жонатан Куллернинг "Адабиёт назарияси" Роман Селден ва Петер Уиддоусон тахрири остида чиккан "Хозирги адабий жараён назарияси", немис олимлари Йоханнес Бертензнинг "Адабиёт назарияси", Ханс Бертинснинг "Хозирги адабиёт назарияси" каби асарлари 2006-07 - йилларда таржима этилди. Номланишига эътибор қаратганда ҳам буларнинг хеч бири қатьий қонунлаштирилган адабиёт назариялари эмас, балки бадиият қонуниятларини замонавий адабиёт билан боғлаш йулидаги тадқиқотлар сифатида таассурот уйготади. Албатта, бу мисоллардан янги назарий тадқиқотлар яратишни қўйиб, таржимага ўтайлик, демокчи эмасман. Бирок адабиёт назариялари яратилиши даврида жонли адабий жараён тамойилларидан келиб чиқиб иш юритиш назарий тафаккур тадрижи учун ҳам, миллий адабиёт муваффакияти учун хам фойдалирок эканини таъкидламокчиман, холос. Менимча, бизнинг адабий-назарий йўсиндаги ишларимиз ана шу жихатдан оқсайди.

Умарали Норматов: Адабий-бадиий жараёнда жиддий янгиланиш, туб ўзгаришлар кетаётган, янгиланиш анъана тусини олаётган, хилма-хил,

кутилмаган тамойилларнинг намоён бўлиши, ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши учун имкон яратилган хозирги постмодерн шароитида адабий ходисаларга хилма-хил илмий мактаб таҳлил методлари орҳали ёндашиш эҳтиёжи ортиб бориши табиий. Адабиётшунос А. Раҳимов 1997 йили тузган «Адабиёт назарияси» дастурида XIX аср Оврўпа адабиётшунослигининг асосий методлари сифатида мифологик мактаб, ҳиёсий-тарихий, маданий-тарихий, биографик, психологик, филологик; ҳозирги адабиётшуносликнинг асосий методлари сифатида эса психоаналитик, интуитивизм, формализм, экзистенциализм, структурализм, марксистик методларни келтиради. Д.Қуроновнинг «Адабиётшуносликка кириш» дарслигида социологик, тарихий-маданий, ҳиёсий, биографик, ижодий-генетик, шунингдек, имманент таҳлил методлари сифатида структурал, стилистик ва семиотик методлар хусусида маълумот бериб ўтилади. Фанда бу ерда тилга олинмаган яна ҳанчадан-ҳанча методлар бор.

Шўро даврида марксистик методдан бошқа барча мактаблар «буржуача-реакцион» ёрлиги остида кескин қораланган. Айниқса, ўтган асрнинг 40-йиллари бизда бу борада рўй берган нохуш ходисаларни асло унутиш мумкин эмас. Бирикки мисол. Психоаналитик метод асосида иш кўриш у ёкда турсин, А.Алимуҳамедовнинг Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологизм, яъни руҳий тасвир маҳорати масалаларини текширишга қаратилган, бугунга қадар ҳам аҳамиятини йўқотмаган тадҳиҳоти буржуача эстет-космополитизм кўриниши деб баҳоланган; «Адабиётимизда эстет-космополитларни охиригача фош ҳилайлик», «Адабиёт ва санъатда беватан космополитларни охиригача фош ҳилайлик» сарлавҳалари остида дағдағали маҳолалар эълон этилган. 1947 йилда чоп этилган «Узбекский народный героический эпос» китоби муаллифлари В.М.Жирмунский билан Х.Т.Зарипов «Алпомиш» достонини «Одиссея» билан ҳиёсий таҳлил этишда Веселовскийнинг ҳиёсий-компративистик мактаби йўлидан борганликлари учун уларга «Веселовскийнинг совет адабиётшунослигига кириб олган вакиллари» деган ёрлиҳ ёпиштирилади.

Бу хилдаги дағдаға, сиёсий ҳукмномалар туфайли адабиёт фани бошига қандай қора күнлар түшганлигини яхши биламиз...

Оллоҳга шукурки, бундай мудҳиш адабий сиёсат, уни яратган мустабид тузум билан бирга тарих қаърида қолиб кетди. Эндиликда барча чин илмий мактабларнинг эшиклари ланг очиқ.

Хўш, биз улардан қанчалик фойдаланаётирмиз. Устоз О.Шарафиддинов бизнинг адабий танқидчилигимизда, асосан, биргина социологик тадқиқот усули етакчи бўлиб келаётганидан афсусланиб, хамкасбларини мустақиллик шарофати билан адабиётшунослик ва танқидчиликда доимий изланишлар олиб бориш, адабиётнинг ички гўзаллиги ва бойликларини тўларок очиб беришга қаратилган янги имкониятлар топишга даъват этган эди. Тан олиш керак, бу борада айрим уринишлар бор. Бироқ адабиётшуносликда жиддий воқеа бўладиган изланишлар самарасига гувох булганимиз йук. "Айрим уринишлар" га оид аник мисоллар келтирсам. Озод ака "Адабий танқид ва янги тафаккур" сарлавҳали суҳбатида А.Аъзамовнинг "Жаҳон адабиёти" да эълон этилган бир маҳоласи хусусида туҳталиб: «Олим Абдуллажон Аъзамов... адабиётшунослик илмида биринчи бўлиб Алишер Навоий газалларини математик тахлилга тортган. Маълумки, хали математиклар гўзаллик формулаларини ихтиро килганларича йўқ. Ажаб эмаски, Аъзамовнинг бу мақоласи ана шу йўлдаги биринчи қадам бўлса. Хархолда, мақолада бир қатор эътиборга лойиқ кузатишлар бор", — дея олимнинг изланишларини қуллаб-қувватлаган эди ("Ижодни англаш бахти", 231- бет). Аслида, А.Аъзамовнинг бу йўлдаги илмий изланишлари хам структурал методга мансуб.

Хамидулла Болтабоев: Агар таянч нуқтаси топилса, ер шарини тунтариб беришни "ваъда қилган" Архимеднинг бир гапи бор: "Хар бир фан математикадан улги олгандагина ўз такомилига етишиши мумкин". Бу гап қайси мақсадда айтилганидан қатъи назар, структурал метод ҳам маълум маънода математика, хусусан, кибернетика фанига таянгани рост. Профессор Абдулла Аъзамов бу мақоласига қадар Алишер Навоийнинг насрий муножотини имкон қадар асар матнидан узмай талқин қилишга киришиб, "Муножотнома" битганини эслайман. Озод ака тилга олган мақола ҳам адабиётшунос олим ўз объектига

математик аниқлик билан ёндашиши, ўзининг ҳар ҳандай фалсафий тушунчаларини таҳлилга тортилган асарга тиҳиштиравермай, ундаги маънони борича талҳин ҳилиши лозимлигини эслатади. Чўлпон домланинг "Ҳаҳ йўли бир ўтилгуси..." деган ҳикмати аён. Менинг назаримда, соцреализмдан постструктурализмга саҳрашдан аввал структурал таҳлил деб аталган бекатга бир оз бўлса-да ҳўниб, ундаги айрим жиҳатларни англашга уриниб ҡўрайлик. Чунки айни шу таҳлил усулигина бадиий матн ҳаҳида нисбатан максимал аниҳлик билан хулоса чиҳаришга йўл очади. Ижод жараёнини тушунтиришда борлиҳ — ижодкор — матн — китобхон муносабатидан сўнгги икки жиҳатга кўпроҳ аҳамият ҳаратади. Структурал таҳлил муаллифнинг шахси кимлиги, унинг амалию ҳайси асрда яшаганидан кўра бирламчи объект сифатида матнни танийди ва у ҳаҳда, асосан, бадиий матннинг ўзидангина келиб чиҳиб таҳлил ҳилишга киришади.

Айни шу усулни суиистеъмол қилиб (аслида структурал метод моҳиятини юзаки, жўн тушуниш оқибатида) ўз тадқиқотини статистик маълумотлар ва математик формулалар ҳисобига семиртираётган тадқиқотчилар (айниқса, методика соҳасида) ҳам мавжудлигини унутиб бўлмайди...

Умарали Норматов: Сиз бир неча йиллардан бери магистратура боскичида «Адабиётшунослик ва структурал методлар» фанидан маърузалар ўкийсиз. Сизда таълим олган шогирдлардан қай бири шу илмий мактаб йўлини танлади? Шу метод асосида бирор жиддий тадқикот олиб бордими? Шахсан ўзингиз Абдулла Каххорнинг «Анор» хикоясини шу усул оркали чиройли тахлил этиб намуна кўрсатдингиз... Шогирдлар бу борада нега устозга эргашмаётир?..

Эътибор беринг-а, постмодернизм, постреализм, постструктурализм, синергетика ва бошка тафаккур усуллари орасида теран бир алокадорлик, мутаносиблик бор, колаверса, буларнинг барчаси башарият цивилизацияси равнакидаги бир давр, янги боскич махсулидир.

Шу нуқтаи назардан хозирги янгиланаёттан куп тармоқли адабий-ижодий жараёнга, бадиий ижод тарзига, янгича ижодий тафаккур маҳсулига ёндашилса, қизиқарли изланишлар қилиш, биз амал қилаёттан таҳлил усулларининг нигоҳи етмаган ижодий жараённинг сирли қатламларига кириб бориш мумкин деб ўйлайман...

Афсус, менинг ёшимда бу усул асосида иш кўриш кийин кечаётир. Қани энди ёшлар шу хил усулларга дадил қўл урсалар дейман.

Хамидулла Болтабоев: 1997 йили "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилиниб, олий таълим тизими икки босқичли тус олди. Шунга кўра магистратура таълимига бакалавриатни такрорламайдиган замонавий фанларни дастурлаш тавсияси берилди. Университет таълими магистратура босқичининг "Адабиётшунослик" мутахассислиги учун барча Олий таълим тизимида бирваракайига математика ёки алгоритмлар назарияси эмас, балки сохага якинрок "Адабиётшунослик ва структурал методлар" фани ўтилишини таклиф қилдим. Шукрки, бу фикр инобатга олиниб, мана 7-8 йилдирки, бу фан ўқитилмоқда. Бундан кутилган мақсад бадиий таҳлил тажрибасида структурал поэтика деган ходиса (майли уни метод деб атамасак хам) бор экан, биз ҳам ҳеч бўлмаса, олий адабий таълимнинг юқори бочқичида шу йўсиннинг имкониятларини ўрганайлик, деган муддао эди. Бу тажриба қандай натижалар беради, буни олий ҳакам — вақт кўрсатади. Бироқ ушбу ўринда биз француз структуралистлари (Клод Леви-Стросс, Ролан Барт) каби структурализм мактаби деб ёки собик иттифокда ном козонган Юрий Лотман ибораси билан "структурал поэтика" деб эмас, ўзимизга яраша жўнроқ қилиб, қулоққа ғализ эшитилса хам "Адабиётшунослик ва структурал методлар" деб атадик ва адабиётшунослик тарихида академик мактаблар қаторида мана шундай таҳлил усули борлигини ва у "замонавий классицизм" лақабини олган соцреализмнинг беш усутивор қонуниятларини бадиий асардан излаб топишдан кўра самаралирок натижа бериши мумкинлигини тусмол қилдик.

Замон ҳам, адабий жараён ҳам тезкор. Биз структурализмнинг моҳиятини англаб улгурмасимиздан постструктурализм деган тушунча модага айланди, бу ҳарашдагилар структурализм ўрнига янгича таҳлил методини ("пост" — "кейинги" сўзи моҳиятан янги ҳарашни ифода этмайди) шу каби

"постструктурализм" ҳам структурализмни инкор этгани билан унинг ўрнига қўядиган таҳлил усулини тавсия этгани йўқ. Айни структурал методни инкор ҳилган Анна Балакян «Структурализм ва адабиётшунослик" маҳоласида уни алмаштирадиган бирор усул ёки методни тавсия этолмагани ўзбек китобхонларига ҳам маълум ("Филология масалалари". 2005 йил 2- сон). Бу мураккаб илмийижодий жараённи дарахтга ёки ризома (ажириқ)га менгзаб бўлмайди. Олмонлар, ҳар ҳандай ўхшатишда бир қусур бор деганларидек, ҳозирги адабиётшуносликда борлиҳни ўз шаклида, ҳандай бўлса шундайлигича кўрсатадиган адабиёт (санъат) эмас, балки уни бутун мураккаблиги билан тасаввур ҳилишга ўргатадиган, глобал муаммоларни унинг кичик модели ҳисобланган бадиий асарга сингдириб, уни тасвирлай олган, муаллиф нигоҳини таҳлил ҳилиш усуллари асосий маҳсад ҳилиб олинмоҳда. Шундай экан, биз адабиётшунослар ҳам бу адабий ҳодисаларни жўнлаштирмай, аксинча, бор мураккаблигича ўрганишга жазм ҳилишимиз керак бўлади.

Умарали Норматов: Яхши биласизки, илмий ёки адабий тафаккурдаги янги ходисалар кўп холларда ўзининг муносиб номини тополмайди, хар доим хам исми жисмига тўла мос келавермайди. Хатто "синергетика" деб аталган ходисани унинг ижодкорлари айни шу ном билан аталишини унча хуш кўрмаганлар. Аслида назариядаги кўп чалкашликлар ўринли-ўринсиз атамалар билан хам боглик. А.Компаньон шу хусусдаги бир маколасини "Назария шайтони" деб аташи тасодифий эмас (Комапаньон. Демон теории. Литература и здравый смысл. М.: 2001). Шу маънода Сизнинг эътирозларингизда жон бор. «Дарахтсимон», «ризомасимон» тафаккур атамалари ҳам бир қарашда ғалатироқ, жўнроқ туюлиши мумкин. Аммо синчиклаб қаралса, муайян қолип – қатъий қонуниятга айланган анъанавий авторитар тафаккур билан эркин, асов ижодий тафаккур орасидаги фаркни, уларнинг асл мохиятини англаш — англатишда бу образли тимсоллар нихоятда қул келади. Эҳтимол, постструктурализмга хос ризомасимон тафаккур усулидан биз адабиётшунослар ўз фаолиятимизда уқув билан фойдаланмаётгандирмиз. Аммо кейинги йилларда табиий фанлардаги буюк ихтиро — кашфиётлар айни шу тафаккур усули — ходисаларга кутилмаган томондан ноанъанавий тарзда ёндашиш оркали амалга оширилаётгани аллакачон эътироф этилган.

Хамидулла Болтабоев: Сиз айтаётган ҳодиса тафаккур усули сифатида мавжуд, яшашга ҳам ҳақли. Бироқ бадиий асарни таҳлил этиш тамойиллари ҳусусида фикр юритилаётганда ҳар ҳандай янгича тафаккур усули ҳам, боринг, у самарадор ҳам бўлсин, бадиий таҳлил методи сифатида ҳабул ҳилиниши ҳийинлигини эслатмоҳчиман, холос...

Умарали Норматов: Адабиётшуносликдаги мактаблар масаласига қайтайлик. Шу пайтга қадар бизда адабий-илмий мактабларни кўпроқ адабий ходиса объектига қараб белгилаш русм бўлган: мумтоз адабиётимизнинг турли босқичлари, минтақалари, чунончи, Қўқон, Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Хоразм адабий мухити ва ҳ.к.; берироқ келадиган бўлсак, ўзбек маърифатчилик, миллий-уйгониш — жадидчилик, шўро даври, бугунги адабий жараён билан шуғулланувчи илмий жамоалар тарзида шаклланган. Булар ёнига сўнгги йилларда тасаввуф адабиёти тадқиқотчилари мактаби келиб қўшилди.

Шахсан ўзим янги ўзбек адабиёти тарихи, адабий жараён масалалари билан шуғулланиб келганим учун бу давр адабиётининг кўпдан-кўп ғаройиб жумбоқларини хозирга қадар устуворлик қилиб келаётган социологик ёки бошқа бир-икки метод орқали ечиш мумкин эмаслигига аминман. Чунончи, анъанавий реализм багридаги туб янгиланишлар — ижтимоий таҳлил билан баробар экзистенционал ҳолатлар ифодасининг кенг ўрин олиши, бадиий тип эмас, индивидуал шахсларга эътиборнинг ортиши, моҳият қаърига кириб боришда ижтимоий, мифологик ва диний бадиий талҳинларнинг бирдек мавҳе тутиши, асар матнида хилма-хил ифода услубларининг ёндош ҳолда келиши, гоҳо бир-бирига зид тасвир тарзларининг ўзаро «муроса»га киришиши — ана шундай гаройиб поэтик ҳодиса моҳиятини англашда постструктурал метод ниҳоятда қўл келиши мумкин. Масалан, Саид Аҳмаднинг кейинги йилларда яратган лагер ҳаёти мавзусидаги ҳикояларида аниқ ҳужжат — лагер ҳаётига оид автобиографик тарздаги хотиралари билан ижодий тасаввур маҳсули бўлмиш

«соф тўқима» сюжет-интригаларнинг ажиб тарзда уйгунлашуви, «Осий банда» романида муаллиф Одил Ёқубовнинг шахсан ўзи гувох бўлган кечмиш вокеалари, қатор тарихий шахслар билан боглик реал ходисларининг ўта муболагадор, фантастик гипербола тарзида берилиши; Хайриддин Султоновнинг «Бобурийнома» романида эса Бобур ва бобурийлар қисматини ёритишда нихоятда ранг-баранг талқин йўллари — хикоя, кинохикоя, қисса, эссе, сухбат, репортаж, автобиографик хотира, сафарнома, «Бобурнома» услубини ёдга туширувчи тасвир усули, муаллиф хикоя ва қиссалари орқали шаклланган янгича ифода тарзи, соф реалистик талқин билан баробар, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган, фақат «илми гойиба» орқалигина изохланадиган ҳолатлар — бу каби ҳозирги адабий жараённинг янги ҳодисалари тубдан янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Бугунги шеъриятда ҳам ҳали очилмаган қўриқлар беҳисоб. «Жаҳон адабиёти»нинг 2005 йил 6-сонида америкалик адабиётшунос Рэйчл Харелнинг «Кўкламдан кўкламга» мақоласи эълон этилди. Унда Абдулла Ориповнинг «Баҳор кунларида», Рауф Парфининг «Ёшлик — зангор фасл», шунингдек, Фаҳриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегим каби модерн шоирларимиз шеърларининг инглиз тилига таржима қилиш асносида тугилган кузатиш, ўй-мушоҳадалар ёритилган. Йўл-йўлакай янги ўзбек миллий шеъриятидаги биз шу пайтга қадар назардан четда қолган бир талай янги жиҳатларга эътибор жалб этилган. Мақола муаллифи буларни ҳисобга олмай туриб, янги ўзбек шеърияти бисотини инглиз тилига кўчириш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Маълум бўлишича, Рэйчл хизмат қиладиган Мичиган университетининг Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси структурал ва постструктурал методлар асосида тадқиқот олиб борар экан.

Хамидулла Болтабоев: Мўлжални каттароқ олиб, жахонда яратилаётган адабий-назарий ишлардан имкон қадар тугалроқ хабардор бўлиш зарур. Холбуки, бугун ҳавас билан тилга олаётган адабиёт назариялари ва ҳозирги рус адабиётига тааллуқли асарлар, ҳозирги рус адабий-назарий тамойиллари билан бир қаторда кўпроқ Гарбдаги ҳарашларга ҳам асосланмоқда. Истаймизми, йўқми уларда европацентризм белгилари йўқ эмас. Биз эса шаркликлармиз, шарқ адабиёти учун ҳар доим очиқ реализмдан кўра шартлилик, абстракционизмдан кўра рамзийлик устувор белги ҳисобланган. Янгидан вужудга келаётган назарий адабиётларда ҳар икки томон (аслида, дунё ягона, худди ҳар қандай бадиий асар бир бутунликда ўрганилгани каби) инобатга олинишини, бу тамойиллар "ХХ аср классиклари" асарларини ҳам, модерн усулда яратилаётган китобларни ҳам таҳлил этишда кўмак бўлишини орзу қиламан.

Умарали Норматов: Рус ҳамкасбларимизнинг кейинги йилларда чоп этилган айрим асарлари муносабати билан юқорида айтилган ўй-мушоҳадалар, мулоҳазалар билан танишган дўстларимиздан бир истак шуки, бу гапларни асло ўзгалардан айнан андаза олишга чақириқ деб тушунмасинлар. Биз аллақачон ўзимизнинг, ҳамма соҳада бўлганидек, адабиёт ва адабиёт илмида ўз мустақил йўлимизни топиб олганмиз. Кўриб ўтганимиздек, рус ҳамкасбларимиз ҳам шўро давридаги қолиплардан дадил воз кечиб, янгича замонавий йўллардан шахдам бормоқда. Бу борада улар билан бўйлашиш истаги бизни шундай йўл тутишга ундаётир. Президентимиз ташаббуси билан ҳозир бизда бутун мамлакатни, жамиятни модернизациялаш жараёни кетаётган, бу борада ҳам жаҳон андазаларига мос келадиган даражага кўтарилиш вазифаси қўйилган экан, биз адабиётшунослар бу қутлуғ ҳаракатдан четда туролмаймиз.

Аср гулдастаси

XX аср ўзбек шеърияти антологияси. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, Х.Абдиев. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007 йил, 496 бет.

XX аср ўзбек адабиёти бадиий-эстетик тафаккуримиз тараққиётида алохида босқич, ёрқин сахифа бўлиб қолди. Унинг ютуқларини, самараларини адабий турлар (драма, наср, назм) ва жанрлар, муайян йўналишлар бўйича бадиий баркамол намуналарини жамлаб, кенг халқ оммасига тақдим қилиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишлари нафис санъат фидойиларининг мухим вазифаси. "XX аср ўзбек шеърияти антологияси" ана шундай қутлуғ саъй-харакат намунаси сифатида эътиборлидир. Мажмуада Чўлпондан Улуғбек Хамдамгача, Зулфиядан Хосият Рустамовагача бўлган юздан ортик ижодкорлар асарларидан намуналар жой олган. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар ҳам мажмуанинг исми жисмига монанд бўлиши учун жиддий мехнат қилганликлари кўриниб турибди.

Антология, аслида грекча сўз бўлиб, anfhos – гуллар, lego – тераман, деган маънони билдиради. Яъни, чаманзордан гулларни саралаб олиб даста тузиш, дегани. Шоир-ёзувчилар асарларидан намуналар, яъни танланган парчалар, шеърлар, доно фикрларни ўз ичига олган тўпламлар тузиш тажрибаси адабиётимиз тарихида анча шаклланган. Хусусан, мумтоз адабиётимиздаги баёзлар, тазкиралар бугунги антологияларнинг илдизлари, асослари, дейиш мумкин. Қолаверса, XX асрда яратилган "Ўзбек поэзияси антологияси" (1950 й.), 5 жилдли "Ўзбек шеърияти антологияси" (1960– 62 йиллар)нинг тажрибалари тузувчиларга қўл келганлиги шубхасиз. Яна мумтоз адабиётимиздаги "Мажмуат уш-шуаро"лар ҳам айрим шоирлар ва халқимизнинг поэтик ижоди хақида тўла-тўкис тасаввур беради; унинг бадиий-эстетик савиясини, ижтимоийфалсафий ахамиятини, нафосатини намойиш этади.

Шу ўринда айтиш керакки, антология тузишнинг ўзига хос мезон (кри-

терий)лари бор. Маълум бир халқ шеъриятининг босиб ўтган йўли ёки айрим босқичдаги етакчи тамойиллари хамда образлар тизими, гоявий-бадиий йўналишларни, анъана ва янгиликка доир ўзига хос жихатларни ихчам шаклда гавдалантириш учун муайян мезонларга амал қилиш керак. Томчида қуёш акс этади деганларидек, антология маълум давр адабиётининг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган кўзгу бўлиши зарур. Бунинг учун адабиётда катта из колдириб ижодий мактаб ярата олган, ўз сози ва овози билан миллатнинг фахри, ифтихорига айланган сиймолар яратган шеърий дурдоналар саралаб олинмоги лозим. Албатта, адабиёт фақат ёрқин юлдузлардан иборат бўлмайди. Шундай экан, антологияга дахо шоирлар қаторида ёркин шеърлар ярата олган яхши ва хар хил ижодкорларнинг асарлари хам киритилиши мумкин. Шарт шуки, улар ижодидан танлаб олинган намуналар хам маълум давр шеъриятига хос асосий тамойилларни намойиш эта олсин, бетакрор образлари, гўзал тасвирий воситалари ва миллат дардига малхам бўладиган салмокли фикрлари билан адабиёт багрида ёруг из колдирган бўлсин. Буюк Алишер Навоийнинг "Мажолис-ун нафоис" асарини эсланг. Шоир хатто битта гўзал байт яратиб, шеърият мухлисларига манзур бўлган шоирларни ҳам катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Бу хол антология тузишдек мураккаб ва масъулиятли ишда нақадар нозик жиҳатлар борлигини яққол кўрсатиб турибди.

Энди бевосита қўлимиздаги янги китоб хусусида фикрлашайлик.

Шеър – фикрнинг гули, дейди аллома Ойбек. Тузувчилар "XX аср ўзбек шеърияти антологияси" га поэтик жараённинг сара гулларини жамлаш иштиёкида ўтган аср адабий хаётида русум бўлган босма колиплардан воз кечишгани китобнинг энг мухим ижобий фазилатидир. Хусусан, замонавийлик, сиёсий хозиржавоблик, актуаллик, типиклик, партиявийлик синфийлик ва хоказо жихатларга қараб асарларни танлаш мезонларига бар-хам берилган.

Шеърий асарларнинг нафосати, бадиий-эстетик гузаллиги бадииятни белгиловчи бош мезонлар сифатида танланган. Тузувчилар имкон қадар шунга амал қилишга интилганлар.

Ана шу мехнатнинг самараси сифатида китобдан жой олган "Гўзал' "Кўнгил" "Бир тутам сочларинг" (Чўлпон), "Муждалар", "Кўклам чогида япроклар" (Элбек), "Согиниш", "Вакт" (F. Гулом), "Наъматак" (Ойбек), "Ўрик гуллаганда" (Х.Олимжон), "Армонли йўлчиман", "Бетоблигимда", "Хўрсииулчиман", Бетоолигимда", Хурсиник" (Миртемир), "Юрак", "Яна шеъримга" (У.Носир), "Бахор келди сени сўроклаб" (Зулфия), "Ўзбегим" (Э.Вохидов), "Муножотни тинглаб", "Тилла баликча" (А.Орипов), "Абдулхамид Сулаймон Чўлпон" (Р.Парфи) ва яна ўнлаб шеърият захматкашларининг шеърларини қайта ўқиш китобхонга катта завқ бағишлайди, кўнглига ғурур ва ифтихор ҳисларини олиб киради. Ана шундай ифтихор туйгуси антологиядан жой олган Асқад Мухтор, Шухрат, Рамз Бобожон, Шукрулло, Х.Худойбердиева ва бошқа кейинги даврга мансуб ўнлаб забардаст шоирларнинг шеърларини ўқиганда ҳам ўқувчи юрагига хамрох бўлади.

Ана шу мезонлар асосида танланган ижодкорларнинг шеърлари маълум даражада йигирманчи асрда юзага келган ва хозирда хам муваффакият билан ривожланиб бораётган янги ўзбек шеърияти хакида ўзига хос яхлит тасаввур бера олади. Умуман олганда, "Антология" қатор ижобий фазилатларга эга. Улар хакида кўплаб гапириш мумкин. Биз умумий иш манфаатларидан келиб чикиб, мактовлардан кўра китобда кўриниб турган айрим нуксонлар хакида истаклар ва мулохазаларимизни айтишни маъкул деб хисобладик.

Хар қандай илмий китобга ёзиладиган сўзбоши ўзига хос қибланамо бўлиши маълум. У ишнинг максади, вазифалари, меъёрлари хакида тушунча беради ва ўкувчини келажакда тугиладиган кўплаб саволлардан халос қилади. Шу жиҳатдан қараганимизда, антологияга ёзилган кириш сўзини янада кенгайтириш ва йигирманчи асрда халқимиз дучор бўлган машаққатли йўлни, адабий жараёнда юз берган мураккабликлар, муайян тазйиқлар туфайли ёзувчи, шоирларимиз қанчалик мудхиш қийинчиликлар остида ижод этганини холис тахлил воситасида очиб бериш зарур эди. Китоб кенг оммага, жумладан, ўқитувчилар, талабалар ва мактаб ўкувчиларига мўлжалланганини хисобга олсак, XX аср шеъриятининг асосий тамойиллари, ютуклари, камчиликлари сабабини таҳлил қилиш зарурлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Бир вақтлар бўлганидек, бу ўринда "ялпи қоралаш" ёки "ялпи оқлаш" тамойили ўзини оқламайди, албатта. Халқимиз, адабиётимиз, зиёлиларимиз босиб ўтган оғир йўлни бўяб-безамасдан, хаспўшламасдан, очиқчасига холисона кўрсатиб бериш илмдаги энг тўгри меъёр бўлиб қолаверади.

Шеъриятимизни озиклантирган асосий "тамойиллар" кўрсатилмагани сабабли саралаш мезонлари хам мавхум бўлиб қолган. Айтайлик, Чўлпон шеъриятимизнинг ёруг юлдузи, катта санъаткор шоир. Аммо нима учун антология айнан ана шу шоир ижоди билан бошланган? Сўзбошида бу хакда хеч қандай изох берилмагани учун ўзўзидан яна қатор саволлар туғилади. Абдурауф Фитрат ижоди нима учун китобга киритилмади? Ахир у Чўлпон, Элбекларнинг бевосита устози, маслакдоши бўлгани, уларни илхомлантириб, маънавий озиклантиргани адабиёт ахлига яхши маълум-ку. Шоирнинг "Юрт қайғуси" шеърий туркумини, "Шарқ", "Миррих юлдузига", "Менинг кечам" каби юксак ватанпарварлик рухидаги шеърларини тилга олмай туриб, йигирманчи аср шеърияти антологиясини яратиб бўладими? Еки Хамза ижоди нега четлаб ўтилди? Бевақт хазон бўлган бу ижодкор хақидаги асл хақиқат жамоатчиликка етказилганига ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Бугун уни хеч ким "Инкилоб куйчиси" ёки "Оташин шоир" деб улугламайди. Зотан, бунга хеч қандай хожат хам йўқ. Шоирнинг мустақиллик йилларида чоп этилган 4 жилдлик асарлари мажмуасига киритилган, аввал нашр этилмаган ижод намуналари, айникса, Туркистон мавзуидаги шеърлари, лирикаси Хамза ижоди ҳеч қандай зўрма-зўраки мақтовларга мухтож эмаслигини, аксинча, у аслида юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Иигирманчи йилларда унга шоири" унвони бежиз берилган эмас. Айникса, маънавият сохасида адолат тикланаётган хозирги кунларда Хамзанинг оғир қисмати ҳақида ҳам, шеърияти хакида хам баралла гапириш лозим деб хисоблаймиз.

Шунингдек, антологияга Сўфизода, Абдулла Авлоний, Абдулла Алавий, Эргаш, Туроб Тўла, Султон Жўра, Хасан Пўлат, Амин Умарий, Мирмухсин, Хайриддин Салох, Юсуф Шомансур, Раззоқ Абдурашид, Анвар Эшонов, Тўлкин, Сайёр, Асқар Қосимов, Шарифа Салимова сингари истеъдодлар ижодидан мажмуа сахифаларини безайдиган бир

жуфт шеър топилмаганига ишонмайсан, киши.

Антологиянинг катта қисми 80-90йилларда адабиётимизга кириб келган ва хозир фаол ижод қилаётган ёш шоирлар ижодига бағишланган. Ешлар – адабиётимизнинг келажаги, уларга катта эътибор бериш, рагбатлантириш ҳар доим юксак мақомда туриши керак. Шу жиҳатдан антологияга ёш шоирлар ижодидан намуналар кўпрок киритилганини ижобий бахолаш лозим. Аммо бу ерда хам аник меъёр-мезонга амал қилинмаган. Хатто эндигина бир-икки шеърий тўплам чиқарганлар ҳам (уларнинг кўпчилиги негадир бир вилоятдан) бу шарафли нашрдан бемалол жой олишга "улгургани таажжубга солади. Нахотки, бу шоирлар шунчалик катта кашфиётлар шеърий дурдоналар яратган бўлса?! Холбуки, уларнинг китобдаги шеърларини ўқиганда "Антология" га кириш хукуки "муддатидан анча илгари" берилаётганига гувох бўласиз.

Бундан ташқари, ана шу ёшларнинг аксарияти эълон қилган тўпламлар 2000-2007 йиллар оралиғида чоп этилган. Шундай экан, бу шеърлар қайси жихатларига кўра XX аср шеърияти

намунаси бўлади энди?

Тўпламга анчагина қорақалпоқ шоирлари хам киритилган, аммо уларнинг шеърларини ким таржима қилгани кўрсатилмаган. Оқибатда бу шоирларнинг хаммаси ўзбек шоирига айланиб қолгандек таассурот қолдиради.

Китобда фактик хатолар учрашини хам айтиб ўтиш керак. Масалан, шоир Элбек 1939 йилда вафот этди дейилган. Холбуки, шоирнинг ўгли Улугбек Элбековнинг қўлидаги хужжатда Элбек 1942 йилда вафот этгани қайд этилган. Буни тасдиқлайдиган бошқа далиллар хақида илгари матбуотда ёзилган эди.

Болалар адбиёти вакилларини тўпламга киритиш мезонлари хам ўкувчини ўйлантириб қўяди. Шу пайтгача ўзбек болалар антологияси бир неча марта чоп этилганидан хабаримиз бор. Шундай экан, тўртта болалар шоири ижодини китобга киритиш ва бошқаларини четлаб ўтиш ўзини оқламагандек таассурот қолдиради.

Тузувчилар ҳар бир ижодкорнинг ҳаёт йўли ҳақида гапирганда, унинг қачон, қаерда туғилгани, қаерда ўқигани, китоблари нечанчи йилда чоп этилгани, қачон орден ёки медаль олганини айтиш билан кифояланадилар. Бундай маълумотларни профессор Собир Мирвалиевнинг бир неча марта чоп этилган "Ўзбек адиблари" китобидан бемалол топиш мумкин. Бунинг ўрнига китобдан жой олган шоирларнинг санъаткор сифатидаги ўзига хослиги, махорати, кайси жихатлари билан бошқалардан ажралиб туриши, образлар дунёси ва хоказо хакида лўнда ва ихчам тарзда гапириш лозим эди.

Яна бир мулоҳаза шуки, XX аср поэтик жараёни аввало ўзининг жанрлар тизими билан, поэтик идрок ва ифода имкониятларининг бехад бойлиги билан ажралиб туради. Шарқ ва Ғарб – жаҳон поэзияси тажрибаларининг синтези ўларок шаклланган лирика жанрлари (рубоий, ғазал, сонет, хокку, марсия, қасида ва ҳоказо) ҳамда поэтик шаклларда (иккилик, тўртлик, олтилик, саккизлик, шеърий туркум, насрдаги назмлар, манзума, сочмалар, сарбаст-эркин шеър намуналари ва хоказо) Шунингдек, лиро-эпик жанрда (баллада, лирик поэма, драматик поэма, тарихий поэма, публицистик поэма, фалсафий поэма ва хоказо.) эришилган самаралар, поэтик изланишларнинг қутлуғ намуналари негадир китобда ўз аксини, ўрнини топмаган. Шу маънода, поэтик идрок ва ифода маданияти нуқтаи назаридан, шеърий жанрлар ранг-баранглигини, поэтик шакллар хилма-хиллигини кўрсатиш жихатидан "Антология" анча ғариб таассурот қолдиради.

Тузувчилар синфийлик, партиявийлик қолипларидан воз кечгани ижобий ходиса эканини таъкидладик. Аммо китобда бошқа бир ҳодиса - негадир ижтимоий йўналиши кучли, бақувват шеърият намуналари ўрнига анча силлиқ шеърларни танлаш майли кучайиб кетгани яққол сезилади.

Холбуки, 20-йиллар адабиётида воқеа бўлган, Чўлпоннинг "Бузилган ўлкага" шеъри, Ойбекнинг сўнгги йиллар лирикасидан намуналари, "Тош экан бошим..." ва бошқалар), Усмон Носирнинг "Нил ва Рим", Шайхзоданинг фалсафий шеърлари (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) китобга киритилганда антология ҳар жиҳатдан бойиган ва шеъриятимизнинг кўлами янада кенгроқ кўзга ташланган бўлар эди.

Шунингдек, XX аср адабий хаётида хам, бугунги поэтик жараёнда хам вазни анча енгил шеърлар туркуми хирмондек уюлиб ётибди. Албатта, улар орасидан сатрлари ёмби, бадиий баркамол шеърий намуналарни ажратиб олиш сомон орасидан игна излашдек амри махол бир гап. Антологиядан ана шундай илмилиқ асарлар ҳам ўрин олганлиги афсусланарли хол. Яхё Тоғанинг "Сувчи", Асқар Махкамнинг "Кўнглим менинг истаган ёр йўқ" ("Муҳаббат ҳам шаҳватдир асли Магар бунда парда йўқ, ор йўқ" сатрлари), Ғулом Эгамшукурнинг "Сен ёлгиз меники, сен менга ёрсан", "Рух анатомияси", Гулом Мирзонинг "Яна", "Инсми ё парисиз – келдингизу дуч", "Кўзингиз – иккита чўголов" ("Кўксингиз ганжини пойлаган икки оқ аждахо" (?) сатрлари), Х.Абдуназарнинг "Хаёт шу бўлди-ку, бу дахри дунёда" ва хоказо шеърлари ана шундай кўнгилга хам, ақлга хам хеч вақо бермайди. Бу тахлит ўртамиёна, "хархаша шеърлар" антологиядан ўрин олиши шартми? Уларнинг ўрнига XX аср ўзбек шеърияти бисотини ташкил этган, бадиий-эстетик тафаккуримизнин такомил босқичларини белгилаган мумтоз шеър намуналарини кўпроқ киритиш жоиз эмасмиди?!

Яна такрорлаймиз, шеъриятимиз тараққиёти тамойилларини тайин этган, поэтик жанрлар тарихини белгилаб берган бадиий-эстетик баркамол асарларни саралаб "Антология" га киритиш бош мезон булиши даркор эди. Бу нарса, нафақат XX аср, шу билан баробар, барча даврлар бадиияти наму-

налари учун устувор мезон бўлиб келган, шундай бўлиб колаверади хам.

Мазкур истакларимиз ва мулоҳазаларимиз яхши ниятлар билан дасталанган сара гулдаста — "XX аср ўзбек шеърияти антологияси" китобининг кадрини туширмайди, албатта. Бу салмокли нашр янги ўзбек шеъриятининг деярли бир асрлик камолот сўкмоклари, изланиш боскичлари ҳақида ўкувчига мукаммал тасаввур уйғотади. Унинг турли ижодий қиёфага эга бўлган хилма-хил вакиллари босиб ўтган бадиият йўлини, образлар оламини ёркин гавдалантириб беради.

мини ёркин гавдалантириб беради. Шу жихатдан "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти жуда катта маданий-маърифий вазифани бажарган деб мамнуният билан айта оламиз. Юкорида такидланган мулоҳазаларимиз антологиянинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади, деб умид қиламиз.

Нўъмон РАХИМЖОНОВ, филология фанлари доктори Ортикбой АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди

Чарльз ВИЛЬЯМС

Ажал нафаси

Роман

БИРИНЧИ БОБ

Мен қидирган бино шаҳар четида, денгиз соҳилидан унча узоқ булмаган жойда эди. Мен бир зум туҳтаб, эълон берилган қоғозга ҳараб олдиму бино томон одимлаб кетдим. Бинода бор-йуҳғи туҳртта ҳонадон бор эди. Улардан иккитасининг почта ҳутисида яшовчиларнинг фамилиялари ёзилган, мен ҳидирган ҳонадоннинг почта ҳутисида ҳеч кимнинг фамилияси йуҳҳ эди.

Манзил тўгри кўрсатилган, демак, энди бошқа хонадонлардан қидириш керак. Тусмоллаб бошқа квартиранинг қўнгироқ тугмачасини босдим. Жимжит. Яна босдим. Шу он қаердадир биринчи қаватдан заиф бир товуш қулогимга чалинди.

Бир дақиқа кутиб, туриб бошқа хонадоннинг тугмачасини босдим. Яна ўша жимжитлик. Сигарета тутатдим, ўгирилиб оқшом ҳароратида ястаниб ётган сокин кўчага назар ташладим.

Ёнимдан бир нечта машина гизиллаб ўтиб кетди. Узоқ-узокларда денгизда баликчилар ойнанинг устида юрган пашшага ўхшаб қайикда

ўрмалаб юришарди.

Ўзимча сўкиниб қўйдим. Бошқа хонадонда яшайдиганлар қўшнисининг қаерга кетганлигини билишмасмикин? Таваккалига аввал почта қутисига "Соренсон" деб ёзиб қўйилган тугмачани, жавобни кутмасдан бошқасини босдим. Унга "Жеймс" деб ёзилган эди.

Бутун бинода ўлик сукунат хукм сурарди.

Мен елкамни қисиб қўйдим-у, нари кетдим. Энди кетишга чоғланиб, машинага ўтирмоқчи бўлиб турувдим ҳамки, бинонинг орқасидаги богчага кирадиган баланд ёгоч дарвозага кўзим тушиб қолди. Балки у ерда бирон кимсани топарман? Мен майсазор устидан юриб бориб дарвозани очдим.

– Э-э... кечирасиз! – дедим.

Русчадан Тўлқин Алимов таржимаси Чарльз Вильямс (1903—1979) адабиётнинг детектив жанрида ижод килувчи машхур америкалик ёзувчи. Унинг касби мухандислик. Адибнинг йигирмадан ортик роман, пьеса ва хикоялари жахоннинг кўплаб мамлакатларида севиб ўкилмокда.

Адибнинг «Ажал нафаси» асарида ишлаб пул топишга отланган соддагина бир йигитнинг аёллар макрига учраб йўлдан озиши, ҳар хил жиноятлар кўчасига кириб, бахтини ҳам, келажагини ҳам барбод қилиши, охир-оқибатда, унинг ўлим билан юзма-юз келиши ҳаяжонли воқеаларда тасвирлаб берилади.

Танаси буғдой ранг бир қиз фақат авратини беркитган холда узун сочикни тагига солганча корнини ерга бериб ётарди. Енида шишачада офтобда қорайтирадиган мой, майсазор устида очиқ китоб турибди. Қиз ўгирилиб, қора кўзойнагидан менга қаради.

Бировни қидиряпсизми? – деб сўради у.

Ха, Винлок деган одамни, — жавоб бердим мен. — Мана шу

манзилни айтган эди. Унинг қаердалигидан хабарингиз йўқми?

 Бу ерда яшаётганимга унча кўп бўлгани йўк, – деб жавоб берди қиз. – Менимча, биринчи қаватнинг қайсидир хонадонда Винлокми, Винчестерми-ей, шунга ўхшаган фамилияли бир одам яшаса керак. Кўнгирок килиб кўрмадингизми?

- Қилдим, лекин у ерда хеч ким йўққа ўхшайди.

Қиз елкасини қисди.

— Эҳтимол, кўлга чиҳиб кетишгандир? Балиҳ тутишни яхши кўрса керак-да.

– Катта рахмат, – шундай деб кетишга чогланган эдим, унинг

менга савол назари билан қараб турганини кўрдим.

Балки, менга шундай туюлгандир. Чунки кўзойнаги шу қадар қора эдики, унинг кўзларини мутлақо кўриб бўлмасди.

– Яхшиси, бирон хат қолдиринг, – таклиф қилди қиз, – эшикка қистириб қуйинг. Менимча, чапдан учинчи унинг эшиги булса керак.

 Раҳмат, — дедим, — жуда кеч қолибман-да. Узини учрата олмадим. Бу эълон кечаги газетада берилган эди.

Қанақа эълон экан?

- У минилган машина олмоқчи экан.
- **A-**ҳа.

Қиз бир ёногини сочиққа босиб узала тушиб олганча менга тикилиб ётарди. Ички кийимининг юқори қисми остида, сийнабанди елкасида, тугмачаси қадалмаған. Қиз балоғатға етган.

Кўлдан машина сотиб олиш жуда кулгили, — деди у.

Кўплар шунақа қилади, – дедим. – Бож ҳақи тўланмайди-да.

- Э, шунақа денг. Машина сотмоқчимисиз?

− Xa.

Мен ўзимча қиз нимага шама қилаётганини билмоқчи бўлдим. Кўлимдаги сигаретни яна бир марта тортдим-у, ўгирилиб, уни дарвозадан кўчага улоқтирдим.

Қиз бу вақтда сийнабандини кўкрагига босди. У ўз холатини ўзгартирмокчи бўлди. Лекин тугмаси қадалмаган сийнабанд, гарчанд

ахамиятсиз бўлса-да, ўз вазифасини адо этолмади.

Илтимос, ўгирилиб туринг, — деди қиз, — бир дақиқага.

Э-ха, кечирасиз.

Мен ўгирилиб дарвоза ташқарисига қараб турдим, лекин хаёлан қизни кўз ўнгимда тасаввур қилардим. У ўттиз ёшларда, лекин шунга қарамасдан уни балоғатга етган қизлар билан бир ўринга қўйса бўларди.

Кўп ўтмай "бўлди", деди. Ўгирилдим. У оёкларини чалкаштирганча сочикнинг устида ўтириб олган, сийнабандининг тугмалари кадалган

эди.

Машинангиз қанақа? – сўради у.

- "Понтиак". Бор-йўги йигирма минг километр юрган.

Яна ичимда: "У нима демоқчи" деб сўрадим ўзимдан.

– Қанчаға сотмоқчисиз?

 Икки ярим мингга, — жавоб бердим. — Нимайди? Мана шунақа машина керак одамни биласизми?

- Эҳтимол, аста жавоб берди у. Ўзимнинг ҳам сотиб олиш ниятим йўқ эмас.
- Унда омадингиз келибди, дедим. Машинам икки рангда баллонлари оқ, кабина ичи жуда чиройли, радио...

Қиз яна менга ғалати қараш қилиб тикилди.

 Машинангизни ростдан ҳам икки ярим мингга арзийди деб ўйлайсизми? — сўради у.

- Кафолат бераман, - дедим сотувчи киёфасига кириб.

"Балки ростдан ҳам сотиб олар", деб ўйладим, лекин мен у билан гаплашардим-у, унинг гапларимни мутлақо эшитмай, хаёли бошқа ёкда эканини сезиб қолдим.

Қиз кўзойнагини олди-да, ўйланқираб менга бошдан-оёқ қараб чиқди. Унинг бант билан гарданини тугиб қўйган сочларига ўхшаш йирик-йирик қора кўзлари ўзига ишонган, магрурлигидан дарак бериб турарди. У испан аёлига ўхшар, лекин офтобда қорайганига қарамай, тирсиллаган баданининг таги оқлиги билиниб турарди.

— Сиз кўзимга танишдай кўриняпсиз, — деди у. — Боядан бери кимлигингизни эслолмай турибман. Сизни каердадир кўргандайман.

– Хотирангиз яхши экан. Кўрганингизга анча вақт бўлган.

Киз калласини сарак-сарак қилди.

- Унчалик эмас. Тўрт ё беш йил муқаддам.
- Олти йилдан кам эмас.
- Ҳа, энди эсладим. Мен у вақтларда футболга қизиқиб ашаддий мухлис бўлиб қолгандим. Сиз Скарборосиз, тўгрими? Ли Скарборо. Биз севган энг яхши ярим ҳужумчи.
 - Сиздан зўр изқувар чиқиши мумкин экан, дедим.

Суҳбат мавзусини машинага бургим келди. Олти йил илгариги футбол хотиралари менга энди қизиқ эмасди.

Нега энди профессионал футболчи бўлмадингиз?

Қиз сигаретини чуқур тортиб, мендан кузини узмай қолдиқни гулзорнинг четига улоқтирди.

- Хоҳлагандим, иложи бўлмади.
- Нега энди?
- Тизза суякларим шамоллаб қолди, сўнг, яна қармоқ ташлаб кўрдим: Машина нима бўлади? Сиз ростдан хам олмоқчимисиз?

Олиш мўлжалим бор. Сиз уни нега сотмокчи бўляпсиз?

- Менга пул керак, жавоб бердим. Машина кўчада турибди.
 Хоҳласангиз миниб кўришингиз мумкин.
- Жоним билан, розилик билдирди киз, лекин аввал кийиниб олишим керак.
 - Албатта. Сизни машинада кутаман.
 - Яхшиси, уйга кириб туринг. У ер салкин.
 - О'кей, дедим.

Адашибман. Ёнма-ён турганимизда, бўйи баландлигига амин бўлдим. Мен китоб билан офтобда қорайиш учун олиб келинган мойли шишачани олдим.

– Менинг исми шарифим Диана Жеймс, – деди у.

Мен унинг чап қўлига қарайверганимни сезиб, кулиб қўйди.

- Сиз менга машинангизни кўрсатиб қўйсангиз бўлди. Мен турмушга чиқмаганман.
 - Назаримда, турмушга чиққансиз.
- Xa, чиққанман, лекин футболда сизнинг омадингиз юришмаганидек, менинг ҳам турмушда бахтим чопмади.

Биз бинонинг орқа томонидаги зинадан кўтарилиб ошхонага кирдик. Қиз жавондан бир шиша ичимлик олиб столга қўйди-да, иккита қадаҳ келтирди. Мен қадаҳларни тўлдирдим, биттасини қизга тутқазиб, меҳмонхонага кирдик. Бу ердан гольф майдончасининг ажойиб манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Қиз қадаҳдан жиндай ичди-да, столчага қўйди.

– Ўзингизни ўз уйингиздай хис қилинг, – деди у. – Жавонда бир

нечта журнал бор. Мен хозир келаман.

Мен ўтириб хонани томоша қила бошладим. Хона кўримсизгина. Лекин арзон эмас, ҳафтасига юз, юз йигирма беш доллар турса керак, деб чамаладим. Қизиқ, ўзининг машинаси йўқ, яна минилган машинани олмокчи.

Столда кичкина сахтиён ётибди. Диана, ё нихоятда бой, ё бўлмаса, ҳамма собиқ футболчилар ҳам ҳалол одамлар, деб ўйлайди. Мен елка ҳисиб ҳўйиб, ҳадаҳни ҳўлимга олдим. Кейин яна жойига ҳўйиб, столга назар ташладим.

У ерда сахтиёнгина эмас, калит соладиган тимсох терисидан қилинган ғилоф ҳам турарди. Калитлардан биттаси "Женерал моторс" автомашинасиники эди. Ким кимни лақиллатмоқчи ўзи?

Кейин, ахир у менга машинам йўқ демади-ку, деб ўйладим. Балки, машинасини сотиб, бошқасини олмоқчидир. Бу ёги энди унинг иши.

Қиз эгнида енга калта оқ халат, яланг оёқларида тилла суви юритилган шиппак билан кириб келди. У қадахдан бир ҳўплади, кейин сахтиён билан гилофни қўлига олди, биз машинани кўргани чиқиб кетдик, қиз ҳайдовчи ўриндигига ўтирди.

Мен калитни беришга шошилмадим. Қиз мен кутганимдай қилди. Тимсоҳ терисидан қилинган ғилофни очди, ўз калитини олиб машинани ўт олдирмоқчи бўлди, кейин чўчиб ўзига келди-ю, менга қаради. Мен индамадим. Ўзимча нима учун мен унинг шахсий машинаси борлигини билмаслигим керак экан, деб қўйдим.

Биз индамай аввал кўчадан, кейин киргокдан юриб кетдик. Кум

қаттиқ эди, қиз тезликни оширди.

Машинанинг юриши яхши, – деди у.

- Машинани зўр ҳайдар экансиз, дедим, кейин иккита сигарет тутатиб бирини унга узатдим.
- Мистер Скарборо, нима иш қиляпсиз? сўради у йўлдан кўзини узмай.
- Дуч келган ишни, жавоб бердим. Хар хил ишлар. Сўнгги пайтларда дехкончилик киляпман.
 - Айбга буюрманг-у, деди у, менимча, хозирги пайтда гирт

бекорчисиз. Тўгрими?

— Тўгри. Курувчилар гурухига қушилиб, Саудия Арабистонига кетиш ниятим бор. Машинамни сотишимнинг сабабларидан бири ҳам шу.

— Качон?

- Кейинги ойда бўлса керак. Нимайди?
- Э, ўзим шундай.
 Киз бир-икки дақиқа жим турди-да:
 Уйланганмисиз?
 деб сўради.

Йўқ.

Кўп пул жамғаришни хоҳлаяпсизми?

- Ким буни хохламайди?

Лекин сиз орзуингизни амалга оширишга уриниб кўрдингизми?

— Ҳа. Мен доим лотерея ўйнаб юраман.

– Мистер Скорборо. Мунча тушкунликка тушмасангиз. Хали хаммаси олдинда. Йигирма саккизга кирдингизми?

- Йигирма тўққизга. Менга қаранг, яхши орзуингиз, киссангизда ўн центингиз бўлса, бир пиёла қахва олишингиз мумкин. Бутун умрим бўйи бир ишни қойилмақом қилганман. Бу ўйин пайтида тўпни ошириб бериш бўлган. Лекин бунинг учун ҳам тиззанг доим бутун бўлиши керак. Энди тўгрисини айта қолинг, мана шу машина икки ярим мингга арзийдими?
 - Машина ёмон эмас.

– Демак, келишибмиз-да?

Диана ўгирилиб менга қаради.

Эҳтимол, келишармиз ҳам.

У ёгига индамай кетдик.

Биз унинг уйи олдида тўхтадик. Қиз моторни ўчириб калитни олиб гилофга солмоқчи бўлганда, индамай унинг қўлини ушладим. У менга қаради-ю, елка қисиб қўйди. Кейин машинадан тушдик.

Мен кўча бўйлаб узоқ-узокларга тикилдим.

Машинангиз қанақа?.. "Олдсмобил"ми ё "Кадиллак"ми? — сўрадим ундан.

– У ҳам эмас, бу ҳам эмас. Машинам гаражда турибди.

 Бу нима деганингиз? — зарда аралаш сўрадим. — Вактни бекорга ўтказгим келмаяпти.

— Сизга, эхтимол, келишармиз, деб айтдим-ку. Бироз сабр қилинг,

ахир.

Диана зинадан юқори кўтарила бошлади, мен унга эргашдим. У сахтиёнини ва калитлар солинган гилофни столга ташлади, кейин пардаларни тушириб қўйди. Хона ним қоронги ҳолатга кирди. Кўчадаги жазирама иссиқдан кейинги салҳинлик танга роҳат багишларди. Диана ўгирилди, мен уни багримга тортдим-у, эҳтирос билан ўпа бошладим. Назаримда, бир ҳучоҳ ўтинни ҳучоҳлагандек бўлдим. Ҳиз ҡўзини менга ҳадаганча тикилиб тураверди. Кейин ҳучогимдан бўшалиб, деди:

– Афтидан, "келишармиз" деганимни иккаламиз икки хил маънода тушунганга ўхшаймиз. Иш бўйича менда бир фикр бор. Нега

ўтирмаяпмиз? Ўтириб бамайлихотир гаплашсак.

Мен ўтирдим. У ошхонага чиқиб қўлида ичкилик билан қайтиб кирди-ю, столчанинг нариги томонидаги катта ўриндиққа оёқларини чалиштирганча ўтириб олди. Кейин оғзига сигарета олиб, олов тутишимни кутиб турди.

Мен эътибор қилмадим.

Диана елкасини қисиб қуйди ва столчанинг устидаги чақмоқни олиб, сигаретани тутатди.

Очиғини айтсангиз-чи, ахир. Ниятингиз нима ўзи? — дедим

охири.

Диана ўйга ботди.

- Сиз ҳақингизда бир тўхтамга келмоқчиман.
- Нега?
- Ҳозир айтаман. Сизни ўрганиб чиқдим. Сиз ўн саккиз ёшда ўзини паҳлавон санаб юрган қаҳрамон, йигирма тўққизда эса дами чиққан тўпдай ҳеч нарсага ярамай қолган, лекин хийлагина дағал ва ўзбилармон ёшлардан бирисиз. Обрўйингиз борида қилмаган ишингиз, кириб чиқмаган кўчангиз қолмаган, одамлар мистер Скарборо кимлигини унутгандан кейин, ишингиз чаппасига кетган. Агар нотўгри гапираётган бўлсам, ортиқ гапирмаслигим мумкин.

Гапираверинг. Кейин-чи? — дедим.

— Мен яна бирон нима бўлган бўлса керак, деб ўйлаб келяпман, эсладим. Коллежнинг сўнгги йилида ўкиб юрган кезларингизда бир

хунук ишга аралашиб қолгандингиз. Сизни ўқишдан хайдашга ва турмага ташлашга бир бахя қолганди ўшанда.

– Машинада халокатга учрагандим.

- Ҳа, гап шундаки, машина ва ундаги аёл ҳам бировга қарашли эди. Аёл уйига бормай, касалхонага тушганди.
 - У ердан бирон жойи чандиксиз чиккан, дедим.

Ха, ўйлашимча бунга тез орада ишонч хосил қилгансиз.

– Ё тавба, футболчи бирон аёл билан дон олишса, осмон узилиб ерга тушибдими?

Диана кулиб юборди.

- Кўнглингизга оғир олманг, мен бировни айблаётганим йўқ. Озгина ғашингизга текким келди. Менимча, ҳаммаси тўгри бўлган. Сизга бир ишни таклиф қилмоқчи эдим.
 - Мен ўйлагандан ҳам омадлироқ иш бўлса керак, чамамда.
- Катта пул тўплаб бой бўлишни орзу қиласизми, деганим эсингиздами? Бундай пул қаерда турганлигини биламан. Унга эга бўлиш учун факат озгина жасорат керак, холос.
 — Бир дақиқа, — гапга қушилдим. — "Эга булиш учун" деганда

нимани назарда тутяпсиз? Ўгирлашними?

Диана калласини сарак-сарак қилди.

- Иўк. Пул ўгирлаб бўлинган. Балки икки бор ўгирлангандир. Оғзимдаги сигаретни кулдонга қўйдим. Диана диққат билан менга тикилди.
 - Гап қанча пул ҳаҳида кетяпти? сўрадим.
 - Бир юз йигирма минг доллар хакида.

ИККИНЧИ БОБ

Хонада сукунат хукмрон эди. Мен тишларим орасидан паст хуштак чала бошладим. Диана хамон менга тикилиб турарди.

Хўш, нима дейсиз?

- Хозирча бир нарса деёлмайман, - жавоб бердим мен. - Бу ҳаҳда менга батафсил гапириб беришингиз керак.

 Яхши, – деди у. – Бу ишни бир ўзим эплай олмаганимдан кейин барибир бир одамни жалб қилишга мажбурман. Менимча, сиз бунинг уддасидан чикасиз. Бу одам зиёли, жасур ва ортидан полиция илашмаслиги учун муқаддам судланмаган бўлиши лозим.

О'кей, О'кей, – деб юбордим.

Унга қанақа одам кераклигини билиб олгандим. Тағин жиноий иш қилмаган, қиммат туласа, ҳар қандай қинғир ишга ҳам тайёр одам керак. Пул катта эди, шунинг учун бу хакда купрок маълумотларни билиб олгим келди.

Диана менга синовчан назар ташлади.

- Пулни олган одам такдирланади.
- Пул кимники? сўрадим. Қаерда у?
- Уни аниқ билишимиз керак, жавоб берди у. Мен ҳали унинг қаердалигини биламан деганим йуқ-ку. Мен билишим мумкин, дедим, холос.

Барибир, шундай бўлса ҳам ҳаерда?

Диана қадаҳни лабига олиб бориб, унинг устидан менга тикилди.

- Сиз И.Н.Батлер деган кимсани эшитганмисиз?
- Йўқ. Ким экан у?
- Бир дақиқа.

У туриб ётоқхонага кириб кетди, у ердан икки бўлак газета парчасини олиб чиқиб, менга тутди. Уларнинг биттасида 8 июл деб ёзилган эди. Бу бундан икки ой олдин чиққан газета эди.

"Йўқолган банк ходими қидириляпти.

Маунт-Темплдаги Биринчи миллий банкдан бир юз йигирма минг доллар йўколгани маълум бўлгандан кейин полиция банкнинг вицепрезиденти И.Н.Батлерни қидирмоқда".

Мен Дианага ўгирилдим, у табассум килиб турарди. Давомини

ўқидим:

"Хизмат лавозимида йигирма йил ишлаб, шаҳарда юқори нуфузга эга бўлган Батлер шанба куни тўсатдан гойиб бўлиб қолди. Миссис Батлернинг гапига қараганда, ҳафтанинг сўнгги куни у Луизиянага балиқ овлагани кетган экан. Лекин ваъда қилганидай, якшанба куни кечқурун уйига қайтиб келмабди. Бугун эрталаб банк очилганда, пул йўқолгани маълум бўлибди".

Мен иккинчи парчани ҳам ўқидим. Парча уч кун кейинги газетадан қирқиб олинган ва унда айтарли янгилик йўқ эди. Фақат бошида Батлернинг машинаси Санпортдан топилгани ва уни бутун Америка бўйлаб қидирилаётгани маълум қилинган эди.

Мен газета парчаларини Дианага узатдим.

– Бу ҳодиса икки ой муҳаддам содир бўлган экан, – дедим, – ҳидирув ҳандай кетяпти? Уни топишдими?

Йўқ, – деди Диана. – Тополмасам керак, деб ўйлайман.

– Нима учун?

Менимча, у Маунт-Темплдаги уйидан ҳеч ҳаёҳҳа кетмаган.

Хархолда кетса хам тирик кетмаган.

Мен қулимдаги қадахни аста столга қуйиб, Дианага тикилдим. Авзойидан полициядан кура, бу ҳақда унинг узи купроқ нарса билишини уқиб олиш қийин эмасди.

- Нима учун шундай хулосага келдингиз?

- Сизни шу нарса қизиқтирадими?

– Эҳтимол. Бу ҳаҳда кўпроҳ маълумотларни билгим келяпти.

— Яхши, — деди у. — Гап бундай. Мен ҳамшираман. Маунт-Темплда саккиз ой мобайнида ишладим. Мен зарба еб, қисман шол бўлиб қолган бир аёлни парвариш қилганман. Аёл шаҳарнинг чеккасида — И.Н.Батлернинг эски русумдаги маҳобатли уйи турган кўчанинг ҳарама-ҳаршисида яшаган.

Кейин у жимиб қолди.

- Кейин-чи? қизиқдим.
- Полиция Санпортда топган машинани мен ўша шанбада кўргандим. Факат хотини айтгандай, куннинг иккинчи ярмида эмас, балки кечаси. Машинада эри эмас, унинг ўзи ўтирарди.
 - Хотини?
 - Ха, хотини.

— Шошманг, — дедим, — кечаси деяпсиз. Унда хотини ўтирганини қандай қилиб ажратдингиз?

— Мен бинонинг олдидаги сайхонликда ётиш олдидан сигарета чекиб тургандим. Машина қўзғалиб йўлга чиққанда бошқа машина қаршидан келиб, унинг юзини ёритиб юборди. Аниқ кўрдим. Машинада миссис Батлер ўтирган эди. Ёлғиз ўзи.

– Эҳтимол, у шаҳаргами ё бирон ёҳҳами бориб келгандир. Эри

ўша машинада кейинроқ йўлга чиққандир.

Диана бошини силкитди.

- Миссис Батлер машинаси бўлса ҳам ўзининг машинасини минмасди. Машинанинг Санпортга эри эмас, у ҳайдаб кетди, ҳасам ичишим мумкин.
 - Нега бу қадар ишонч билан гапиряпсиз?
- Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳаяжонланиб жавоб берди Диана. У ўлган бўлиши аниқ. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Тирик бўлганда аллақачон дараги чиқарди. Мистер Батлер келишган, баланд қоматли йигит бўлиб, одамлар ичида алоҳида ажралиб турарди. Шундай одамни топиша олмаслигига наҳотки кўзингиз етса? Яна. Агар эркак киши мана шундай вазиятда йўқолиб қоладиган бўлса, юздан тўқсон тўққиз ҳолатда бунга аёл аралашган бўлади. Тасаввур ҳилайлик, миссис Батлер эрининг билдирмай гойиб бўлмоҳчилигини сезиб ҳолди. Унинг ёнида катта миҳдорда пул ва ўйнаши ҳам бор. Мана бундай ҳолатда аёлнинг гурури топталади. Хўш, энди аёл нима ҳилиши керак? Тайёргарлик кўриши учун эрига ёрдамлашиб юбориши керакми? Дастрўмолларини керакли миҳдорда чамадонга жойлаши учун ҳарашиб юборсинми?

Билмайман, – дедим мен. – Хўш, нима килиб кўйди у ўшанда?

Диана елкасини қисди.

— Кимнинг қўли қотилликка қодирлигини билиб бўларканми? Бундай ҳолатда ҳар ким вазиятдан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Лекин бу аёл ҳақида битта ҳақиқатни аниқ айта оламан. Бу жуда ғалати, мен шунча вақтдан буён кўрган аёлларнинг ичида энг гўзали шу эди. Юзлари оқишдан келган, буғдой ранг, йирик-йирик бўта кўзлари хумор боқарди ва бир боқишда ҳар ҳандай одамни сеҳрлаб қўярди. У қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган учига чиҳҳан фоҳиша эди. Отаси эски бойлардан бўлган. Мана шу дабдабали уй уники эди. Бунинг устига, ичганда ҳам меъёрни билмасди.

Аёл ҳақида ҳаддан ташқари кўп маълумотларни билиб

юбормаганмикинсиз?

— Унинг ичишини назарда тутяпсизми? Бу ҳаммаси беш қўлдай маълум. Хуллас, — дедим мен. — Батлерни хотини ўлдирган демоқчимисиз? Нима, пул ҳали ҳам ўша уйдами?

Аниқ ўша ерда.

Полиция уйни тинтув қилмадими?

Тинтув қилишди, наридан-бери. Улар пулни олиб қочиб кетган

деган хулосага келишди.

— Мақсадингиз нима эканлигини тушуниб турибман, — дедим мен. — Лекин бу ерда яна бир ғалати жой бор. Гапингизга қараганда, Батлер баланд бўйли ва бақувват одам бўлган экан. Агар аёл уни ўлдирган бўлса, мурдани нима қилган? Ахир уни экспертиза идорасида рўйхатдан ўтказиб, бирон ёққа обориб ташламагандир.

Диана бошини силкитди.

— Буни билмайман ва бу тасаввуримга ҳам сиғмайди. Эҳтимол, бирон шериги ёнида бўлган бўлиши мумкин. Ахир эрининг машинасини Санпортга обориб ташлагандан кейин Маунт-Темплега ҳайтиб келиши керак эди-ку. Автобусда ҳайтиши ғирт аҳмоҳлик бўларди, чунки у одамларнинг кўзига ташланмаслиги керак эди. Ҳамма бу ишни бир ўзи ҳилмаган, шериги бўлган деяпти.

— Афтидан, сиз миссис Батлерни жудаям хурмат қиладиганга ўхшайсиз, — дедим.— Оғзингиздан чиққан гапларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсам, у ичкиликбоз, қотил, бузуқи бир аёл. Нима, у

сизнинг арпангизни хом ўрдими?

 Бунинг аҳамияти йўҳ. Ҳозир асосий масала бу ерда пул. Пул ҳаердалигини билишимиз мумкин.

- Бунинг учун, сизнингча, нима қилишимиз керак бўлади?
- Уйни қидиринг. Зарур бўлса, уйни ағдар-тўнтар қилиб, ғиштларигача қўпориб ташлашимиз керак. Пулни топмагунча қўймаслигимиз лозим.

Бу вақтда аёл уйда бўладими? Бу ҳақда фикрингиз ҳалай?

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Шунинг учун биргалашиб ҳаракат қилишимиз керак. Ҳозир аёл шу ерда, шаҳарда. Тарихчиларнинг ҳандайдир съездида ҳатнашяпти. Керак бўлса, мен уни бир неча кун спиртли ичимликка бўктираман. Бу ваҳт ичида сиз уйни бузиб ташлаб, ғиштини ҳайта териб чиҳишга ҳам улгурасиз.

— Нимани қидиряпсиз ўзи, ана шу овсарними? — сўрадим. — Иш кўнгилдагидай чикмай, чаппасига кетадиган бўлса, сизга бало хам

урмайди. Кўргандан мен онамни кўраман.

- Ҳеч нима бўлмайди. Уй катта сайхонликда, атрофи дарахтлар ва тўсиклар билан ўралган. Унинг биттагина оксочи бор, бека уйда йўгида у ҳам бу ерда бўлмайди. Деразаларга парда осилган. Ҳеч ким сезмайди. Музлатгичда озиқ-овқат мўл. Худди ўзингизнинг уйингиздай ўрнашиб олишингиз мумкин. Хўш, нима дейсиз?
- Пулнинг чўгига қараганда, таваккал қилса бўлади. Лекин бари сиз айтгандай, яъни иш хамирдан қил суғургандай осон битишига кўнглим чопмаяпти. Аёл эрининг машинасини ҳайдаб кетгани исботланмаган. Эҳтимол, полицияни чалгитиш учун эри билан бамаслаҳат машинани Санпортга ҳайдаб кетгану эри ҳандайдир бошҳа йўл билан шаҳарни тарк этгандир.

Диана бошини чайқатди.

– Йўқ. Сизни ишонтириб айтаманки, у ўлган. Уни хотини ўлдирган, пул бўлса, ҳали ҳам уйида турибди.

– Шунчалик ишонч билан гапираётганингизга хайронман.

- Менга ишонмаяпсизми? деди у. Ёрдам бергингиз келмаяптими?
 - Жуда ҳам ҳаёлпараст экансиз, дедим.
 - Сиз бойиб қолиш имкониятини қулдан чиқаряпсиз.

Мен елка қисдим.

– Бунга шубхам бор.

Мен Дианани яна ўзимга жалб қилмоқчи бўлдим, лекин кўринишидан кайфияти йўқ эди. Шундан кейин:

- Эхтимол, сизга телефон қиларман, - дедим.

Шундай деб, чикиб кетдим. Хонадан чикиб, яна Винлокнинг эшигидаги тугмачани босдим. Лекин у ҳали ҳам ҳайтиб келмаган эли.

Машинага ўтириб, соатга қарадим. Олтига яқинлашиб қолибди. Бутун кун бекор ўтди. Уйга қайтиб келиб, почта қутисини очдим. Ўзимча ижара ҳақини яна неча кун тўлай оларканман деб қўйдим. Ижара хонам йўлакларига қалин гилам тўшалган янги қурилган ойнаванд уйда бўлиб, у менинг кармонимга тўгри келмас эди. Мен уни даллоллик ишига ўтганимда банд қилган эдим. Ойига минг доллардан даромад қиламан-у, ижара ҳақини тўлашга қийналмайман деб ҳисоб қилгандим. Бу май ойида эди. Ҳозир август, энди тушуниб етдимки, умидларим пучга чиқибди.

Мехмонхонада ўтириб, почтани кўздан кечира бошладим. Хаммаси хисоб-китоб когозлари. Факат атир хиди анкиб турган когозга ёзилган бир хат эътиборимни тортди. Қайси қиз экан хат муаллифи деб эслашга уриниб кўрдим, лекин эслолмадим. Кейин бошка хисоб-китоб когозларини титкилашга тушдим. Тикувчи сўнгги ва ундан кейинги

ойда ҳам тўлашим керак бўлган 225 долларни жуда одоб билан эслатган эди. Ҳисоб-китоб вараҳлари ичида машинам учун ҳам тўлашим керак бўлган сумма иккинчи бор эслатилган эди. Бошҳа ҳисоб-китобларга ҳам назар ташладим: хонадонга, электрга, газга. Банҳдаги ҳисоб варағимда эса бор-йўги 170 доллар ҳолган эди.

Бирон нима ичай деб ошхонага кирдим. Қулимга шишани олишим билан иштаҳам йуҳолди. Шишани ҳайта жавонга тиҳдим. Мен узи умуман жуда кам ичаман. Бояги ичган жиндай бурбоннинг ҳуланса таъми оғзимдан ҳали ҳам кетмаган эди. Диана Жеймсни уйлай бошладим, унинг сочиҳнинг устида ҳандай ётиб ҳораяётгани ҡуз олдимга келди. Жин урсин шу аёлларни. Шу деб бир кунимнинг тенг ярми бекор кетди-я. Машинамни ҳам сотолмадим, ҳизни ҳам узимга оғдиролмадим. "Иш ҳам булмади, ишҳ ҳам булмади", деб ҳуйдим узимча алам билан.

Эҳтимол, хато қилаётгандирман, балки 170 доллардан кўпроқ пулга эга бўларман? Мен банкдан келган сўнгги хабарни қўлимга олдим.

Саудия Арабистони, унинг қирқ даражали иссиғи, қум, шамоллар ҳақида ўйлай бошладим. У ерда икки йил чидай олармиканман?

Чидай оламанми, йўқми, энди бунинг аҳамияти йўқ, бошқа иложим қолмаган. Нимадир қилиш керак. Йил сайин даромадим камайиб кетяпти. Оғзимга сигарета суқдим. Қулимга чақмоқ олдим-у, уни яна қайта столга қуйдим. Бир юз йигирма мингнинг ярми...

Елкамни қисиб қуйдим. Ҳаммаси ойнадек равшан. Диана Жеймс ўз хаёлининг қурбони. Бунга ўзини ишонтириб олган. Иккинчи жиҳатдан,

у менга анойи бир тентак хаёлпарастдек туюлгани хам йўк.

Битта нарсани сира тушунолмаяпман: нима учун у бунчалик ишонч билан гапиряпти? Агар менга бор гапни айтиб берган бўлса, унда тўгри, вокеалар ривожи бошкача бўлиши мумкин эмас. Полиция нега уни тополмаганикин? Бу ерда нимадир бор. Баланд бўйли, келишган йигитни топиш унчалик ҳам қийин эмас-ку. Менинг жиноятчиларни қидириб топиш ишларига унчалик тишим ўтмайди, лекин, назаримда, ёлгончини, фирибгарни топиш, уларни ушлаш, бу соҳа ходимлари учун унчалик қийин эмас. Уларнинг қўлларида расми бор, ҳамма хатти-ҳаракатларини, қилиқларини беш кўлдай билишади. Машинасини тўрт мингли аҳолиси бор қишлоқчага кўйибди-ю, ерга кириб кетганини ҳам, осмонга чиқиб кетганини ҳам ҳеч ким билмаса. Бўлиши мумкин, лекин бундай... йўқ...

Бу фикрлар шу қадар содда ва бемаъни эдики, бу ҳақда бош қотириб ўтиришга ҳам арзимасди. Бироқ пул ҳам шу қадар кўп эдики, уни ҳеч калламдан чиҳара олмасдим. Уйдан чиҳдим. Машинамга ўтириб, "Санпорт ситиян" газетасининг тахламасини вараҳлаш учун кутубхонага йўл олдим. Аввал 1 августдан кейинги сонларини вараҳлашга тушдим. Кейин ундан олдинги ойлар сонларини кўра бошладим. 24 июн сонида қуйидаги маълумотга кўзим тушди:

"Халига довур мистер Батлернинг изи топилмади".

"Полиция деярли икки ой қидирув давомида мистер Батлер ишини нихоясига етказа олмади. Маунт-Темплдаги Биринчи миллий банкнинг вице-президенти ҳам, 120 минг доллар ҳам изсиз ғойиб бўлди. Батлернинг машинаси 11 июлда қирғоқбўйи кўчадан топилгандан буён…"

Xa, мақолада бирон-бир янгилик йўқ, унинг ҳали ўлик-тириги номаълум эди.

Иргиб ўрнимдан туриб кетдим. Мени хавотирга солган нарсани энди тушундим. Мен қуйидаги сатрларга назар ташладим: "...қиргоқбуйи куча..." Э, гап бу ёқда экан-да!

Диана кўрсатган газета парчаларида худди мана шу кўча тилга олинган эди. Бу эсимда қолмабди. Лекин шунча вақтдан бери нимадир вужудимни кемириб юрган эди. Газеталарни тез-тез варақлай бошладим: 14 июл, 13 июль... Мана, 11 июль, бир нарса бўлиши керак. Ҳа, шундай бўлиб чиқди:

"Йўқолган машина бугун эрталаб денгиз сохилига яқин Дювал

хиёбонидаги 220-уй якинидан топилди".

Биринчи марта ўкиганимда кўрсатилган манзилга эътибор килмаган эдим. Винлокнинг берган эълонида худди мана шу ер кўрсатилган эди.

Батлернинг ўлганини Диана нима учун аниқ билгани менга энди

маълум бўлди.

УЧИНЧИ БОБ

Қўғирчоқ тугмасини босганимда эшикни Диананинг ўзи очди. Биз меҳмонхонага киргунимизга қадар бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз қотмадик. У ўтган сафаргидай столчанинг нариги чеккасига ўтириб олди-ю, менга истеҳзоли назар ташлаб, совуққина кулиб қўйди.

- Қайтиб келишингизни билгандим.

- Нега менга бор гапни гапириб бермагандингиз?

Диана сигарета тутатди, кейин ўйланқираб менга қараб қўйди.

- Очигини айтиб қуя қолай: агар узингиз уйлаб, гапнинг тагига етолмайдиган булсангиз, демак, сиз бу ишга ярамайсиз. Бу сизга болаларнинг бекинмачоги эмас. Ниҳоятда хавфли иш.
- Бир нарса менга ҳали ҳам равшан эмас,— дедим.— Уни хотини ўлдириб, машинасини сизнинг уйингиз олдига ташлаб кетганига нега бунчалик ишончингиз комил? Бу ишни биронта бошқа одам ҳилиши мумкин эмасмиди? Батлер сиз билан ҳочиб кетмоҳчи булганини билган одам демоҳчиман.
- Бу ақлға сиғмайдиған ғап. Бундан ташқари, хотинидан бошқа ҳеч ким бунға ҳаракат қилмаслиги ва ўзини хавф-хатарға қўйиши мумкин эмас эди.
- Бор гапни энди очик-ойдин гапириб беринг, десам бунга нима дейсиз?
- Бунинг учун сиз аввал ўз қарорингизни маълум қилишингиз керак,— деди Диана совуққина қилиб.— Менга шерик бўласизми, йўқми?
 - Шерикчилик қилмасам қайтиб келармидим?
 - Қонунга хилоф иш қиласизми?
- Бу ҳақда ўйлаб кўрдим. Бунча пулга эга бўлган одам ҳонунни ўйламайди. Чунки уни ўзи бузиб турибди. Шунинг учун эрми, хотинми полицияга мурожаат ҳилолмайди. Ўз виждонини поклаш учун олтмиш минг долларга жуда кўп уйҳу дориси сотиб олиши мумкин.

Диана кошини чимирди.

- Нега олтмиш минг оламан деб ўйлаяпсиз? Мен сизга учдан бирини бераман.
- Бу ҳаҳда гап бўлиши мумкин эмас. Ё ярми, ё бўлмаса гап тамом.
 - Жуда уятсиз экансиз...
- Нега уятсиз бўларканман? Мен аждарнинг комига кетаяпман, у ерда бутун уйни титкилаб чиқишим керак. Сизга бало ҳам урмайди.
- Яхши, хўп,— рози бўлди Диана. Хотиржам бўлинг. Айтдимқўйдим-да. Розиман, ярмини оласиз.

- Гап бундог бўпти. Қани, энди бир бошдан гапириб беринг-чи.
- Яхши, деди у. Унинг ўлганига бунчалик ишонч ҳосил ҳилганимга энди ишонасиз. У ўлган бўлиши керак, Батлер мана шу ерга келиши керак эди. Батлер аҳмоҳ эмас. У бирон жойда яшириниб турсак, ниятига етишини яхши биларди. Биз иккимиз аниҳ режа ишлаб чиҳҳандик. Мўлжалимизни амалга оширишдан икки ой олдин мана шу хонадонни ижарага олгандим. У пулни олиб тўппа-тўгри шу ерга келиши ва мен уни икки ой шу ерда яшириб туришим керак эди. Шов-шув йўҳолиб излар босилгандан кейин афт-ангоримизни бир оз ўзгартириб, машинада ғарбий соҳилга кетишни мўлжаллаб ҳўйган эдик. У Сан-Францискода номини ўзгартириб, янгидан ҳаёт бошламоҳчи эди. Унинг машинасини шу ерга ҳўйиб кетиш жуда ажойиб ғоя эди. Энди гапларимга ишондингизми?

— Ҳа, ишондим. Фақат битта нарсага, пул Маунт-Темплдалигига унчалик ишонгим келмай турибди. Ахир Батлерни бошқа биронта одам ўлдириб, пулни олиб кетган бўлиши мумкин-ку.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Буни ҳеч ким билмаган. Фаҳат хотини биларди. Уни охирги марта кўрганимда хотинининг ўзидан шубҳаланаётганини, назарида гўё орҳасидан изҳувар ҳўйгандек туюлаётганини гапириб берган эди.

– У билан қачон танишгансизлар? Сиз ростдан ҳам Маунт-Темплда

хамшира бўлиб ишлаганмисиз?

— Xa. Ўтган кузда. У ишни тўгрилагунча шу шахарда яшаб туришим керак эди, мана хозир хам, тўрт ой бўлди, шу ерда яшаб турибман.

Сизни жуда севиб қолганмиди?

– Ҳа, шунақа бўлса керак, деб ўйлайман.

Сиз-чи? Сизга унинг пули керакмиди, ўзими?

- Табиий, у ҳам, бу ҳам. Биз бир-биримизни хоҳлардик. Шу билан бирга пулдор бўлишини ҳам. Сиз нима деб ўйлагандингиз? Тристан билан Изолда дебми?
- Энди хушторингиз у дунёга кетгандан кейин пулига эга бўлмоқчи бўлдингизми.? Жилла бўлмаса, ярмига,— аниклик киритдим.

- Тушундим. Яна нимани сўрамокчисиз? Нима, у деб мен ўзимни

ўлдиришим керакмиди?

— Яхши фикр. Рухсатингиз билан эътироз билдирмайман. Маунт-Темплгача масофа икки юз километр атрофида,— дедим. Енгил машинада тўрт соатлик йўл.

Диана бошини сараклатди.

Сиз автобусда боришингиз керак.

Нима учун?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз ўша уйда икки ёки уч кун бўлишингиз керак бўлади. Машинани қаерга қўясиз? Уйнинг олдигами?

Шаҳарнинг бирон жойига қуйиб қуйишим мумкин.

— Мумкин эмас. Одамларнинг кўзига ташланиб қолади. Полиция ҳам уни эътиборга олиб қўйиши мумкин, ким билади ҳали нима гап-сўз бўлишини.

Диана ҳақ эди. Бошқа шаҳарнинг раҳами ёзилган машина бир жойда узоқ туриб ҳолса, ҳамманинг эътиборини жалб ҳилиши мумкин. Бундан ташҳари, автобусда кетиш ҳам анча маҳбул эди.

— У ёққа бориб яна орқага қайтиб келганимни ҳеч ким кўрмаслиги ва ҳеч ким мени таниб қолмаслиги керак. Шунинг учун автобусда бормайман.

— Тўппа-тўгри,— деди Диана. — Автобусда борсангиз эхтиётсизлик килиб кўйган бўлардик. Яхшиси, сизни ўзим элтиб кўйсам маъкул бўлса керак, менимча.

— Тўгри,— розилик бидирдим.— Мени уйнинг орқасига, қоронги бир ерга туширасиз-да, қайтиб кетиб миссис Батлер билан шуғулланасиз. Бугун сешанба. Агар уй сиз айтгандек катта бўлса, унинг ичида икки кун бўлишим керак. Демак, мен сизни жума куни кечаси соат иккида уйнинг орқасида кутаман, сиз мени олиб кетасиз. Шунда биз ё пулни қулга киритамиз, ё бўлмаса пул у ерда йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бўпти, келишдик.

Диана ўриндиққа ястаниб ўтириб олди-ю, ишонқирамай менга тикилди.

— Яна бир гап, мабодо бошқа хаёлга борган бўлсангиз,— деди у. — Агар мени у ерда бўлмайди деб пулни олиб жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлсангиз, ўйламанг узоққа бораман деб. Полицияга қўнгироқ қилиниши билан бирпасда қўлга тушасиз.

Диана ростдан ҳам ҳамма нарсани режалаб қўйган эди.

- Қайси эркак сиздай гўзал санамни ташлаб кетади?- дедим.

– Шунча пул турганда-я? Яхшиси, бунга уринманг.

— Қурқманг,— хотиржам қилдим уни,— шундай қалтис ишга қул урдикми, сизни ҳам огоҳлантииб қуйишим керак. Мен ҳам сизни алдаб кетишингизни маслаҳат бермаган булардим.

Соатга қарадим. Учдан ўн дақиқа ўтибди.

Биз Санпортдан ярим тунда йўлга тушдик. Йўлга чикишдан олдин машинамни гаражга кўйдим. Ўзим учун чўнтак фонари, бир неча захира батарея, елимли тасма, бир неча кути сигарета дегандек керакли нарсаларни сотиб олдим.

Диана машинани тез ҳайдади. Йўлнинг каттагина ҳисмини соатига юз километр тезликда босиб ўтдик. Йўлда машина ҳаракати кам эди. Қандайдир ҳишлоҳҳа етиб келганимизда у тезликни пасайтириб, олтмиш километрга туширди.

- Кейинги қишлоқ бизники, деди у, 50 километр қолди.
 Сиз орқага қайтганингизда тонг ёришиб қолади, дедим.
- Бунинг аҳамияти йўқ. Санпортда мени ҳеч ким танимайди.
 Миссис Батлер тушгача ўрнидан туриши даргумон.

– Эхтимол, уни полиция назорат қилаётгандир? Балки улар қайтиб

келиб, хотини билан учрашади деб ўйлашаётгандир?

Уйлашса ўйлашаверсин, деди Диана.
 Улар ахир ҳеч нимани билишмайди-ку. Ли, сигаретдан беринг.

Унга сигарета бердим, олов тутиб, ўзим ҳам чекдим.

- Нимадандир юрагим ғаш,— дедим.— Эҳтимол, пулнинг кўпгина қисми қимматли қоғозлардан иборатдир. Уни қандай пулга айлантирамиз?
- Иўқ, эътироз билдирди у, у фақат долларни олган, банкка кўп пул топширилган кунни танлаганди.

– Пул хам салмокли бўлса керак. Ўзингиз уйнинг каерларини

қидирган бўлардингиз?

– Бу эски уй, — жавоб берди Диана. — Жуда эски ва жуда маҳобатли. Сиз ишни полдан бошлаб аста-секин пастга тушиб бораверишингиз керак, деб ўйлайман. Эътиборингизни асосан уйнинг қаери тузатилган, таъмирлангандек кўринган жойларига қаратишингиз лозим. Шу билан бирга мой суртилган дераза раҳлари, эшикнинг кесакилари ҳам назарингиздан четда қолмасин. Аёлнинг ниҳоятда айёрлигини ёддан чиҳарманг. Пул эски латта-путталарга ўралган ва бирон қути ёки ахлат челакчасида ётган бўлиши ҳам мумкин. Ваҳтингизни аяманг. Полиция билан тўҳнаш келишдан эҳтиёт бўлинг.

- Таваккал иш қилгим йўқ,— дедим. Шунинг учун сиз у билан ажрашганингиздан кейин Маунт-Темплга қайтиб кетмаганмикан, деб шубҳага борадиган бўлсангиз, буни менга қандай қилиб маълум қилишингиз ҳақида ўйлаб турибман. Агар шундай бўлса, телефон килиб...
- Ахир сиз ким қўнгироқ қилаётганини билмасдан туриб гўшакни кўтара олмайсиз-ку.
- Гапимнинг охиригача қулоқ солинг,— дедим.— Тўгри, мен кимлигини билмасдан туриб гўшакни кўтара олмайман. Бу ёгини эшитинг: кечасими, кундузими ҳар бир соатнинг аниқ бошланиши олдидан қўнгироқ қилинг. Мен гўшакни кўтармайман, сиз чорак соат ўтиб яна кўнгироқ қилинг, мен тасодифий кўнгироқ бўлса керак деб жавоб бермайман. Агар яна роса ўн беш дақиқа ўтиб қўнгироқ қилсангиз, бу сиз эканлигингизга ишонч ҳосил қиламану гўшакни кўтараман. Сиз оддийгина қилиб, қалай, миссис Батлернинг аҳволи яхшими деб сўрайсиз. Мен "ҳа" деб жавоб бераману гўшакни қўяман.

Бир дақиқа ўйлаб туриб фикримдан қайтдим.

– Йўқ, умуман ҳеч нима демайман. Ўн беш даҳиҳа оралаб уч марта ҳилинган телефон ҳўнғирогининг ўзи кифоя ҳилади. Учинчи ҳўнғироҳдан кейин мен яширинаман.

Ёмон эмас, — деди у. — Каллангиз ишлабди. Қизиқ, сиз куп

жихатдан Батлерга ўхшаб кетяпсиз.

У қидирмасдир-ов.

– Нима учун?

– Чунки у ўлган.

Иккимиз ҳам жимиб ҳолдик. Орадан бир неча даҳиҳа ўтиб, у:
— Ҳозир етиб келамиз. Чап томондан биринчи уй уники,— деди.

Мен атрофга назар ташладим. Чор атроф қоп-қоронғи. Анча наридаги қорайиб турган қуюқ дарахтлар орасида бинонинг тархи аранг кўзга ташланиб турарди. Биз ўнгга қайрилиб, паст бўйли дарахтчалардан иборат вилланинг олдидан чиқдик. Уч уй нарида чироқ билан ёритилган чорраха бор эди. Диана машинани чапга буриб, бир неча юз метр юргандан кейин яна четга бурди.

— Биз бинонинг орқасидан чикдик,— маълум қилди у.— Уй симли тур билан ўралган ва атрофи толгулдан баланд тусиқ қилинган. Лекин дарвозаси очиқ булса керак. Очиб булмаса, ундан ошиб утишингиз ёки айланиб утиб, бинонинг марказий кириш жойи рупарасидаги

дарвозадан киришингиз мумкин. Омад ёр бўлсин.

_ Келишув ёдингизда бўлса керак деб ўйлайман, дедим, _

Пайшанба куни кечаси иккилар атрофида ўша жойда.

Диана машинани тўхтатди, мен машинадан тушиб, эшикни ёпдим. У хайр деган маънода қўлини силкитиб қўйди-ю, машинани елдириб кетди. Ёлғиз қолдим.

Муюлишдан ўтгандан кейин машина ортидаги қизил чироқ ғойиб бўлди. Мен кўзим қоронғиликка ўргансин деган ўйда йўлакка чиқиб тўхтаб турдим. Осмонда ой йўқ. Тун иссиқ ва сокин. Қаердадир ит акиллади. Энди қоп-қора тўсиқнинг тарҳи аниқ кўрина бошлади. Мен тўсиқнинг шохларидан юзимни пана қилиб, қўлимни тўсиқҳа тегиздим. Кейин дарвозани топиш умидида тўсиқ бўйлаб юриб кетдим.

Машинадан чиқаётганимда соат неча бўлганини кўриб олмабман. Лекин икки соатлардан кейин тонг ёриша бошласа керак. Бу вақтда

мен уйнинг ичига кириб олган бўлишим шарт.

Йигирма, ўттиз қадамлар тўгри юриб бордим. Дарвоза кўринмади. Муюлишга бориб, бошқа томонга қараб кетаётганимни сезиб қолдим.

Қулимни тусиққа тегизганча орқага қайтдим. Толгулнинг буйи баланд, салкам икки метрлар чамаси. Толгул қалин утказилган, эни турт метрлар келарди.

Нихоят дарвозага етиб келдим. Қул тегиши билан ғичирлаб кетди. Дарвоза тутқичини пайпаслаб топиб итарган эдим, аста-секин очила

бошлади.

Кенг сайхонлик ортида бино қорайиб турарди. Уй жуда махобатли, ертўласи бор, афтидан, икки қаватли эди. Унг томонда бир нарса

қорайиб турибди. Бу гараж бўлса керак.

Мен ўсиб кетган толгул шохлари орасидан тиқилиб ўтиб, ҳамма деразаларни кўздан кечира бошладим. Ҳеч ҳаерда чироҳ кўринмасди. Ўт-ўланларни босиб, орҳа пешайвонга ўтдим. Бирдан ярим гектардан кам бўлмаган дарахтзор, майсазор боғ ҳам борлигини мутлаҳо ўйлаб кўрмаганимиз калламга урилди. Агар пул богнинг бирон ерига кўмиб ҳўйилган бўлса, уни икки дунёдаям тополмаймиз. Энди пул уйнинг ичида деган умиддан бошҳа илинж ҳолмади.

Мен уйнинг орқа девори бўйлаб пешайвон атрофида айлана бошладим. Қоронғида ертўланинг икки деразаси кўзга аранг ташланарди. Деразалар деярли ер билан баробар, қисман тўсиқ билан

ўралган эди.

Биринчи деразага яқин келиб, чунтак фонари билан ёритдим. Ураб қуйилган сим панжара билан деразани қурум босиб кетган. Шундай булса ҳам илгакни ахтариб топдим. Илгак туширилган, иккинчи дераза ҳам шундай. Демак, деразалар қулфлоғлиқ.

Мен тўхтаб, ўйлаб олдим. Чап томондаги дераза буталар билан яхши беркилган. Унинг олдида тиззалаб ўтириб олдим-да, фонар билан сим панжарали ромдаги илгакни ёритдим. Кейин очкич билан илгакни

итариб, панжарали ромни кўтардим.

Чўнтагимдан ғалтакка ўралган елимли лентани олиб, ойнанинг икки тарафига бурчакма-бурчак қилиб, ёпиштириб қўл бола отверка билан ойнани синдирдим.

Ёпишқоқ лента ойнани ерга туширмай ушлаб қолди. Очқични ичкари тиқиб, шпингалетни кутарган эдим, дераза осонгина очила

бошлади.

Деразани очиб ичкари кирдиму панжарани тушириб, деразани ёпдим, кейин дарҳол атрофга куз югуртирдим. Ертула кенг, уртасида печка турибди. Деворнинг қарама-қарши томонида кумир солинган яшиклар ва бир нечта чамадон турарди. Уларнинг атрофида бир туда газета ва журналлар уйилиб ётарди. Чироқ нури эшикка тушди, бориб очдим. Ертуланинг бу қисми кирхона экан. Девор олдида кир машина турарди.

Пулни бу ердан қидиришдан маъно йўқ эди. Хаммадан бурун бутун уйни айланиб чиқишим ва режа тузишим, ундан олдин уйда хизматкор бор-йўклигига ишонч ҳосил қилишим керак. Диана Жеймс хизматкор уйда бўлмайди, деган эди, мабодо у адашган бўлса-чи, унда тузоққа у эмас, мен тушаман.

Жойимга қайтиб келиб, юқорига чиқадиган зинани қидира

бошладим. Уни топдиму чучиб тушиб жойимда қотиб қолдим.

Чўнтак фонаримни ўчирдим, нафасимни ичимга ютиб, кулок сола бошладим. Сукунат кўйнида юрагимнинг уришию аллакаердан эласэлас мусика овози эшитилиб турарди. Сочларим тикка бўлиб кетди. Хайхотдай бўм-бўш уйда кечаси соат тўртда мусика чалиниши галати. Бир дакика кулок солиб турдим-да, фонарни ёкиб зинадан кўтарила бошладим. Юкорида эшик бор эди. Очиб киришим билан ошхонага чикдим.

Ахлат қутиси ортида дераза бор экан, парда тортилган. Мен қаерга кирсам хавотирланмай бемалол юришим учун, аввало, дераза пардаларига эътибор қилардим. Ахлат қутиси ёнидаги эшик, чамаси орқа пешайвонга, плита ёнидаги эшик эса, афтидан, ошхонага олиб чиқса керак. Ошхонанинг бошқа томонида яна бир эшик бор, бу хизматкор турадиган хона булса керак. Ҳар эҳтимолга қарши биров борми-йуқми, бир назар ташлаб қуйиш лозим.

Оёқ учида юриб эшикка келдим. Эшик тутқичидан ушлаб, фонаримни ўчирдим. Кейин секин, ҳа, жуда секин тутқични тортиб эшикни очдим. Хонада жимлик ҳукмрон эди. Мен қимирламай, нафасимни ичимга ютиб қулоқ солиб турдим. Ҳа, бу хизматкорнинг хонаси бўлиши керак. Мен фонарни ёқиб, қўлларим қалтираганча полга тўгриладим. Бирон бақириқ-чақириқ бўлса, бир зумда сукунатни бузиб юбориши мумкин. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Фонарни аста кўтариб, пол бўйлаб айлантира бошладим, унинг нури каравот оёқларига тушди. Юқори кўтардим. Ҳартугул каравотда ҳеч ким йўқ

эди. Енгил тортиб, чукур нафас олдим.

Эшикни ёпиб, ўчоқбоши орқали ошхонага ўтдим. Бу ердаги деразага ҳам парда тортилган эди. Стол билан жавон кўҳна ва огир дарахтдан ясалган. Ойнаванд жавонда жуда чиройли безатилган ҳадимий кумуш сервис турибди. Бу ота-боболар даврида катта бойлик саналган бўлса керак. Мен фонаримни ёҳиб, ошхонани айланиб чиҳдим. Миссис Батлернинг ичкиликка ружу ҳўйгани ажабланарли ҳол эмас. Бунга ўхшаган ҳайҳотдай кошонада истиҳомат ҳилган ҳар ҳандай одам ҳам ўзини ичкиликдан тийиб туролмаган бўларди. Меҳмонхона кенг, ошхонага ўхшаш, асбоб-анжомлар ясатилган, саранжом-саришта. Столлар билан жавонлар ҳизил дарахт ва ёнгоҳдан ясалган, бахмал пардалар ҳизгиш, диван ва ўриндиҳларнинг айримларига каштан рангли духоба, айримларига ҳора тери ҳопланган. Девор ёҳалаб ҳўйилган жавонга китоблар терилган.

Мен фонарим нурини аста-секин тўгрилаб, қатор-қатор турган китобларга назар ташладим. Қомуснинг жилдлари ағдар-тўнтар бўлиб

ётарди. Уларнинг орасига бошка китоблар аралашиб кетган.

Вужудимни ғалати ҳиссиёт чулғаб олди. Мен хонага яна бир бор назар ташладим. У ердаги бошқа ҳамма жиҳозлар батартиб турибди. Мен диваннинг олдида тиззалаганча унинг ғижимланган айрим жойларини кўздан кечира бошладим. Лекин бу ҳеч нарсага далил бўлолмасди. Эҳтимол, буни хизматкор хонани тозалаётганида ҳилгандир.

Мен диванни бир чеккасидан кўтариб, девордан нари сурдим. Ана шу пайт диванга қопланган газлама ўткир пичоқми, устара биланми узунасига кесилганини кўриб қолдим. Ёстиқларни ағдариб кўрдим. Улар ҳам, ўриндиқлар ҳам тагидан кесилган эди. Дастлаб ваҳимага тушдим. Кейин ўзимни кўлга олдим, ўтириб сигарет тутатдим. Буларни ким қирққаникин? Йўқ, ундан ҳам аҳамиятлироги, истаган нарсасини топганмикин? Афтидан, тополмаганга ўхшайди.

Лекин тополмаган булса, узи қаерда? Нега қидиришни давом эттирмаган? Бундан бошқа фикр ҳам келиб чиқади: демак, кимдир

уйни тинтув қилган экан, биз ҳақ эканмиз-да.

Афтидан, мистер Батлер пулни олиб қочмоқчи бўлганда эрини миссис Батлернинг ўзи ўлдирган деб шубҳага борган фақат битта биз эмас эканмиз-да.

Нима қилсам экан? Ишни бошламасдан тугатиб қўя қолсаммикин? Йўк, нима бўлса бўлар! Ишни тўхтатмасдан уйни қидириш керак.

Умуман, бу ерга нима учун келганман? Жума куни саҳаргача вақтим бор. Эҳтимол, бошқа одам ҳеч нима тополмагандир. Мен ўрнимда туриб сигаретни кулдонга босиб ўчирдим. Пул ҳаҳидаги фикрлар менга тинчлик бермаётган эди.

Мен меҳмонхонанинг қарама-қарши томонидаги эшикдан чиқишим билан бир томони куча эшикка, қарши тарафи зинапояга олиб борадиган йулакчада булиб қолдим. Зинапоя билан юқорига

кўтарилдим.

Юқорига чиқиб, у ёқ-бу ёққа назар ташладим-у, фонарни ўчириб қотиб қолдим. Йўлакдаги бир эшик очиқ, у ердан паст мусиқа товуши эшитилиб турибди. Аслида-ку, жуфтакни ростлашга шошилишим керак эди-я, лекин мусиқа овози мени гўё сеҳрлаб қўйгандек бўлди. Мен чурқ этмай туравердим. Тушиб турган ёруглик электр нури десак, жуда хира, ундан ташқари нари-бери липиллаб турибди. Гугурт чақилганмикин? Бировлар уйни ёқиб юбормоқчи бўлаётганмикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки аланга бўлса ёруг бўлиши керак эди. Кутиб турдим. Ёруглик ўзгармади. Шундан кейин унинг нима эканлигини аниқ билдим. Бу — шам эди.

Бу ёги қандай бўлди энди! Чўнтак фонари нархи 49 цент бўлиб турганда ҳеч ким кўлида шам кўтариб юрмаса керак. Шу ҳақда ўйлаб тургандим, хонанинг ичида аранг шипиллаган товуш қулогимга

кирди.

Худди шу пайт мана бу овоз грампластинка нинасининг куй бошлангунча айланадиган товушсиз овози эканини англаб етдим. Кейин юракни жунбушга келтирадиган менга номаълум майин куй жуда секин ва сокин тарала бошлади.

Шу дақиқада энг оқилона иш — тезроқ қочиб қолиш бўларди. Бундай пайтларда табиатан мулоҳаза қилиб ўтирмасдим. Лекин нима бўлмасин, хонага мўралагим келди. Бунинг учун эшик томон уч ё тўрт қадам ташланса кифоя, йўлакка ташланган гиламча оёқ

товушларини ютади.

Эшик олдига келиб, тўхтаб қолдим. Энди хатар аниқ бўлиб қолди. Агар хонадаги одам эшик томон ўгирилса, мени кўриб қолиши мумкин. Сокин таралаётган мусиқадан бўлак ҳеч қандай товуш эшитилмаётган эди. Аввалига қандайдир диний маросимда иштирок этаётгандай ёқимсиз туйғу кўнглимга келди. Аста-секин тушундим. Бу ётоқхона эди. Патефон полда, унинг ёнида эса, кичкина кумуш ранг шам ёниб турарди. Гиламда пластинкалар сочилиб ётибди. Уларнинг орасидаги паст юмшоқ курсида узун ҳаворанг эрталабки халатда бир қиз ўтирарди. Қиз мусиқа мақомига мослаб тебранибтебраниб қўярди. Шам ёруғида ён томондан қараб, қалин қоп-қора сочларини аниқ кўрдим. Қиз ҳаддан ташқари гўзал ва ғирт маст эди.

Мен эшик олдида қаққайиб турганча ғазаб билан Диана Жеймснинг найрангини ўйлай бошладим. Миссис Батлер Санпортга

кетмаган эди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Ё Диана мени алдаган, ё булар бари тасодиф. У бор гапни очиқойдин гапириб бермай, бошиданоқ алдаган эди. Эҳтимол, бу сафарҳам алдагандир.

Балки бундай бўлиб чиқишини ўзиям билмагандир. Миссис Батлер билдирмай, дейлик, уйига жўнаб қолганмикин. Шундай бўлиши мумкин. Биз пулга эга бўлмоқчи эдик, бунинг учун уйни қидириш

керак. Агар миссис Батлернинг уйда бўлишини билганда уйни титкилаш учун мени бу ерга олиб келиб ташлашида ҳеч ҳандай маъно бўлмайди.

Бунакамасмикин?

Нима бўлганда ҳам энди биз пулни топиш умидидан воз кечишимиз керак бўлади. Энди мен тонг отмасдан бу ердан жуфтакни ростлашим керак. Боққа чиқиб олсам бўлди, у ёгининг дарди енгил. Шаҳарга боришим ва яқин орада юрадиган автобус билан Санпортга етиб олишим мумкин. Шундан кейин у ҳақдаги ҳулосамни Дианага айтиб бера оламан.

Жойимда туравердим. Ўзимни маглуб ҳисоблашим юракка ҳандайдир огир бота бошлади. Гўё пулни ҳўлга киритганман-у, охирги даҳиҳаларда огзимдаги ошни олдириб ҳўйгандекман. Мана бу аёлни жавонга беркитиб ҳўйиб, тонг отгунча пулни ҳидирсаммикин?

 – Йуқ, бу хатарли, хизматкорми ё бошқа бировми келиб қолиши мумкин. Мени ушлаб олишади. Бу фикрни шу захоти калламдан

чиқариб ташлаб, жойимда қаққайиб туравердим.

Миссис Батлернинг қўлидан ҳеч нарса келмайди ҳозир. Fирт маст, унга барибир. Мен ярми ичилган ва ёнида қадаҳ турган шишага назар ташладим. Миссис Батлер шовқин кўтармас, ичиб олиб ҳар ҳил ёмон қилиқлар қиладиган аёлларга ўхшамасди. Уларнинг акси эди. Ўтирган жойида бемаза ҳаракатлар қилмас, ёқимтойлик билан аста қимирлаб қўярди.

Мусиқа тинди. Пластинка бир неча марта айланди, кейин аппарат ўз-ўзидан тўхтади. Хонага ўлик сукунат чўкди. У янги пластинка қўймади. Ўтирган жойида салгина чайқаларкан, гўё бир нимани аста хиргойи қиляптими ё дуо ўқияптими, лабларининг қимирлаётганини кўриб қолдим. Кейин у секин ўрнидан турди, ёнидаги узун ором курсига ўтирди, сўнг қўлларини икки ёққа чўзиб ётиб олди.

Мен ўгирилдим. Жўнаб қолиш пайти келди. Бирдан зинапоянинг гирчиллаётганини эшитиб, жойимда қотиб қолдим. Кимдир зинадан

юқорига кўтарилиб келарди.

Йўлакка яна бир хонанинг эшигидан чиқса бўларди. Лекин у ёпиқ эди. Уни очиш учун вақт йўқ ва бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳам ўрни эмасди. Ўзимни ичкарига урдим, миссис Батлернинг устидан энгашиб шамни ўчирдим. Оромкурси жойлаб қўйиладиган жавоннинг эшиги ярим очиқ турган экан, хонани пайпаслаб бориб жавоннинг эшигини очдиму, ўзимни унинг ичига урдим. Кейин эшикни ярим очиб қўйдим. Бошимга атир ҳиди анқиб турган кўйлаклар тегиб турибди. Жавоннинг ичи иссиқ ва дим эди.

Иўлакка оёқ товушларини ютадиган қалин гиламча тўшалган. Мен сал очиқ эшикнинг ёригидан бир кўзим билан қараб, ким келишини кутиб турдим. Эшикдан хона деворларига ёруг ўрмалади. Нур ойнага, кейин ундан нарига кетди. Пастга қадалиб пластинкалар уюмини, шишадаги вискини, кейин чалқанча ётган ёш аёлнинг танасини ёритди. Эркак киши қўлидаги фонар ёругини ўчирмай, хонага кириб келди. Мен бу ўлик сукунатда мени сезиб қолмасин дея нафасимни

ичимга ютиб турдим.

Эркак энгашди, афтидан, фонарини у қулидан бу қулига олди. Нега бундай қилганини кейин билдим. Фонарнинг ёруги бир лаҳза аёлнинг чаккасига тургиланган туппончани ёритиб юборди. Бу энди чидаб булмайдиган ҳолат эди. Бир зум ҳам уйлаб утирмай, жавондан чиҳдим-у, узимни унинг устига отдим. Мен ташланганимда у угирилиб олган, иккаламиз гиламнинг устида айҳаш-уйҳаш булиб кетдик. Мен унинг

қўллари бор кучи билан мени бўғаётганини сезиб қолдим. Фонар ўчди. Хона қоп-қоронғи, мен тўппонча қаердалигини билмасдим.

Ундан қутулиш учун тиззам билан қорнига ниқтаб итариб юбордим. Рақибим қулини қуйворди ва шу заҳоти башарамга мушт туширди. Каллам бурилиб, гандираклаб кетдим. Мен ҳам бемулжал мушт туширган эдим, тегмади. Унинг полда ўрмалаб кетаётганини сезиб қолдим. Кейин туриб, у ўзини эшикка отди. Гурсиллаб эшикнинг кесакисига урилди-ю, йулакка қочиб чиқди.

Мен ҳам ўрнимдан туриб, чўнтак фонаримни олдим. У ё уйдан чиҳиб ҳочиб кетди, ё ҳаердадир беркиниб олган. Энди ким тирик ҳолишини тўппонча ҳал ҳилади. Фонаримни ёҳиб, полни ҳидира бошладим. Тўппонча синиб, парча-парча бўлиб ётган пластинкалар орасида ётарди. Уни олиб, фонарим билан бирга чўнтагимга солдим. Ана шунда мадорим ҳуриб, ҳучим ҳолмаётганини сездим. Сал ўзимга ҡелиб олиш учун полга ўтирдим.

Бир оздан кейин ўрнимдан турдим. Фурсатни ғанимат билиб, қочиб қолиш керак. Яна фонарни ёқиб, аёлнинг юзига қарадим. Олишаётган чоғимизда уни каравотдан иргитиб юборган эканмиз. Қиз ерда қўлини чўзиб боши устига қўйганча гиламда ётарди. Хонадаги кўнгилсиз холатни кўриб, эрталаб роса боши қотса керак.

Кейин агар уни шу аҳволда ташлаб кетсам қиз, умуман, уйғонмаслигини англаб етдим. Чунки ҳалиги йигит ҳайтиб келадида, уни ўлдириб кетади. Менинг кетишимни ҳаердадир кутиб туради, унга халаҳит ҳилган нарсани йўлидан олиб ташлайди. Ухлаб ётганда хоҳлаган усули билан ўлдириши мумкин. Бу муаммо туғдирмайди.

Нима қилсам экан?

Аёлни бамайлихотир саранжомлашларига бефарқ қараб туролмаган булсам, энди унинг ҳимоячиси ролини ўйнашим керакми? Бу хавфли. Агар шу ерда қолиб, унинг уйгонишини кутиб ўтирсам, мени бир зумда ҳибсга олишлари мумкин. Ана унда полицияга нима сабабдан шундай ҳодиса юз берганини батафсил гапириб беришим керак бўлади. Полициядагилар "қулфбузар аёлнинг ҳаётини асраб қоляпти! Эй Жо, яқинроқ келиб, бунинг гапларини бир эшитиб кўр!" дея роса устимдан кулишлари мумкин.

Шундан кейин дахшатли бир фикр вужудимни қамраб олди. Дейлик, эрталабми, кечроқми унинг мурдасини топишади. Бирон кимса бу ерда мендан бошқа жонзот бўлмаганини хеч қачон билмайди. Фақат биттагина одам мен бўлганимни жуда яхши билади — бу Диана Жеймс. Бу ерга мени ўша ташлаб кетган. Агар бирон жойда огзидан гуллаб қўйса борми, шундай қийноқнинг тагида қолиб кетаманки, нақ дўзахнинг ўзи деяверинг.

Нимадир қилиш керак. Вақтим жуда оз. Қоронғида ўтириб олганча роса бош қотира бошладим. Охири ярқ этиб миямга бир фикр келди. Омадни қўлдан чиқармаслик керак. Бир ашаддий фирибгар ҳақиҳатнинг ўн фоизинигина айтиб, мени шунча лаҳиллатган экан, энди ўзининг усулини ўзига ҳўллайман.

Хаммамиз пул учун ўзимизни ўтга ҳам, чўққа ҳам уряпмиз. Пул шу ердами, шу ерда эмасми, буни аниқ биладиган яккаю ягона одам — бу миссис Батлер. Бу жумбоқни ечиш калити унинг қўлида. Энди пул шу уйда сақланаётганлигига шубҳам қолмади. Пулнинг қаерда бўлгани ёки қаердалигини фақат угина билади.

Демак, миссис Батлерни маҳкам ушлаш керак. Агар у шу ерда қолса, уни ўлдиришлари аниқ, бу ердан олиб кетсам-чи, гапиришга мажбур қиламан.

У билан хотиржам гаплашиш учун қаерга олиб кетишни яхши билардим. Агар узоқ вақт бирга бўлсам ва тўгри саволларни берсам, пул қаердалигини, албатта, айтиб беради. Агар эрининг ўлимига аралашмаган бўлса, менга одам ўгирлаш айбини қўйиб, ҳибсга олишлари мумкин. Мана бундай таваккалчиликка борса бўлади. Мен хаёлан автомобил йўллари харитасини кўз олдимга келтирдим. Менга керак бўладиган жой бу ердан саксон километрдан узоқ бўлмаган ерда эди.

Кейин нима қилиш кераклиги ҳақида режа туза бошладим. Уни ўзим билан олиб кетайми? Лекин ҳандай ҳилиб олиб кетаман? Машинам йўҳ бўлса бу ерда. Елкага бир ҳоп ун ўнгаргандай ҡўтариб бутун шаҳар бўйлаб кезиб юришим керакми? Аста сўкиниб ҳўйдим. Яна бир бошдан ўйлай бошладим. Шошма! Ахир, машинаси бўлиши мумкин-ку. Санпортдан машина миниб келган.

Агар гаражга бориб машина бор-йўклигини текширадиган бўлсам, бир ўзини ёлгиз қолдиришим керак. Лекин халиги йигит бу ердан чиқиб кетган-кетмаганимни аниқ билмай қайтиб келиши даргумон. Мен зинадан пастга тушиб, пешайвонга олиб чикадиган эшикни қулфладим. Кейин чўнтак фонаримни ўчириб, ташқарига чиқдим. Бир неча сония ўтмай, кўзим қоронғиликка ўрганди. Халиги она сути оғзидан кетмаган аблах миямни пачақлаши хеч гапмас. Уйнинг бурчагида қорайиб турган гаражга бир қараб олиб, аста-секин одимлай бошладим. Каттакон дарвоза қулфлоғлиқ эди. Гаражни айланиб ўтиб, кичкина эшикчага кўзим тушди. Тутқичдан итарган эдим, эшик очилди. Гаражнинг ичига кириб эшикни ёпдим-у, чўнтак фонаримни ёкдим. Фонар нури "Кадиллак" ка тушди. Асбоб-анжомлар осиб қўйиладиган тахтачани ёритдим. У ерда машинанинг калити йўқ эди. Калитни йигирма хонали бинонинг ичини қидиришдан бошқа илож йўқ эди. Соатга қарадим, тўртдан йигирма дақиқа ўтибди. Калитни топган такдиримда хам режани амалга оширишим амри махол эди.

Мен аёл қиёфасига киролмайман-у, масчитларнинг хаттиҳаракатини жуда яхши биламан. Бу нарса ҳозир қўл келди. Мен миссис Батлернинг кўча эшикдан кириб, столда бир шиша виски турган ошхонага киргунгача бўлган ҳолатини хаёлимда тикладим. У ерда, ошхона эшиги олдидаги столда унинг сумкаси, сумка ичида эса бир

шода калит турарди.

Мен сумкани ўша ерда қолдириб, югуриб юқорига чиқдим. Аёлни кўтариб энди чиқмоқчи бўлиб турувдим, бир нарса эсимга тушиб қолди. Уни диванга ётқизиб, фонаримни ёқиб шишани қидира бошладим. Ҳалиги тўполонда бир чеккага учиб кетибди. Хайрият, огзи ёпиқ экан, ичидаги виски тўкилмабди, ярим литрли шиша яримлаб колган экан. Уни костюмимнинг чўнтагига тикдиму аёлни кўтардим. У ҳали ҳам гирт маст эди. Ўзига келгунча анча-мунча йўл босиб қўйиш мумкин. Ошхонадан сумкани олиб олдим.

Миссис Батлерни машинанинг орқа ўриндигига ётқиздим, чўнтак фонаримни ёқиб, унинг сумкасидан калитларни олдим. Гараждан чиқиб, эшикка калит солдим. Биринчи калитнинг ўзиёқ қулфга тушди. Дарвозани очиб қўйиб, машинага миндим, аёлнинг сумкасидан калитни олиб, машинани юргиздим-да, уй йўлагига олиб келдим. Йўлакка сепилган оқ кум тўппа-тўгри кўча дарвозасигача олиб борарди. Мен машинани орқаси билан кўчагача ҳайдаб чиқдим, кейин ўттиз метрлар аста юриб, кейин тезликни оширдим.

"Кулфбузар,— дедим ўзимча,— машина ва одам ўгриси. У ёги-чи? Тамаъгирликми? Пул талаб қилишми?" Лекин мен ҳаммасини аниқ

ҳисоб-китоб қилиб қуйгандим. Бор гапни туппа-туғри айтиб берадиган булсам, ҳар қандай ҳолатда ҳам менга ҳеч нима булмайди, уйиндан чиқиб кетишим мумкин. Бутун пойга мана шу бир юз йигирма минг доллар устида кетяпти, тез орада аниқ булади. Балки, биринчи булиб узим етиб келарман. Мен Диана олиб келган катта йул билан борарканман, бурилиш қаерда экан деб уйлаб кетардим. Афтидан, навбатдаги шаҳарга ун беш километр берида булса керак. Гарчи бу ерларда куп марта булган булсам ҳам, ҳар сафар қарама-қарши томонга қараб кетиб қолардим. Эҳтиёт булиш керак.

Орқани кўрсатадиган кўзгуга кетимиздан келаётган машина чироги тушди. Мен шу захоти орқага қарадим. Эҳтимол, ўзи келаётган машинадир, саҳар бўлишига қарамасдан шосседа машина фарасининг

масофаси ўзгармас, машина менинг тезлигимда келарди.

Халиги йигитнинг машинаси бор бўлиб, орқамиздан таъқиб қилиб келаётган бўлса-чи? Мен газни босиб, тезликни бир юз ўн бешгача оширдим. Анча вақтгача бундан камайтирмадим. Энди орқадаги машинани қўйиб, бутун диқққатни йўлга қаратиш керак бўлди. Бурилишдан кейин йўл пастлаб кетди. Ойнадан қарагандим, кетимиздан келаётган машина бироз орқада қолибди, бу мени хавотирга сола бошлади. Эҳтимол, полициядир, юрагимга ғулғула тушди. Йўқ, бунақага ўхшамайди, биров мени қувиб ўтгани йўқ. Бироқ бизни таъқиб қилаётганига ҳам кўзим етмади. Барибир, бош йўлдан машинани сездирмай четга бургим келди.

Шаҳарчадан ўтганимиздан кейин қанча километр юрганимизни билгим келди. Орқамиздан келаёттан машина бирмунча вақт кўринмади. Тез юриб, бурилишни ўтказиб юборишдан хавфсирадим. Ўн тўрт, ўн

олти километрлар юрдим. Нахотки, яна ўтиб кетган бўлсам?

Бурилиш олдида магазин билан бензоколонка кўринди. Машинага тормоз бериб, бурилдим. Асфальт йўлдан четга бурилганимда машинага йўл четидаги кумлар сачраб урилди. Мен тормозни босиб, машинани тўхтатдим ва фарани ўчирдим. Эхтимол, ўша йигитнинг исми Жо ва у улгуржи савдо дўконида ишласа керак, деб ўйладим.

Мен яна фарани ёкиб, соатга қарадиму йўлга тушдим. Соат бешдан ошибди. Яна ўттиз километрлар чамаси йўл юришим керак бўлади. Тонг отгунча турар-жой биноларини ортда қолдиргим келди. Агар тез юрсам, улгураман.

Уч километрлардан кейин қалин ўрмонни кесиб ўтадиган йўлга бурилдим. Энди бу манзара менга таниш, бу ерларга гохида Вил Ливингстон, баъзан бирор қиз билан ёки ёлгиз ўзим тез-тез келиб

турардим. Биз келаётган хужра Вилники эди.

Биз у билан коллежда бирга ўқиганмиз. Унга отасидан катта миқдорда пул, икки минг гектар ер мерос қолган эди. У ерларда ботқоқликлар, чашмалар ва каттагина бир кўл ҳам бор эди. Кўлнинг қиргогида эса мудофаа истеҳкоми қурилган эди. Вил бутун ёзни Европада ўтказди, мен эса истеҳкомнинг калити ҳаердалигини жуда яхши билардим. Орадан бир неча даҳиҳа ўтиб, тиканли сим чатилган дарвоза кўзга ташланди. Мен машинадан тушиб, дарвозани очдим ва машинани ичкарига олиб кириб, дарвозани ёпдим. Энди бу ёгига ҳумли тепаликларни ошиб ўтиб, кўлга олиб тушадиган ўнҳир-чўнҳир хусусий йўл билан ўн икки километр юриш керак. Кўл эса, ҳуёш нурида пўлатдай ярҳираб турар, теп-текис, ўрмоннинг тепасида эса парча-парча булутлар сузиб юрарди. Ниҳоятда гўзал манзара. Бирдан шу ерда машинадан тушиб, балиҳ овлагим келиб кетди. Кейин бу фикрни миямдан нари сурдим.

Ўтлоқдан ва кичкина ёгоч кўприкдан ўтиб, машинани тўхтатдим ва пастга тушдим. Калит кўприк остидаги михда осилиб турибди.

Истеҳком кўл четидаги баланд-баланд дарахтлар орасида худди ташлаб кетилган қишлоқ уйларига ўхшаб турарди. Дарахтларнинг ости ҳали ёришмаган. Мен машинани пешайвон ёнида тўхтатдим-у, фарани

ўчирмадим.

Тонгги сукунатда қулфнинг қаттиқ шарақлаб очилган овози эшитилди. Эшикни очиб ичкари кирдим, керосин чироқни ёқдим. Бу уй хийлагина катта бўлиб, девор четида ошхона столи, идиш-товоқ қуядиган жавон ва олдинда диван билан бир нечта стул турарди. Унгдаги эшикдан балиқчилик лаш-лушлари, овчилик асбоблари ва моторли қайиқнинг қисмлари ва бошқа ҳар хил нарсалар турадиган омборхонага чиқиларди.

Чапдаги эшик берк эди. Эшикни очиб, қўлимда чироқ билан ичкари кирдим. Бу ётоқхона эди. У ерда иккита узун юмшоқ курси ва олд томондаги девор ёнида бир кишилик каравот турарди. Каравотга ҳарбийлар адёли ёпилганди. Мен чироқни кичкина столчага қўйдим-

да, машинага қайтиб чиқдим.

Аёлни уйга олиб, кириб, каравотга ётқиздим. Чироқ нурида кўзимга ранги ўчгандек кўринди, сочлари эса ёстиқ устига сочилиб кетди. Унинг ёши камида ўттизларда эди, ҳали ҳам гирт маст, ўзини билмас эди. Шу ёшга келиб ҳанча аёлни кўрган бўлсам, ҳали бунаҳа гўзалини учратмаганман.

Ақлни лол қилар даражада офатижон эди у. Мен елкамни қисиб қўйиб чироқни қўлга олдим. Умуман олганда, менга у ким бўлибди,

икки туғилиб бир қолганиммидики, ачиниб ўтираман.

Мен ўчокни ёкдим, кейин бориб кудукдан икки пакир сув олиб келдим. Бу вактда тонг отиб колди, эски уйнинг мўрисидан очик осмонга кўкиш тутун ўрлай бошлади. Чикиб, уйнинг бошка томонидаги саройга машинани тикиб, кулфлаб кўйдим. Кейин егуликка нималар колганикин деб карай бошладим.

Омборхонада бир нечта банка консерва бор экан, идиш-товоқ жавондан ун ва бошқа баъзи бир нарсаларни топдим. Қаҳва қутисини очиб, човгумга бир дамлам солдим, сув қуйиб, ўт ёқдим, кейин тарашанинг чирсиллаб ёнишини томоша қилиб ўтирдим. Шу он бирдан итдай чарчаганимни ҳис қилдим. Тўгри-да, мана шундай огир тунни ўтказиб чарчаш унчалик ажабланарли бўлмаса керак. Юзимни силаб, соқолим ўсиб кетганини сездим. Орқа деворда осилиб турган ойнак олдига бориб қарасам, башарам ўгри, саёқ одамларга ўхшаб қолибди.

Омборхонага кириб, соқол оладиган асбобларни қидириб топдим. У ерда устара ва бир нечта писка бор бўлиб, кўпиртирадиган махсус совун йўк экан. Юзимни сув билан ишқалаб, соқолимни олдим, кўйлагимни кийиб, бўйинбогни тақдим. Шундан кейин сал

одамбашара бўлдим.

Бу вақтда қаҳва қайнаб, ёқимли ҳид тарала бошлади. Бир пиёла қуйиб, сигарета тутатдим. Ташқарида қуёш чиққан эди. Кечадан буён булиб ўтган ҳодисаларнинг ҳаммаси гуё тушда кургандек бир-бир куз олдимдан ута бошлади.

Боз устига мен қонунни бузган ҳодисалар энди ҳизиҳ туюлмаётган эди. Бошҳа нарса — мени бирон нима ҳилиб топиб олишлари-ю, ўлдириб юборишлари мумкинлиги ташвишга солаётган эди. Лекин энди бу ҳам ҳўрҳинчли ҡўринмаётганди.

Мен пул ҳақида, пул бўлганда ҳам мўмай пул ҳақида ўйлай бошладим. Шундоққина қўлни чўзиб, уни олиш қолганди, холос.

Ха, миссис Батлер пул қаердалигини аниқ билади, мен эса, уни гапиришга мажбур қилишим шарт. У бошқа хонадаги каравотда ётар, фақат орадан икки соат ўтгандан кейингина сал қимирлаб қўйди, афтидан, уйгонибди. Энди ўзимни кўлга олишим керак. Хамма нарса бу ёги қандай кетишига боглиқ. Мен қўлимга вискили стакан олиб ётоқхонага кирдим.

БЕШИНЧИ БОБ

Кирсам, миссис Батлер каравотда бошини чангаллаб ўтирарди. Мен биринчи бор унинг кўзларини кўриб, Диана Жеймс кўзлари мастона хумор боқади деганда гапининг замирида нималар ётганини энди тушуниб етдим.

Аёл менга тикилди.

- Салом, дедим ва пиёлага хийла кўпрок виски куйиб узатдим.
- Кимсиз? деди у ёқ-бу ёққа аланглаб. Бу ерга қандай келиб қолдим?
- Аввал бир култум бошогрик килинг, дедим. Ё кўнглингиз кахва тусаяптими?

Мен унинг нимани хоҳлаётганини жуда яхши билардим, қаҳвани одоб юзасидан таклиф қилдим.

Пиёлани қўлига олди. Мен шишанинг оғзига тиқинни тиқдим-у, нариги хонага олиб чиқиб кетдим, кейин аёлнинг олдига қўлимда совуқ сув, сочиқ ва сумкасини олиб, қайтиб кирдим. Буларни столга қуйиб, уни каравотига яқин сурдим. У буларга қайрилиб ҳам қарамади.

Саволимга жавоб берсангиз-чи, ахир, талаб қилди у. Мана

бу каталакка қандай қилиб келиб қолдим?

О! – дедим. – Эслолмаяпсизми?

- Мутлақо. Ундан ташқари, сизни ҳеч ҳачон ҡўрмаганман. Кимсиз ўзи?
- Хозир айтиб бераман. Унгача сал ўзингизни тартибга келтириб олмайсизми?

Мен кирювични сувга ҳўллаб узатдим. У билан юзларини артди, сочиқ тутдим. Кейин сумкасидан тароқ топиб бердим-да, қандай таранишини кузатиб турдим. Кундузги ёругда қарасам, унинг соч қора эмас, балки қизгиш экан.

Қахвага қалайсиз? – деб сўрадим.

У ўрнидан туриб эрталаб кийиладиган ҳаво ранг халатини қўли билан текислади. Мен кўзим билан эшикка имо қилдим. Унинг кетидан мен ҳам нариги хонага йўналдим. У мен кўрсатган стулга ўтирди. Қаҳва қуйдим. Сигарета бериб, олов тутдим. Кейин рўпарасига келиб стулга ўтирдим-да, елкасига кўлимни қўйдим.

У менга қайрилиб ҳам қарамади.

 Энди, марҳамат қилиб, бу ерга қандай қилиб келиб қолганимни гапириб беринг,— саволини такрорлади.

Мен қовоғимни солдим.

- Хеч нимани эслолмаяпсизми?
- Хеч нимани.
- Мен келгунимча ҳам нима бўлгани эсингизда йўҳми?
- Нима демокчи бўлаётганингизни умуман тушунолмаяпман,— жавоб берди аёл.— Э, худойим-ей, айтсангиз-чи ахир, кимсиз ўзи?
- Бартон,— деб ёлғон гапирдим.— "Глоб" суғурта компаниясидан Жон Бартонман. Хўш, энди эсладингизми? Мен, тўгрисини айтсам, ўзимизнинг Канзас Ситидаги корхонамизда ишлайман, мен илгари

Санпортга якин жойда ишлаганим ва бу атрофни яхши билганим боис, бу ишни менга топширишди.

Бу гап билан чўпчакларимни давом эттирмокчи бўлдим. Хали у батамом ўзига келмаган, шундай бўлса хам оқни қорадан ажрата оладиган ва мен "Глоб" сугурта компаниясининг ходими Бартон эканимнинг фахмига етадиган холатда эди.

"Мен сизга хужжатларимни кўрсатдим. Сиз эса буни эслаб қоладиган даражада эмасдингиз, ғирт маст эдингиз", деб

ишонтиришим керак.

Лекин аёл барибир ишонмади.

Бунақа суғурта компанияси борлигини эшитмаганман, деди у. – Сизни бўлса, умримда кўрмаганман. Гувохномангиз борми, кўрсата оласизми?

Сурбетлик билан ёлгонни қалаштириб ташлайвердим. Мабодо ёлғонларим фош бўлиб қоладиган бўлса, бир мирилик одам бўламан.

Албатта, – деб жавоб бердим.

Узимни гувохнома қидираётгандай қилиб кўрсатдим. Кармонимни очиб қоғозларни титкилай бошладим. Кейин дуч келган қоғозни узатдим-да, дарров сўрадим:

– Сиз жилла қурса қиёфаси, кўриниши қандайлигини эслаб

қолдингизми? Новчами, паканами, семизми, ё ориқми?

Аёл хайрат билан менга тикилиб туриб сўради:

Кимни айтяпсиз?

– Ўша сизни ўлдирмоқчи бўлган эркакни-да. Мен келишимдан сал илгари.

Шу гапнинг ўзи етарли бўлди.

У кўзларини катта-катта очиб менга қаради. Унинг кўзларида қўрқув аломати зохир бўлиб, аломат бир зумда йўколганини сездим. — Мени-я? Ўлдирмокчи бўлдими?

– Қоп-қоронғи эди, – дедим. – Сизга ташланишдан олдин ўзича бир нималар деб ғўлдиради. Унинг овозини эслаб қололдингизми?

Нима тўгрида гапираётганингизни тушунолмаётибман,—

гапимни бўлди у.

Савол беришни тухтатмай кармонимни ёпдим.

 Сиз уйингизда пластинка кўйиб эшитиб ўтиргандингиз. Уйингиз олдидаги майсада сизни топганимда қулингизда пластинка бор эди. Менимча, қулингизда нима борлигини англаб етмадингиз, лекин уни менга бермадингиз. Махкам сиқиб ушлаб олгандингиз. Алжираб гапирардингиз, аввал сўзларингиздан хеч нимани тушунмадим.

Аёл бошини сарак-сарак қилди.

Хеч нимани эслолмайман, – деди у. – Яхшиси, бир бошдан гапириб беринг.

Хўп бўлади.

Мен сигарета тутатдим.

Аслида сиз билан гаплашмоқчи бўлиб келувдим. Санпортдаги идорамиз изга тушган ва буни менга топширган эди. Бу ҳақда кейинрок гапириб бераман. Мен ярим кечада автобусда Санпортга келиб тушдим-у, мехмонхонадан сизга қўнғироқ қилдим. Телефон рақамингиз банд бўлди. Бироздан кейин яна телефон қилдим. Яна банд эди. Шундан кейин такси ёллаб уйингизга келдим. Машина фарасининг ёругида сизни уйнинг йўлагида кўриб қолдим. Сиз кўча эшигидан чиқиб, гараж томон чопиб кетдингиз. Мен машинадан тушдиму, югуриб бориб сизни ушладим ва майсага ўтқаздим. Бир қўлингизда сумка, бир қўлингизда пластинка, қўрқувдан дағ-дағ

қалтирардингиз. Хонамда шам ёруғида пластинка қўйиб ўтиргандим, бирдан орқамга ўгирилган бир эркак турибди, дея бор овоз билан ҳарсиллаб узуқ-юлуқ гапирардингиз. Мен ўзингизни босиб олишни, кейин нима бўлганини бир четдан батафсил гапириб беришингизни сўрадим. Сиз бўлсангиз нуқул битта гапни: бир эркак орқамдан келдию, қўлида бир нима билан менга ташланди, деявердингиз.

Афтидан сиз ундан қандай қилиб қутулишни билмасдингиз. Мен уйга кирайлик-чи, деб таклиф қилганимда қўрқувдан яна дағ-дағ қалтирадингиз. Уйга кириш учун сизни ҳечам кўндиролмадим. Фақат машинага ўтириб, қаёққа бўлса шу ёққа қочишга интилардингиз. Мен қўшниларни уйғотиб юборасиз деб қўрқдим. Ниҳоят, бирга машинага ўтирдиг-у, шундан кейин нима қилишимни, қаёққа олиб кетишимизни тасаввуримга сиғдиролмадим. Шаҳар меҳмонхонасига жойлай олмайман, чунки у ерда сизни кўпчилик танийди. Тезда ухлаб қолдингиз, миямга ярқ этиб бир фикр келди ва сизни бу ерга олиб келдим. Мана шу жой бир овчилик клубига қарашли уй. Мен Санпортда ишлаётганимда унга аъзо бўлиб қўйган эдим. Йилнинг шу фаслида бу ерда ҳеч ким бўлмаслигини яхши билардим. Вазиятдан қутулиш учун энг қулай жой деб шу ерни танладим. Бу ерда ўзингизни босиб олиб, ҳамма гаплар ҳақида хотиржам келишиб оламиз.

Қани энди ўша эркак ҳақида жиндай бўлсаям бирон нимани эслаганингизда, жуда омади иш бўларди-я! У сизни ўлдирмокчи бўлди, у бу ҳабиҳ ниятини амалга ошириш учун бошҳа уринмайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Аёл бироз жим турди, кейин менга тикилиб туриб сўради:

- Мен билан нима ҳаҳда гаплашмоҳчийдингиз?
- Эрингиз ҳаҳида.
- А-ҳа,— хўрсинди у .— Афтидан, сиз менга яна ҳар хил саволларни бермоқчига ўхшайсиз. Бу ҳақда жавоб беравериб...

Чуқур нафас олдим. Йш олға босаётгандек эди.

- Бу гаплар сизга нақадар кўнгилсиз эканлигини жуда яхши биламан. Савол бериб жонингизни ҳиҳилдогингизга келтириш менга ҳам нокулай. Лекин шунга мажбурман. Шундай бўлса ҳам менинг маҳсадим полицияникидан мутлаҳо бошҳача. Полиция эрингизни ҳидиряпти.
 - Сиз бу иш билан шуғулланмайсизми?

Мен ўйланкираб чекаётган сигаретамга тикилдим.

— Йўлига шуғулланамиз.

– Буни қандай тушуниш мумкин?

- Миссис Батлер, сиз билан очиқ гаплаша қолай. Менинг мақсадим пулни топиш. Қандай йўл билан топилади, унинг аҳамияти йўқ. Банк суғурта қилинган, агар пул топилмаса, ўша суммани банкка биз тўлашимиз шарт. Бу иш бўйича бизни қизиқтираётган нарса мана шу.
- Сизга жоним билан ёрдам берган бўлардим. Балки, сиз ишонмассиз, лекин мен полицияга нима деган бўлсам, ўшани қайтараман.

Мен индамай кутиб турдим.

Аёл яна хўрсиниб қўйди.

— Бўпти. Эрим банкдан уйга қайтиб келгандан кейин Луизадаги қайсидир бир кўлда балиқ овлайман ва якшанба куни кечқурун келаман деб айтди. Кўлида пул ҳам, шунча кўп пул солинган нарса ҳам йўқ эди. Агар у ростдан ҳам пулни олган бўлса, эҳтимол, машинада қолдиргандир. Уйдан, одатда, балиқ тутадиган лаш-лушларини ва

қармоқларини олди. Қўлида ҳеч қанаҳа чамадон йўҳ эди. Якшанба куни кечҳурун ҳайтиб келмаганда, албатта, хавотир бўлдим, лекин яна бирон кун дам олмоҳчи бўлгандир-да, деб ўзимни юпатдим. Душанба куни эрталаб банк директори келиб менга...

Аёл қўлларига тикилиб, гапдан тўхтаб қолди.

— Эрингиз нега бундай қилганини, бундай ҳатти-ҳаракати замирида нималар ётганини ўйлаб кўрмадингизми?

У бироздан кейин жавоб берди:

Йўк.

Мен ковогимни солиб, сигаретимга караб турдим-да, кейин бирдан

бошимни кўтариб, унга тик қарадим.

— Биз бу холатнинг тагига етганмиз,— дедим,— сизга айтишга истихола қилиб турувдим. Жуда кўнгилсиз гап. Барибир бу ҳақда сизга очиқ-ойдин айтишга мажбурман.

– Нима гап экан?

- У бошқа бир аёл билан қочиб кетмоқчи бўлган.

Ёлғон!..

— Афсуски, миссис Батлер, буни сизга гапириб беришимга тўгри келади. Буни Санпортдаги ходимимиз аниклабди. Аёлнинг оти Диана Жеймс экан, ҳарҳолда у ўзини шундай деб атабди. Унинг уйи Санпортда, эрингиз уникига бормокчи, у эса эрингизни яширмокчи бўлган экан.

Ишонмайман.

– Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Унда мен билан гаплашиб ўтириб вақтингизни бекорга ўтказяпсиз, — деди у. — Агар шу гап рост бўлса, демак, эримни биладиган яккаю ягона одам мана шу Диана Жеймс.

 – Йўқ, – деб эътироз билдирдим. – Бу иш сиз айтгандек у қадар жўн эмас. У эрингизни бекорга кутибди. Келмаган. Бунга жуда

дахшатли нарса сабаб бўлган.

Аёл олазарак бўлиб менга қаради.

– Қандай?

- Миссис Батлер, сизга ич-ичимдан ачинаман, лекин эрингиз

ўша шанба куни ўлдирилган.

Аёл ўрнидан турмоқчи эди, бўшашиб оёклари измига бўйсунмади. Мен уни бошқа хонага олиб чиқиб каравотга ётқиздим. Бир оз муддат ўтиб кўзини очди, лекин қимирламай шифтга қараб ётарди.

Мен қайтиб келиб, стаканга озгина виски қуйиб узатдим.

– Ичинг, – дея стаканни тутдим. – Бироз енгил тортасиз.

У ўрнидан туриб, ўтириб юзига тушган сочларини орқасига олиб ташлади. Кейин вискини ичди-ю, қалтираб кетди.

— Сиз буни тасаввур қилишингиз керак эди, — дедим. — Умуман олганда, унинг гойиб бўлганига орадан икки ой ўтди, полиция бўлса, бутун штатлар бўйлаб қидириб юрибди.

Эҳтимол, шундайдир, – фикримга қўшилди у. – Мен бу ҳақда

умуман эслагим ҳам, ўйлагим ҳам келмайди.

Мен стулга ўтириб, сигарет тутатиб узатдим. У олиб бир тортдию, сигаретани унутди.

- Энди сиз воқеалар ривожи бошқа томонга бурилиб кетганини тушунишингиз керак. Полиция энди эрингиз эмас, унинг қотилини излаяпти. Аниқроги, улар қидиришни Диана Жеймс ҳақидаги гапни билгандан кейин бошлайди. Мен бўлсам пулни қидиряпман. Сиз билан нима учун гаплашмоқчи бўлганим энди сизга равшан бўлгандир? Эҳтимол, бу борада менга сиз ёрдам бера оларсиз?
 - Қандай қилиб?

- Дейлик, илгари сизга аҳамиятсиз бўлган айрим нарсалар энди ҳал ҳилувчи аҳамиятга эга бўлганини. Эҳтимол, бирон кимса эрингизнинг ниятини билишга интилгандир. Дейлик, Диана Жеймс ҳаҳида билган одам. Ундан рашк ҳилган кимса. Менимча, у биронтаси билан юрган бўлса, бошҳаси билан ҳам дон олишиб юриши эҳтимолдан холи эмас деб ўйлайман.
- Менга маълум бўлишича, унинг бошка хотини хам бор эди,— деди у.— Хўп. Давом этинг, давом этинг.
- Ишонинг менга, миссис Батлер, бунинг менга заррача дахли йўқ. Менга пулни топиш топширилган. Полиция қотилни топиш ва суд учун далил-исботларни йигиш билан овора.

Мен бироз тўхтаб яна давом этдим.

- Ишнинг бу жиҳати мени қизиқтирмайди. Биз ўз ишимиз билан шуғулланамиз. Эрингизни пул учун ўлдиришганларига ишонмайман. Бунинг асл сабаби рашк, пул бу ерда ҳеч қандай аҳамиятта эга эмас. Бу ҳол мени мутлаҳо ҳизиҳтирмайди. Биз пулни топишимиз кераҳ, пул ҳўлимизга тушган заҳоти биз учун иш ниҳоясига етади. Тушунаяпсизми буни?
 - Агар тополмасангиз-чи?
- Унда биз зарур чораларни кўришга мажбур бўламиз ва охирокибатда энг ёмон одмалар қаторига кириб қоламиз.

Аёл бошини иргади.

- Сизларга одамларнинг хис-туйгуси бегона экан.
- Мен сизга бошида айтдим-ку, бу менинг хизмат вазифам. Мен ишдан бошқа вақтларда ўз туйғуларимга эрк бераман.

Аёл индамай диққат билан менга тикилиб тураверди.

Мен эгилиб, унинг қўлларини ушладим.

- Келинг, мақсадга кўчайлик. Агар эрингиз ўлдирилмаган бўлса, топиш унча қийинчилик туғдирмаган бўларди. Агар рашкчи аёл ақлини еб қўйиб, уни ўлдирмаганда, биз пулни аллақачон топган бўлардик. Хеч қандай сабабсиз ишни бир ўзи шу қадар мураккаблаштириб юборган, оқибатда пулдан ўзиям фойдалана олмайди. Ўша аёл кимлигининг тагига етганимда кейин бошига қиёмат кунини соламан. Агар эси борида калласини ишлатиб этагини ёпса, бу азоблардан қутулиб қолиши мумкин. Бунинг йўли осонлигини энди тушунгандирсиз?
 - Ҳа,– деб жавоб берди у.– Бунинг йўли жуда осон экан.

Миссис Батлер хандон ташлаб кулди, кейин башарамга тарсаки тортиб юборди.

ОЛТИНЧИ БОБ

— Шунақа,— деди у,— сизнинг саволларингизга мана шундай йўл билан жавоб бердим. Жавоб қайтармайсизми сиз ҳам? Нимани пишириб қуйганди сизга менинг уйимда?

Мен эсанкираб қолдим. Унинг шапалогисиз ҳам ҳолатимни сақлаб,

ўзимни йўқотмай туришим нихоятда мушкул эди.

– Сизга берадиган жавобим мана шу.

Унинг сурмаранг феруза кўзларида саросимадан асар ҳам йўҳ эди.

- Бу гапларни қуя турайлик. Сизнинг гапингиз буйича қулимда граммпластинка, майса узра гуё югуриб кетганмишман. Бунақа ёлғонни қаердан уйлаб топдингиз? Буни бир нарса билан изоҳлаш мумкин: сиз менинг ётоҳхонамга чиҳҳансиз, пластинка ҳуйиб утирганимни ҳургансиз.
 - Менга ишонмайсизми?

— Йўқ, албатта. Мен нима бўлганини аниқ биламан. Ухлаб қолгандим. Агар алдаяпти деб ўйласангиз, мен эшитган пластинка қанақалигини ҳатто аниқ айтиб бера оламан. Бу Генделнинг "Сув мусиқаси" эди. Тўгрими?

Мен қаердан билай.

— Ҳа, ҳақсиз, қаердан ҳам билардингиз! Қани, энди тўгрисини айтинг-чи, кимсиз ўзи, сизга мендан нима керак? Устаси фаранг тамаъгирлик қўлингиздан келмас экан.

Аста-секин ўзимга кела бошладим.

— Такаббурлик сизга ярашмас экан. Машинангизни бировнинг эмас, Диана Жеймснинг эшиги олдидан топилганига полиция қизиқиб қолса, нима деб жавоб берасиз?

Шунақа эканми? – деди у.Бу сизга беш қўлдек аён.

Аёл бошини қимирлатди.

– Йўқ. Бу ерда, менимча, тўқилган қандайдир сир бор.
 Шундаймасми?

Қизиқ, мен унинг гапига ишондим. Жилла қурса, сўнгги гапида

мантиқ бор эди.

- Аста-секин тушуниб бораяпман,— деди у паға-паға таралаётган сигарета тутуни орасидан ўйланқираб менга боқаркан.— Дугонажоним мисс Жеймснинг ишлари қалай экан? Ўйлашимча, соғ-омон юрган бўлса керак?
 - Диана ҳам сизни яхши кўрса керак.

Миссис Батлер кулиб юборди.

— Биз иккимиз бир-биримизни "жуда яхши" кўрамиз. Мебелларимни тилка-пора килиб ташлаётган одамларини юборишни бас килса яхши бўларди.

Тилиб ташланган ёстик билан диванлар хаёлимга келди.

Сиз ўйлайсизки…

 Фақат мен унинг биринчи жазманиман деб хаёл қилманг. Мисс Жеймснинг биринчи жазманиман деб ўйлаш бориб турган лақмалик

бўларди.

Мен индамадим. Миямда гужгон ўйнаётган фикрларимни бир жойга тўплаб олишим керак эди. Демак, уйини кимдир биров титкилаганини яхши билади, лекин бу ҳақда бирон жойга хабар қилишга, яъни бировга айтишга ҳайиққан. Демак, мен адашмабман. Бу унинг ҳам ҳандайдир шалтоги борлигига ишора эди. Шунинг учун мени бирон нимада айблай олмайди.

У менга масхараомуз қаради.

- Демак, сиз уйимни кидирмокчи бўлгансиз. Нимага кидирмадингиз?
 Сизга халақит қилолмасдим, маст уйқуда ётгандим.
 - Менга халақит қилди, жавоб бердим.
 - Ким?
 - Сизни ўлдирмокчи бўлган ўша киши.
 - Э худойим, ашулани бошидан бошладингизми?
 - Энди гапимга қулоқ солинг.

Мен воқеа аслида қандай булған булса, туғрисини гапириб бердим.

- Гапимга ишонади деб хомтама бўляпсизми? сўради у.
- Сизни ишонтиришга уринмайман, бунга мажбур хам

қилолмайман,— деб жавоб бердим. — Агар сиз... Гапдан тўхтаб қолдим. Шу он ёгоч кўприкдан ўтган машинанинг овозини эшитиб қолдик. Машина уйга келиб пешайвон яқинида тўхтади. Тормознинг гийқиллаган овози қулогимга кирди.

Афсус дегандай бошимни қимирлатиб қўйдим, миссис Батлерга қимирламай каравотда ўтира туринг, деб ишора қилдим, кейин қушни хонага чиқдим. Чўнтагида тўппонча турган костюмим хонанинг нариги чеккасидаги стулга илиб қўйилганди. Эшикнинг ёнидан ўтаётиб, кўз қири билан келган машинага назар ташладим. Унинг ичида бир қиз ўтирарди. Аста чиқиб, машинани айланиб ўтдим-да, ҳайдовчи ўриндигига яқинлашдим. Қиз табассум қилиб қўйди. У жуда латофатли, фариштадай маъсум бўлишига қарамай, кўзлари совуқ боқарди.

Салом, – деди қиз аста, – Жуда хунук иш бўлди-да, афтидан,

адашиб бошқа жойга келиб қолганга ўхшайман.

– Тўгри, – дедим.

Бу ер энг яқин йўлдан ўн икки километр, катта тош йўлдан эса ўттиз километр нарида эди.

– Қаерга бормоқчи эдингиз?

— Бир чайлага, — деб жавоб берди қиз ва яна одамни бехузур қилувчи ширин табассум ҳадя қилиб қўйди.— Гиллепс деган одамникига. Менга йўлни тўгри кўрсатиб беришган эди. Лекин тасодифан адашиб қолдим. Жуда бемаъни иш бўлди-да. Энди қаерга боришни билмай турибман.

Эҳтимол, шундайдир, лекин бидирлаб гапиришию ширин табассуми олма-кесак тераётган кўзларига сира мос келмас эди. Бу гўзал хоним бирон нарса қидиргандай, нуқул атрофга алангларди.

— Радиодан таралаётган мусика тўхтаб, сухандоннинг гапи эшитила

бошлади. Энди унинг гаплари қулоғимга кирмасди.

– Дарвоза орқали ўтиб кетишингизни сизга яхшилаб

тушунтиришмаганмиди? – деб сўрадим.

— Ҳа, дарвоқе, дарвоза орқали эди. Бошлигимиз мистер Кремир мистер Гиллепси ошхона плитаси сотиб олганда навбатдаги бадални тўламаганини билиб қолди. У плитани машинасига ортибдию жўнаб қолибди.

Мистер Кремернинг уйи дарвозадан ўтгандан кейин яна икки километр юриш керак дегани аниқ эсимда. Сиз мистер Гиллепси эмасмисиз? Йўк, унинг кўриниши мутлақо бошқача эди.

Йўқ, менинг фамилиям Гревс, деб жавоб бердим.

балиқ овлагани келганман.

— Ростдан-а? — деб сўради у менинг оқ кўйлагим билан галстугимга қараб қўяр экан, — Мана шу кийимда балиқ овламоқчимисиз? Менинг акам балиқ овига чиққанида, одмироқ кийимларини кийиб оларди...

— Мен ҳозир келиб турибман,— тушунтирдим.— Беш даҳиҳа бўлди. Унинг гаплари тўла ишончли эди. Эҳтимол, ростдан ҳам Гиллепсини ҳидириб келиб адашиб ҳолгандир. Лекин унинг ҳўзлари-чи.

Назаримда айикнинг темирдай панжалари умурткамдан юкорига силаб келиб, икки елкам орасида тўхтагандай бўлди. Бу сухандоннинг овози эди. У Батлернинг фамилиясини айтиб гапира бошлади.

— Бир ўзингиз балиқ тутмоқчимисиз — деб сўради гўзал қиз.

Мен машинанинг ёнида кунгайда туриб, ҳам радионинг овозини эшитар, ҳам манави манжалақининг гапига жавоб берардим. Шу билан бирга бу ҳиз ростдан ҳам анҳовми ёки бир нимани билиб олмоҳчими, бу ҳаҳда ҳам бир ҳарорга келишим ва ниҳоят радиодан берилаётган эшиттиришга ҳизиҳиб ҳолганимни сездирмаслигим керак эди.

"Саккизинчи июнда гойиб бўлган банк хизматчисининг йигирма уч ёшли беваси Маделина Батлер..."

Бева... демак, улар мурдани топишибди-да.

"Ўзининг ҳаворанг "Кадиллак"ида яширингани эҳтимол тутилаётган миссис Батлер..."

- Бу ерда машина кўрмаяпман-ку, деди гўзал хоним. Қандай килиб келдингиз?
- "... қотиллик муносабати билан қидириляпти. Қидирув бутун Штатлар бўйича эълон қилинган, миссис Батлернинг шахси, машина рақами эълон қилинган..."

"Жип"да келганман, — жавоб бердим. — Саройда турибди.

"... Кеча кечқурун мурда топилди, лекин ўгирланган пул йўк.

Полиция аниқ биладики, яшириниб юрган миссис Батлер..."

Эҳтимол, ўша одам буни эшитган ва миссис Батлерни ҳибсга олишларини билган. У бунинг олдини олмоқчи бўлган, лекин ҳалиям шу аҳдидан ҳайтмаган. Гўзал хоним, демак, йўлдан адашмагани аниҳ. Уни иложи борича тезроҳ жўнатиб юбориш керак.

- ... бир қултум сув беринг, - қиз шундай деб кулиб қуйди.

У уйга кириб текшириб кўрмоқчи бўлди. Мен ҳам кулиб қўйдим.Хўп бўлади, асал ҳиз. Сувни нима ҳиласиз? Вискига ҳалайсиз?

Тун булади, асал қиз. Субий нима қиласиз. Вискина қаланей Шундай деб ойнага эгилиб, куйлагининг этагини кутардим.

— Афтидан, тиззангизда чумоли юрганга ўхшайди,— дея ялангоч сонини силаб қўйдим.— Юринг уйга, асал қиз, бир маишат қилайлик.

Унинг оғзидан чиққан "вой" деган сўз шундай совуқ, тўппонча ўқидай қаттиқ эшитилди. Зудлик билан унинг машинани юргизиб, жуфтакни ростлашдан бошқа иложи қолмаган эди. Шундай қилди ҳам.

Мен чуқур нафас олиб узоқлашиб кетаётган машинанинг орқасидан қараб қолдим. Қиз сайхонликдан ўтиб, ўрмонда кўздан гойиб бўлди. Кейин тепаликка кўтарилишида машинани иккинчи тезликка олгани эшитилди. У тўхтагани йўқ, аста-секин машинанинг хам овози тинди.

Эҳтимол, эркак киши ўрмон ичида қаердадир қўлида тўппонча билан биқиниб тургандир, эҳтимол, шаҳарда қолиб қизни текшириш учун бу ерга юборгандир. Буни билиш жуда осон: бунинг учун жойимдан қимирламаслигим ва отилган ўқ калламни тешиб ўтишини кутиб туришим керак. Зудлик билан уйга кирдим.

Маделина Батлер ётоқхонадан чиқиб, шиша турган столнинг олдига

келди. Кейин ўгирилиб менга қаради.

Радиони эшитдингизми? – деб сўрадим. У бошини чайқади.

Кеча эшитишим керак эди!

 Яхшиси, ўтиринг. Столнинг нариги четига. Кўчадан биров кўрмасин. Озгина отиб олинг. Асқотади.

Батлер ўтириб:

- Нима бўлди? деб сўради.
- Эрингизнинг мурдасини топишибди. Полиция энди сизни кидираётганмиш.

У озгина виски қуйди, кейин табассум билан менга қаради.

– Муаммо туғдириб, ундан роҳатланишни яхши кўрар экансиз, тўгрими?

Кўнглингизда мени алдаяпти деб ўйлаяпсизми?

Албатта. Машинада келган ким, сизга қандай янгиликларни олиб келди? Шеригингизми?

Мен стулда сайхонликка қараб ўтириб олдим.

— Менга қаранг, мушкул аҳволга тушиб қолибсиз. Ҳеч ким менга янгилик олиб келгани йўқ. Радио орқали эълон қилди. Машинада радио бор экан. Эшитиб қолдим. Полиция сизни қотиллик муносабати билан қидиряпти. Полициягина эмас, машинада келган қиз ҳам излаяпти.

Мен унга бор гапни очиқ-ойдин баён қилдим.

Маделина гапларимни зерикиб турган қиёфада тинглади. Аҳамият қилган нарсаси шу бўлдики, сумкачасидан ойнак ва лаб бўёқ чиқариб, лабларини бўяди. Мен уни кузатиб турдим. У ўзига етганча калондимог ва такаббур эди. Агар бир зум ундан кўзни олиб яна қаралса, одам боласининг бу қадар гўзал бўлиши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Ҳа, худо уни шу қадар гўзал бир хилқат қилиб яратган эди.

— Мен тайёр, — деди у, — энди шахарга қайтишимиз мумкин.

Менга халиям ишонмаяпсизми?

У даструмолчаси билан лабларини артиб қуйиб, ойнакка қаради,

кейин менга ўгирилиб кулиб қуйди.

— Сиз жуда устаси фаранг экансиз. Ўзингиз тан олиб айтганингиздек, кулфбузар, ёлгончи, каззоб ва фирибгарсиз. Менга дўқ қилишга уриниб кўрдингиз. Ҳамма соҳа бўйича истеъдодингизга қойил қолса бўлади. Лекин гапингизга ишонтириш учун таклиф қилаётган нарсангиз, содда қилиб айтсам, мени таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. Тўгримасми?

Мен эгилиб унинг қўлини ушладим.

- Мен сизни ўгирлаб келдим буни унутибсиз.
- Шундай экан, нега полициянинг қўлига топширгингиз келмаяпти?
 - Ортиқча солиққа торттиргим йўқ, холос.
- Нималигини мен айтиб бераман сизга. Мени полиция қулига топширолмайсиз. Мени уз холимга қуйинг,— деди у.

Кенг енгли халатининг ичига қўлимни тиқдим-да, иккинчи қўлини хам махкам ушладим.

- Менга пул керак, унинг қаердалигини фақат сиз биласиз. Жонингиздан умидингиз бўлса, яхшилаб ўйлаб кўринг. Нариги дунёда сизга пул керак бўлмайди. Фақат менгина сизни химоя қила олишим мумкин.
 - Химоя? Кимдан?- деди у истехзо билан.

Мен афсус дегандай бошимни қимирлатиб, сигарет олиш учун уни қуйиб юбордим.

- Машинангизда радио борми?
- Бор. Нимайди?
- Унда мен рост гапираётибманми, ёлгонми, дарров билиб олиш мумкин. Янгиликни хар соатда такрорлаб туради. Эшитишимиз мумкин.
- Эҳтимол, гапирган бўлсаям керак. Бориб радиони бурай-чи, деди у.

Маделина сумкасини олиб, эшикка йўналди. Мен унинг нима қилмоқчи бўлаётганини дарров сезиб, орқасидан югурдим. Эшикка чиққанимда, у кўчада туриб калитни топиш учун сумкасини титкиларкан, машинани қидириб атрофга алангларди.

Шошманг! – қичқирдим мен.

У менга эътибор қилгани ҳам йуҳ. Ўгирилиб омборхонага ҳаради. Омборхона томон бир ҳадам ҳуйиши билан, худди бурон учириб юборгандай, ҳулидан сумка учиб кетди. Маделина чучиб, узидан икки метрлар наридаги пешайвонга учиб тушган сумкасига ҳараб ҳолди. Биз уйнинг деворига нимадир бир нарса ҳарсиллаб урилганини эшитдик.

Маделина турган жойида тош қотиб қолди. Бу бешотар милтиқнинг ўқи эканлигини, отаётган одам сайхоннинг нариги томонида икки юз метрлар чамаси узокликдаги ўрмон ёкасидан отаётанини дарров фахмладиму пешайвондан сакраб тушиб, унинг олдига югурдим. Маделинани маҳкам ушлаб, пешайвонга тортиб кетдим. Зинагача тўрт-беш қадамлар бор эди. Уни пешайвонга судраб чикдим, кейин қоқила-сурила уйга кириб, ўзимизни ерга ташладик. Шу он столдаги кахва пиёласи чил-чил бўлиб, парчалари устимиздан оша полга тўкилди.

Мен Маделинани дахлиздан нарига тортдим, кейин оёгим билан итариб, эшикни ёпдим. Эшик ёпилиши билан ўқ келиб эшикни тешиб

ўтди-ю, михда турган товага тегди. Това полга учиб тушди.

Кейин орага жимлик чўкди. Фақат Маделинанинг харсиллаб нафас олишлари эшитиларди. Биз полда ётардик, юзларимиз деярли ёнмаён эди. Унинг кўзларида қўрқув аломати кўринди. Энди бу кўзлар совуқ ва негадир ўйчан эди.

· Далиллар сизга етарли бўлса керак энди?— деб тиззалаб ўтирдим. У хам ўтирмокчи бўлди. Юзлари дағаллашиб кетган, ўқ ялаб ўтган бўйнидан қон сизарди.

– Жойингиздан қимирламанг, дедим.

Дераза томонга эмаклаб бордим. Чўккалаб дераза ромининг тешигидан ташқарига қарадим. Қуёш мўл нур тўкиб турган сайхонликда хеч ким куринмасди. Лекин бировнинг сайхонлик ортидаги ўрмон четида бешотарини тўгрилаб, пистирмада пойлаб тургани аник эди.

Балки, яқин келишга юраги дов бермаётгандир. У хеч бўлмаганда

энди қоронғи тушгунча кутади.

ЕТТИНЧИ БОБ

Лаънати иблис, деди Маделина.

У ўрнидан қўзғалиб, олдинги ва орқадаги деразанинг ўртасига туриб олди. Мен индамай бир сакраб унинг белидан ушладим ва биз баравар ерга қулаб тушдик. Йиқилаётиб, елкам билан тушдим. Шу он иккала дераза ўқ зарбидан парча-парча бўлиб кетди. Майдаланган ойна бўлаклари жангирлаб ерга сочилиб кетди.

Бу ёги қандай бўлди? — сўради у.— Аклингиз жойидами?
Маделена ёнимда ётар, мен гўзал жононни багримга олгандай, уни қучоқлаб олган эдим. Мен бир қўлимни бўшатиб, кўриб қўйсин дегандек халатидан ойна парчасини олиб курсатдим-да, ташқарига отиб юбордим. У кўзларини катта-катта очиб қолди.

Эх! – деб юборди Маделина.

 Агар яна ўққа нишон бўлишни хохлаётган бўлсангиз, аввал менга пулни қаерга яшириб қуйганингизни айтиб қуйинг, – илтимос қилдим. – Энди у сизга керак бўлмайди.

Энди нима қиламиз? – сўради у.

- Яна бир бемаъни ҳаракат ҳилмайдиган булсангиз, бу ердан эсономон чиқишнинг йўли ўз қўлимизда. Жойингиздан қимирламай ўтира оласизми?
 - Xа.

Яхши.

Мен ўрмалаб бориб, иккала деразанинг ўртасида ўрнимдан турдим. Лип этиб ётоқхонага кирдиму каравотдан иккита адёлни олдим. Бирини ётоқхонанинг деразасига осдим, иккинчисини олиб орқа деразанинг олдида турдим.

- Юзингизни бирон нима билан тўсиб туринг, хозир ойна

парчалари сачрайди, - дедим.

Маделина юзини қўллари билан тўсди. Мен адёлни деразанинг устига ташладим. Адёл эски парданинг учли карнизига илиниб осилиб қолди. Олдинги деразанинг ойналари яна ўқдан чил-чил синди. Адёл кимирлаб кетдию, лекин карниздан узилиб тушмади. Унинг бир жойи тешилиб қолди.

Мен дарров атрофга қараб чиқдим. Орқа эшик қулфлог, деразага парда тутилган. Омборхонанинг деразаси ҳам, ташқаридан эшиги ҳам йўқ. Энди у уйнинг ичига қаролмайди, ҳарҳолда ўзимча шундай деб тахмин қилдим. Мен олд деразага ҳам парда илишим мумкин эди. Лекин бир томондан ташқарига ҳараб туриш учун жой ҳолдирдим. Уйнинг ичида ҳеч нимани кўрмай, ҳаммаёҳни беркитиб ўтиришни лозим топмадим.

– Энди турсам бўладими? – деб сўради у.

– Йўқ. Ўтираверинг.

Унга қараб, миямга бир фикр келди.

– Халатингизни ечинг, – дедим.

- Бундан бошқа бирон дурустроқ нарса ўйлаб тополмадингизми?
- Халатингизнинг ичида ҳам кийимингиз бўлса керак!

— Ҳа. Ич кўйлагим бор.

- Унда халатни ечиб, менга ташланг.

У елкасини қисиб қуйди-ю, халатини ечди. Ичкуйлаги кук, енглари узун ва кенг экан. Маделина халатини менга қараб отди. Мен олд деразага эмаклаб бордим, халатни олиб, чуққайиб дераза устидаги карнизга ташладим. Халат илинмай ерга тушди. Олиб яна отдим, бу сафар илиниб қолди. Энди уқ отилмади. Мен нари кетдим. Халат жуда юпқа, унинг орқасидан сайхонликни бемалол куриш мумкин эди. У ерда хеч қандай одам шарпаси куринмади.

– Бўлди, – дедим. – Энди бизни хеч ким кўролмайди.

Маделина ўрнидан турди.

- Энди нима қилмоқчисиз?
- Билмайман.

Мен костюмимнинг олдига бордим. Чўнтагидан тўппончани олиб ўкдонини кўрдим, иккита ўк колибди.

— Энди бу ерда қолишимиз мумкин эмас, деди Маделина.

- Нима қилиш керак демоқчисиз?

Мен тўппонча тепкисини қайтариб, белимга қистирдим. Шимимнинг чўнтагидан сигарета қутисини олдим, бўшаб қолибди. Костюмимнинг чўнтагидан бошқасини олишга тўгри келди. Очиб, Маделинага тутдим. Биз столга ўтирдик. Ўтирган жойимдан сайхонлик бемалол кўриниб турарди. Мен Маделинага сездирмай қараб қўйиб ўйлаб кетдим. Огир холатга тушиб қолгандик, лекин калламда астасекин бир фикр тугила бошлади. Хамма иш пулга, пул Маделинадами, йўқми шунга боглиқ бўлиб қолган эди. Мен эса, ундалигига юз фоиз ишончим комил эди. Бу ерда Батлерни ким ўлдирганлигини ўйлаб бош қотиришдан маъни йўқ, ҳалиги гўзал хонимми, ўқ узаётган одамми ёки иккаласи биргалашиб ўлдирганми — бунинг аҳамияти йўқ эди. Калламга келган бу ажойиб фикрдан шу нарса аниқ бўла бошладики, ким унинг эрини ўлдирганлигидан қатъи назар, пул Маделинада қолган.

- Омадингиз юришиб турибди,— дедим.— Хамма сизга қараб интиляпти: анави ташқаридаги йигиту юзлаб полициячилар.— Орқага суяниб оғзимдан тутун чиқардим.— Шунча хушторлари бор бўлган аёлга бир нимани таклиф қилсам бемаънилик бўлмасмикин деб ўйлаб қолдим.
 - Нимани таклиф қилмоқчисиз?
- Йўқ, бундан фойда йўқ,— давом этдим.— Агар сизда пул бўлмаса, бундан мутлақо маъни йўқ.

Маделина бошини қимирлатди.

— Ҳадеб пул ҳақида гапираверишни бас қилинг. Мен ўша Диана Жеймсга бир цент бергандан кўра, дўзахга тушганимни маъқул кўришимни тушунмаслигингиз кўриниб турибди.

Мен сигаретани қуйиб, Маделинага диққат билан тикилдим. Аёл зоти ҳар қанча тежамкор булганда ҳам гап унинг ҳаёти, улими туғрисида кетганда туғри фикр юритишига умид боғлаш қийин.

– Қуйинг, уша Диана Жеймсни оғзингизга олманг, – дедим. – У

ўйиндан чиққан.

Бу билан нима демокчисиз?

— Бор гапни айтдим-да. У бошиданок мени алдаган эди. Сизни Санпортда, бориб бемалол уйини тинтиб чикишингиз мумкин деганди. Мени тутиб олишлари мумкинлиги парвойига ҳам келмаган.

— Бу ҳали ҳаммасимас,— деди Маделина.— Менимча, бошингизга ҳандай кўргиликлар тушишини билмагансиз деб ўйлайман. Бир тасаввур ҳилинг. Дейлик, мен сизни тўсатдан кўриб ҳолдим. Сиз ҳўрҳҳанингиздан мени ўлдириб ҳўйишингиз ҳам мумкин эди. Шундай фожиа содир бўлиши мумкин эмасмиди, ахир?

Мен ўйланиб қолдим. Албатта. Мен бу қадар жиноятта қўл урадиган аблах эмасман, лекин Диана Жеймс шунақа бўлиб чиқишига умид

боғлаган.

– Хуллас, тушунарлими? – дедим. – Дугонажонингиз мисс Жеймс рўйхатдан ўчирилади.

— Шундай,— совуққонлик билан деди Маделина.— Энди менга хайрихох булмоқчимисиз?

– Ха, – деб жавоб бердим.

- Жуда таъсирланиб кетдим-да.

- Туйғуларингизни бошқа сафарга асраб қуйинг. Пул сиздами?

- Эхтимол, - жавоб берди у.

– Қаерда у?

– Мен "эхтимол" дедим, холос.

– Бу гап етарли эмас, – эътироз билдирдим, – очигини айтинг.

- Нега? Сиз менга кераксиз, мен сизга эмас.

—Қандай вазиятта тушиб қолганингизни ҳали ҳам англаб етмабсиз деб ўйлаяпман. Қоронғи тушиши билан мен бу ердан жуфтакни ростлайман, ҳалиги биродарингиз келиб биҳинингиздан дарча очиб ҳўйишига ҳеч ким тўсҳиник ҳилолмайди. Сиз эса бир юз йигирма минг долларга эга бўлган мурдага айланасиз-ҳўясиз.

Маделина хаёлга чўмиб, тўгрига қараб турарди.

- Менга нимани таклиф қилмоқчисиз?
- Аввало, пул сиздами, йўқми шуни аниқлаб олмоқчиман.
- Менда.
- Алдамаяпсизми?

Маделина менга совук бокди.

– Сизга шуни маълум қилишим мумкинки, пул менда.

Мен сигарета тортиб, унга шубҳа билан қарадим. Гапиришга шошилмадим. Озгина эзишнинг ҳам зиёни йўқ.

— Сиз тушган ҳолат ҳавас қиларли даражада эмас, — дедим ниҳоят. — Ҳар қанақасига қараб айтиш мумкинки, сиз деярли мурдасиз. Агар сизни мана бу йигит отиб ўлдирмаган тақдирда ҳам полиция қотилликда айблаб ҳибсга олади. Гўзаллигингиз боис шикоят қилсангиз, суд маслаҳатчилари жонингизга оро кириб, электр столида ҳатл ҳилинишингиздан асраб ҳолишлари мумкин. Сизни умрбод ҳамоҳҳа ҳукм ҳилишлари турган гап, лекин бунинг ҳам жилла

суюнадиган жойи йўқ. Ёлгиз ўзингиз қутулиб кетиш учун ҳеч ҳанаҳа имконият йўқ. Яшириниш учун на машина, кийиниш учун на кўйлак бор. Агар мен ёрдам берадиган бўлсам, тирик ҳолиш учун имконият яратилади. Тамоман деёлмайман, ҳарҳолда мингдан бир бўлса ҳам имконият тугилади.

Менинг таклифим қуйидагича: биз Диана Жеймс эрингиз билан нима қилишга аҳҳлашган булса, худди шундай қиламиз. Сизни бу ердан олиб чиқиб кетаман-да, шов-шувлар босилгунча яшириб қуяман. Сиз сочингизни маллами, сариқми рангга буяйсиз. Кейин ғарбий соҳилларгами ё бошқа бирон ёқҳами олиб бориб ташлайман. Шундай булишига, албатта, аниқ кафолат беролмайман, лекин уриниб қураман.

Маделина аста бошини қимирлатди.

- Бунинг эвазига нимани талаб қиласиз?

 Каттароқ пулга эга бўлишни. Дейлик, бир юз йигирма минг доллар.

У менга тикилди.

- Сиздан ҳамма нарсани кутгандим-у, лекин бу ҳадар виждонингизни ютишингизни кутмагандим.
- Бу пулга жуда осонлик билан эга бўляпти деб ўйлаяпсизми? Хаётимни гаровга қўйиб, қандай жиноятга қўл ураётганимни ўйлаб кўринг. Сизни қутқаришга киришганимдан бошлаб жиноятчилар қаторига қўшиламан. Бунга эса, катта пул эвазига қўл ураман.

– Демак, сиз мендан ҳамма пулни тортиб олмоҳчи бўляпсиз.

– Худди шундай. Агар яқин фурсатларда биронтаси бундан қулайроқ таклиф билан мурожаат қиладиган булса...

Мен ниманинг ҳисобига кун кўраман?

- Хамма қатори, бошқалар қандай яшаяпти? Иш қидириб топишингиз мумкин.
 - Қанақа иш? Умримда ҳеч қачон ишламаганман.
- Мен қаердан билай? Мен иш билан таъминловчи одам эмасман. Розимисиз, йўқми?

Маделина бир оз ўйлаб турди-да, кейин елка қисди.

- Яхши. Лекин пулни олганингиздан кейин мени ўз хоҳишимга ташлаб кетмаслигингизга қандай кафолат бор? Сизнинг бир сўзли йигитлигингизга ишонсам бўладими?
 - Бошқа иложингиз ҳам йўқ.
 - Келажагимиз жуда фаровон экан.
 - Хўш, пул қаерда? дея мийигимда кулиб қўйдим.
- Менинг ягона имтиёзим ҳам мана шунда,— кулимсираб жавоб берди у,— Пулга эга бўлиш учун сиз жилла қурса ваъдангизнинг бир қисмини бажаришингизга тўгри келади.
 - Пул қаерда?
 - Санпортдаги учта банкнинг пўлат сандигида.
 - Банкнинг пўлат сандигида?

Мен унга тикилдим.

- Э, худойим, у ердан қандай қилиб оласиз? Штатнинг ҳамма полициячилари сизни қидириб юришган бўлса!
 - Табиий, пуллар менинг ҳақиқий номимга қуйилмаган.
 - Э-ҳа, шунақа денг, калитлар қаерда?
 - Уйда.
 - Ўзингизнинг уйингиздами?
 - У масхараомуз кулиб қуйиб, бошини қимирлатди.
- Бу агар шу ердан эсон-омон чиқиб кетишнинг иложи топиладиган булса, қайта қопқонга тушдик, деган суз-ку!

— Ҳм,— деди у.— Бу хамирдан қил суғургандек осон битадиган иш эмас. Худди шунинг учун сизга ўхшаш жасур ёрдамчи керак. Шундай катта пул учун таваккал қилишингизга тўгри келади.

Куёш кўтарилди, хонанинг ичи исиб кетди. Мен жим ўтирганча ўйлашга тушдим. Охири ўрнимдан туриб, у ёқ-бу ёққа юра бошладим.

Лекин бир зум ҳам деразадан кўз узмадим.

Бир амаллаб бу ердан чиқиб кетишнинг иложини қилиш керак эди. Бунинг учун бизга машина керак. Маделинанинг "Кадиллак" идан фойдалана олмаймиз. Лекин нариги томонда бошқа машина, йигитнинг ҳам машинаси турган булиши керак. Лекин унинг қулида бешотари ҳам бор-да.

— Эҳтимол, у кетиб қолгандир? — тахмин қилди Маделина.

У ҳали ҳам столда ўтирар, ора-сира виски ҳўплаб қўярди.

— Кетмаганлиги аник.— леб жавоб берлим.— У кутиб ўти

Кетмаганлиги аник, – деб жавоб бердим. – У кутиб ўтирибди.
 Уйдан чикишимиз билан бизни отиб ташлайди.

Орқа эшикдан чиқиб яёв жўнасак қаердан билади?

— Сизнинг мана бу кийимингиз билан узоққа боролмаслигимизни жуда яхши билади. Агарда милтиқ билан пойлаб турмаган тақдирда ҳам "Кадиллак"ингиздан фойдалана олмаймиз.

У ўзига яна виски қуйди. Шиша деярли бўшаб қолган эди. Стаканни кўтариб шишага қараб қуйди.

– Энди буёги сизнинг муаммоингиз.

У пешайвоннинг олд томонида тураркан, бу ҳам кулгили, ҳам ҳайғули ҳолатнинг гуё ўзига дахли йуҳдай фаҳмлар, ҳатто озгина зерика бошлаган ҳам эди.

Кун қаттиқ исиб, дим бўлиб кетди. Кўйлагим этимга ёпиша бошлади.

Жахлим чиқиб, шишага қарадим.

Бас қилинг энди буни.

Маделина куз қири билан менга қаради.

 Яхшиси, ўз қилишингиз лозим бўлган ишни амалга оширишни ўйланг.

– Мен унинг олдига келдим-да, ичкўйлакнинг четидан тортиб

стулдан тургиздим.

— Бу ҳақда аввал сиз бош қотирсангиз яхши бўларди. Агар бу ердан чиқиб кетсак, мен икки ой полициядан яшириниб юришимга тўгри келади. Бу жуда қийин иш. Агар ҳадеб ичаверадиган бўлсангиз сиз билан бирга мениям расвойим чиҳади. Менга ортиҳча ташвишнинг кераги йўҳ. Бас ҳилинг виски ичишни.

Мадалена менга хира пашшага қарагандай қараб қуйди.

- Бўлдими? деди у. Унда дастпанжангизни олинг елкамдан.
- Буни унутманг, шундай деб эслатиб стулга қайта ўтқаздим.
- Бу бало-қазодан қандай қутулиб кетишимиз борасида бирон мулжалингиз бордир?
- Шу ҳақда ўйлаяпман. Ҳарҳолда овозингизни ўчириб турсангиз яхши бўларди.

– Жохил.

- Ким у, ташқаридаги йигит?
- Қаердан билай. Ўзини таништирмаган.

– Иигиштиринг майнавозчиликни. Ким у?

– Ростдан ҳам билмайман, бу билан ишингиз бўлмасин.

Жазманингизми?

- Намунча менга ёпишиб олдингиз?
- Батлерни ким ўлдирган? Икковингизми?

Маделина бўшлиққа тикилганча индамай қолди.

Бу аёл билан икки ой бўлсам — роса томоша бўларкан-да. Қани, кўрайлик-чи, ким олдин ақлдан озаркан.

САККИЗИНЧИ БОБ

Деразанинг олдига келиб ташқарига қарадим. Ойнаси синган деразанинг тўртбурчакли кўзидан қараганда, тўгрида ўша йигит яшириниб ўтирган бўлиши керак. Бу ердан туриб у уйни ҳам, йўлни ҳам назорат қилиши мумкин. Мен тепаликка қараб ўнг тарафда қўқҳайиб турган баланд дарахтни кўрдим. Афтидан, уни яшин урган бўлса керак. Мен ўшани мўлжалга олдим.

Нима қилмоқчисиз? – сўради Маделина.

 Сиз учун машина топиш тадоригини кўрмокчиман, деб жавоб бериб ок кўйлагимни ечдим.

Оқ куйлакда мени куриб қолиши осон. Омборхонадан битта кук куйлак топиб кийиб олдим, кейин туппончани белимга қистирдим.

Бу пайтларда Маделина мени тинимсиз кузатиб турди. Столда турган шишани олиб, қолган вискини полга тукиб ташладим.

— Жуда бўлмаганда ҳозир ҳушёр туришингиз керак,— дедим.— Гапимга қулоқ солинг. У фақат битта сабаб билан сизни отиб ташлаш учун бу ерга келмаган. Йигит менинг шу ердалигимни ва қўлимда тўппонча борлигини яхши билади. Бу унинг тўппончаси. Гапларимни эшитяпсизми?

Маделина индамай бошини кимирлатди.

— Хозир мен ташқарига чиқаман-да, яшириниб орқасидан боришга уриниб кўраман. Хозир орқа эшикдан чиқаман, у мени кўрмаса керак. Хавф шундаки, мени кўриб қолиши ҳам мумкин. Лекин мақсади сизни ўлдириш бўлгани учун мени отмайди. Ўзини мени кўрмаганга солиши ҳам мумкин. Кетишим билан сизни отиб ташлайди. Олдинги эшик қулф. Мен чиқиб кетишим билан орқадан тамбалаб қўйинг. Йўқ, яхшиси, омборхонада ўтира туринг, у ерда дераза йўқ. Унинг пешайвонга ёки деразага чиққанини сезсангиз, бор овозингиз билан қичқиринг. Омборхонада эшикни маҳкам беркитиб олинг. Агар тутун ҳидини сезсангиз ҳам иложи борича қаттиқроқ қичқиринг.

- Тутун деяпсизми?

У уйни ёқиб юборишга уриниши мумкин.

Афтидан, бу гаплар Маделинани унчалик чўчитгани йўқ.

О'кей, – деди у. – Менга шунча гамхўрлик қилганингиз учун

катта рахмат. Кўнглимни эритиб юбордингиз.

Эшикни очиб ташқарига чиқдим. Хеч нима бўлмади. Пешайвондан сакраб тушдиму энгашганча, кўл қиргогидаги бутазор томон илдам жўнадим. Бел мушакларим музлаб, қотиб қолди. Назаримда биров

мени милтик билан мўлжалга олиб турганга ўхшарди.

Мен бутазорга етиб бордиму яшириниб олдим. Юзларимнинг атрофимни чивинлар ўраб олган, бурунларимгача тап тортмай қўнарди. Аксиргим келиб қолди, бир амаллаб бурнимни ишқаб босдим. Калламни аста буриб, қирғоқ бўйлаб ўрмон четини назардан ўтказа бошладим. Хеч ким кўринмади. Ўгирилиб, кўлга қарадим. Кўл қуёш нурида ойнадай ялтирарди. Узокда бир қайиқчи гавдасини бир эгиб, бир кўтариб эшкак эшаркан, зилол сув юзи жимирлаб кетарди. Нариги қирғокда дарахтлар қорайиб кўринарди. Манзара нақ спорт анжомлари тайёрлайдиган фирманинг эълон тақвимига ўхшарди.

Буталар орасидан кўл қирғоғи бўйлаб кетдим. Ўнг томон билан ўрмалаб қайиқлар боғлаб қўйилган яккачўп кўприкка келдим. Энди

омборхонанинг орқа томонида эдим. Йўлимда катта гўла учраб қолди, уни айланиб ўтдим. Сукунатда дарахтдан қуриган шох қарсиллаб узилиб тушди. Ерга ётиб, қотиб қолдим. Ҳаммаёқ жимжит. Орадан

уч-тўрт дақиқа ўтди. Яна ўрмалаб кетдим.

Нам тупроқ қўлларимга, тиззаларимга ёпишар, юзларимдан шовиллаб тер оқарди. Орқамга қараб қўйдим. Уй билан омборхона дарахтлар орасида ғойиб бўлган. Лекин ёғоч кўприк кўриниб турарди. Мен улардан юз метрлар чамаси нарига ўрмалаб бордим. Яна шунча йўл боссам, йигитнинг орқа томонидан чиқаман. Ўрнимдан туриб қўлимни артдим. Кўл ёқасидаги ёйсимон ўрмон бўйлаб юриб кетдим. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, тепаликнинг тагига етиб келдим. Ер майда кум, айрим жойлар игнабаргли арча билан қопланган, қадам товушларим эшитилмайди. Тепаликнинг устига чиққанимда, чап тарафда бошини яшин урган баланд дарахтни кўрдим. Яна юз метрлар юриб, мўлжални тўгри олишим учун ўша дарахт билан кўлга қараб олдим. Дарахтлар орасидан биз қўнган уйнинг томи кўриниб турарди. Тўқсон градус бурилиб, биров кўриб қолса дарров яшириниб олиш учун аста-секин қадам ташлаб юра бошладим.

Кейин бир арчанинг остига чўнқайиб ўтирдим. Энди рақиб менинг пастимда бўлиши керак. Ҳа, қаердадир пастда у милтигини тўгрилаб, уйни кузатиб турибди. Мен қимир этмай буталар ва дарахтлар орасини диққат қилиб кузатарканман, қўлларимга ёпишган лойларни сидириб ташлай бошладим. Зарур бўлиб қолса осонгина оламан деб ёнимдаги тўппончани ушлаб кўрдим.

Кўзим ҳеч нимани илғамади. Биронта хатти-ҳаракату бирон кийимнинг рангини кўрмадим. Йигит пастликда беркиниб олган бўлиши керак эди. Мен ўн метрлар чамаси нарида ҳалин буталарни кўриб ўша томонга ўрмалаб кетдим. У ерда беш даҳиҳалар туриб атрофни яхшилаб кузатдим. Раҳибимдан ҳеч ҳанаҳа из топилмади.

Яна олға ўрмалаб кетдим. Энди сайхонликнинг чети кўринди. У ёгига бориш мумкин эмасди. Агар сайхонлик бўйлаб юрадиган бўлсам, нак уларнинг рўпарасидан чикиб колишим аник, бу — тамом деган сўз. Мен ерга ётганча теварак-атрофни аста кузата бошладим.

Кутилмаганда уни кўриб қолдим. Аввал мендан ўн беш метрлар нарида ботинка, буталарнинг эгилган шохлари орасида шим кўринди. Кейин иккинчи оёқ ҳам. Бу ерда худди тепаликдаги сингари майда дарахтлар, буталар жуда қалин эди. Агар ўнг томонимга яна озгина силжисам, уни яққол кўришим мумкин.

Мен чуқур нафас олдим. Худди темир занжир кукрагимни қисаётгандай булди. Энди бир-икки дақиқадан кейин иккимиздан биттамиз тирик қоламиз. Мен уни туппонча билан дағдаға қилиб қурқитишим ҳам мумкин. Лекин у қурқмаса-чи? Умуман, жон аччиғида кузига ҳеч нарса куринмаслиги мумкин-ку, ахир.

Мен олишмаслигим ҳам мумкин. Лекин шу он Санпортдаги учта пулат сандиқ эсимга тушди. Йуқ. Энди орқага чекиниш мумкин эмас.

Бир бошга — бир ўлим. Ёнбагир бўйлаб ўрмалай бошладим.

Унинг иккала оёгини аниқ кўрдим, улар қимирламасди. Кейин бор гавдаси билан яққол кўринди. Шиша нишонли милтиқ ёнидаги кичкина бутада осиглиқ турибди, ўзи эса уйни синчиклаб кузатарди. Мен бута шохларини шитирлатмасликка ҳаракат қилдим. Озгина шитир-шитир ҳам уни чўчитиб юбориши тайин.

Масофа уч метрлар қолганда тиззалаб туриб бориб туппончани унинг гарданига тирадим. Кейин:

- Хов йигит! Қани, милтиққа қўлингни чўзмай, менга ўгирилчи!— лелим.
 - У ўгирилиб, милтиққа ёпишди.

Овора бўласан, кимирлама, дедим.

У менга ўгирилиб, ғазаб билан тикилиб қолди, чунки мен қараб турмасдим. Оёги мен томонда, қорни билан ерга ётиб олган, қўлидан ҳеч нима келмасди.

– Ўқни суғур милтиқдан!– буюрдим.– Ортиқча ҳаракат қилма!

Отиб юбор уни нарига.

Бутун диққат-эътиборим унга қаратилган, орқамда шитирлаган овозни эшитиб ўгирилганимда кеч бўлганди. Бошимга урилган тўқмоқ сирғалиб қўлимга тегди. Бошимда қаттиқ оғриқ турди. Қўлимни зўр-

базўр қимирлата олдим.

Йигит ирғиб туриб менга бешотар милтиқни тўгриламоқчи бўлди. Мен огриб турган қўлим билан бир шохни, иккинчи қўлим билан қизни ушлаб туриб, худди бир тугунни улоқтиргандай, уни йигитга томон қаттиқ итариб юбордим. Қиз бориб йигитга урилди-ю, иккаласи бешотар устига йиқилиб тушди. Мен эгилиб қўлимдан учиб кетган тўппончани олдим.

Бу ўша париваш малласоч жонон эди. Унинг кўзи ўт бўлиб ёнар, питирлаб оёк-кўлларини силкитиб ўтириб олишга ҳаракат қиларди. Сочларига арчанинг игналари илиниб қолган, тилиниб кетган

тиззасидан қон оқарди.

Уларга яқин келдим. Қиз ўтириб олди, милтиқ оёгининг остидаги қумда ётарди. Қизни нари итариб, оёгим билан бешотарни ўзимга томон суриб олдим, ичидаги ўкларни олиб ташладим-да, ўзини дарахтга уриб синдирдим, қўндоқ нарига учиб тушди. Милтиқнинг шиша нишони синиб, чил-чил бўлди.

- Машина қаерда? -сўрадим мен.

Назаримда, қорни очиб қулдираётган бўлса керак. Буни ваҳшиёна ёниб турган кўзларидан, лабларини силаб қўйганда қалтираётган қўлларидан билиб олса бўларди.

Кимсиз? – деб сўради у. – Сизга нима керак?

– Машина. Назаримда, тушунарли қилиб айтдим чоғи.

Иккаласи хам галати, бир-бирига ўхшаш, тикилиб караб ишонч

хосил қилдимки, улар опа-ука экан.

Йигит баланд бўйли, ёш кўринар, афтидан, йигирма бир ё йигирма икки ёшдан ортиқ эмас, гарчи бунга ўхшамаса ҳам. Икковининг сочлари малла, юзлари ўхшаш. Кўринишлари жуда ёқимли бўлгани билан ҳаддан ташқари хавфли одамлар эди.

– Бу ердан тирик кетолмайсиз, – деди йигит. – Мен уни хам,

сизни ҳам ўлдираман.

Унга тўппончамни тўгриладим.

Туринглар.

У менга қараб аста-секин ўрнидан турди. Қиз жойидан қимирламади. Мен қизнинг қўлидан ушлаб, тургазиб қўйдим. Қип-қизил тирноқларининг учи башарамга яқинлаб кела бошлади. Бир уриб, қўлини туширдим. У гандираклаб укасига ёпишиб қолди.

– Агар хонимча ўз оёклари билан юришни хохламасалар, уни

кўтариб олинг, - дедим.

Йигит алам билан тўппончамга қараб қўйди.

Каёкка?

Йўлга. Айтдим-ку, сизга, менга машина керак, деб.

Қиз жирканиб, укасига қараб қўйди.

- Сен шу аблаҳдан қўрқяпсанми?
- Кўлимдан нима ҳам келарди? деди у. Тўппончаси бор.
- Бас қилинг, буюрдим. Бошқа сафар жанжаллашасизлар.
- Миссис Бетлерни нима қилмоқчисиз? сўради қиз.
- Қиз қилиб оламан. Жуда яхши кўриб қолдим.
- Кимнинг қўлига тушганингизни билмаслигингиз кўриниб турибди. Уни қотилликда айблаб қидириб юришибди. У ўз эрини ўлдирган.
 - Бу ёгидан ташвиш тортмай қуу қолинг, дедим. –

Овозларингизни ўчириб, машина томон бошланг.

Қиз менга қиё боқмай алам билан олдинга индамай кетарди. Тепанинг устига етмай машина кўринди. У буталар орасида турарди. Бу қиз миниб келган ўша машина эди.

Калит кимда? – дедим.

Қиз менга ғазаб билан индамай тикилиб турди. Унинг қўлида сумкаси йўқ, демак, калит ҳам йўқ эди. Мен укасига ҳарадим.

Хўш, калит қаерда? Имилламанг!
 Йигит чўнтагидан калитни чиқарди.

- Мен билан бирга борасизлар. Хонимча ўртамизга ўтириб олади.
- Биз машинага ўтирдик, йигит машинани хайдаб, йўлга олиб чикли.
- -Тепаликдан тушиб, машинани анув уй томонга ҳайданг, буюрдим. Бирон дарахтга бориб ураман деб хомхаёл ҳилманг, мен тирик ҳоламан, сиз иккалангиз ҳалок бўласиз.

Хароми, – деди қиз.

Мен унинг чиройли оёкларига шапатилаб қуйдим.

- Хонимча, Гиллеспи нима бўлди? Топдингизми?

Давоми бор

АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

Журналимизнинг 2008 йилги сонларида қуйидаги асарлар билан танишасиз:

КОРНЕЙ ЧУКОВСКИЙ (Россия). Чехов. Бадиа. ФАРХОД ЖИЛОН (Хитой). Махмуд Кошгарий. Роман. ФАКИР БОЙКУРТ (Туркия). Хикоялар. ЛУИС БОРХЕС (Аргентина). Хикоялар. САМУИЛ АЛЁШИН (Россия). Йўк, ўлмайман мен бугкул. Драма. АНОР (Озарбайжон). Хикоялар. ИЛГОР ФАХМИЙ (Озарбайжон). Актриса. Қисса. БОЛЕСЛАВ ПРУС (Польша). Фиръавн. Роман. ПРЕМЧАНД (Хиндистон). Севги инъоми. Роман.

Булардан ташқари, Fарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

«ЖАХОН АДАБИЁТИ» журналига обуна йил бўйи давом этади.

Индекс: Якка тартибда — 828. Ташкилотлар учун — 829.